

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ИШ ТАРИХИДАН

(Қадимги даврдан ҳозиргача)

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ -- 2012

УДК 355/359(575.S)(09)

ББК 68.49(5Ў)

Ў32

Масъул муҳаррир: **Д.Х. ЗИЯЕВА**, тарих фанлари доктори

Тақризчилар:

Р.Х. СУЛАЙМАНОВ, тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

М.М. ИСХОҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

Д.Ю. ЮСУПОВА, тарих фанлари доктори,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти

С.С. АГЗАМХЎЖАЕВ, тарих фанлари доктори,
Тошкент Давлат Ислам университети

А.Х. АҲМЕДОВ, подполковник

Монографияни нашрга тайёрлашда г.ф.н. А. ТОҒАЕВА
ва Ж.ПИРИМҚУЛОВ иштирок этдилар.

Ў32

Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (қадимги даврдан
ҳозиргача) / Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;
масъул муҳаррир: Д.Х. Зияева / – Т.: «Шарқ», 2012. – 256 б.

Ушбу монографияда Ўзбекистонда қадимдан то ҳозирга қадар
ҳарбий иш тарихи, яъни ҳарбий тактика, кўшинлар, уларнинг тузили-
ши ва қурол-яроғларининг ривожланиб бориши тарихий жараёнлар би-
лан уйғунликда, босқичма-босқич ёритилган. Монография тарихчилар,
ҳарбийлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-00-827-4

УДК 355/359(575.S)(09)

ББК 68.49(5Ў)

ISBN 978-9943-00-827-4

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти – 2012

СЎЗБОШИ

Ҳарбий иш тарихи мазмунан жуда кенг камровли соҳа сифатида ҳарбий соҳага тегишли барча тушунчаларни – ҳарбий сиёсат, жанг маҳорати, қуroll-яроғлар, мудофаа тизими, ҳарбий санъат, айти пайтда урушлар тарихини ҳам камраб олади. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи жуда чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, инсоният тарихида қадимий цивилизация ўчоқларидан бирига асос солган халқимизнинг серқирра ва бой ўтмиш маданиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Айниқса, қарийб уч минг йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтган ўзбек давлатчилиги тарихида ҳарбий санъатнинг ўрни беқиёс. Зеро, бутун ўтмиш мобайнида давлат ва жамиятнинг хавфсизлиги, юрт тинчлиги ва осойишталиги, чегаралар дахл-сизлиги, халқнинг эрки ва озодлиги, маданий тараккиётини таъминлаши учун ҳарбий кучларга эҳтиёж катта бўлган. Шу сабабли ҳарбий ишга давлатнинг муҳим вазифаси сифатида жуда катта эътибор қаратилган.

Ҳали давлатчилик пайдо бўлмаган, жамият тўла шаклланмаган ибтидоий даврлардаёқ, чек-чегарасиз бепоён ўлкаларда яшаган турли уруғ ва қабилалар ташқи хавфлардан ўзларини ҳимоялаш мақсадида иттифоқ ва бирлашмаларга уюшганлар, дастлаб овчилик мақсадларида кашф этилган ўқ-ёйлар, пичоқ, чўқмор ва ойболталардан ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида қуroll сифатида фойдалана бошлаганлар. Айтиан шу даврдан бошлаб дастлабки қуrollлар, ўзаро жанг усуллари пайдо бўлиб, ҳарбий санъатнинг илк қуртаклари шакллана бошлаган.

Жамият ҳаётида илк давлатлар юзага келиши билан уларнинг чегараларини, аҳолининг тинчлигини таъминлаш, ташқи хужумлардан ҳимоялаш мақсадида мудофаа иншоотлари барпо этила бошланди, ҳарбий кўшин тузиш, қуroll-яроғларни такомиллаштириш давлатнинг муҳим функциясига айланди. Шу сабабли ҳарбий санъат тарихи давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди.

Тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ватанимиз худудида давлатчилик ривожланиб, жадал тараккиёт содир бўлган даврларда ҳарбий санъат ҳам ривожланиб, юксалган. Ёки аксинча, сиёсий парокандалик ва тарқоклик даврларида ҳарбий санъат ҳам турғунликка учраган. Мустамлакачилик даврларида эса ўз ҳукмронлигини қуroll қучи билан сақлаб турган мустабид ҳуқумат халқни ҳарбий соҳага умуман яқинлаштирмаган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз хамиша ўз жасорати, шижоати ва ватан ҳимояси учун фидоийлиги билан ажралиб турган, уларнинг ҳарбий маҳорати ва матонати эса ўнлаб мамлакатларни забт этиб, йирик салтанатлар барпо этган Аҳамонийлар, Александр Македонский, Араб Халифалиги ва Чингизхон кўшинларига ҳам панд бериб, хайратга солган.

Аждодларимиз жаҳон ҳарбий санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Хусусан, милоддан аввалги даврларда отлик суворийнинг ўк-ёйдан моҳирона фойдаланиши ва душманни ҳамла билан кучсизлантириб, тўсатдан чекиниш орқали чалғитиш ва тўсатдан яна қайта ҳужумга ўтиш орқали мағлуб этиш усули, ғилдираклари пичокли жанговар аравалар, кичик-кичик тўдаларнинг тўсатдан ҳужум қилувчи партизанлик кураш усуллари, милодий аср бошларида оғир қуролланган отлик қисмларга асос солиниши, уларнинг жанг тактикалари, қурол-аслаҳалари, ҳозирга қадар қолдиқлари сақланиб қолган, катта меҳнат билан қурилган мудофаа деворлари, қалъа-истехкомлари, Амир Темур қўллаган ҳарбий тактика ва кўшин тузилишлари нафакат минтақа, балки жаҳон ҳарбий санъати ривожига катта ўрин туган.

Ватанимизда ҳарбий иш тарихида Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини тиклаган истиқлол даври алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда қарийб 130 йиллик мустамлакачилик тузумига барҳам берилиб, мустақил давлатчилик тикланиши билан мамлакат тарихида муғлақ янги давр бошланди. Ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган халқимиз осойишталиги, тинч тараққиётини таъминлаш, бепеён ватанимиз сарҳадларини кўриқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ҳамда бошчилигида миллий армия ташкил этилди ва у замонавий ҳарбий техника билан таъминланди. Ўзбекистоннинг Мудофаа Доктринаси ишлаб чиқилди ва миллий армия фақатгина мудофаа мақсадларига хизмат қилиши белгилаб қўйилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлашга, уларнинг маънавий тарбиясига, замонавий билимларини ривожлантириш, ақлий салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда ҳарбий соҳадаги жуда катта янгиликлардан бири ҳарбийларга нисбатан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Бу сиёсат уларга нисбатан катта эътибор ва ғамхўрликда, яратилаётган имконият ва берилаётган имтиёзларда намоён бўлмоқда.

Кенг китобхонлар оммасига такдим этилаётган ушбу монографияда Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи илк бор энг қадимдан го ҳозирга бўлган яхлит даврий чегарада, босқичма-босқич ҳамда кенг турдаги тарихий манбалар – археологик топилмалар, кўлёмалар, архив ҳужжатлари, даврий матбуот ва адабиётлар асосида ёритилган, шунингдек, "Қуролли Қучлар тарихи" музейи материалларидан фойдаланилди. Монографияни тайёрлашга Ўзбекистон тарихининг турли даврлари ва йўналишлари бўйича етакчи мутахассислар, ҳарбий фанлар тарихи бўйича мутахассислар, ёш тадқиқотчилар жалб этилган. Хусусан, т.ф.н. М. Филанович (Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги халқларнинг қурол-яроғлари ва ҳарбий маҳорати), т.ф.д. А. Отахўжаев (Сугд чокарларининг ҳарбий маҳорати ва қурол-яроғлари), М. Хотамова (Турк ҳоконлиги даврида ҳарбий қўшин ҳолати), т.ф.д. Ғ. Хўжаниёзов (Қадимги мудофаа иншоотлари), т.ф.д. А. Хўжаев (Қорахонийлар даврида ҳарбий сиёсат ва қўшин), фалс.ф.н., подполковник Б. Негматов (Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий иш тарихи), академик Ю. Буряков ва фил.ф.д., профессор Х. Дадабоев (Амир Темур – буюк давлат арбоби ва етук саркарда), т.ф.н. Р. Мукминова ва т.ф.д. Г. Агзамова (Ҳонликлардаги ҳарбий иш ва қўшин ҳолати), т.ф.д. Д. Зияева (Мустамлака даврида ҳарбий сиёсат, Совет ҳокимиятининг инқирози ва армиядаги салбий муаммолар), т.ф.д. Қ. Ражабов (Совет армияси ва унга қарши мухолиф қуролли қучлар), т.ф.д. А. Голованов (Ўзбек халқининг фашизмга қарши курашдаги ҳарбий жасорати), ф.ф.н. Р. Назаров (Туркистон Ҳарбий Оқруги марказнинг сиёсий манфаатлари ва стратегик мақсадларини амалга ошириш қуроли), ҳарбий фанлар номзоди, подполковник Х. Дадабоев (Ўзбекистон Республикасида миллий армиянинг барпо этилиши ва ҳарбий ислохотлар) томонидан тайёрланган мазкур асар кўп йиллик илмий изланишлар самарасидир.

Монографияда Ўзбекистон ҳудудида энг қадимда илк қурол-яроғларнинг пайдо бўлиши, давлатлар юзага келиши билан мудофаа иншоотларига, ҳарбий қўшинга асос солиниши, ҳарбий ишнинг асрлар давомида ривожланиб боришига таъсир этган иқтисодий, сиёсий омиллар, тарихий шарт-шароит ва воқеалар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этилиб, босқичма-босқич ёритилади.

Асар тарихчилар, ҳарбийлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-Б О Б. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ИШНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

(қадимга даврдан илк ўрта асрларгача)

1.1. Қурол-яроғларнинг ихтиро қилиниши ва ҳарбий маҳоратнинг шаклланиши

Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг ҳарбий маҳоратининг шаклланиши, қурол-яроғларнинг пайдо бўлиши чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, жуда қадим даврларга бориб тақалади. Тош асридаёқ одамлар қурол-яроғлардан нафақат ов мақсадида, балки ўзларини мудофаа қилиш мақсадларида ҳам фойдаланганлар. Даствлабки қурол-яроғлар, асосан, учи ўтда тобланган ёғоч найзадан иборат бўлган. Бундан тахминан 100 минг йил илгари учи чакмоқтош ва суякдан ясалган найзалар ҳамда улоқтириш осон бўлган калта найзалар пайдо бўлди. Одамлар уларни суякдан ясалган найза отувчи асбоблар ёрдамида улоқтирар эдилар.

Тахминан 12 минг йиллар илгари учи чакмоқтошдан ясалган ўк-ёйлар ихтиро қилинди ва бу ходиса кишилик жамиятининг тараққий этишига, хўжалик фаолиятининг ривожланишига туртки бўлди. Асоси суякдан ва сопи чакмоқтошдан қилинган ханжарлар ва пичоклар ясала бошланди. Неолит даврига келиб, палахмонлар янада такомиллашди ва одамлар дастлаб тошларни, кейинчалик эса лойдан махсус тайёрланган ядроларни отишни ўзлаштирдилар. Неолит даврида, яъни, милоддан аввалги VI–IV минг йилликларда тошдан ва кийик шохидан ўйиб ясалган **болталар** каби ҳарбий қурол-аслахалар пайдо бўлди¹.

Инсоният бронзадан фойдаланишни ўзлаштиргач, жамият ҳаётида бир қатор туб ўзгаришлар содир бўлди. Тошдан металлга ўтилгач эса, қурол-яроғлар яна ҳам такомиллашди. Жамият хўжалик ва турмуш тарзига кўра, кўчманчи чорвадорлар

¹ Аникивич М.В., Тимофеев В.И. Вооружение и вооруженные конфликты в каменном веке // Весенняя археология. – СПб., 1998. С.20.

ва ўтроқ дехқонларга бўлинди. Инсоният бронзани эритиш ва унга ишлов беришни кенг ўзлаштириб, ундан нафақат меҳнат қуроллари, балки ҳарбий қурол-яроғ ясашда ҳам кенг фойдалана бошлади.

Бронза даврида чорвачилик ва дехқончиликнинг жадал ривожланиши туфайли овчиликнинг аввалги аҳамияти анча пасайди. Эндиликда чорвачилик учун яйловлар, дехқончилик учун ерларнинг аҳамияти ортиб, уларни эгаллаш, муҳофаза қилиш зарурияти кучайди. Мол-мулкни ташки ва ички хавфдан муҳофаза қилишда ҳамда ўзаро низоларни ҳал қилишда қурол-яроғларнинг аҳамияти янада ортди. Бу даврга келиб, қурол ясаш инсон фаолиятининг мустақил соҳасига айланганлигини археолог олимлар топган кўплаб қурол-яроғ буюмлари ҳам яққол тасдиқлайди. Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслари кенгайиб, такомиллашиб бориши билан металл эритиш ва темирчилик ҳунарлари ривожланди ҳамда ҳужум ва мудофаа учун фойдаланилган қуроолларнинг бир-биридан фарқли ҳолда ихтисослашуви бошланди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёда энг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлган Бактрия ва Марғиёнада яшаган аҳоли жуда кўп сарой ва ибодатхоналар барпо этган, дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган². Бу ерда сакланиб қолган қабрларда кундалик ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар ва ҳунармандчилик буюмлари кўп бўлган, аммо, қурол-яроғлар жуда оз миқдорда бўлиб, қабрларда жангчиларнинг дафн қилинганлигидан далолат берувчи ҳеч қандай белги аниқланмаган. Бу эса ўз навбатида аҳолининг тинч-тотув яшаганлигидан далолат беради. Бирок, Бактриядаги ўтроқ аҳоли манзиллари кўп ҳолларда ташки ҳужумларга дучор бўлиб турган. Хом ғиштдан қурилган мудофаа деворлари аҳоли манзилларини ана шундай ҳужумлардан саклаш учун барпо этилганлигидан далолат беради. Ушбу деворлар ярим айлана, тўғри бурчакли ҳамда миноралар, дарвозаларга эга бўлган мудофаа тизими эди. Бундай кўрғон иншоотлари Ўзбекистонда илк мудофаа иншоотларининг жуда қадим даврлардаёқ юзага келганлигини билдиради.

² Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977.



Ханжарлар ва калта
киличлар (акинак) мил.авв.
VI–III асрлар.

Бактрия – марғиёналиклар манзилларининг мудофаа тизимларидаги биноларнинг меъморий хусусиятлари Ўрта Шарк ва Ҳиндистон мамлакатларидаги мудофаа иншоотларига жуда ўхшаш. Бу эса, улар ўртасида яқин алоқалар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Душман ҳужум қилган ҳолларда аҳоли орасидан лашкар тўпланган, улар асосан найзалар, улоқтирма найзалар, ўк-ёйлар билан қуролланган. Ўқларнинг учлари кўпинча чакмоқтошлардан ясалган, бундан ташқари, улар дудама пичоқлар


ва ханжарларга ҳам эга бўлганлар. Бу даврда найзали ойболтага ўхшаган жанг қуроллари – (клевец) пайдо бўлган. (Ана шундай намуналардан бири ҳозирда «Ўзбекистон халқлари тарихи» музейида сақланмоқда). Бу турдаги кистанлар Месопотамия (Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида) да ҳам топилган бўлиб, у ердаги шахар – давлатларнинг уюшган армияси таркибида ўк-ёйлар, найзалар билан қуролланган жангчилар қаторида кистанчилар ҳам мавжуд бўлган³.

Худди Месопотамиядаги сингари, Бактрия–Марғиёнада ҳам ёйдан ўк отувчилар ва найза отувчилар бўлган, улар туя ҳамда хачир қўшилган, икки ёки тўрт ғилдиракли, баҳайбат аравалардан фойдаланганлар. Қадимги даврларда бактрияликларга от яхши маълум бўлган бўлса-да, уларнинг қўшинлари сафида отлик жангчилар бўлганлиги ёки от қўшилган енгил ғилдиракли жанг араваларидан фойдаланганликлари тўғрисида аниқ далиллар мавжуд эмас.

Сополлитепа манзилгоҳида топилган бронзадан ясалган кўкрак калкони бу ҳудудда шахсий мудофаа учун калкон совутлардан фойдаланилганлигидан далолат беради.

³ История Древнего Востока. Под ред. И.М. Дьяконова. Ч. I. - М., 1983. - С. 235.

Қарийб 2700 йиллик та-рихга эга «Авесто»нинг Меҳр Яшт қисмида Митра худо-сига бағишланган мадҳияда ҳарбий жасорат, ўз сўзи ва касамига содик бўлган жанг-чи барча учун ўрнак қилиб тасвирланиши ўша пайтда ҳарбийларга кўйилган талаб-ларни ҳамда уларга нисбатан муносабатни намоён этиш билан бирга, бу даврга келиб жангда отдан фойдалана бош-лаганларидан далолат беради. Зеро, китобда таърифланиши-ча, Митра худоси ўзининг ок




Жанговар болталар турлари.

отлар қўшилган аравасида ёвуз кучларга қарши, эзгулик ва адолат учун жанг қилади. Асарда урушга шайланаётган душ-ман устига кетма-кет ҳамлалар қилаётган қудратли аскарлар, ҳукмдор – лашкарбошилар ҳақида ҳам кўтаринки руҳ билан ҳикоя қилинади⁴. Бу ҳикоялар милоддан аввалги II минг йил-ликнинг охири – I минг йилликнинг бошидаги воқеликларни акс эттиради. Асарда тасвирланишича, Митранинг сарик ме-таллдан (бронзадан) ясалган найзаси, ўқлари, кийик пайла-ридан бўлган ёйи, тош отар палахмони, икки томонидан ке-садиган ханжарлари, ойболталари, улоктирилувчи болталари бўлган. Қўшин қатор-қатор бўлиб сафга тизилган ва марказ ҳамда ён қанот қисмларига бўлинган. Улар жангга саф торт-ган ҳолда кирган, жанг олдидан ҳар икки тараф баҳодирлари яккама-якка жанг қилган.

Демак, милоддан аввалги II минг йилликка келиб бакт-рияликлар, сўғдлар, хоразмликлар, парфийналиклар, фарғона-ликлар жангга от миниб кирганлар. Мамлакатимиз худуди-да яшаган массагет ва саклар жангчилари ҳақида манбаларда кизикарли маълумотлар келтирилади.

Милоддан аввалги V асрда ўтган юнон тарихчиси Геродот

⁴ Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И. Стеблина-Каменского. – М., 1993. С. 76–116.




Скиф ёйи.

массагетларни шундай тасвирлайди: «улар отлик ва пиёда жангчилар (уларда бу кўшин турларининг иккиси ҳам мавжуд) ҳамда камончи ва найзабардорлардир. Улар одатда кистан билан юрадилар. Куролларни мисдан ясадилар. Камар ва белбоғларини олтин билан безайдилар. Отларининг кўкраklarини улар мисдан қилинган кежимлар (яъни баргустивон ёки ёпинчик) билан ёпадилар, жиловларнинг айил ва

тўқаларини ҳам олтин билан безатадилар»⁵.

Геродотнинг тасвирлашича, саклар ҳам ўша ерликларга хос ўқ-ёйлар, калта қиличлар ҳамда икки томони ҳам кесадиган кистанлар билан куролланганлар. Даштлик кўчманчиларнинг ўзига хос курол-яроғлар мавжуд бўлиб, бу асосий ҳарбий куч сифатида суворийларга мўлжалланган уруш тактикасининг шаклланишига олиб келган. Бу тактикага кўра, улар отда жанг қилиш кўникмаларига эга бўлганлар, лекин айти пайтда пиёда кўшинлардан фойдаланувчи ўтрок аҳолининг ҳарбий санъати таъсирида бўлганлар.




Калта ханжар ва узун қиличлар.

Бактрияликлар, парфияликлар, хоразмликлар ва бошқа ўтрок халқлар дастлаб камишдан ясалган ёйлар ва калта найзалар билан куролланганлар. Аммо, камишдан ясалган ёйлар сакланиб қолмаган. Кейинги даврларга оид манбаларда қайд этилишича, бу камонлар ёғоч ва камишни елиглаб ёпиштириш йўли билан ясалган.

⁵ Геродот // История Узбекистана в источниках (составитель Б.В. Лукин). – Ташкент, 1984. С. 54.

Қадимги даврда узокдан туриб жанг қилиш мақсадида ихтиро қилинган қурулларнинг энг муқаммали бронза асрининг охирида пайдо бўлган «скиф ёйи» эди. Манбаларда Яксарт (Сирдарёнинг қадимги номи) бўйларида яшаган сакларни, «отган ўки хато кетмайдиган энг мохир ўқчилар» сифатида таърифланиши бежиз эмас эди. Бу мураккаб тузилган ёй бир нечта ёғоч бўлақларидан ясалган⁶. Унинг икки учи ва ўрта дастаси эгилмайдиган, елкалари эса қайишқоқ бўлган. Ёй тортилган ҳолатда грек алифбосидаги «сигма» (Σ) ҳарфини эслатарди. Бундай турдаги ёй унча катта бўлмади (60–80 см.), унинг ўқлари ҳам 80 см дан ошмаган. Бу енгил ёй кўчманчиларнинг энг яхши кўрган қурули эди. Ўзининг отда кетаётган пайтда отишга қулайлиги, ўқнинг узокқа бориши туфайли у Шарқдаги ўтроқ халқлар томонидан, шу жумладан хитойликлар томонидан ҳам жуда қадрланган. Шу қулайлиги сабабли бу қурул тури Ўрта Осиё, Эрон ва Олд Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида олиб борилган қазилмалар пайтида бундай ёй ўқларининг турли шаклдаги учлари топилган. Улар асосан, икки учли бўлиб, ўқнинг чўпдан ясалган қисмига киритиш учун тешикча бўлган, шу



Қамондан ўқ узаётган отлик суворий.

⁶ Хазанов А.М. Очерки военного дела сарматов. – М., 1971. С. 29.



Ўқ-ёй билан қуролланган
пиёда жангчи.

билан бирга, уч қиррали, думалок, кейинрок эса тешикли учлардан ҳам фойдаланилган⁷.

Ўрта Осиё суворийсининг қурол-яроғларининг стандарт мажмуаси энг аввало, санчувчи, зарба бериш учун мўлжалланган, қинга солиниб, камарнинг олд томонига осилган калта киличдан ҳамда ўнг бикинга олд томондан маҳкамланган ханжардан иборат бўлган. Ҳар бир ҳолатда маҳкамлашга мос бўлган кин шаклидан фойдаланилган. Ипи тортилган камон ёғочдан ёки пўстлокдан ясалган, ҳамда чарм қопланган садокка солинган. Ўқлар садокка солинган.

Ўқлар садокка учлари юқорига қаратилган ҳолда солинган. Ўнг ёнга энсиз жанговар болта – чопки, баъзан эса тумшукли болта («қарғатумшук») осилган. Қурол ва унинг маҳкамланиши отда юришга мослаштирилган. Жангчилар от чоптириб бораётиб ёки орқага бурилиб, ўқ уза олганлар. Калта зарбали ёки ирғитиладиган найзалардан камрок фойдаланилган. Бадавлат саклар дафн қилинган қабрлардан топилган, новдадан тўқилган ва чарм қопланган кичкина қалқонлар эгарга боғлаб қўйилган. Найзалар, тумшуксимон болталардан пиёдалар ҳам жангда яхши фойдаланганлар⁸.

От абзаллари эса асосан чўзинчок ясси жабдук шаклидаги эгардан ва айиллардан иборат эди. Жиловланган арғумок отлар кўпинча ҳалок бўлган суворийлар билан бирга дафн қилинган. Масалан, Олтойдаги Пазарик кўрғонида сак қабила бошлиқларининг қабрларидан қурбонликка келтирилган отлар топилган. Тупрокнинг доимий музлик катламида қолгани учун отларнинг танаси ўзининг асл кўринишини яхлит саклаб

⁷ Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987. С. 33.

⁸ Степная полоса азиатской части СССР в скифо-сарматское время. – М., 1992.

колган. Бу сакларнинг фойдаланган отлари ва уларнинг абзаллари хақида тўлик тасаввур беради⁹.

Калта ёйдан ташқари, Ўрта Осиёда пиёда аскар жанг қилганда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган узун ёйдан фойдаланилган. Узунлиги 180 см гача бўлган бу ёйлар ҳам мураккаб тузилган бўлиб, уларнинг ўртаси ва учлари суяк пластинкалар билан маҳкамланган. Улар анча эгиловчан ва узокқа отиладиган бўлган. Бу ёйлар милоддан аввалги сўнги асрларда қўллана бошлаган¹⁰. Бундай ёйлар Хоразмда, шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида топилган.

Милоддан аввалги VIII–VII асрларда Ўрта Осиёда темир металлургияси пайдо бўлиши билан, одамлар ундан нафакат меҳнат куроллари, балки курол-яроғлар ҳам ишлаб чиқара бошлаганлар. Темирдан, биринчи навбатда, ханжар, килич ва жанговар болталар ясалган. Баъзан найза ва ўкларнинг учлари ҳам темирдан ясалган. Айни пайтда милоддан аввалги I асрга қадар бу куролларни бронзадан қуйиб ясаш ҳам давом этган.



Оғир ва енгил куролланган отлик суворийлар жанг майдонида (мил.авв. I – милодий II асрлар).

Енгил куролланган отлик қўшиннинг тактикаси ялпи шиддатли ҳамлага ўтишдан иборат эди. От устидан ўк узаётган отликларнинг тартибсиз оқими душман устига ёмғирдек ўклар (кўп холларда захарли ўклар) ёғдирар, сўнгра эса яна

⁹ Грязнов М.П. Первый пазарыкский курган. – Л., 1950.

¹⁰ Хазанов А.М. Очерки военного дела... С. 30

шиддат билан орқага қайтар эди. Қадимги давр тарихчилари буни, «қочиб жанг қилиш» усули деб атаганлар. Бу усулга кўра, жанг чоғида отлик аскарлар орқага ўгирилиб, ўқ уздилар ва душманни ўзларининг орқаларидан эргаштириб кетадилар. Кейин эса бирданига орқага қайрилиб, жангга кирадилар, лекин кўл жангига фақат вазият мажбур қилгандагина киришганлар.

Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига бостириб келган Аҳамонийлар (Эрон) кўшинларига қарши курашган ажлодларимиз бактрияликлар, сўғдликлар, марғиёналиклар, шунингдек, сак-массагет қабилаларининг жасорати, матонати ва ҳарбий маҳорати ҳақида юнон манбаларида қизиқарли тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, юнон тарихчиси Геродотнинг тўққиз китобдан иборат «Тарих» асарида милоддан аввалги 530 йилда ватанимиз ҳудудига бостириб келган Аҳамонийлар, аниқроғи Кир II бошчилигидаги форс кўшинларига қарши Малика Тўмарис бошчилигида массагетлар олиб борган мардонавор кураш ёрқин тасвирланган.

Геродотнинг қайд этишича, Тўмарис бошчилигидаги массагетлар Кир II кўшинига қарши курашда сакларга хос бўлган «қочиб жанг қилиш» тактикасини қўллаганлар. Олдин Тўмарис, гўё унинг бошига тушган кулфат (ўғлининг ўлими) туфайли ўз кучларига ишончини йўқотгандек ҳаракат қилади ва атайлабдан чекиниб, Кирни ўз ортидан бир дара томон эргаштириб боради. У ерга эса пистирма қўйилган эди. Аввал бир-бирларини камондан ўққа тутиш билан бошланган жанг кейин кўл жангига айланиб кетади, найзалар ва қиличлар билан аёвсиз уруш олиб борилади. Геродот «энг шиддатли» деб таърифлаган бу жангда массагетлар форс кўшинларини тор-мор келтирадилар.

Массагетлар кўшинига аёл киши раҳбарлик қилгани ягона факт эмас. Зеро, Ктесий Книдский ва бошқа муаллифлар ҳам сак аёлларининг отга миниб эркаклар билан бир қаторда жанг қила олганликлари ҳақида бошқа мисолларни ҳам қайд этадилар¹¹. Зарина, Спатерра сингари аёл қабила бошликлари шулар жумласидандир.

¹¹ История Узбекистана в источниках... С. 68, 69.

Ёзма ва археологик манбаларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудида яшаган сак қабилаларининг қўшинида нафақат енгил камончилар, балки пиёдалар ҳам салмоқли бўлган. Милоддан аввалги V асрда сак қўшинлари таркибида ёпинчикли совутлар билан ҳимояланган, узунлиги 3 метргача бўлган найзалар билан қуролланган суворийлар ҳам бўлган. Бундай суворийни ҳимояланувчи яроғлари қаторига совут билан бирга бронзадан қилинган дубулғани ҳам қиритиш мумкин. (Самарқанд яқинида тонилган ана шундай дубулғанинг бир намунаси Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланмоқда).

Суворийларнинг қурол-яроғлари таркибида кесувчи, зарба бериш учун мўлжалланган узун қиличлар бўлган. Дастлаб бундай қиличлар Орол бўйида яшовчи қабилаларга маълум бўлган. Бундай қурол намуналари даҳмалардан топилган.

Ўрта Осиё ҳудудини босиб олган Ахамонийлар маҳаллий қучлардан ўз ҳарбий юришларида фойдаланганлар. Ахамонийлар қўшини таркибидаги хоразмликлар, сак-массагетлар ва бактрияликларнинг отрядлари кўп жанглarda энг фаол қуч бўлганлар. Масалан, македониялик Александр билан Ахамонийлар ўртасида милоддан аввалги 331 йилда Гавгамел ёнида бўлиб ўтган жанглarda иштирок этган сакларнинг отлик аскарлари македонияликлар сафини ёриб кириб, авангард қисмларни қочишга мажбур этганлар.

Бактриялик ва сўғдлик жангчилар жасорати ва ҳарбий маҳорати кейинчалик Ўрта Осиёга бостириб қирган юнон-македонларга қарши милоддан аввалги 329–328 йилларда Спитамен бошчилигида кўтарилган кўзғолонлар давомида янада ёркин намоён бўлди. Улар бир неча йил давомида ўз ватанларини босқинчилардан озод қилиш учун фаол кураш олиб бордилар. Маҳаллий жангчилар мардонавор курашларда қўллаган ҳарбий услублари туфайли кўп жанглarda душманга панд берганлар. Шу сабабли ҳам македониялик Александр ўз юришлари тарихида илк бор Ўрта Осиёда мағлубият аламини тортган, бу эса аждодларимизнинг юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлганлигидан далолат беради.

Грек-бактрия подшоҳлиги даврига келиб, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қўшинлар таркибида юнонлар ва бактрия-

ликлардан иборат энгил отлик кўшин ташкил топди. Оғир курулланган найзабардорлар ва энгил ўкчилардан иборат пиёда кўшинлари тузилди. Кўшин таркибида Ҳиндистондан келтирилган жанговар филларга эга отрядлар ҳам бор эди. Бу филларга ичига жангчилар жойлашиб олган минорачалар маҳкамлаб кўйиларди. Филларни пистирмада ушлаб турганлар ва жангни ҳал қилувчи лаҳзасида урушга солганлар.

Кейинги даврларда, аниқроғи, Парфия подшолиги, Кушон подшолиги Қанғ давлати даврида ҳарбий тактика ва курул-яроғ янада такомиллашиб борди. Бу даврда кўчманчи ва ўтрок аҳолининг барча соҳалардаги ўзаро таъсири ҳарбий соҳада ҳам яққол намоён бўлди ҳамда оғир курулланган отлик кўшин (катафрактарлар) – суворийлар қисми ташкил топди. Бу сифат жиҳатдан янги, ўз тактикасига эга бўлган кўшин тури эди. Ушбу кўшин тури олдинги вақтлардаги совутли суворийлардан тубдан фарқ қиларди.

Гарчи, эрамыздан олдинги VI–V асрлардаёқ массагетларда ёпинчикли отларда найза тутган ҳолда жанг қилувчи оғир курулланган суворийлар мавжуд бўлган бўлса-да, уларнинг сони унча кўп эмас эди, ҳарбий отрядларнинг асосий кучини энгил курулли отликлар ташкил этарди. Парфия подшолиги, Кушон подшолиги Қанғ давлати даврига келиб эса, оғир курулланган отлик суворийлар кўпайтирилиб, уларнинг курул-яроғлари ва тактикаси такомиллашди.

Қанғ давлатида янги турдаги кўшин ва унинг тактикасини яратишга қаратилган ҳарбий ислохотлар натижасида нафақат оғир курулли отлик суворийлар, балки оғир курулли пиёдалар ҳам ташкил этилди.

Қанғ суворийларига хос хусусият – уларнинг оғир, ҳимояловчи яроғлари эди. Суворийлар таналарининг асосий қисмининг пластинкали ва тангали совут беркитиб турган. Зирҳли кийимлар кийган баҳодир жангчиларнинг отларига устига чармдан ёки металлдан тайёрланган ёпинчиклар ёпилган. Аммо улар бундай ёпинчиклардан ҳамма вақт ҳам фойдаланавермаганлар. Археологик ашёларда ёпинчиксиз от минган суворийлар тасвирлари ҳам учраб туради.

Қанғ суворийларига хос яна бир хусусият – уларнинг курул-яроғлари орасида узунлиги 4–4,5 метргача борадиган

учли найзаларнинг мавжудлиги эди. Бу найзалар оғирлиги боис доим иккиқўллаб тутиб турилар эди. Отларни эса жангчилар ҳаракат чоғида тиззалари ва овозлари ёрдамида бошқарганлар. От анжомлари орасида қошига узун ёй осилган эгар бўлган, аммо, илгаригидек узанги бўлмаган. Суворийларнинг курол-яроғлари орасида катта ёй ҳам бўлган. Ёй учун мўлжалланган садоқ ва бу садоқнинг ўқлар солиш учун қилинган чўнтақлари ҳам бўлиб, ўнг ёнга осиб юрилган. Чап томонда эса узун қилич камарга осилган. Ханжар ва болтача эса ёрдамчи қуроллар сифатида хизмат қилган. Бошни дубулга химоя қилиб турган.

Оғир қуролли отлик суворийлар бир сафга маҳкам жипселашиб, душманга ҳамла қилганлар. Чунки ёлғиз ҳаракат қилганда бундай суворийлар барча устунликлардан маҳрум бўлган. Шунинг учун жанговар ҳаракатларда оғир қуролланган отлик қисмлар энгил қуролланган отлик қисмлар билан биргаликда олиб борилган. Жанг қилишнинг бундай тактикаси Плутархнинг милоддан аввалги 53 йилда парфияликларнинг римликларга қарши қилган жангини тасвирлаб ёзган ҳикоясида баён этилади. Унда ёзилишича, лашкарбоши Сурена бошчилигидаги парфияликлар Марк Кросс кўмондонлиги остида Рим легионларини бутунлай тор-мор келтирган эдилар. Парфияликлар аввалига римликлар сафини ўзларининг оғир қуролли отликлар билан ёриб ўтиш фикридан воз кечганлар. Шундан сўнг энгил суворийлар жангга кирганлар. Улар душман устига ўқ ёғдирганлар. Ўқ захиралари кўп бўлган, чунки жанг пайтида туяларда тинимсиз ўқ келтириб турилган. Римликлар уларга ҳамла қилишга қарор қилган пайтда энгил отликлар «сохта чекиниш» билан римликлар отрядининг бир қисмини ўз ортларидан эргаштириб кетганлар. Шу тариқа уларни римликлар қўшинининг асосий қисмидан узиб қўйганлар, айнан шу пайтда энгил отликлар ёйлардан ўқ узиб, оғир отликлар эса найзалар билан ҳужум қилиб, душманни қириб ташлаганлар. Шундан сўнг парфияликлар қайта сафланиб, римликларнинг асосий кучларига ҳужум қилганлар. Авангардда оғир отлик суворийлар борган ва римликларни учли найзалар билан фронт томондан сиқиб

келганлар, енгил отлик қисмлар эса уларни ён қанотларидан ўққа тутганлар. Биргаликда қилинган мана шу ҳужум жанг тақдирини ҳал қилган ва шу вақтга қадар мағлубият нималигини билмаган римликлар тор-мор бўлганлар.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида топилган, милоддан аввалги I асрга мансуб Холчаён саройидаги бўртма тасвирлар¹², шунингдек, Тахти Сангин ибодатхонасидан топилган Сулк пластинкалари Кушон давлатида ҳам, худди парфияликларда бўлгани каби енгил отликлар ва оғир қуролли отлик суворийлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Оғир қуролланган отликлар ва уларнинг юзма-юз тўқнашувда жангни олиб бориш усули яна бир ноёб ёдгорликда – Самарқанд вилоятидаги қўрғондаги қабрдан топилган (милоддан аввалги I – милодий I асрларга мансуб) икки дона йирик суяк пластинкада ўз аксини топган¹³.

Бу пластинкаларнинг бирида жанг тасвири ўйиб ишланган, иккинчисида эса яккама-якка жанг тасвирланган. Бу тасвирда оғир қуролланган отлик суворийларнинг катафрактарлар қуролланишига хос барча белгилар аниқ кўзга ташланади. Пластинкадан ишланган, бўйинни ҳимоя қиладиган, тик ёқали, тиззагача тушиб турадиган, кенг, зирҳли юбкасимон қисмга эга бўлган совут суворийнинг бутун гавдасини беркитиб турган.

Пластинкада Қанғ давлатидаги зодагонлар ўртасидаги жанг лаҳзалари акс эттирилган. Бу жангда аскарлар дудама қиличлар, болта, найза ва ёйлардан фойдаланганлар. Бу тасвирдаги тактик вазифа – гуруҳлардан бирининг қўлида икки думли аждарҳо кўринишидаги туғни ушлаб турган саркардани йўқ қилишдир. Унинг қўлидаги туғлар газлама парчаларидан нов шаклида тикилган бўлиб, от чопаетган пайтда ичига ҳаво кириб, ўзига хос овоз чикарган.

Ўрта Осиёда пайдо бўлган янги тактикани кейинчалик римликлар ҳам қабул қилдилар. Кейинги асрларда икки қўшин турининг биргаликда ҳаракат қилиши Ўрта Осиёнинг ўзида янада ривожланди. Ўзига хос тактикага эга бўлган оғир

¹² Пугаченкова Г.А. Халчаян. – Тошкент, 1966. С. 192–213.

¹³ Пугаченкова Г.А. Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Тошкент, 1989. С. 104–106.

қуроли отлик суворий кўшинлардан фойдаланиш тажрибасидан бошқа халқлар ҳам ибрат олдилар. Бу ҳол кўп асрлар давомида нафақат Шарқда, балки Шарқий ва Ғарбий Европада ҳам ҳарбий санъатнинг ривожланишини белгилаб берди.

Ўрта Осиёда енгил қуроли ва оғир қуроли суворийлар учун яроқли бўлган махсус зотли отлар ҳам етиштирилган. Тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, отларнинг турли зотларини етиштириш бўйича наслчилик ишлари милоддан аввалги II минг йилликдаёқ бошланган ва биринчи минг йилликнинг дастлабки асрларида бу фаолият ўз натижаларини бера бошлаган. Чопқир отларни етиштириш билан ўша даврда асосан Мидияда ва Ўрта Осиёда шугулланганлар, чунки бу ерларда отлик кўшин ғилдиракли араваларнинг ўрнини эгаллаб армияда асосий бўлинма бўлиб қолган эди.

Қадимги даврда Римдан Хитойгача бўлган мамлакатларда Ўрта Осиёнинг «саман отлари» тенги йўқ деб ҳисобланган. Бу отлар ҳозирги ахалтекин, қорабайир, лақай отларининг аجدодлари эдилар. Қадимги манбаларда «ғайритабий мавжудотлар», «илоҳий отлар», «осмон отлари» деб аталган Ўрта Осиё отларининг шон-шуҳрати айнан милоддан аввалги I минг йилликка бориб такалади. Бундай отларни етиштиришда Парфия, Бактрия, Фарғона, Чоч (Тошкент воҳаси) йилқичи-наслчилари донг чиқарган эдилар. Отлар ҳаттоки ўзаро урушларга, босқинчилик юришларига ҳам сабаб бўлган. Хусусан, Хитой императорининг милоддан аввалги II–I асрларда Фарғонага қилган юришларининг мақсади ана шундай отларга эга бўлиш эди. Хитойликлар «кон терли отлар» деб атаган бу отларнинг бўйи баланд, танаси бақувват, лекин ихчам тузилган, бўйни оккуш сингари қайрилган, киргийбурун бошли бўлган¹⁴. Ўрта Осиёнинг бу жанговар отлари фақатгина ўз эгасини тан олар, туёқлари ва тишларини ишга солган ҳолда эгаси қатори жанг қилар эди. Манбаларда бундай отлар ярадор суворийни ўлдирмоқчи бўлган ёки унинг қуроли-яроғларини олмоқчи бўлган душманларни даф қилгани ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб мисоллар келтирилган. Бу ҳол жангда нафақат инсон, балки у билан ёнма-ён жанг

¹⁴ *Винт. В.О.* Лошади Пазырыкских курганов // НСА. XVI. – М.–Л., 1952. С. 170–177.

қилаётган садақатли йўлдош – отларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлганлигидан далолат беради.

Тарихий манбаларда қадимги Хоразм ҳарбий санъати ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар сақланган. Уларнинг кўрсатишича, хоразм жангчилари конус шаклидаги учли дубулғалар кийганлар. Шу билан бирга юмалоқ, тепасига жиға ёки патлар қадалган дубулғалар ҳам бўлган.

Хоразмлик жангчилар ҳам камон, ханжар, қилич ёки найза, жанговар болта ва шу кабилар билан қуролланишган¹⁵. Қоятошлардаги тасвирлар, нумизматик ҳамда археологик материаллар ҳам шуни тасдиқламоқда. Чунончи, қадимги Хоразм тангаларида турли қуроллар – найза, чўкмор, садок тутган шоҳ суворий (маъбуд) тасвирланган. Қўйқирилганқалъанинг қуйи қатламларидан шу каби тасвирлар туширилган сопол сувдон, Чирик Работда совут колдиғи, (милоддан аввалги IV–II асрлар) Тупроққалъа қасрида мил. II аср ўртаси – IV аср бошидаги хоразмлик жангчи қуроласлаҳасининг деярли бутун тўплами топилган. Бу ерда топилган ҳайкалларда дубулға, совут пластинаси, камар ва бошқа қуроллар аниқ кўриниб туради¹⁶.

Хоразм аҳолиси қурол сифатида ишлаётган камонлар мураккаб бўлиб, ўзаро боғланган бир неча бўлак ёғочдан таркиб топган. Камоннинг учи, шунингдек, ўртаси суяк коплама билан мустаҳкамланган. Бу унинг эгилувчанлигини оширган ва узокдаги нишонни уришини осонлаштирган.

Бундай камонлар суяк (кийик шохи) ва ёғочдан ясалган. Тупроққалъа қасридан топилган камонга қараганда, таранг тортилган хоразм камонининг узунлиги 1,5 метр атрофида бўлган. Бу мил. авв. сўнгги асрларда оғир яроғ-аслаҳа ривожланиб тарқалиши муносабати билан юзага келган мураккаб таркибли катта камоннинг хоразмча маҳаллий варианты ҳисобланади. Тупроққалъа шахристонининг жануби-шарқий қисмида камон тайёрланиб, таъмирланадиган устахона топилган¹⁷. Қўйқирилганқалъадаги деворий расм парчаларидан би-

¹⁵ Геродот. История в девяти книгах. VII. М., 1889. С. 64, 66.; Уилбер, 1977. С.71

¹⁶ Топрак кала. Дворец. // ТХАЭЭ. Т.XIV. М., 1984. С. 71, 101, 104, 106.

¹⁷ Городище Топрак кала. М., Наука. 1981. С.102–103

рида камондан отаётган киши тасвирининг қолдиғи сақланиб қолган¹⁸.

Хоразм камони бутун Шарқда донг таратган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразмда кучли кишиларгина торта оладиган камонлар тайёрланган.

Қадимги Хоразм ёдгорликларида камон ўқларининг жез ва темир пайконлари учрайди. Масалан, Тупроққалъада камон ўқларининг майда ва йирик пайконлари топилган. Хоразмлик жангчилар ипи тортилган камонни ғилофга солиб юришган. Ёғоч ва суякдан тайёрланган ғилоф чап томондан белга тақилган. Суяк ва чармдан тайёрланган садок жангчининг ўнг бикинига, камарга илгаклар билан илинган.

Хоразм воҳасидаги Қўйкирилганқалъа, Жонбосқалъа, Хумбузтепа топилмаларида ҳам найза кўтарган суворий акс эттирилган. Юпқа совутдаги суворий чап ёнида найза билан тасвирланган. Тупроққалъадан III–IV асрларга оид найза пайкони топилган¹⁹.

Қадимги Хоразмда ҳам энг кўп топиладиган нарса ядролардир. Ядролар таркибига кўра уч хил бўлиб, лойдан ясалган (пиширилмаган), пиширилган ва тош ядролардан иборат бўлган. Қўйкирилганқалъа, Тукқалъа, Капарас, Кичик Қирққизқалъанинг қуйи қатламларида асосан лойдан ясалган ядролар топилган. Лойдан ясалган энг йирик ядронинг диаметри 7,2 см, оғирлиги 238 грамм, қолган ядролар диаметри 4,5–6,5 см гача, оғирлиги ҳам тегишлича 208 граммдан 775 граммгача эканлиги аниқланган.

Хумбузтепа, Кат, Хивада пиширилган ядролар топилган. Масалан, Хумбузтепа манзилгоҳида диаметри 3–6 см бўлган думалоқ шаклдаги пиширилган ядролар сақланиб қолган. Тош ядролар, ўз навбатида, икки гуруҳга бўлинади. Булар қум-тошдан думалоқ ва шарсимон, баъзан куб шаклига яқин қилиб тайёрланган ядролар. Биринчи гуруҳга қирувчи ядроларининг диаметри 4,40 см дан 7,80 см гача, оғирлиги 98 граммдан 507 граммгача бўлган. Иккинчи гуруҳ ядролар қаттиқ тош жинсларидан, кўпинча амфиболитдан тайёрланган.

¹⁸ Қойқырылганқала – памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. ТХАЭЭ. т.V. М., Наука, 1967. С. 215.

¹⁹ Топракқала. Дворец. // ТХАЭЭ. Т.XIV. М., 1984. С. 222.

Илк ўрта асрларда ҳарбий қўшин ва қурооллар. Ўрта Осиёдаги ҳарбий қўшин санъатида оғир қуроолланган суворийлар ва уларга хос жанг тактикаси милоднинг V –VI асрларида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди.

Бу даврда ҳарбий кучларнинг жанг қилиш тактикаси ҳам янгиланиб, оғир қуроолли отликлар марказда жойлаштирилди диган бўлди. Уларнинг ҳаракатлари олдинги давр аънаналарига асосланган бўлиб, қуроол-яроғларига қатор янгиликлар кириб келди. Афросиёб кўрғонида (Самарқанд), Панжикент, Бунжикатдаги²⁰ деворий тасвирларда ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида топилган археологик топилмалар жангчиларнинг ҳужум ва ҳимоя қуроолларини, улар фойдаланган отларнинг абзалларини анча тўлиқ акс эттиради. Ушбу тасвирларда жангларда пиёдалар, отликлар ва жанговар филлар иштирок этганлиги ўз ифодасини топган.

Бу даврда мураккаб тузилган йирик ёйнинг такомиллашган тури кенг тарқалган. У ўртаси суяк дасталар билан мустаҳкамланган, тўғри ва каттик учли эди²¹. Бу ёй, асосан, совутли отликларга қараб ўқ узиш учун мўлжалланган эди. Пайкони оғир, узунлиги 90 см гача бўлган патли ўқлар зирхли кийимларни ҳам тешиб ўтишга қодир эди. Булардан ташқари анча енгил ўқлардан, шу жумладан, «қуйловчи» ўқлардан ҳам фойдаланилган. Бундай ўқларнинг пайкони остида кичик соққачали тешикча бўлиб, отилган пайтда хуштак чалиб учар эди. Ўқларни пастга қараб кенгайиб борувчи садокларда, учини юқорига қилиб солган ҳолда олиб юрганлар. Бундан ташқари, ёй солиш учун алоҳида ғилоф бўлиб, у ўнг томонга осиб юрилган. Ипи бўшатишга иккита ёй эҳтиёт шарт солиб қўйиладиган, ёй шаклида эгилган бошқа ғилоф эса камарнинг чап томонига осилган.

Қуроол-яроғлар орасида отликларнинг учли, узун найзалари ажралиб турган. Бу найзалар юзма-юз жангда таран зарбаси беришда қўлланилган. Ирғитиладиган найзалардан фойда-

²⁰ *Альбаум Л.И.* Живопись Афроснаба. – Т., 1975; *Беленицкий А.М.* Монументальное искусство Пянджикента: живопись. – М., 1954; *Средняя Азия в раннем средневековье.* – М., 1999. С. 73–74; *Маришак Б.И., Распопова В.И.* Война глазами согдийских художников // Военная археология. СПб., – 1998. С. 278–281.


²¹ *Худяков Ю.С.* Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. – Новосибирск, 1996. С. 208.

ланиш аста-секин йўқолиб бораётган пайтда пайкони қиррали ёки текис бўлган зирҳли кийимни тешиб ўтадиган найзалар тобора кўпроқ аҳамият касб этган.

Бу даврда санчувчи, кесувчи қуроғлар ҳам яқиндан туриб олиб бориладиган жангда ишлатиладиган ҳужум қуроғлари сирасига қирган. Шу вақтга қадар ҳужум қуроғлари қиличлар ва ханжарлардан иборат эди. Расмлардаги тасвирлардан шуни кўриш мумкинки, жангчининг иккита камари бўлган ва уларнинг фақат биттаси қуроғ-яроғ учун мўлжалланган. Ханжар эса бошқа камарга осилган. Ханжар зодагонларнинг тантанали маросимларда тақиладиган қуроғи сифатида қинларда олиб юрилган. Бундай қинга солиб юриладиган ханжар озод зодагонларнинг юқори табақасига мансубликни кўрсатувчи белги ҳисобланган.

Кейинчалик санчувчи ва кесувчи қуроғлар тўпламида катта ўзгаришлар юз берди. Гарчи икки томонлама кесувчи тўғри қиличлар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган бўлса-да, бир томони кесадиган шамширларга ўтилади бошланди. Бундай шамширларга «талаш», яъни тўғри, узун, кесувчи қуроғни мисол қилиш мумкин. Тиғи қайрилган, қиличлар сирасига қирувчи бундай «талаш»лар VII асрга келиб пайдо бўлди.

Қуроғ камарга ҳалқа ёки илғаклар ёрдамида маҳкамланган. Мураккаб йиғма камарлар ўрта осийлик жангчининг ҳарбий анжомлари таркибининг узвий қисми эди. Ҳимояловчи яроғлар уни бошидан-оёғигача муҳофаза қиларди. Бу даврда ҳам анъанавий пластинкали – терма совутларда фойдаланилган. Улар оёқларни тиззадан пастгача ва қўлларни ҳам бекитиб турар эди. Турк хоконлигининг илк даврида ёнлама энсиз пластинкалардан ясалган совутлардан фойдаланиш одат бўлган. Бундай совутлар илгари чўлларда яшовчи қабилалар орасида тарқалган эди. Кейинчалик уларнинг ўрнига тикка пластинкали совутлардан фойдаланиш бош-



Бронзадан ясалган дубулғалар.
(Самарқанд).

ланди²². Совутларнинг мазкур икки тури ҳам Суғд деворий тасвирларида ўз аксини топган.

Ҳимояловчи қурол-яроғлар мажмуасига чўзинчоқ ёки учли дубулға ҳам кирган, у темир пластинкалардан ясалган. Қурол-яроғлар мажмуасида доира шаклидаги ёғоч қалқонлар ҳам бўлиб, улар темирдан қилинган тасмабандлар ва илгаклар билан маҳкамланган. Баъзан бундай қалқонларга безаклар ҳам солинган. Отлик аскарнинг анжомларидаги ўзгаришлар от анжомларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, эндиликда иккита ёғоч қошли ва ёйли каттик эгарлар, шунингдек, темир узангилар пайдо бўлди²³.

Бу даврда Ўрта Осиё ҳукмдорларининг қўшинлари оғир қуролланган дружинадан ташқари енгил қуролланган отлик ва пиёда лашкарлардан иборат бўлган. Пиёда лашкарлар жамоа аъзолари ва дехконларга қарам кишилардан таркиб топган.

Юкори сифатли ва эстетик дид билан шакл берилган, хужум ва ҳимояда ишлатиладиган қуролларнинг ишлаб чиқарилганлиги Ўрта Осиё шаҳарларида ихтисослашган қурол-яроғ устахоналари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Улар бевосита конларнинг яқинида жойлашган бўлиб, рудага бирламчи ишлов бериш жойларидан келтирилган металл тайёрламалардан темир ва пўлат қуроллар ишлаб чиқарилган. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида ихтисослашган ишлаб чиқариш марказлари Усрушона, Фарғона, Чочда мавжуд бўлиб, уларнинг маҳсулотлари Ўрта Осиё ташқарисидаги ўлкаларда ҳам машҳур бўлган. Масалан, 718 йилда Хитой империясига совға сифатида юборилган сўғд совути у ердаги қуролсозлар учун намуна бўлиб хизмат қилган²⁴. Жанубда Эрон ва Хиндистонга, шарқда Хитойга ва ғарбда Шотландияга қадар тарқалган мураккаб тузилган ёйлар ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин.

Илк ўрта асрларда минтақада ҳукм сурган давлат ва давлат уюшмаларида иктисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорликни

²² Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников. С.

²³ Стени Евразии.

²⁴ Шефер Э. Золотые перенки Самарканда // Пер. с англ. Е.В. Зеймяя и Е.И. Лубо-Лесниченко. М., 1981. С. 344

таъминлаш учун ташки хужум ва хавф-хатарни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бундай шароитда яхши курол-яроққа эга бўлган мард ва жасур ёлланма йигитлардан иборат доимий ҳарбий кучларга эҳтиёж ортиб борди. Айнан шу мақсадларда Суғдда «чокарлар» деб аталган жанговар ҳарбий қисмлар (гвардия) юзага келди²⁵.

Суғд чокарлари. Суғд жангчилари – чокарлар қилич, ханжар, найза, болта, тўкмок билан куролланган бўлиб, жангларда ўз таналарини дубулға, қалқон ва совут билан муҳофаза қилганлар²⁶. Улар нафақат урушлар, ҳарбий тўқнашувларда, балки тинчлик пайтида ҳам хизмат қилганлар. Хусусан, Суғд ва унга туташ ҳудудларда қарвон йўллари, савдогарларнинг бехатарлиги, қарвонларнинг беталафот манзилларига етиб бориши кўп жихатдан садоқатли ва довюррак чокарларга боғлиқ бўлган. Бу борада Суғд чокарлари шимоли-шарқий йўналишда кўчманчи қабилалар, маҳаллий туркий қабилалар билан ҳамкорликда ва иттифок бўлиб фаолият юритганлар. Суғд ёлланма чокарларининг аксарияти кўчманчи туркий халқлардан иборат бўлиб, улар ўз қавмдошлари билан ҳудудий хавфсизликни таъминлашда яқиндан ҳамкорлик қилишган.

Турк ҳоконлиги даврида Суғд чокарларининг курол-яроғлари янада такомиллашган, ҳарбий маҳорати ўсган, тактик усуллар эса чокарлар ҳаракатини янада мустаҳкамлаган.²⁷ Куролсозлар нафақат жанг учун, балки тинчлик пайтида аслзодаларнинг либосларини безатиш учун ҳам санъат асари даражасидаги куроллар – қилич ва ханжарлар ясашган. Уларни кўтариб юриш аслзодалар учун урф-одат ва шараф ҳисобланган.²⁸

Суғд куролсозларининг аслаҳалари машҳур бўлган. Хусусан, 718 йилда Хитойнинг Тан сулоласи императори Сюан Цзунга (710–755) Суғд элчилари томонидан совға қилинган

²⁵ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения Т.1. М.: Наука 1963. С. 238.

²⁶ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1 – Душанбе, 1989. С. 205.

²⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согды. – М., 1970. С. 49, 281.

²⁸ Джашилов А. Войско и вооружение согдийцев накануне и в период борьбы с арабским нашествием // ИОИ АН Тадж. ССР. Вып. 8. 1956. С. 81–85; Беленицкий А.М. О работе панджикенского отряда ГАУ в 1959. // АРТ, 7, 1961. С. 88–90.

темир дубулға машҳур бўлиб, бу дубулға манбаларда «иккига бўлинадиган – чокли» деб таърифланган. Туркий битикларда, хусусан, Тунйукук битиктошида арабларга қарши курашган суғдлар совут ва дубулғаси «билан ажралиб турадиган, чоки бор дубулға кийган суғдок халқи» дея таърифланиши бежиз эмас эди²⁹.

Манбаларда суғдийларнинг ҳарбий салоҳияти ҳақида ҳам маълумотлар бор. Жумладан, Хитой манбаларида хоконлик кўшинларига асли бухоролик суғдий Ан-Ян-Ян кўмондонлик қилганлиги таъкидланган³⁰. Бу маълумот суғдийларнинг ҳарбий маҳорат бобида бошқа халқлардан кам бўлмаганлигини кўрсатади.

Хитой роҳиб ва сайёҳи Сюан Цзян ўша даврдаги Самарканд ҳукмдорига таъриф бериб, «мамлакат подшо-си жасур, барча вилоятлар унинг амрига итоат этади» дея таъкидлайди, подшонинг отлик кўшини мавжудлигини қайд этади, унинг чи-киа (чокар) деб номланувчи кўшинларига алоҳида тўхталиб, «улар шу қадар жасурки, ҳатто ўлимга ҳам шодлик билан борадилар. Агар улар ҳужумга ўтсалар, ҳеч бир ёв омон қолмайди» деб юқори баҳо беради³¹.

Чокарлар нафақат ўз хўжайинларига, балки ўз ватанларига ҳам садокат билан хизмат қилганлар. Бундай чокар кўшинлари Суғднинг барча мулкларида мавжуд бўлган. Манбаларда уларнинг «қайтмас ва мард» эканлиги алоҳида таъкидланган³².

Хитой манбаларининг кўрсатишича, чокарлар сараланган йигитлардан ташкил топган. Жумладан, бухоролик жангчи чокарлар асосан кучли ва жасур йигитлар орасидан танлаб олинган. Гарчи бу жангчилар ёлланма тартибда хизмат қилсаларда, ўзига хос ҳурмат ва эътиборга лойиқ эдилар. Уларнинг асосий вазифаси юқорида таъкидланганидек, ўз соҳибларини ҳар қандай вазиятда ҳавфсизлигини саклаш, қолаверса, уларга тегишли бўлган мулкларнинг дахлсизлиги ва қарвонларнинг

²⁹ Шефер Э. Золотые персики Самарканда. – М., 1981. С. 344; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Қадимги туркий битиклар. – Самарканд, 2001. 27-бет.

³⁰ Зев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002. С. 159.

³¹ Гафуров Б.Г. Таджики Кн. 1 ... С. 314, 374.

³² Шишкин В.В. Варахша. – М., 1963. С.240.

бехатарлигини таъминлаш эди. Шундай масъулиятли вазифани шараф билан бажарган чокарлар нафакат ўз соҳиблари томонидан, балки улар кузатиб борган ўлкалардаги савдо шериклари томонидан ҳам тақдирланганлар. Жумладан, 759 йилнинг ўн иккинчи ойида Хитой императори Су Цзун (756–762) ўз саройининг 3 та катта залида хорижлик чокарлар учун махсус зиёфат – базм уюштирган. Базмдан сўнг ҳар бир чокарга унинг 30 ой иш ҳақиға тенг 30 тўп шойи газлама совға қилинган³³.

Араб манбаларида ҳам чокарлар ҳаракати ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди. Жумладан, уларда арабларга қарши курашда Турк ҳокони қўшинлари сафида Тохаристоннинг ўз маликлари ва чокарларидан иборат 30 минг кишилик қўшини жанг қилганлиги қайд этилади³⁴.

Чокарлик инсоннинг ўзига нисбатан ҳурматини ҳам билдирган. Бухорхудот Туғшоданинг онаси Хотун хизматида ҳар куни 200 нафар ёш аслзода йигит олтин камар, қилич таққан ҳолда хизматда бўлган. Ҳар бир аслзода бундай шарафга йилига 4 маротаба мушарраф бўлган³⁵. Масалан, Суғд подшоси Ғурак Турк ҳоконига садокатини изҳор этиш учун ўзини «турк ҳоконининг чокариман», деб атаган. Чокарлик ўша даврда қаҳрамонлик тимсоли ҳам эди. Табари маълумотиға кўра, ўз қавмини Фарғона томон бошлаган аслзодалардан бири «Хўжанд фожиаси» қаҳрамони Карзанч Иштихоний «чокарлар бошлиғи эди» деб таъкидланади.³⁶ Деярли юз йил (654–751 йиллар) давомида Араб халифалиғи истилосига қарши кураши замирида чокарлар ва турк суворийларининг ҳарбий маҳорати ётади.

Чокарлар ҳақида Наршахий ҳам маълумот беради. Унга кўра савдогарларға хизмат қилувчи чокарлар Бухоро мулкиға келганларида ўз соҳиблари билан шаҳристон ичидаги мухташам қасрларда махсус ажратилган биноларда яшаганлар.³⁷

³³ Смирнова О.Н. Очерки... С. 49.

³⁴ История ат-Табари. – Ташкент, 1987. С. 241–242 (1593).

³⁵ Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991. 92–93-бетлар.

³⁶ История ат-Табари. 187. 225-бетлар. (1445,1542).

³⁷ Наршахий. История Бухары. Издание Шеффера, 1906. С. 29.

Хитойшунос Э. Шаванн подшоларнинг чокари бўлиш улуг мартаба ҳисобланганлигини таъкидлаб, Нахшаб ва Кеш ҳокимлари ўзларини худди шундай унвон эгаси бўлган «подшо чокари» деб санаганликлари ҳақида маълумот беради³⁸.

712 йилда Ғурак ва Қутайба ўртасида тузилган шартномага кўра, Араблар ўрта осиелик жангчиларни ҳар йили 30.000 нафар соғлом эркаларни асир қилиб олиб кетганлар. Уларнинг ҳар бирини баҳоси 200 дирҳамни ташкил этган³⁹. Бу асирларнинг аксарияти халифанинг махсус кўшинлари – гвардияси учун олиб кетилган.

Илк ўрта асрларга Самарқанддаги Чокардиза қабристони илк ўрта асрларда чокарларнинг қароргоҳи бўлган. Чокардиза – чокарлар қалъаси деган маънони билдиради. «Чокар» атамаси дастлаб қадимги форсий тилда «кул» маъносига ишлатилган бўлса, кейинчалик чокарлар эркин жамоа аъзолари сифатида ҳарбий соқчилик вазифасини бажарувчиларга айланган. Атама ҳам шунга мос мазмун касб эта бошлаган.

Юқоридаги маълумотлар тахлилининг кўрсатишича, Ўрта Осие ҳукмдорлари ва аслзодалари ўз сафларида бир неча юзтадан бир неча мингтагача егувчи махсус кўшин – чокарларга эга бўлганлар. Чокарлар маҳоратли жангчилар ҳисобланган ва мамлакат мудофаасининг таянчи, кўшиннинг ўзагини ташкил қилганлар. Улар тинчлик, хавфсизлик гарови ҳисобланганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳарбий кўшин, қурол-яроғ ва жанг тактикаси жуда қадимдан шаклланиб, асрлар давомида такомиллашиб келган. Инсоният тош асридан бошлаб қурол-яроғлардан нафақат ов қилиш, балки мудофаа мақсадида ҳамда ўзаро низоларни ҳал этишда фойдаланган. Дастлабки қурол – учи ўтда тобланган ёғоч найза ўрнини кейинчалик учи чакмоқли ва суякдан ясалган қалта найза эгаллаган. Учи чакмоқтошдан ясалган ўк-ёйлар ихтиро қилиниши жамият таракқиётида катта воқеа бўлди. Асоси суякдан ва сопи чакмоқтошдан қилинган ханжарлар ва пичоқлар, болта ва улоктирувчи қурол – палахмонлар пайдо бўлди ва тобора такомиллашиб борди.

³⁸ Chavannes Ed. Documents sur les tou-kiue (Turks) occidentaux // Спб, 1903. С. 137, 313.

³⁹ Смирнова О.И. История арабских завоеваний в Средней Азии // СВ. 1957. №2. С. 119–134.

Ташки хужумлар, ўзаро тўқнашувлар кўпайиши ҳарбий кўшинлар юзага келиб, уларнинг таркиби оғир ва енгил отликлар, пиёда кўшинларга ажралиб борган. Жанг тактикаси, кийим бошлари, қурол-яроғи ва таркиби ривожланиб борган. Жамият ҳаётида давлатчилик қарор топиб, ривожланиб бориши билан эса иктисодий таракқиёт ва хавфсизликни таъминлаш учун махсус доимий кўшинга эҳтиёж кучайган ва ўша давр учун ўзига хос гвардия – жанговар чокарлар отряди юзага келган. Эътиборлиси шундаки, уларнинг фаолияти нафакат ҳарбий мақсадларга, балки қарвонларни кўриклаш, манзилга етказишда хавф-хатардан муҳофаза қилиш, тинчликни сақлаш каби вазифаларга ҳам йўналтирилган. Маҳаллий анъаналар асосида тарбияланган чокарлар ўз ҳарбий маҳорати ва эпчиллиги билан минтақадан ташқарида ҳам ном чиқарган ва хитой, араб манбаларида юксак баҳоланган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакатимиз ҳудудида ҳарбий санъат ва маҳорат чуқур тарихий илдизларга эга бўлган. Жуда қадимданок Ўрта Осиё ҳудудида хужумкор ва муҳофаза қилувчи қурол-яроғлар яратилиб, такомиллашиб келган.

1.2. Қадимги мудофаа иншоотлари

Ватанимиз ҳудудида шаҳарлар ва давлатларни, аҳоли яшайдиган манзилгоҳларни химоя қилиш мақсадида мудофаа иншоотлари – фортификациялар қуриш анъанаси жуда қадимдан шаклланиб, ривожланиб келган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мудофаа иншоотларини барпо этиш анъанаси бронза даврига бориб такалади. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Жаркўтон ва Сополлитепа ёдгорликлари шулар жумласидандир. Сополлитепанинг умумий майдони 4 гектар, истехкомли қисми 1 гектар бўлиб, тархи квадрат шаклда бўлган истехком девор билан ўраб олинган, деворнинг қалинлиги эса 1,8–2 метргача етган⁴⁰.

Қадимги Ўзбекистонда қалъа иншоотларининг кейин-

⁴⁰ Аскарлов А. Сапалли тепа. Ташкент, Фан, 1973.

ги ривожланиши Чуст маданияти ёдгорликларида (мил. авв. XII–VIII асрлар) намоён бўлади. Сўнгги бронза ва илк темир давридан бошлаб қурилган қалъалар кейинги даврларда ҳар томонлама ривожланган мудофаа иншоотларининг юзага келиши учун қулай шароит яратган.

Мудофаа истехкомларининг ҳарбий санъат сифатида қарор топиши тахминан мил. авв. I минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Айнан шу даврда мунтазам жойлашган буржлари, мураккаб пешдарвоза иншоотлари, кўп сонли шинаклари бўлган истехкомлар барпо этила бошланди. Шу даврда маданий-тарихий вилоятларнинг йирик марказлари, йирик кишлоқ ва шаҳарлар юзага келди. Масалан, Марғиённинг пойтахти Марвнинг марказида 15 метрли сунъий платформа устидаги бақувват истехком Эркқалъа (12 га) девори билан айлана қилиб ўраб олинган⁴¹.

Бактриянинг энг қадимги маркази эса тарҳи тухумсимон шаклида, майдони 120 гектарга яқин, жуда бақувват истехкомлар ва хандақ билан ўраб олинган.

Қадимги мудофаа иншоотларининг чегаралари сифатида табиий тўсиклар – дарёлар, каналлар, тепаликлар, тоғларнинг тик ёнбағирларидан унумли фойдаланилган. Масалан, Афросиёб кўҳна деворлари жуда тик бўлиб, бир қисми Сиёб устидаги жар ёқасида жойлашган баланд ёнбағир чети бўйлаб кўтарилган. Девор ёнбағирининг қадимги чеккаси бўйлаб кетган ва манзилгоҳнинг жануб томонида қалъа деворига эҳтиёж бўлмаган.

Сурхон воҳасида жойлашган Кампиртепа қалъасини қуришда ҳам жой рельефидан унумли фойдаланилган, тепаликлар, жарликлар ҳамда сойликлар қалъа деворлари учун яхши мослаштирилган.

Мил. авв. IV–II асрларда Бухорода ҳам жарликлар ва боткок жойлардан мудофаа мақсадларида унумли фойдаланилган⁴².

Қадимги Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна, Парфия, Хо-

⁴¹ Усманова З.И. Эрк қала. // ТЮТАКЭ. Т. XV. Ашгабад, Ўлим, 1963.

⁴² Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д.К., Адылов Ш.Т. К изучению исторической топографии и фортификации Бухары. ИМКУ, вып. 20. Т. Фан, 1986. 110-бет.

разм, Фарғона, Чоч, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги йирик ва кичик шаҳарлар, кўрғонларда қурилган илк мудофаа деворлари пахсадан ва хом ғиштдан барпо этилган бўлиб, ярим доира шаклидаги ёки тўғри бурчакли миноралар билан мустаҳкамланган.

Дастлабки вақтларда мудофаа деворлари ва миноралар у қадар мустаҳкам бўлмай, уларнинг пойдевори ҳам улкан ва кенг эмас эди. Кейинчалик, деворларни вайрон қиладиган машиналарнинг пайдо бўлиши жумладан, грек-македонияликларнинг хужумлари, камал қилиш техникасининг ривожланиши сабабли истехком ва миноралар метиндай мустаҳкам, деворлар қалин қилиб қурила бошланди. Ўрта Осиёга македониялик Александрнинг юришлари вақтида кириб келган ана шундай янгиликлардан бири қалъа тўсик деворларининг барпо этилиши бўлди⁴³.

Деворларда кўпинча икки қатордан иборат ўк отиш йўлаги – галереялар қилинган. Уларга энг яхши мерганлар жойлашиб, туйнуқлардан душманни ўққа тутганлар. Бу туйнуқлар шундай жойлашган эдики, отишма вақтида деворнинг ташқи томонида ўк етмайдиган майдон жуда кам қоларди. Туйнуқлар камон ўқи шаклида қилинган бўлиб, улар ташқари томонга суйри қилиб очилган эди.

Дарвозаларни химоя қилишга алоҳида эътибор берилган, улар олдинга чиқиб турган фортлар билан ён томондан муҳофаза қилинган. Дарвозаларнинг кириш жойига кўпинча лабиринтлар билан тепасида тош отувчи машиналар ўрнатиш учун майдончалар қилинган. Машиналардан улоқтириш учун сополдан юмалок қилиб ясалган ядролар (уларнинг оғирлиги 1 кг дан 20 кг гача, ҳатто, ундан ҳам ортиқроқ бўлган) тегиб қўйилган. Дарвоза олдидаги майдонга ва девор остига сонолдан маҳсус ясалган пирамидачалар сочилган. Уларнинг учи ҳар доим тепага қараб турар эди. Бу отликларнинг ва филларнинг деворга яқинлашиб қилишига халакит беришга мўлжалланган. Кейинчалик, илк ўрта асрларда уларнинг ўрнига тўртта патлитомир пирамидачалар (улар «саримсок» деб аталган) қўлланила бошланди.

⁴³ Завьялов В.А. Эллинистические влияния на фортификацию Средней Азии // Военная археология. – С. 93–94.

Бу даврда тош отиш ускуналаридан ҳам камал қилиш, ҳам химояланишда фойдаланганлар. Қалъа деворларидаги майдончаларда турли катталиқдаги ядроларнинг тўпланганлиги шундан далолат беради. Бундай тош отиш ускунаси ҳайвонларнинг ийидан эшилган арконга эга бўлиб, ром шаклида ясалган. Унинг ичига эса, бир учига посонги боғланган ричаг ўрнатилган. Ускуна ишга солинганда бўшаган ричаг оғирлиги 26 кг гача бўлган ядрони катта куч билан ирғитган. «Чаён» ускунаси кичикроқ калибрли ядроларни отган. Бунга ўхшаш тош отувчи машиналарни қалъани камал қилаётганлар ҳам ишлатган.

Тош отиш ускуналаридан Бактрияда, Парфияда ва бошқа вилоятларда кенг фойдаланилган. Суғдда улар илк ўрта аср давридан бошлаб «манжик» деб аталган. Осилма ҳаракат қилувчи машина – палахмонлар ядролар отиш учун ҳам, ўк отиш учун ҳам мўлжалланган.

Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларида шаҳарлар атрофи нафақат мудофаа, балки давлат чегараларини белгилаш мақсадида ҳам деворлар билан ўраб олинган. Масалан, Кушон подшолигида қурилган Ҳисор тоғ тизмасидаги дараларни муҳофаза қилувчи девор, Бактрияни Суғддан ажратиб турувчи, минорали чегара деворлари бунга мисол бўла олади⁴⁴. Кушон подшолигида қалъаларнинг чегараларини қўриқлайдиган ҳамда божхона вазифасини ўтаган деворлар ҳам мавжуд бўлган. Кампиртепа қалъа-истехкоми ана шулар жумласидан эди⁴⁵.

Кўхна Хоразм воҳасида жуда қадим даврларданок мустаҳкам ва узок муддатга хизмат қиладиган ҳарбий истехкомлар, мудофаа иншоотлари барпо этилган. Бу эса мазкур ҳудудда давлат ва жамият учун муҳим стратегик аҳамиятга молик ҳудудларни ташки ҳужумлардан химоя этишга эҳтиёж кучли бўлганлигидан далолат беради.

Хоразмнинг дельта текислиги орасида қадимги табиий жинслардан қўтарилган бир қанча ўрқачлар ҳамда дўнгликларнинг қолдиқлари мавжуд. Масалан, атроф текис-

⁴⁴ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. – Т., 1990. С. 57.

⁴⁵ Словарь англчности / Пер. с немец. – М., 1989. С. 109–111.



Қадимғи Хоразм қалға деворлари. Қизил қалға.




Қадимги Хоразмдаги Тупрок қалъа деворлари.




Енгил куролланган сак жангчиси
(мил. ав. VI–IV асрлар).



Енгил куролланган кўчманчи
жангчи (мил. ав. V–IV асрлар)




Оғир куролланган отлик суворийлар жанг майдонида
(мил. ав. I – мил. ав. I асрлар). Суғд.



Отлик суворий тасвирланган калкон. Сугд. VII аср.



VI-VIII асрлардаги сугд чокарлари.



VI–VII асрлардаги отлик жангчилар.





Икки пиёда аскар жанги.
Сугд. VII аср.



Оғир қуролланган отлик жангчи.



Варахша шаҳар истехкоми. Сугд. VI-VIII асрлар.



Мил. авв. III минг йиллик – мил. авв. II минг йиллик ўртасидаги мудофаа тизими турлари.

ликдан 100 метр баландда жойлашган Аёзқалъа деворларининг баландлиги 20 метргача бўлган, Кўкча деб аталадиган тепаликда жойлашган, текисликдан 40–45 метр кўтарилиб турган Жонбосқалъа колдиқлари эса ундан ҳам йирикроқдир.

Кичик Қирққиз қалъаси атрофдаги тақир ердан 7 метр баланд бўлган тепаликда жойлашган. Оқчагелин, Бурлиқалъа, Жонбосқалъа, Қалъалиқир Қалъажик, Жигарбанд каби қалъалар ҳам тепаликларда жойлашган.

Мудофаа иншоотлари учун жойнинг тўғри танланиши қалъанинг бир ёки икки томондан, баъзида эса ҳамма томондан ҳимоя қилинишини таъминларди. Масалан, Устюрт террасасидан бирида жойлашган Катта Айбуйирқалъа уч томондан девор билан ўраб олинган, жарга ёндашган жанубий томони эса табиий ҳимояга эга бўлганлиги учун девор кўтарилмаган.

Девкесган шаҳристони учун ҳам мудофаа нуқтаи назаридан жуда яхши жой танланган. Торгина Устюрт бурни чеккасида 30 метр баландликда жойлашган бу қалъа икки томондан тик жарлик билан муҳофазаланган. Девкесганқалъа атрофи эса эни 15 метрга яқин, чуқурлиги 3 метрча бўлган хандак билан ўралган⁴⁶. Мудофаа тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлган бундай хандаклар Хоразмдаги қадимий ёдгорликлар – Эресқалъа, Бозорқалъа, Ичанқалъа

⁴⁶ Қойқырылганкала – ёдгорлик маданияти қадимий Хоразмда IV в. до.п.э. ТХАЭЭ. т.V. М., Наука, 1967. С. 306.

(Хива), Ҳазорасп, Окша-хонқалъа, Пилқалъа, Тупроққалъада ҳам учрайди. Улар орасида Окшахонқалъа хандақи энг катта бўлиб, кенглиги 34 метрга боради.

Асосий қурилиш материали бўлган тупрок шу хандақлардан қазиб олингач, улар сув билан тўлдирилиб, мудофаа иншоотлари янада мустаҳкамланган. Баъзан бу хандақлардан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилган. Масалан, VI асрга оид рисолада гувоҳлик берилишича, Девкесганқалъа атрофидаги хандақ аслида тош йўлак бўлиб, жанговар қурилмаларнинг ундан ўтиши амримахол бўлган⁴⁷. Эни 10–12 метр, чуқурлиги 2–3 метр бўлган бу истехкомнинг бунёдкорлари уни барпо этишда бир пайтнинг ўзида икки масалани ҳал этишган: қалъа қурилиши учун материал олишган ҳамда муҳим мудофаа иншооти – хандақни қазилган. Бундан ташқари, шаҳристоннинг энг заиф жойининг хавфсизлигини ошириш мақсадида, бош кириш йўли олдида радиуси 6 метрли ярим доира шаклида қўшимча хандақ қазилган. Бундай тош хандақлар Бутентоққалъа⁴⁸ (чуқурлиги 2,5 метр, эни 9 метр) ва Катта Айбуйирқалъада⁴⁹ ҳам барпо этилган.

Мудофаа иншоотларининг ташқи дунё билан алоқа боғлаши учун тунда кўтарилиб, эрталаб яна туширилдиган кўприклар ўрнатилган. Шундай кўприк қолдиқлари Девкесганқалъадан топилган. Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда ҳам Хоразмдаги бу каби кўтарма кўприклар ҳақида маълумотлар қайд этилган, жумладан, Хоразмнинг катта шаҳри Жозда шундай кўприклар бўлган.

Девор ва хандақдан иборат бўлган бир қатор мудофаа тизимлари, ўз техник қудрати ва маҳорат билан барпо этилганига қарамай, тобора кучайиб борган ташқи ҳужумлардан ҳимояланиш учун қўшимча деворлар билан мустаҳкамланган. Шу мақсадда ҳужум пайтида қалъага яқинлашиш қийин

⁴⁷ *Пигулевская Н.В.* Оборона городов Месопотамии в IV в. // Ученые записки ЛГУСерия ист наук. Вып 12. Ленинград. Наука, 1941. С. 72.

⁴⁸ *Толстов С. П.* Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949–1953 гг. // ТХАЭЭ. Т.2. М., Наука, 1958. С.8; *Бижанов Е., Ходжааниязов Г.* Археологический комплекс Бутентау. // Археология Приаралья. Вып. VI. 2003, С. 33.

⁴⁹ *Мамбетуллаев М.М.* Городище Большая Айбуйир кала. ВКФ АН Руз. № 4. Нукус, 1978. С. 80–81.

бўлиши учун ташқаридаги қўшимча девор билан ўралган. Қўшимча девор қалъанинг асосий деворидан ташқарида, 2–20 метр масофада пахса ёки хом ғиштдан қурилган. Улар ўртасидаги бўшлиқнинг ҳам стратегик вазифаси бўлган. Бу девор қалъа девори пойдеворини девор-тешар машиналардан ҳимоя қилган, ҳужумчиларнинг қалъанинг асосий деворига яқинлашишининг олдини олган. Қалъанинг асосий деворига етиб келиш учун ёв аввал қўшимча деворни ёриб ўтиши керак эди. Масалан, Ҳазораспда қўшимча девор қалъа деворидан 13,5 метр нарида жойлашган бўлиб, баландлиги 3 метр-га яқин, пойдеворининг қалинлиги эса 1,7 метрни ташкил қилади.

Қадимги Хоразм мудофаа тизимига хос бўлган бундай қўшимча деворлар Қўйқирилганқалъада, Хивадаги Тупроқалъада, Говурқалъада, Шовотдаги Тупроққалъада, Катта Айбуйир қалъада, Ичанқалъада (Хива), Қалъажикда, Бурлиқалъада, Катта Қирқиз қалъасида, Қўрғошин қалъада аниқланган. Бундай деворлар XII аср – XIII аср бошларигача хандақ билан бирга, асосий деворга бевосита зарба беришга тўсқинлик қилган, девор остида ҳаракат қилиш мумкин бўлган майдонни торайтирган.

Қадимги Хоразмда кушонлар даврига келиб истехкомлар атрофига янги девор кўтарилиб, ўраб олинган эски деворлар ички деворга айланган. Масалан, кушонлар даврининг охирига мансуб Тупроққалъада шундай бўлган⁵⁰.

Девор мудофаа тизимида энг муҳим жой бўлиб, у нафақат тўсик, балки асосий жанговар сарҳад ҳам эди. Оралиқларида отиш йўлаги бўлган кўшдевор қадимги Хоразм ҳарбий меъморчилигига энг кўп даражада хос бўлган хусусиятдир. Деворлар баландлиги 10 метрдан 20 метргача, (айрим ҳолларда янада баландроқ), қалинлиги эса 5 метрдан 10 метргача, баъзан 14–15 метргача етган. Ташқи девор доимо ички девордан қалинроқ бўлган, хусусан, ташқи девор 1,3–3,5 метр, ичкиси эса 1–3 метр қалинликда бўлган.

Қадимги мудофаа иншоотларида ясси бостирмалардан ҳам фойдаланишган. Тўсинли ёки гумбазли бостирмалар

⁵⁰ Городище Топрак кала. М., Наука, 1981. С.57.

Кўйкирилганкалъа, Жонбоскалъа, Султон Увайс тоғидаги Говур калъа, Катта Қирққизкалъа, Қўрғошинкалъа, Эрескалъа, Аёзкалъа, Бурликалъа, Тупроккалъадан топилган.

Қадимги Хоразм калъа деворлари усти ва асоси тўсиқ билан ҳимояланган. Деворни бу қадар баланд асосга қуришдан мақсад калъани девортешар усқуналар зарбасидан тўсиш ва девор нишабини ошириб, унинг этагидаги фойдасиз бўшлиқни камаййтириш бўлган.

Археологик маълумотларга кўра, Хоразм калъа деворлари ва буржлари кунгуралар билан тугалланган. Қадимги Хоразм калъа деворлари тасвири туширилган оstadонлар шундан далолат беради⁵¹.

Буржлар Хоразм мудофаа иншоотларининг жуда муҳим элементларидан бири бўлиб, улар калъа деворлари периметри бўйлаб, одатда, девордан баландрок, ташқарига туртиб чиккан ҳолда, тўғри бурчак, квадрат ва тухумсимон шаклда, 9–15 метр оралиқда қурилган. Буржлар тузилишига кўра ёпик ва очик бўлиб, отиш йўлақларини боғлаб турган, девор бурчакларини ҳимоя қилган. Хоразмлик истехком усталари калъа бурчакларини мудофаа қилишга алоҳида эътибор беришган. Масалан, Хивадаги Тупроккалъада девор бурчакдан 14–28 метр нарига сурилган икки бурж билан ҳимоя қилинган. Қалъанинг тўрттала бурчаги ҳам шу тарзда ҳимояланган.

Хоразм истехкомларидаги буржлар билан отиш йўлақлари қаватлари, шунингдек, буржлар ва отиш йўлақларининг бири-бири билан боғланиши каби ҳолат қадимги Бактрияда ҳам учрайди.

Буржлар орасидаги масофа камон ўқи қанча узокликка учиб бориши билан боғлиқ бўлган. Суғддаги Ерқўрғонда буржлар орасидаги масофа, Ҳазорасп деворидаги каби 60 метрга тенг. Бироқ Хоразмдаги истехкомларнинг кўпчилигида буржлар анча кўпроқ қўйилган.

Шинақлар Хоразмда энг қадимги мудофаа иншоотларидан бўлган Кўзалиқир шахристонидан ҳар 2 метр масофада очилган ва қават даражасида шахмат тартибида жойлашган.

Мил. авв. IV аср бошига келиб эса Хоразм мудофаа иншо-

⁵¹ Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скоблов М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалыгыр I в 1958 г. // МХЭ. Вып. 6. М., Наука, 1963. С.147–148.

отларида қадимги ясси ёпилган, паҳса деворларда қурилган шинақлардан найзасимон шаклдаги шинақларга ўтилган. Бу мудофаа техникасининг янада ривожланганлиги билан боғлиқ эди. Бу даврга мансуб Ҳазорасп шинақларининг туби Қўзалиқирдаги сингари горизонтал эмас, балки девор асоси бўйлаб, фойдасиз бўшлиқни камайтирадиган даражада нишаб қилиб қурилган. Қалъа истехкомларининг асоси паҳса ўрнига, шинақ тубига қадар хом ғиштдан кўтарма қилина бошланган. Буни Жонбосқалъада, Ҳазораспдаги Қўйқирилганқалъада, Султон Увайс тоғидаги Эресқалъада, Катта ва Кичик Қирққиз қалъаларда кўриш мумкин.

Шинақлар қалъа деворларида, одатда, тахминан 1–2 метр ораликда, шахмат тартибида жойлашуви туфайли химоя қуролининг девор олдидаги таъсир радиуси анча кенгайган, ўқ етмайдиган участкалар қолмаган. Ҳимоя учун қўлланилган қия шинақлар ҳам шунга хизмат қилган. Девор этагидаги жойларни ўққа тутишни таъминлаш учун шинақларнинг туби ташки томонда анча нишаб қилиб ишланган.

Кушонлар даврига келиб, қалъа деворлари пастки каватида шинақ қолдириш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Ҳарбий техника ривожланиши билан фронтал ўққа тутиш маркази энг самарали бўлган юқори каватга кўчди, тепадан ўққа тутиш усули қўллана бошланди. Шунинг учун қалъа истехкомларининг пастки кавати ғишт билан ўраб ташланган.

Қадимги Хоразм қалъа деворларидаги шинақларнинг умумий сони бир неча юзгача етган. Масалан, Қўйқирилганқалъа марказий биносининг ташки деворида 114 шинақ⁵², Қизилқалъада 150–160 та шинақ, Анкақалъада – 200 та, Аёзқалъа 1 да – 522 та, Қўрғошинқалъада 700 га яқин шинақ бўлган. Жонбосқалъада уларнинг сони 2000 гача етган.

Истехком иншоотларида ёритиш туйнуқларига ҳам эътибор қаратилган. Масалан, Увайс тоғидаги Говурқалъада ёритиш туйнуқлари ўлчами 42x42 см, ер сатҳидан 4 метр баландда, Қўрғошинқалъада 3 метр баландликда, Қўйқирилганқалъада 3,5 метр баландликда жойлашган. Бу туйнуқ нафақат ёритиш вазифасини, балки кўпроқ мудофаа

⁵² Қойқырылганқала — маънавий қадриятлари дунёнинг қадимги Хоразмида IV в. до.п.э. ТХАЭЭ. т.V. М., Наука, 1967. С. 280.

вазифасини ҳам бажарган, деб ҳисоблаш мумкин. Қалъа ёв томонидан камал қилинган ҳолларда, мудофаачилар ҳужумга чиқиши учун муайян туйнуқлар очилиши лозим бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу туйнуқлар орқали душман томонга ядро улоктирилган бўлиши мумкин. Чунки бу туйнуқлар буржларга тақаб қолдирилган. Буржлар, бир томондан, фронтал ўққа тутиш воситасида душманнинг туйнуқ томон йўлини тўсиб турса, бошқа томондан ядро улоктирувчилар учун хавфсиз шароит яратган. Камал ҳолатларида душманга тош ҳамда ёнувчи моддалар ҳам отилган, қалъага ҳужум бўлганда эса, ҳатто тегирмон тоши, тош ҳайкаллар ҳам ишга солинган⁵³.

Бундай тоқ-туйнуқлар Хоразм архитектурасида ўрта асрларда ҳам қўлланилганлигини Катта Гулдурсунқалъа мисолида кўриш мумкин. Бу ерда туйнуқлар буржлар орасида, икки-тадан, ярим доира тоқ шаклида, эни 0,8 метр, баландлиги эса 1,65 метр, девор асосидан 3 метрдан зиёд баландликда, хом ғиштдан қурилган.

Ўрта асрларга келиб, қалъа деворини камал қилишда отиш мосламалари қўлланилган. Бундай мосламалардан тош отиш машинаси Хоразмдаги Айхан қалъаси дарвозаси устига ўрнатилган. Шунингдек, хоразмликлар камал пайтида, одатда, деворни бузишда душман томонидан фойдаланиладиган манжаник (катапульта) ларни ҳам ишга солишган.

Жиддий хавф туғилганда кириш йўлини химоя қилишни уюштириш учун отиш йўлаклари кўпинча асосий кириш йўли билан боғланган. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм истехкомларига киришга ёғоч дарвозалар ўрнатилган. Масалан, Қалъалиқирда шундай ёғоч дарвоза қолдиқлари топилган. Хоразм қалъаларида асосан биттадан дарвоза бўлган. Жуда камдан-кам ҳолларда икки, баъзан тўрт дарвозали қалъалар ҳам бўлган.

Айрим истехкомларда душманнинг дарвозага яқинлашувига йўл қўймастик учун нишаб йўлкалар қурилган. Масалан, Хивадаги Тупроққалъа истехкомида пешдарвоза. Қўрғошинқалъада тупроқдан кўтарилган нишаб йўлкалар

⁵³ Школяр А.С. Кига́йская доогнестрельная артиллерия. М., 1980. С.156.

қолдиғи топилган. Девкесганкальа шахристониди узунлиги 150 метр, эни 2–3,5 метр, нишаблиги 35–40° бўлган нишаб йўлка Устюрт тик жарлигига перпендикуляр жойлашган. Унинг четиди пахса девор қолдиклари топилган. Қизилкальанинг яғона дарвозасига узунлиги 26 метр, эни 1,5 метр, нишаби эса 15° йўлка орқали борилган. Кириш жойига олиб борадиган нишаб йўлка қуришда табиий тепаликлардан ҳам фойдаланилган.

Иншоотларнинг зилзилага бардошлигини оширишнинг асосий шартларидан бири қурилиш материаллари ва ишнинг юқори сифатли бўлиши билан боғлиқ эди. Олдиндан ҳеч қандай ишлов талаб қилмайдиган жуда яхши қурилиш материалли бўлган алювиал бўз қумдан қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари қурилишида ҳам, ҳарбий бўлмаган иншоотлар қурилишида ҳам кенг фойдаланилган. Тупрок яхши бўлмаган жойларда, одатда девор пойдевори, асосини кўтаришда қумдан фойдаланилган. Катта хоналар остидан олинган тупроқдан шу ерда пахса урилиб, ҳосил бўлган траншея қум билан тўлдирилган.

Масалан, Окшахонкальада деворни бошлаш учун чуқурлиги 0,3–0,5 метргача, эни 10 метр бўлган умумий хандақ қазилган. Хандақ қум билан тўлдирилган. Қум устидан 2–3 қатор босилган. Қальанинг шимоли-шарқий деворидан аниқланишича, девор юзага келган майдонча устидан пахса-девор кўтарилган, унинг асоси кенгрок бўлиб, кўтарилган сари торайиб борган. Қушонлар даврига оид Қизилкальада девор асоси 10–13 см гача қалинликда солинган қум қатлами устига хом ғиштдан терилган. Жилдикқальанинг асосига ҳам қум тўшалган, унинг устига хом ғиштдан пойдевор кўтарилган. Умуман олганда, қадимги Хоразм архитектура иншоотлари қурилишида қумдан фойдаланиш терилган ғиштларни нам тортишидан ва шўрланишдан саклаб, уни мустаҳкам, зилзилага бардошли бўлишини таъминлаган.

Баъзан қальа деворини мустаҳкамлаш учун ғишт қаторлари орасига ёғоч ташланган. Аммо қадимги Хоразм бинокорлик ишида тошдан жуда чекланган даражада фойдаланилган. Улардан пой устунлар, устунлар ва уларнинг қаллагини тайёрлашда фойдаланилган.

Мудофаа иншоотлари нафакат қурилиш техникасининг савияси, балки ҳарбий техника даражасининг ҳам ривожланишига ҳам мувофиқ тарзда ривожланиб борган. Масалан, девортешар ускуналар пайдо бўлиши билан қалъа деворларининг конструкцияси ўзгарган. Шаҳар мудофааси техникаси такомиллашган. Палахмон ва манжанакларни ишлатиш учун қалъа деворида махсус тоқлар қолдирилганлиги Анқакалъада топилган ёдгорликлар мисолида намоён бўлади. Қалъа камал қилинган чоғларда бу қуроллар тоқлардан туриб ишлатилган, шунингдек, тош ва олов ҳам шу тоқлардан туриб отилган.

Чирик Работдаги цилиндрсимон макбарада тангали совут қолдиклари топилган³⁴. У асосан калинлиги 2 мм дан зиёд бўлган квадрат шаклдаги (7x7 см) темир пластиналардан таркиб топган. Пластиналар ҳосил қилган тангаларнинг факат пастки учдан бир қисми очик қолган; юқори қисми тепадаги икки пластина билан босилиб турган. Зирхнинг ҳамма қисмлари уч пластина калинлигида бўлгани аниқланган.

Ҳазорасп шаҳридан шарқда жойлашган Хумбузтепа (мил. авв VI–IV асрлар) манзилгоҳида пластиналар совут тутган суворий тасвири топилган. Суворий тиззасигача тушадиган пластина совутда тасвирланган. Отга ҳам пластиналар совут ёпилган. Суворийнинг чап ёнбошида найза тасвирланган жанговар отларга ҳам химояловчи совут ёпилган.

Узун деворларни барпо этиш қадимги ҳарбий истехком қуриш санъати анъаналаридан бири бўлган. Минтақада мудофаа мақсадларида барпо этилган узун деворларни уларнинг вазифасига қараб уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа деворлар йирик мулклар чегарасини белгилаган, бу деворлар дехқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан мудофаа қилиш билан бирга отлик жангчилар йўлини тўсиб, давлатлар чегарасини ҳам ташқи ҳужумдан химоялаган.

Иккинчи тоифа деворлар, давлатнинг маълум ҳудудларинигина химоя қилишга, шунингдек, улар орқали ўтган йўлни назора қилишга ва ўтиб бораётган савдо қарвонларини божхона текширувидан ўтказишга мўлжалланган. Учинчи тоифа деворлар аниқ бир ҳудуд ёки шаҳар атрофини химоялашга

³⁴ Толстов С.П. По древним дельтам и Окса и Яксарга. М., Наука, 1962. С. 148, 150.

хизмат қилган. Дашт орқали ўтган узун деворлар отлик жангчилар йўлини тўсгани ҳолда, кум босиб келишига ҳам тўскинлик қилган.

Умуман олганда, Хоразм мудофаа иншоотлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, икки қаватли отиш йўлакларидан, ярим овал ҳамда «қалдирғоч думи» шаклларидаги буржлардан, пешдарвоза адаштирма йўллардан кенг фойдаланилган.

Айни пайтда Хоразм мудофаа тизимида минтаканинг бошқа қисмларига хос умумий хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Хусусан, Хоразм мудофаа тизимининг қадимги Бактрия ва Суғд мудофаа тизимига яқинлиги шундан далолат беради. Айни пайтда Бактрия ва Суғд мудофаа тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор эди. Масалан, Шимолий Бактрияда истехкомларнинг ташки девори унча қалин эмас, кўшимча деворлари заиф эди. Буни Шимолий Бактрия ҳарбий истехкомлари, биринчи навбатда, отлик ва пиёда ўқчилардан мудофаа қилишга мўлжалланган, деб изохлаш мумкин.

Мил. авв. IV–I асрларда Марғиёна ва Суғд ҳарбий истехкомлари қурилишида жиддий ўзгаришлар содир бўлади, истехкомларни икки қисмдан иборат қилиб қуриш, асосни пахсадан тайёрлаш, деворни ғиштдан кўтариш, буржлар тарҳини тўғри тўртбурчак шаклида қилиш анъанаси пайдо бўлди. Мил. I–IV асрларга келиб, Суғд мудофаа тизими янада такомиллашди, қалъа деворларида отиш йўлаклари қурилади, буржлар тарҳи тўғри тўртбурчак шакл касб этади.

Хуллас, ватанимиз худудидаги қадимги мудофаа иншоотлари умумий хусусиятлар билан бирга айрим ўзига хос ва бетакрор хусусиятларга ҳам эга эди. Бу ҳол табиий-географик шарт-шароит, табиий ресурслар, шунингдек, аҳолининг маҳаллий анъаналари, тарихий шарт-шароит билан ҳам боғлиқ эди. Бу иншоотлар аҳоли тинчлиги, давлат чегараларини ташки душман хавфидан сақлаш мақсадларида катта меҳнатлар эвазига, узоқ муддатларга мўлжаллаб қурилган ва айтиш мумкинки, ўзига хос билим, маҳорат, катта меҳнатни талаб қилган, санъат даражасига кўтарилган.

Масалан, мил. авв. V–IV асрлар бўсағасида қадимги Хоразм давлатининг шаклланиши, шаҳар марказларининг бутун бир туркумининг юзага келиши шундай иншоотларга

катта эҳтиёж туғдиради ва айнан шу сабабли кўхна Хоразм воҳаси сарҳадларида чегара қалъалари тизими ва узун деворлар барпо этилади. Хоразмнинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган археологик ёдгорликлар – Катта Айбуйирқалъа ва Девкесганқалъалар фақат истехком бўлмай, балки ҳунармандчилик ва савдо пунктлари ҳам бўлганлиги уларнинг нафақат мудофаа мақсадларига, тинч савдо алоқалари учун ҳам хизмат қилганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ватанimiz ҳудудида жуда қадим даврларданок мудофаа иншоотлари қурилиб, мустаҳкамланиб бориши минтақада цивилизация ўчоқлари бўлган илк шаҳарлар, шаҳар-давлатлар ва давлатларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиб бориши билан боғлиқ эди. Иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик, маданий ҳаётнинг юксалиб бориши энг аввало ташқи хавф-хатарнинг бартараф этилишини тақозо этар эди. Шу сабабли аجدодларimiz мудофаа иншоотларини қуриш ва мустаҳкамлаб боришга катта эътибор қаратиб, куч-ғайратларини аямаганлар ва бу соҳа санъат даражасига кўтарилиб борган. Натижада ватанimiz ҳудудида мураккаб тизимли, катта ақл ва ҳисоб-китоблар асосида, узок муддатларга мўлжаллаб қурилган мудофаа иншоотлари пайдо бўлган ва уларнинг қолдиқлари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Бу иншоотлар умумий хусусиятлар билан бир қаторда географик шарт-шароит, табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган.

Мудофаа иншоотларининг асрлар давомида такомиллашиб бориши ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар ва жанг санъатининг ривожланиб бориши билан боғлиқ эди.

2-БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА ҲАРБИЙ ИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ

2.1. Турк хоконлиги даври

VI аср ўрталарига келиб, Марказий Осиёда Ашина кабиласи хукмдори Бумин ябғунинг таъсири кучайиб, ўзини «эл-хокон» деб эълон қилиши билан ташкил топган янги давлат - Турк хоконлиги қисқа фурсатда шарқда Корея бўғозидан ғарбда то Шимолий Қора денгиз бўйларигача, шимолда Урол тоғлари, Енисей ва Байкалбўйидан жанубга томон Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларни эгаллашга муваффақ бўлади.

Турк хоконлигининг тез фурсатда дунёнинг улкан империяларидан бирига айланишида унинг ҳарбий жихатдан бошқа давлатларга нисбатан анча илғор бўлганлиги ҳам муҳим омиллардан бири бўлган. XX аср туркшунос олими Л.Н. Гумилев қайд этганидек, «Туркутлар (қадимги турклар) нинг эришган ғалабалари туфайли дунёнинг ярмига эгалик қилишлари тасодиф эмас эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, улар умумқўчманчилик даражасидан анча юқори бўлган қўшин ва бошқарув тизимини яратдилар ҳамда шунга яраша ғалабаларга сазовор бўлишди»⁵⁵.

Бунинг заминида эса Турк хоконлигига асос солган Ашина туркларининг темир казиб олиш маҳоратига эга эканлиги⁵⁶, темирдан қурол-яроғ ишлаб чиқаришда бой тажрибага эришганлиги, шунга яраша мустаҳкам совутлар, ҳарбий анжомлар, совутли отлик қўшинга эга бўлганлиги ва ниҳоят, шундай имкониятлар туфайли ҳарбий кураш тактикалари ҳам ривожланиб, мукамаллашиб борганлиги каби муҳим омиллар ётар эди.

Бу ҳолатлар уларнинг кучайиб боришига ва мустақил

⁵⁵ Гумилев Л.Н. Древние тюрки... С. 56.

⁵⁶ Sinor D. The establishment and dissolution of the Turk empire // The Cambridge History of Early Inner Asia. Ed. by D.Sinor. Cambridge. 1990. P. 313.

бўлиб олишларига имкон тугдирди⁵⁷. Улар темир олиш учун углерод оксиди билан темир оксидини кимёвий бириктириш йўлини билишган; бундан эса ғоваксимон металл масса – крица⁵⁸ ҳосил бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бундай усулда олинган темирнинг сифати печда эритиш оркали олинувчи темирдан анчагина юқори туради⁵⁹.

Турк хоқонлиги ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим босқичларидан бири бўлиб, унинг тарихига бағишланган фундаментал тадқиқотларда тарихий воқеа ва ҳодисалар каторида харбий сиёсат, жангу жадаллар ҳақида ҳам кизикарли маълумотлар қайд этилган⁶⁰. Хусусан, минтақанинг турли жойларидан топилаётган қадимги туркларга тегишли қабр-қўрғонлардаги қурол-яроғлар, жангчиларнинг кийимлари, от-уловлари билан бирга қоятош суратларида тасвирланган жанг лавҳалари ҳам бу ҳақида янада аниқроқ маълумотлар беради⁶¹. Хуллас, шу кунгача қўлга киритилган археологик топилмалар ва ёзма манбалар қадимги туркларнинг харбий бошқаруви ва қўшин тузилиши, мудофаа, узоқдан (масофали) ва яқиндан олиб борилган жанглари ва умуман, харбий санъатини ўрганиш имконини беради⁶².

Қўшин тузилиши. Бу даврга оид ёзма манбалардаги маълумотлар ва қадимги турк жангчилари тасвирланган қоятош расмлардан маълум бўлишича, қўшин икки турда

⁵⁷ Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. Новосибирск, 1986. С. 135.

⁵⁸ Крица – чўяндан маҳсул усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир.

⁵⁹ Зияков И.М. Черная металлургия и кузнечное ремесло алтайских племен VI – X вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Кемерово, 1983.

⁶⁰ Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964; Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. СПб., 2006; Гумилев Л.Н. Древние тюрки М., 1993 ва бошқалар.

⁶¹ Грач А.Д. Древнетюркские изваяния Тувы. М., 1961; Гаврилова А.А. Могилиник Кудыргэ как источник по истории алтайских племен. М., 1965; Вайнштейн С.И. Некоторые вопросы истории древнетюркской культуры // СЭ, № 3. М., 1966; Шер Я.А. Каменные изваяния Семиречья. Л., 1966; Савинов Д.Г. Народы Южной Сибири древнетюркскую эпоху. Л., 1984; Овчинникова Б.Б. Тюркские древности Саяно-Алтая в VI–X вв. Свердловск, 1990; Табалдиев К. Курганы средневековых кочевых племен Тянь-Шаня. Бишкек, 1996.

⁶² Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. Новосибирск, 1986.

қуролланганини аниқлаш мумкин: 1) оғир қуролланган совутли (зирҳли) отликлар; 2) енгил қуролланган жангчилар⁶³.

Қадимданок туркларнинг қўшини енгил қуролланган отлик камондозлардан иборат бўлган. Бундай қўшин таркок саф тактикасини қўллаган. Аниқроғи, душманга маълум масофада туриб бирданига ўқ ёғдиришган⁶⁴. Кейинчалик ҳам турк қўшинларининг асосини ўқ ва ёй билан қуролланган енгил отликлар ташкил этган бўлиб, улар таркок саф тортган ҳолда ҳаракат қилишган. Ёзма манбаларда туркларнинг отда туриб камондан моҳирлик билан ўқ узишлари алоҳида таъкидланади⁶⁵. Араб, форс, юнон, славян ва бошқа тиллардаги манбаларда ҳам туркларнинг жанговар қўшини одатда отликлардан иборат бўлганлиги қайд этилган.

Турк хоқонлигининг Ғарбий қанотида қўшин иккита қанотдан иборат «Ўн ўк» тизимидан ташкил топган эди⁶⁶. Ўн ўк қабилалар иттифоқи ҳар бири 5 та қабиладан иборат шарқий ва ғарбий иттифоққа бўлинган. Шарқий қисми 5 та қабиладан иборат Дулу иттифоқи деб юритилган ва уларга 5 та «чўр» бошчилик қилшган. Ғарбий қисми эса Нушиби қабилалар иттифоқи бўлиб, уларни 5 та «эркин» бошқарган. Шарқий ёки Марказий хоқонликда эса қўшин шарқий қисм – тўлас ва ғарбий қисм – тардуш қанотларидан иборат бўлган.

Буни қадимги турк битиктошлари, хитой йилномалари ва араб манбаларида келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, битиктошларда учрайдиган «Ўн ўк» атамаси ҳар бири 10 мингдан жангчи етиштириб берувчи 10 та турк уруғи мавжудлигини аниқлаган. Хитой йилномаларида Истами хоқон «ўн нафар катта қабиланинг бошлиқларини жами 100 минг жангчи билан ғарбий ўлкалардаги Ху мамлакатларини қўл остига олиш учун юборилган»лиги ва у «ябғу-хоқон» унвони билан хоқонликнинг ғарбий қисми – Ўн ўк эли (Ўн ўк давлати)ни бошқара бошлаганлиги қайд этилади⁶⁷. Қолаверса,

⁶³ Худяков Ю.С. Ўша ерда ... – 160-бет.

⁶⁴ Ўша ерда ... – Б. 135.

⁶⁵ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т.1. С. 229.

⁶⁶ Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние турки на Тянь-Шане. Новосибирск, 2009. С. 107.

⁶⁷ Бичурин Н.Я. Указанная работа... Т. 2. С. 291.

араб манбаларидаги маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Улардан бирида ёзилишича, VIII аср бошида халифа Ҳишам ибн Абдулмалик (724-743) «турклар ҳукмдорига» элчи юборганида хоконнинг хузурида 10 нафар кўлида байроқ (туғ) кўтарган отлик ҳозир бўлган, уларнинг ҳар бири 10 минг нафар жангчини ўз байроғи остида тўплаган эди⁶⁸.

Ҳоконликнинг асосий қўшини туркий уруғлардан иборат бўлган⁶⁹. Турк хоконлигида барча эркаклар ҳарбий хизматни бажаришга мажбур эди. Хитой йилномаларида берилган таърифга кўра, «жангда қурбон бўлишни шараф деб билишган, касаллик туфайли вафот этиш эса уят ҳисобланган»⁷⁰. Бу маълумот хоконликдаги ҳар бир ҳарбий кишининг жанговар руҳда тайёрланганини кўрсатади.

Уларнинг орасида шахсий кўриқчилар – Ашина уруғидан бўлган хоконларнинг зирхли отлик гвардияси алоҳида ажратилган эди. Мазкур гвардиялар кўшиннинг асосини ташкил этиб, армиянинг бирмунча жанговар ва зарбдор қисми бўлган. Хоконнинг шахсий кўриқчилари (хос соқчилари) хитой йилномаларида «фули», яъни бўри деб аталган⁷¹. Туркларнинг байроқлари дастасига ҳам олтин бўрининг боши кийдирилган⁷². Бу байроқ хоконнинг ўрда-қароргоҳи тепасида ҳилпираб турган. Хитой муаррихлари бунинг сабабини турклар ўзларининг келиб чиқишини унутмаганликлари рамзидир, деб изоҳлаганлар⁷³.

Шу билан бирга, хоконлик қўшини таркибида ҳарбий жангчилардан ташқари зироаткор шаҳар аҳолисидан тузилган ёрдамчи пиёда ва отлик отрядлар ҳам мавжуд эди. Улар ўзларининг қурол-аслаҳалари билан қуролланган ва ања-

⁶⁸ Асадов Ф.М. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. Баку, 1993. – С. 44; Stark S. On Oq bodun. The Western Türk Qaghanate and the Ashina clan // Archivum Eurasiae Medii Aevi. Tom 15 (2006/2007), Wiesbaden, 2008. P. 160–165.

⁶⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 2. С. 323; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. вып. 6. СПб., 1903. P. 293, 297.

⁷⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 231.

⁷¹ Ўша ерда, 229-бет.

⁷² Жумагазбетов Т.С. Культ Тенгри как основа государственной идеологии древнетюркского каганата // Восток, № 2. М., 2006. С. 119–126; Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 229.

⁷³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 229.

навий жанг усулларини яхши билишган⁷⁴. Қўшин таркибида Суғд чокарларининг бўлиши қалғаларни камал қилиш ва уларни ишғол қилишда қўл келган.

Ғарбий хоконлик қўшинлари асосан отлик жангчилардан ташкил топган бўлса-да, жангларда туялардан ҳам фойдаланилган. Хусусан, хитой роҳиби Сюан Цзан (629–645) Турк хокони хузурида бўлган пайтда қўшинларнинг бир қисми отда, бир қисми туяда эканлигига гувоҳ бўлади⁷⁵. Шунингдек, турклар ва сосонийлар ўртасида бўлиб ўтган Хирот яқинидаги жангда хоконлик қўшини таркибида жанговар филлар отряди ҳам бўлган⁷⁶.

Хоконлик қўшини сони хусусида манбаларда турлича маълумотлар учрайди. Чунончи, хитой йилномаларида 500, 2000, 10000, 100000, 150000, 400000, 1 000000 гача бўлган қўшин отрядлари ҳақида маълумотлар учрайди⁷⁷. Турк хоконларидан бири Шиби ҳақида хитой йилномачилари шундай ёзадилар: «миллионлаб қўшинга эга, қадимда ҳам ҳеч қачон шимолий кўчманчилар бунчалик кучаймаган эди»⁷⁸.

Хоконликнинг Ғарбий қаноти қўшинларининг камида 100 мингдан ортиқ жангчилардан иборат бўлган. Жумладан, Истами бошчилигида ғарбий ўлкаларга, Эфталитларга қарши юборилган қўшин 100 минг жангчидан иборат бўлган⁷⁹. Сосонийларга қарши юборилган турк шахзодаси Эл Арслоннинг қўшини эса 300–400 минг жангчини ташкил этар эди⁸⁰. Такқослаш учун қайд этиш керакки, бу даврда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги воҳа давлатларида қўшин сони бор-йўғи 1000 дан 10 минггача бўлган.

Қўшинни ўнлик ва иккилик тартибида бўлишга рия қилинган. Аниқроғи, ҳар бир отряд 10, 100, 10000 ва 100000

⁷⁴ Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние тюрки... С. 107.

⁷⁵ Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. – С. 264.

⁷⁶ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1993. С. 128.

⁷⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 232, 235, 236, 250; Кюнер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 134, 187, 190.

⁷⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 245.

⁷⁹ Ўша ерда, Т. 2. С. 291.

⁸⁰ Гумилев Л.Н. Кўрсатган асар, 128-бет.

жангчидан иборат бўлиб, улар ўз навбатида иккита қанотга бўлинган ҳамда 5, 50, 500 ва 50000 кишидан ташкил топган. Бундай отрядлардан иборат бутун армия эса тўлас ва тардуш ёки дулу ва нушиби деб номланувчи иккита қанотга ажралган. Бу бўлинмалар бошида жабғу, кичикрок отрядлар тена-сида тегин ва элтабар кабилар турган⁸¹.

Жанговар қурол-яроғлар ва ҳарбийларнинг кийим-кечаклари. Хитой йилномаларидан бири «Чжоу-шу»да туркий қабилалар жангчиларининг жанг қуроллари шундай таърифланади: «уларнинг қуроллари шохсимон ёй ва хуш-таксимон овоз чиқарувчи ўк, совут, найза, килич ва дудам килич (узун, оғир килич) лардан иборат... отда туриб камондан мохирлик билан ўк узадилар»⁸². Тан императори Гао-цзу эса «туркларнинг куч-қудрати отда туриб камондан ўк узишларидадир»⁸³ деб таъкидлайди.

Турли ҳудудлардан топишган археологик материаллар ҳоконлик кўшинининг мустаҳкам пўлат қуролларга эга бўлганини тасдиқлайди. Хусусан, Олтой ўлкасидаги Балик Соок деган жойдаги мазор-қўрғон қазилганда унинг қурол-аслаҳалари ва жанг кийимлари билан кўмилган қадимги турк жангчисига тегишли эканлиги аниқланди. Ахамиятлиси шундаки, ушбу топилмалар тикланганда улар орасида килич, дубулға (шлем), ханжар, ўк-ёй, совут каби жанговар буюмлар борлиги, уларнинг мустаҳкам темир ва қумушдан ясалганлиги ҳамда отликка унчалик кийинчилик туғдирмайдиган даражада энгил бўлганлиги маълум бўлди.

Отлиқ жангчининг ёнида, албатта, эгар-жабдук, мурак-каб камон, пастга томон кенгайган садок (унга ўқлар ўткир учлари юқорига қаратилиб солинган) бўлиши шарт эди⁸⁴. Камарлар қадама безаклар билан безатилган. Қилич чап томондан иккита камар билан қиялатиб тақилган. Кўпинча қурол-аслаҳалар найза ва болта билан тўлдирилган. Мудо-фаа қурол-яроғлари узун пластинкасимон ёки зирхли совут,

⁸¹ Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников... С. 164.

⁸² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 229.

⁸³ Liu Mau-tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken. Buch I-II. Wiesbaden, 1958. S. 430.

⁸⁴ Распопова В. И. Согдийский город и кочевая степь в VII-VIII вв. // КСИА. Вып. 122. М. 1970. С. 86-87.

ёпинчик (барма)ли дубулға ва унча катта бўлмаган калкон узун ҳалқасимон илгак орқали елкага осилган⁸⁵.

Хоконлик жангчиларининг маҳоратини араб муаллифлари шундай таърифлашади: «Турк ... жони борича қувлаган ҳолда, орқага ва олдинга, ўнг ва чапга, юқорига ва пастга қараб ота олади. Харижит (араб ўкчиси) камон ипига битта ўкни жойлагунча, у (турк) 10 та ўкни отади. Харижит текис жойдан отини чоптиргунича, у ўз отида тоғ ёки водийдан тушиб, катта тезлик билан чоптиради. Туркнинг тўртта кўзи бор – иккитаси юзида, иккитаси эса гарданида»⁸⁶.

VI–VII асрларда кўшин жанг тактикасига эга, ўз кучи ва малакасига ишонган дружина кўринишида бўлган. Қаттиқ асосдан ясалган узанги ва эгарнинг кенг тарқалиши жангчининг найза билан ҳужумини янада кучлироқ қилиб, душман мудофаа қаторини ёриб ўтишини таъминлаган. Камондан кучли зарб билан якка нишонни мўлжаллаб зўр ва беҳато отишган. Камон туширилган ҳолда тутилган, бу эса камоннинг бутун кучини отишга сақлаш имконини берган. Ўқ пати юмшаб кетмаслиги учун ўқдоннинг таги кенгайган бўлган, бу эса ўз навбатида ўқнинг бир хиллигини таъминлаган. Иккинчи, ўкчи камарнинг бўлиши, афтидан, жанг вақтида камон ва садокни алмаштиришни осонлаштириш билан боғлиқ бўлган⁸⁷.

Бу даврда ҳар хил турдаги уч парракли ўк учлари кенг тарқалган. Уларнинг ҳаммаси енгил қуролланган душманни отишга мўлжалланган. Кейинчалик икки ва тўрт паракли, шунингдек, ясси ўк учлари ҳам пайдо бўлган. Ўқ учлари баъзан суякдан ҳам ясалган бироқ улар жуда кам учрайди, ўқлар асосан темирдан қилинган, темир кам бўлган жойлардагина суякдан ясалган бўлиши мумкин⁸⁸.

Археологик топилмалар орасида баъзан ўк учларидан ташқари ўқнинг ёғочдан қилинган қисмларининг қолдиқлари ҳам учрайди. Ўқларнинг турли бўёқларга бўялганлиги эса жангчига уруш вақтида керакли ўк учини адашмасдан тез топишини қулайлаштирган.

⁸⁵ *Распопова В. И.* Согдийский город и кочевая степь в VII–VIII вв. // КСИА. Вып. 122. М. 1970. С. 87.

⁸⁶ *Асадов Ф. М.* Арабские источники о тюрках ... С. 156.

⁸⁷ *Распопова В. И.* Согдийский город и кочевая степь ... С. 88.

⁸⁸ *Худяков Ю. С.* Вооружение средневековых кочевников... С. 149.

Жангчиларнинг душманга қарши олиб борган масофа-ли жангларида асосан мураккаб тузилишга эга суяк ва шохдан қопламали камон ва темир учли ўқдан фойдаланишган⁸⁹. Қурол-яроғларнинг қолдиқлари Тянь-Шяндаги от билан кўмилган жангчи қабрлардан, фақат эркакларнинг мазорларидан топилган. Мазкур топилмалар асосида жангчиларнинг қурол-яроғлари ҳақида маълум бир тасаввурларга эга бўлиш мумкин⁹⁰. Қилич ва узун дудама қилич ҳар доим аслзодалик ва бойлик белгиси ҳисобланган⁹¹.

Хитой манбаларида «фули», яъни «бўри» деб таърифланган ҳоконлик жангчилари шамшир, найза, узун оғир қиличлар билан қуролланганлиги, яқин масофадаги қўл жангини олиб боришга мослашганлиги, улар Турк ҳоконлиги кўшинининг зарбдор ўзаги ҳисобланиши эътироф этилади.

Душманга билан жанг вақтида танани ҳимоялаш мақсадида темирдан ясалган мудофаа аслаҳаларидан ҳам кенг фойдаланилган. Уларга энг аввало, совут, дубулға, қалқон қабилар кирар эди. Масалан, Қирғизистоннинг Кетмен-тўба водийсидаги тош ҳайкал яқинидан топилган совут кийимнинг қолдиғи жангчи танасини бутунлай қопловчи мудофаа кийими бўлган⁹². Бу каби тишли пластиналардан иборат совут кийимлари илк ўрта асрларда хитой, тохар ва суғд кўшинларида кенг тарқалган эди⁹³.

Оғир совутли отликларнинг қурол-яроғлари ўқ-ёй, зарбли найзалар, дудама узун қилич, шамшир, ханжар, совут, дубулғалардан иборат эди. Уруш вақтида жангчилар отиш учун турли хил камонлардан фойдаланишар эди. Енгил қуролланган душманни яқсон қилиш учун уч парракли ёки ясси темир ёхуд суякдан ясалган учли ўқлардан моҳирона фойдаланишган. Яқин масофада ва қўл жангида эса жангчилар душманга найза, узун оғир қилич, шамшир ва ханжарлар билан ҳужум қилишган. Ўзларини мудофаа қилиш мақсадида эса пластиналар совутлар ва дубулғалардан фойдаланишган⁹⁴.

⁸⁹ Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние тюрки... С. 108.

⁹⁰ Ўша ерда. Б. 108.

⁹¹ Киртчичиков А. Н. Древнерусское оружие // Свод арх. источников. Вып. 2. М., 1973. С. 65.

⁹² Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние тюрки... С. 119.

⁹³ Ўша ерда. 120-бет.

⁹⁴ Ўша ерда. 120-бет.

Манбаларда таърифланишича, жангчи ва овчиларнинг кийим-кечаклари жуда қулай бўлган: кийим қисмлари, айникса, камарларнинг рамзий ифодаси (символика) бошка халқлар учун ниҳоятда жозибадор кўринган⁹⁵. Сочларини ўстириб, ўриб орқасига ташлаб юрганлар. Улар кафтанларининг ўнг этагини чапга қайириб, белларига нақшли камар тақишган. Уларнинг камарлари ижтимоий ва сиёсий мавқеини англаганлиги учун бунга алоҳида аҳамият берилар эди⁹⁶.

VI–VIII асрларга тегишли Афросиёб, Панжикент, Шахристон, Ажинатепа, Тавкатепа, Фундуқистон каби бир қатор меъморий иншоотларнинг деворларидаги расмларда қадимги туркларга хос мавзулар акс этган⁹⁷. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар туфайли уларнинг кўпчилиги Турк хоконлиги билан боғлиқ равишда барпо қилингани янада аниқ бўла бошлади. Хусусан, Афросиёб деворий расмларининг бир қисмида Ғарбий турк хокони ва уни қуршаб турган туркий мулозимлар тасвирланган⁹⁸. Сўнги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар (В.А.Шишкин, Л.И.Альбаум, М.Моде, С.А.Яценко, И.А.Аржанцева кабилар) Афросиёбдаги «Элчилар зали»да VII аср ўрталарида содир бўлган ҳақиқий сиёсий воқелик тасвирланган, деб ҳисоблашмоқда. Шу сабабли, мусаввир тасвирадагиларнинг кийим-кечак ва қурол-яроғларини аниқлик билан тасвирлашга ҳаракат қилган⁹⁹.

⁹⁵ *Распопова В.И.* Поясный набор Согда VII – VIII вв. // СА. № 4. 1965. С. 78–91; Яценко С.А. Древние тюрки: костюм на разноцветных изображениях // [http://www.transoxiana.org/8](http://www.formuseum.info/2007/11/25; Yatsenko S.A. The Costume of Foreign Embassies and Inhabitants of Samarkand on Wall Painting of the 7th c. in the Hall of Ambassadors from Afrasiab as a Historical Source // Transoxiana. № 8. Roma, 2004. <a href=).

⁹⁶ *Вайнштейн С.И.* Мир кочевников центра Азии. М.: 1991. С.185–199; Sümer F. Eski türklerde şehirçilik. Ankara: 1994. S.4.

⁹⁷ *Альбаум Л.И.* Живопись Афрасиаба. Т., 1975. С. 20–32; Mode, 2006:110–125; Vaissiere de la, 2006:147–159

⁹⁸ *Аржанцева И.А., Иневаткина О.Н.* Еще раз о росписях Афрасиаба: новые открытия, которым четверть века // Центральная Азия: источники, история, культура (Отв. ред. Е.А. Антонова, Т.К. Мкртычев). М., 2005; Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab Wall-paintings revisited: new discoveries twenty five years old // Royal Nawruz in Samarkand. Acts of the Conference held in Venice on the Pre-Islamic Afrasiab Painting (Ed. by M. Comparati, E. de la Vaissiere). Rome, 2006. P. 183–202.

⁹⁹ *Яценко С.А.* О точной дате и обстоятельствах прибытия посольств, изображенных на росписях Афрасиаба. // «Узбекистан - вклад в цивилизацию. Бухара и мировая культура». (Тезисы). Вып. 3, часть 1. Бухара, 1995.

Кўшин бошқаруви ҳамда харбий унвонлар. Хокон ҳамма нарсадан аввал «мангу эл»¹⁰⁰ (яъни, империя) хотир-жамлиги, фаровонлигининг кафолати бўлиб, «эл»нинг мавжуд бўлишининг асосий шarti сифатида беклар ва «бутун халқ»нинг хоконга садокати талаб қилинарди. Хокон, битиктошлар тили билан айтганда «турк эли» учун, «турк халқи» учун «тунлари ухламаслик ва кундузлари (ишсиз) ўтирмаслиги» шарт эди¹⁰¹. Уруш ва сулҳ, жанг ва битим барчаси «турк эли»нинг тинчлиги учун хокон иродаси билан халқ қилинарди. Бир сўз билан айтганда, хоконнинг харбий ва дипломатик ҳуқуқлари мутлақ чексиз эди.

Турк хоконлигининг ғарбий қисмида кўшинининг иккала қанотида хоконлик оила аъзолари – ябғу, шад, тегин унвонли шахзодалар турган¹⁰². Хоконликнинг мазкур вакиллари тобе қабилаларни бошқариш, солиқлар йиғишни ташкил қилиш билан биргаликда, уларни харбий ишларга жалб этиш, жангларга олиб бориш ва харбий ҳаракатларда бошчилик қилиш ишларини ҳам амалга оширганлар. Хоконликда шахзода – тегинлар ўз кўшинига эга бўлиб, бирор ўлкани бошқаришга масъул қилинган тақдирда шад унвонини олган.

Кўшин бошқарувида олтин бўри бошли байроқлардан, буйруқларни етказишда эса муҳрли олтин найзали ўқлардан унумли фойдаланилган¹⁰³.

Кўшин бошқарувини турли даражадаги харбий амалдорлар олиб боришган. Улар орасида энг юқорилари – жабғу (ябғу), тегин, элтабар бўлиб, мазкур барча мансаблар отадан ўғилга мерос бўлиб ўтар ва Ашина хонадони аъзоларидан тайинланар эди.

Хитой манбалари ва туркий битиктошларда хоконликда мавжуд бўлган мансаб ва унвонларнинг номлари сақланиб қолган. Хоконликнинг бошқарув тузумида қарийб 40 га яқин унвон ва эликдан ортик эпитетлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

¹⁰⁰ *Мангу эл* – битиктошларда асосан бангу эл шаклида учраб, луғавий жиҳатдан «мангу (абадий) давлат» маъносини билдирган.

¹⁰¹ *Абдурахмонов Ғ., Рустамов А.* Қадимги туркий тил. Т., 1982. 90–91, 107-бет.

¹⁰² *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах ... Т. 1. С. 292.

¹⁰³ *Худяков Ю.С.* Вооружение средневековых кочевников... С. 166

- 1) расмий: а) маъмурий; б) ҳарбий;
 2) ижтимоий: а) диний; б) рамзий-фахрий.

Турк ҳоконлигида бошқарув тизимида ҳокондан кейин биринчи ўринда ябғу турган. Дастлабки даврларда «ябғу» ҳоконнинг вориси ҳисобланиб, одатда ҳоконларнинг укалари шу унвонга эга бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам ябғу хитой йилномаларида ҳокондан кейинги биринчи шахс сифатида кўрсатилади¹⁰⁴. Ундан кейин эса тегин, яъни ҳоконнинг ўғиллари – шахзодаларга бериладиган унвон бўлган. Одатда тегинларга бошқариш учун маълум бир ҳудуд берилиб, ўзининг кўшинига ҳам эга бўлган. Ҳокимият акадан укага эмас, отадан ўғилга ўтадиган бўлгач, тегинлар тахт вориси ҳисобланиб, ябғуларнинг мавқеига нисбатан уларнинг мавқеи юқорирок бўлишига олиб келади. Тегинлардан сўнг элтабарлар турган.

Ябғу, шад, тегин, элтабар, тудун, тутук, чўр, тархон, эркин, инанчу, буйрук каби ўнлаб унвонлар ва уларнинг олдида келувчи апа, инал, кул, тун ва х.к. кўплаб эпитетлар расмий характерда бўлиб, улардан аксарияти маъмурий бўлса, бир қисми ҳарбий эди. Айниқса, улар орасида тутук, чўр, тархон, эркин каби унвонлар кўпроқ ҳарбий характердаги унвонлар бўлиши баробарида қарам қабилаларни бошқаришга воҳаларга ҳукмдорлик қилишга юборилган маъмурларнинг унвони сифатида ҳам учрайди.

Ҳоконликда мавжуд унвонлар тизимида ҳарбий унвонлар ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Жумладан, битиктошларда субоши, чабиш, бингбоши, бешюзбоши, юзбоши, ўнбоши каби унвонлар учрайди. Шунингдек, хитой йилномаларида ҳоконлик амалдорларининг унвони сифатида чабиши-цзяби (чабиш) бир неча бор қайд этилади¹⁰⁵. Субоши луғавий жиҳатдан қадимги туркча су «кўшин» ва башы «бош, раҳбар», яъни «кўшин бошлиғи, лашкарбоши» маъносида эди. Чабиш (човуш) эса «кўшинда вазифадор шахс, лашкар бошлиқларидан бири» сифатида бўлиб, Маҳмуд Қошғарий уни «жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сакловчи одам» шаклида таърифлайди¹⁰⁶.

¹⁰⁴ *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах ... Т. I. С. 229.

¹⁰⁵ Ўша ерда, 250-бет.

¹⁰⁶ *Маҳмуд Қошғарий.* Туркий сўзлар девони (Девону луғоти ит-турк) / Таржи-

Хоконликда ҳарбий унвонлар сифатида бўлган бинг-боши «мингбоши», бешюзбоши, юзбоши, *ўнбоши ва хоказолар ҳам асосан марказий ҳокимият ва қўшин қанотлари бошқарувида мавжуд бўлиб, уларнинг бундай номланиши хоконликнинг моҳиятан «ўнлик тизими»га эга ҳарбий империя бўлганлиги билан изоҳланади.

Жанг тактикаси. Маҳоратли жангчиларнинг жанговарлик қобилияти ўз даври учун етарлича даражада юкори бўлган. Улар деярли тинимсиз жангу жадаллар олиб борар, бутун атрофида душманлар ўраб олган бўлишларига қарамай, турли қабилаларнинг қаршиликларини қурол кучи билан бартараф этиб, Узок Шарк ва Ўрта Осиёгача бўлган узок масофали юришларни амалга оширар эдилар¹⁰⁷. Хитой йилномаларида ҳам қайд этилишича, «турли давлатларнинг ҳаммаси унга (Турк хоконлигига) бўйсунган. Камондозлари 1 миллиондан ортиқрок эди. Шимолий ажнабийлар (яъни хитойлик бўлмаганлар) ҳеч қачон бундай куч-қудратга эга бўлишмаган эди»¹⁰⁸.

Хоконликда мавжуд анъаналарга кўра, ҳукмдорлар қўшин жанговарлигини ошириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширганлар. Жумладан, VII асрнинг ярмига мансуб хитой йилномаларида қайд этилишича, ҳукмдорлар «доимий равишда жанг қилиш, қиличбозлик ва ўк-ёй отиш машқларини амалга оширар, овга чиқардилар».

Турк хоконлигининг ҳарбий санъати учун Марказий Осиё чорвадорлари анъанаси каби от билан жанг қилиш усули хос эди. Хужумни аввал камондан маълум масофада туриб ўк узиш билан бошлаб беришган. Бу вазифани асосан ўк-ёй билан қуролланган енгил отлик отрядлар бажаришган. Жангнинг ҳал қилувчи палласида эса урушга оғир қуролли отлиқлар кирган. Улар душманга зич сафга тизилган ҳолда найзалар билан хужум қилишган. Шу тарика улар душманни яқин масофада туриб жанг қилишга мажбур қилишган. Бун-

мон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов. 1-жилд. Т.: Фан, 1960. – 349-бет.

¹⁰⁷ Маълумо Қошқарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғот ит-турк). Таржумон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов. 1-жилд. Т.: Фан, 1960. 168-бет.

¹⁰⁸ Кюлер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. С. 327.

дай хужум эса фойда бериб, душман бардош беролмай, кўп ўтмай чекинган. Зирхли отликлар эса хужумда давом этиб, душманни батамом яксон қилиш билан жангни яқунлашган. Диккатга сазовор жихати шуки, хоконлик қўшинлари душманни охиригача таъкиб қилиб бориб, уни бутунлай яксон қилмагунларича тинчишмас эди. Масалан, жуан-жуанларни улар то Европага қадар таъкиб қилиб боришган¹⁰⁹.

Ёрдамчи пиёда отрядларнинг жангдаги иштироки эса аралаш жанг усулидан фойдаланилганда қўл келган. Яъни, душманнинг хужумини ўқ-ёй билан қарши олишда уларнинг нафи теккан¹¹⁰. Вазият тақозо этганида баъзи турк отрядлари душманга турли тарафдан хужум қилган ҳолда мустақил ҳаракат қилишган.

Византиялик ҳарбий мутахассис Маврикий (VII аср биринчи ярми) ўзининг «Стратегикон» номли асарида туркларнинг тактик усуллари шундай тасвирлайди: «Энди турклар ва аварлар ҳам жанговар тартибда жойлашишади... Улар жанговар қўшинни римликлар (византияликлар назарда тутилмоқда) ва форсларга ўхшаб бир чизик бўйлаб жойлаштиришмайди»¹¹¹.

Хоконликда хабарлашув, яъни ўзаро алоқа боғлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, душманга қарши режалаштирилган ҳарбий фаолият ўзаро хат-хабарлашувлар орқали амалга оширилган. Шундай мазмундаги ёзишмалар Суғдий ва бактрий тилли ҳужжатлар орасида сақланиб қолган¹¹². Хатлар Суғд, Тохористон ёки Кобулистон ҳукмдорларига тегишли бўлиб, уларнинг баъзиларида хокон томонидан «топширик келганлиги» ёки «ёрлик юборилганлиги», ё бўлмаса, ушбу ҳукмдорликларнинг арабларга қарши ҳарбий ёрдам сўраб, хоконга хат орқали муружаат қилишганидан далолат беради.

¹⁰⁹ Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников... С. 168.

¹¹⁰ Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние тюрки ... С. 121.

¹¹¹ Маврикий. Тактика и стратегия. Перев. капитана Цыбышева. СПб., 1903. – С. 34. Иктибос В.И.Распоповага кўра: Распопова В.И. Согдийский город и кочевая степь... С. 88.

¹¹² Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М., 1962. С. 80-82; Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. Oxford, 2000. P. 106-112.

Ҳарбий истехком – кўрғонлар. Минтакада ҳарбий мудофаа иншоотларини куриш анъанаси кўп асрлик тарихга эга бўлиб, чегара чизикларида мустаҳкамланган манзилгоҳлар ва яшириниш учун мўлжалланган қалъалар, қасрлар ва ҳукмдорларнинг қароргоҳлари барпо этилгани шундан далолат беради. Чорвадорлар жамиятида кўчманчи давлатларнинг вужудга келиши билан ҳарбий иншоотларнинг аҳамияти янада ортди¹¹³. Чорвадорлар империяларнинг сув ёки қуруқлик йўллари бўйлаб унча катта бўлмаган истехкомлар қад кўтаради. Бирок бундай истехкомларнинг ҳеч бирида аҳоли доимий яшаган эмас, улар фақат жанг вақтларида захира омбори ва мудофаа жойлари вазифасини ўтаган¹¹⁴.

Ҳоконлик воҳа давлатларини бошқариш учун уларнинг ҳудудида ҳарбий гарнизонлар қурган. Ана шундай гарнизонлардан бири Бешбалиқ шаҳри бўлган. Ёзма манбаларда келтирилишича, Ғарбий турк ҳукмдорларидан бири ҳоконликка хирож ва солиқ етказиб турган Гаочанни кўриқлаш мақсадида Бешбалиқда гарнизон қурдирган. Гаочандан 125 км шимолда жойлашган мазкур гарнизон ўз жойлашувига кўра, ташқи хавфлардан ҳимоялаш учун стратегик жиҳатдан қулай бўлган¹¹⁵.

Ҳоконлик қўшинларига мўлжалланган махсус қароргоҳ шаҳар-қалъалар мавжуд бўлган. Ана шундай қароргоҳ ва гарнизонлардан яна бири – Жабғукат (Окота шаҳар харобаси) шаҳри эди. Жабғукат Бинкатдан шимол томонга олиб борадиган ўрта аср савдо йўлида жойлашган илк шаҳарлардан бири бўлиб, «чиройли бу шаҳар, қадимда Чочнинг ҳарбий лагери – лашкаргоҳи эди»¹¹⁶, «ички мудофаа деворига эга ҳарбий лашкаргоҳ»¹¹⁷. Истаҳрий Чочдан Илокка олиб бо-

¹¹³ Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения в Южной Сибири и Центральной Азии // Военное дело и средневековая археология Центральной Азии. Кемерово, 1995. С. 67.

¹¹⁴ Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения... С. 67.

¹¹⁵ Skaff K.J. VI–VIII. Asırlarda Türkistan Vahalarında Batı Türk Hakimiyeti // TÜRKLER, 2. cilt. Yeni Türkiye. Ankara 2002. S. 100.

¹¹⁶ *Hudud al-'Alam*. The regions of the world. Translated by R.V. Minorsky. London, 1970. – P. 117, 357.

¹¹⁷ Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Т. 1975. С. 73.

рувчи йўлдан шарқда, Турк дарёси (Чирчик) водийсида жойлашган бўлиб, Чоч воҳаси Турк хоконлиги таркибига кирган пайтда (VI–VII асрлар) илк турк хукмдорлари қароргоҳи сифатида барпо этилган.

Жабғукатнинг қачон ва қим томонидан барпо қилинганлиги ҳақида турлича фаразлар бор. Масалан рус шарқшунос олими В.В. Бартольд Тошкент яқинидаги собиқ Ниёзбек қалъаси ўрнида бўлган ушбу шаҳар номини туркча ябғу (жабғу) унвони билан боғлаган ва луғавий жиҳатдан «Жабғу шаҳри» деган маънони англатади, деган тахминни илгари сурган¹¹⁸. Ю.Ф. Буряков ҳам хон қароргоҳи ўрнидан қад ростлаган туркий номдаги шаҳарлардан бири бўлган, деб ҳисоблайди.

Маълумки, 555 йилда Эфталитлар ва Турк хоконлиги орасидаги чегара Сирдарё хавзалари ва Тошкент воҳаси ҳисобланиб, манбаларга кўра, VI асрнинг 60-йилларида Истами эфталитларга қарашли ҳудудлардан дастлаб Чоч воҳасини қўлга киритган эди¹¹⁹. Айнан шу воқеалар билан боғлиқ ҳолда Жабғукат дастлаб ҳарбий мақсадлар (қўшин сақлаш, қўшиннинг ҳарбий тайёргарлиги ва ҳ.к.) учун мўлжаллаб қурилган бўлиши ҳам мумкин. Истеми бошчилигидаги туркларнинг эфталитларга қарши кейинги юришларида Жабғукат ҳарбий база, истехком вазифасини ўтаган бўлиши мумкин.

Бу каби ҳарбий қароргоҳ-қўрғонлар нафақат ҳарбий мақсадларда, балки вазият талаб қилганида маълум вақт олий хукмдорларнинг ҳам яшаш жойлари ҳисобланган. Шунингдек, урушлар пайтида унинг атрофидаги чорвадор аҳолига яшириниш имконини берган¹²⁰.

Турк хоконлигида ҳарбий ютуқлар минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳарбий иш ривожига катта таъсир кўрсатган. Византиялик ҳарбий мутахассис Маврикий (VII аср биринчи ярми) ўзининг «Стратегикон» номли асарида Византия

¹¹⁸ Бартольд В.В. История культурной жизни в Туркестане // Соч., т. 2, ч. 1. М., 1963. С. 230.

¹¹⁹ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т., 1982. С. 122.

¹²⁰ Кызыласов Л.Р. История Южной Сибири в средние века. М.: Высшая школа, 1984. С. 145–147; Байнаков К.М. Городища типа «Торткуль» // Археологические памятники Казахстана. А.-А.: 1978. С. 89.

қўмондонларига доимо авар ва туркларнинг тажрибасини қўллаш зарурлиги қайд этилган. Ушбу насиҳатлар, энг аввало, курул-яроғларга тегишли бўлиб, хусусан: «Жангчининг кийими худди аварларникидек, кенг, узун ва чиройли бўлиши керак» ёки «...отларнинг тумшуғи ва кўкраги худди аварларники сингари курок бўлаклари билан бўлса ҳам қопланган бўлиши керак, улар, айниқса, жанг вақтида олдинда бўлувчи отликларнинг отларини бўйин ва кўксини ҳимоялаб турсин. Эгар устида иккита темир узанги, аркон ва озиқ-овқат учун копчик бўлиши керак. Отнинг белида тўртта, бошида ва иягида биттадан попуғи бўлиши керак». Шунингдек, «чодирлар аварлар ва туркларникига ўхшаб яхшилаб тикилиши керакки, чунки шундай чодирлар ҳам чиройли, ҳам қулайдир»¹²¹ деб уқтирилган.

Демак, юқорида кўриб чиқилган маълумотлардан кўринадикки, хоконлик ўз даврида ҳарбий жиҳатдан илғор бўлган. Ўнлик тизимга асосланган мунтазам қўшин, яъни асосан ҳар бири 10 минг нафар жангчи билан таъминловчи «Ўн ўк» тизилмаси доимий равишда ҳозир бўлган 100 минглик қўшин мавжуд бўлган, хоконлик унинг кўп сонли, интизомли ва тезкор отлик қўшинга эга бўлганлиги, ўз даврининг қудратли давлатларидан бирига айланишига айланишига имкон берган.

Шу сабабли, Турк хоконлиги қудратли Сосонийлар Эрони, Византия ва Хитой устидан маълум муддат устунлик қилишга ва доимий равишда ўз ҳудудини кенгайтириб боришга муваффақ бўлган. Гарчи Турк хоконлигининг бутун сиёсий тарихи ҳарбий юришлар ва қабилалараро урушлар билан тўла бўлишига қарамай, у Жунғориядан то Қора денгизгача бўлган улкан ҳудудда туркий қабилаларнинг ўзаро уюшишига замин яратди ва қатор туркий тилли халқлар этно-маданий муҳитининг шаклланишини таъминлайди¹²². Хоконликнинг кучли ҳарбий ташкилоти эса Хитой ва Эроннинг тажовузкорона ниятларига тўсқинлик қила олди. VIII асрдаги араб халифалиги босқинига ҳам каттик қаршилик кўрсата олди.

¹²¹ *Маврикий*. Тактика и стратегия. Перев. капитана Цыбышева. СПб., 1903. С. 17–18. Иктибос В.И.Распоповага кўра: Распопова В.И. Согдийский город и кочевая степь... С. 88.

¹²² *Кляшторный С.Г.* Древнетюркская письменность и культура пародов Центральной Азии // Тюркологический сборник 1972. М., 1973. С. 254.

2.2. Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий иш ва қўшин ҳолати (IX–XII асрлар)

Сомонийлар давлати. Сомонийлар (875–999) даврида ҳарбий қўшин доимий махсус гвардия ва муваққат қўшинга бўлинган. Давлат ва подшо саройи ҳаётида сарой гвардияси катта роль ўйнаган. Гвардия таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган ёш ҳарбийлар каторида асир қилиб олинган туркий ғуломлар ҳам бор эди.

Сарой гвардиясида вусокбоши (3 ғуломга бошлиқ кичик командир), хожиб (гвардиячи ғуломларнинг олий мансаби), хайлбоши (хожибдан қуйи, вусокбошидан юқори) мансаблари мавжуд эди.

Гвардиячилар дастлабки 5 йиллик хизмати давомида навбати билан от, камчи, қарочури (узун шамшир), белига боғлаш учун кеш ва кин, эгар жабдук, юлдузли жилов, қизил кийим ва халқага осилган темир гурзи билан таъминланган. 5 йилдан кейин унга отда юриш учун махсус этик, тўн, ўн олти тирговичли чодир, уч нафар ғулом берилиб, вусокбоши даражаси тайинланган. Вусокбоши даражасига етган ҳарбийга қумушдан зийнатланган бош кийим ва ганжалик кийим инъом қилинган. Шу тарика ҳар йили кийим-кечаклари кўпайиб, унинг аскарлари ва мартабаси хайлбоши ва ундан кейин хожиб даражасигача ўсиб борган. «...унинг шойисталиги ва ҳунари, шижоати ҳаммага маълум бўлганидан сўнг улуғ ишлар қўлидан келарди, одамлар ва худовандга дўст бўларди, то ўттиз беш ёшга тўлгунича амирлик унвонини бермасдилар ва вилоятларга ҳам ҳоким этмасдилар»¹²³.

Ҳожиб сарой лашкарбошиси бўлган, унга сарой ва ҳукумат муассасаларини қўриқлаш бўйича хизмат қилувчи ва ҳарбий ҳаракатлар даврида ўта масъулиятли вазифаларни бажарувчи гвардиячи-ғуломларнинг катта отряди бўйсунган. Бузурги хожиб – бош хожиб сомонийлар давлатининг энг олий мансабли амалдорларидан бири бўлган. Ҳожиблар ва бош хожиб давлат ишларида катта роль ўйнаганлар. Ҳарбий

¹²³ *Низомулмулк*. Сипоснома. Тошкент: «Адолат», 1997. 107–108-бетлар.

хизматда мавқега эришган турк ғуломлари озод қилиниб, маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар фидойи хизматлари учун давлат томонидан муносиб тақдирланиб, ўз эрklarини тиклаганлар ва қатор имкониятларга эга бўлганлар. Мана шундай ғуломлардан бири қобилиятли лашкарбоши ҳамда истеъдодли сиёсатчи даражасигача етган Алптегиннинг ҳаёт йўли бунга мисол бўла олади. Хизмат поғоналаридан шу тарика кўтарилиб борган Алптегин 35 ёшидаёқ Хуросон сипоҳсолори лавозимини эгаллайди, 2700 ҳарбий ғуломларга қўмондонлик қилади, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда катта мулкларга эга бўлади. Шу даврда турк ғуломлари орасидан етишиб чиққан Сабуктегин (940–997) эса хизмат поғоналаридан ўсиб бориб, катта мавқега эришади ва келажакда ғазнавийлар сулоласига асос солади.

Сомонийлар даврида уруш ёки бошқа зарурият туғилганда маҳаллий ҳукмдорлар, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросондаги алоҳида вилоятлар эгалари катта микдорда кўнгиллилар қўшини – халқ лашкарини тўплаганлар. Истахрий маълумотларига кўра, мамлакат кўнгиллилар қўшини учун маълум микдорда аскарлар етказиб берадиган алоҳида кулоблар (округлар)га бўлинган. Кўнгиллилар қўшинининг жанговар сифатлари жуда юқори бўлган. Ибн Ҳавқал сўзларига кўра, бу қўшинлар ўз уйи, жойи, оиласи, қўшнилари яхши билган эркин деҳқонлар, яъни жамиятнинг тўқ ва эркин қатламлари вакиллари тузилган. Улар ташки ҳарбий хавф туғилганда, ёки ички низолар ва кўчманчиларга қарши юришлар ташкил қилинганда тўпланган. Мазкур қўшинлар ўз маблағлари, маҳаллий ҳокимлар маблағлари ва давлат маблағлари ҳисобига яшар эдилар. Қурол-аслаҳа ва таъминот аниқ мажбуриятларга боғлиқ бўлган. Масалан, сомонийларга ярим қарам бўлган Чағониён вилояти ўз ҳисобидан ўзини таъминлай оладиган, ўз отларига эга бўлган 10 минг аскар етказиб берган. Шубҳасиз, юришлар вақтида кўнгиллилар қўшини асосан марказий ҳукумат ҳисобидан таъминланган.

Қўшинлар таркибида кўчманчи қабилалар отрядлари ҳам бўлган. Чегаралар эса маҳаллий ҳокимларнинг ҳарбий қучлари ва ғозийлар томонидан қўриқланган.

Ғазнавийлар давлати. Ғазнавийлар (962–1183) салтанати-

да ҳукмдорнинг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси бўлмиш вазир нафақат маъмурият амалдорлари, балки ҳарбий кучларга ҳам жавоб берган. Султон ва марказий ҳокимиятнинг асосий таянчи бўлган доимий қўшин асосан отлик қўшиндан иборат бўлса-да, пиёда отрядлар, фавқулодда ҳолатларда эса шаҳар ва кишлоқ аҳлидан тўпланадиган қўнғиллилар ва деҳқонлар ҳам кирган. Ғазнавийлар қўшинида маҳаллий аҳоли вакиллари қаторида сейистонликлар, хиндлар, курдлар, арабларни ҳам учратиш мумкин эди¹²⁴.

Ғазнавийлар қўшинида махсус тузилмалар ҳам бўлган. Махсус тузилмаларда зодагонлар вакиллари ҳамда қарам кишилар, амир хизматида бўлган ҳарбий асирлар, ғуломлар бор эди. Улар асосан Мовароуннаҳр, Тароз, Қошғар ва Хўтондан келган ғуломлар бўлиб, кейинчалик хусусий ва сарой мактабларида махсус ўқув курси ва ҳарбий тайёргарликни ўтаганлар. Ғуломлар бир қанча категорияларга бўлинганлар, шулардан сарой ғуломлари кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг сони 4000 та бўлган. Булардан ташқари султонга тансоқчилар ва байроқдорлардан иборат яна 300 та ғулом бўлган.

Ғуломларнинг асосий қисмидан аскарлар ва қўриқчилар сифатида фойдаланилган, қолган қисми хизматкорлар вазифасини бажарган. Султон ғуломлари хазинадан йиллик маош ва озиқ-овқат билан таъминланганлар. Улар ўзларининг ҳуқуқий мақомлар ва мулкӣ ҳолатлари билан ажралиб турганлар. Уларнинг баъзилари хатто юқори мансабларга эришиб, хожиблар, вилоятлар ҳокимлари бўлишган. Султон хизматда юқори кўрсаткичларга эришган ёки сеvimли ғуломларга саховат кўрсатиб, уларга бойликлар инъом қилган, ерлар совға қилган. Узок сафарда юрадиган ғуломлар тез-тез эркинликлар олишган.

Ғуломлар маҳаллий ижтимоий ва этник катламларга деярли боғлиқ бўлмаганлар ва шунинг учун ҳам мулкдорлар ҳокимиятининг ҳукмронлигини амалга оширишда қулай қурол бўлган. Сарой ғуломлари дабир – давлат идораси амалдорларининг махфӣ назорати остида бўлган, гуноҳлар қилганда қаттиқ жазоланган.

¹²⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: «Адолат», 1997. – 105-бет.

Ғазнавийлар даврида қўшин уч *лашкарбоши* (сипохсолор) га бўйсунадиган, Ҳиндистон, Ирок ҳамда Хуросонда жойлаштирилган уч йирик бирлашмага бўлинган. Бутун қўшин устидан олий қўмондонликни ноғора, туғ, катта ёки кичик дўмбира каби хизматнинг муҳим белгиларига эга бўлган *бош ҳожиб* амалга оширган. Бош қўмондон тилла белбоғли *қора чакмон* ва икки шохли телпак кийиб юрган. Бош ҳожиб ва қўмондонлар давлат ҳаётида, хусусан подшоҳликлар алмашиши, янги султоннинг тахтга келиш даврларида катта роль ўйнаганлар.

Салжуқийлар давлати (1038–1308) Салжуқийлар даврида давлат бошқарув тизимида маъмурий ва фуқаролик муассасалари билан бир қаторда, «*девони ариз ал-жайш*» деб номланган ҳарбий идора ҳам мавжуд бўлган. Уни бошқарувчи бўлмиш *ариз ал-жайш* турли вилоятларда ўз бўлинмаларига, ўз ноиби (ўринбосар ёки ёрдамчи) га эга бўлган. *Ариз* ҳарбий нозир вазифасини бажарган. У қўшинга бериладиган иш ҳақи ва нафақаларни каттиқ назорат қилган, даволовчи ва хизматчилар штатларига эга бўлган даволаш ва алоқа воситаларига ҳомийлик қилган, вақти-вақти билан қўшинни текширувдан, яъни кўрувдан ўтказиб турган, хизматдаги ва сафдан чиққан ҳарбийларнинг рўйхатларини аниқлаб, шахсий таркибни текшириш ва ҳисобга олиш ишлари ҳам амалга оширилган. Ҳарбий бошқарманинг махсус дафтарида қўшин таркибига бериладиган иш ҳақи турлари ва миқдори белгилаб қўйилган. Буларнинг бари *аризнинг* бевосита мажбурияти бўлган.

Ариз қўшин ҳаракатини ҳам тегишли тарзда қайд этиб борган. Ҳарбийлар узок сафарларда бўлган чоғларида ўзларига берилган ерлар ҳисобидан маош олиб, таъминланганлар. Бу маблағлар қўшинлар борган вилоят ва мамлакатлар ғазнасидан копланган. Улуш олган ҳарбийларнинг номлари *Ариз* томонидан махсус рўйхатларга киритилган.

Салжуқийлар қўшинининг командир ва аскарлари хизматлари учун ҳам пул мукофоти, ҳам озик-овқат, жумладан дон билан рағбатлантирилганлар. Ҳарбий амалдорларга ҳақ тўлаш *ариз* буйруғи ва рухсатномаси билан махсус рухсатно-

ма (*берат*) ва кўчириш ҳужжатлари (*парвона*) бўйича давлат девони воситалари ҳисобидан амалга оширилган. Қўшиндаги иш ҳақларининг қисқариши ёки унга қўшимчалар тегишли молия-солиқ девонлари томонидан қайд қилинган. *Девони ариз* барча маблағларни (кимга тегишли ёки мерос бўлишидан катъий назар) қайд қилиб борган. У кўпинча асосий қўшин қароргоҳида бўлган, йўқлигида ҳарбий девон ишларини *ноиб*, яъни унинг ўринбосари бошқарган.

Ариза бевосита бўйсунган қўшинлар орасида *ситоҳийлар* (доимий отрядлар) ва *мутажанийлар* – чегара қўшинлари ҳам бўлган.

Салжукийлар қўшинларининг таркиби ўша даврдаги барча маҳаллий уруғлар вакилларида иборат эди. Қўшинларда 24 ўғуз қабилаларидан тўпланган ҳарбий отрядлар мустақил ҳарбий бирликларни ташкил қилар, уларнинг ҳар бири *хон*, *малик* ёки *амир* деб юритилувчи ўз бошлиғига эга эди.

Қорахонийлар даврида ҳарбий сиёсат ва қўшин тузилиши (X аср охири – XII асрлар). Марказий Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрин тутган давлатлардан бири Қорахонийлар ҳоконлиги эди. Туркий давлатчилик анъаналари асосида шаклланган мазкур давлат X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Жанубий Тангритоғ олдидаги ҳудудларда ташкил топган. Давлатнинг барпо бўлишида қарлуқ, қиғил, яғмо каби йирик туркий қабилалар етакчилик қилган. Қорахонийлар сулоласи ҳукмдорлари Арслонхон ва Буғрохон унвонлари билан юритилган. Тахтга чиққан Арслонхон ёки Буғрохон, улуғхон, яъни қорахон деб аталган. Баъзида қорахон, «хонлар хони», «тамғачхон» деб ҳам юритилган.

X аср охирида Қорахонийлар ҳукмдори Абдулкарим Сотук Буғрохон ва унинг набираси Ҳорун ибн Мусо ибн Сотук бошчилигида Мовароуннаҳрга юриш қилиб, 922 йилда Шош, Фарғона ва бошқа туркий қабилалар яшаган вилоятлар қўшинлари билан бирга Бухорони эгаллаган. 996–999 йиллардаги иккинчи юришда Сомонийлар давлатига барҳам берилиб, Қорахоний Наср I бутун Мовароуннаҳрни эгаллаган. Шу тариқа Наср I Мовароуннаҳрга янги туркий сулолалар ҳукмронлигига асос солган. Бу давлат то 1212 йилгача бошқа

бир туркий давлат ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан бутунлай тугатилмагунча, Мовароуннахрни бошқариб турди.

Қорахонийлар ҳоконлигининг қуроли кучлари масаласи уйғур олими Ҳожи Нурҳажининг араб алифбосига асосланган уйғур тилида нашр этилган «Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар» номли асарига келтирилади¹²⁵. Асарнинг учинчи боби «Қорахонийлар давридаги ҳарбий қўшин» деб номланган бўлиб, ушбу бобда келтирилган маълумот ўрганилаётган мавзуга қатор аниқликлар киритишга ёрдам беради. Ҳожи Нурҳажин асарига ёзилишича, Қорахонийлар сулоласи армияни кучайтириш, унга раҳбарлик қилиш, уруш тарихини ва қонуниятларини ўрганиш масаласига катта эътибор берган. Шу билан бирга, ҳарбий қўшинларга раҳбарлик қилувчиларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Мазкур талабларга кўра, қўмондонлардан қаттиқ интизом, довжорак, кучли, қобилиятли, қуроллари яхши билишдан ташқари, ўқимишли ва ҳарбий билимнинг устаси бўлиши талаб қилинган. Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзи билан айтганда, бир ҳарбий қўмондон чакконлик жасоратли, тажрибали, фаросатли, бир сўзли, юракли бўлиш кифоя қилмайди, у душмanning аҳволини ўрганиши ва яхши билиши, сиёсий ва ҳарбий вазиятдан тўла хабардор бўлиши, қўл остидаги қўшинни оқилона бошқара билиши, қўшинларни жойлаштиришда яхши жой танлаши, одамларга меҳрибон бўлиши лозим бўлган. Шунингдек, қўмондонлардан лашкарларни ўзига ишонтира олиш, бунинг учун яхши муомалали, юмшоқ кўнгилли бўлиш билан бирга, урушда жасорат кўрсатиш, зарур бўлганда ҳийла ишлата олиш, ўзининг оиласи ва болалари манфаатларини кўзлаб давлат ва халқ манфаатини оёқ ости қилмаслик каби фазилатлар талаб этилган. «Қутадғу билик»да қайд этилишича, «қўмондон мол-мулк орқасида

¹²⁵ Ҳожи Нурҳожи Қорахонийлар ҳоконлигининг қуроли кучи масаласини ёритишда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон луготи турк» ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарларини асос қилиб олган. Шу билан бирга, муаллиф қўшимча адабиёт сифатида 1943 йилда Истанбулда нашр этилган ва Қавмаддин Бўдислон қаламига мансуб бўлган «Ироқда Хуросон салжукийларининг тарихи» ва турк тилида чоп этилган Притсавнинг «Қорахонийлар» каби китобларидан фойдаланган.

юрмаслиги, пул йиғмаслиги лозим. Шунда у ўз атрофига мард йигитларни тўплай олади, улар эса урушда азиз жонларини фидо қилади. Қўмондон мағрур бўлса, душман унинг олдида мағлуб бўлади», – деб ёзилган¹²⁶.

Қорахонийлар ҳоконлигида мавжуд бўлган одатга қўра, аксарият ҳолларда ҳоконнинг ўзи ёки унинг ўғли бош қўмондон лавозимига тайинланган. Армия «сув», бош қўмондон эса «сув боши» деб номланган. Ҳар бир 4 минг киши «бир қўшин», 12 минг киши «чўнг қўшин» (катта қўшин) деб аталган¹²⁷. Бош қўмондон ўзи учун тураржой, яъни «ўрдагоҳ» танлаши, қўшинларни олиб келиш ва тарқатиш учун қулай жой танлай олиши муҳим вазифалардан бири деб қаралган.

Қорахонийлар сулоласи қўшинларининг тартиб-интизоми масаласига жиддий эътибор берилган. Айниқса, қўмондонлар тайинлашда юқорида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиш шарт бўлган. Мамлакатда жорий этилган қонун-қоидаларга қўра, тинчлик даврида мунтазам хизматдаги армия сони кўп бўлмаган, аммо унинг жанговарлигини оширишга катта эътибор берилган. Уруш даврида армиянинг сони кўпайтирилган, уруш тугагандан сўнг қўшимча сафарбар қилинган аскарлар уйига қайтарилган¹²⁸. Мунтазам армия қалъаларни химоя қилувчи, ҳоконни химоя қилувчи (йиртиғ), душманга кечаси зарба берувчи (акинчи), душманнинг ички аҳволини кузатувчи (йизак) ва маълумот олиш мақсадида душман одамларини тутиб келувчи (тутқок), кечаси сокчилик қилувчи (ётқок), кундузи сокчилик қилувчи (турғок) каби қисмлардан иборат бўлган¹²⁹. Қуроли кучлар марказий ўрдани химоя қилувчи, давлат ихтиёридаги мунтазам армия, қорахонийлар сулоласи аъзоларига, ҳокимларга (волийларга) ва бошқа юқори даражали амалдорларга тегишли қўшинлар, қабилалар бошлиғи ихтиёридаги ҳарбий қисм қабиларга бўлинган¹³⁰.

¹²⁶ *Ҳожи Нурҳажи*. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. – Урумчи, 2001. 327-бет.

¹²⁷ Ўша ерда, 322–323-бетлар.

¹²⁸ Ўша ерда, 338-бет.

¹²⁹ *Ҳожи Нурҳажи*. Кўрсатилган асар, 323–339, 357-бетлар.

¹³⁰ *Ҳожи Нурҳажи*. Кўрсатилган асар 314-бет.

Қорахонийлар ҳарбий қисмларида энг кичик бирлик «ўтоқ» – ўнлик тизими жорий этилган. 10 кишидан иборат қисм бир чодирга жойлаштирилган. Бу қисмнинг бошлиғи эса «ўтоқбоши» деб номланган. Бир неча ўтоққа раҳбарлик қилган киши «ҳайил боши» деб аталган. Кўп ҳолларда 10 та ўтоқ бир қисмни ташкил қилган бўлиб, бунинг таркибидаги аскарлар сони 80 кишидан кам – 100 кишидан кўп бўлмаслиги белгиланган. Бундай қисмга етакчилик қилган амалдор «ўн ўтоқ боши» деб номланган бўлиб, унинг қарамоғида «юзбоши», «юзлар амир боши» унвонларида хизмат қилувчилар бўлган¹³¹.

Уруш даврида кўшинлар «ўнг қўл кўшин», «сўл қўл кўшин», «ўрта саф» ва «орқа саф»ларга бўлинган. Булар маълум бир тартибда ва аниқ белгиланган ўринда туриб ҳаракат қилган. Кўшиннинг озик-овкат таъминоти билан махсус қисмлар шуғулланган бўлиб, бу масаланинг яхши бажарилиши ғалабанинг асоси деб белгиланган¹³².

Урушда қахрамонлик кўрсатган ёки катта ғалабага эришган қорахоний ҳоконларига «буғроҳон», «буғро-қорахон» ёки «тунгаҳон», Қорахонийлар сулоласи ҳокимиятини кучайтиришда хизмат кўрсатган ёки ташки сиёсатда, иктисодий ва маданий ишларда фаол ҳаракат қилган ҳоконларга эса, «қодирхон» унвонлари берилган. Жангда жасорат кўрсатганларга «киличхон» ёки «сўкман» (душман сафини ёриб ўтиш маъносини билдиради), «тунга-текин», «алип-текин», «ёрғон-текин» унвонлари берилган. Давлат ишларида хизмат кўрсатган шахслар «кул-билгаҳон», хон ўрдасида хизмат кўрсатганлар эса «бош хожиб» унвонлари билан тақдирланган¹³³. Барча амалдорлар, жумладан, ҳарбий амалдорлар ўз мансаблари учун белгиланган кийим-кечакларга, мактуб йўллашда тузилган матнларга ўзларининг махсус тамғаларини босишлари шарт эди. Тамғаларда эса эгасининг исми, мансаби ёзилган бўлиб, улар ҳокон томонидан тақдим этилган¹³⁴. Барча ҳарбий амалдорларнинг маоши

¹³¹ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Кўрсатилган асар 340–341-бетлар.

¹³² Ўша жойда. 342-бет.

¹³³ Ўша жойда. 358-бет.

¹³⁴ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Кўрсатилган асар. 359-бет.

бошқа амалдорлар сингари маълум конун-қонда асосида белгиланган бўлиб, унинг ўсиши ёки камайиши мансаб ва лавозимнинг ўзгаришига, кўрсатган хизматига боғлиқ бўлган.

Қорахонийлар даврида ҳарбий ишлар билан шуғулланадиган махсус девон таъсис этилган бўлиб, у «ҳарбий девон» деб номланган. Мазкур идора ҳарбийларни тизимлаш, уларнинг маошларини белгилаш ва тарқатиш, лавозимларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган барча расмийликлар билан шуғулланиш, қурбон бўлганларни рўйхатдан чиқариш ва янгиларни рўйхатга олиш каби ишлар билан шуғулланган. Бундай рўйхатлар учун тутилган дафтар «ой-бутуки» ёки қискартирилган шаклда «ой» деб аталган¹³⁵.

Аскарликка одам олишда диний эътиқод масаласига эътибор берилган ва уларнинг барча ҳаракатлари шариат талабларига биноан баҳоланган. Аскарликка одам олиш мажбурий ва танлов асосида амалга оширилган, ҳарбий хизматга жалб этилганларга эса ойма-ой маош тўланган. Ҳожи Нурҳажининг ёзишича, шу даврдаги салжукийларда ўрда аскарларига тўрт ойда бир марта ойлик тўланган эди. Ойма-ой маош тўлаш қорахонийлар қўшинларининг жанговарлик руҳини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатган¹³⁶.

Қорахонийлар қўшинларида 9 хил туғ ишлатилган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий «туғ – алам демактур, тўккиз туғлик хон дейилади, майли вилоят қанча кўп бўлсин, мартабаси устун бўлсин, туғ тўккиздан ортик бўлмайди. Чунки 9 сони хосиятли бўлади», – деб ёзган¹³⁷. Туғларнинг ранги сарғиш қизил (оч қизил) бўлган ва ипак ёки пахта матодан тўқилган¹³⁸.

Ҳожи Нурҳажининг хулосасига қараганда, қорахонийлар даврида жорий этилган ҳарбий тузилма ва унвонлар Турк хоқонликлари давридаги анъаналардан деярли фарқ қилмаган. Фақатгина бир неча ўтоққа, яъни бир неча 10 кишидан иборат бўлган ҳарбий қисмга раҳбарлик қилган «хайил боши».

¹³⁵ Ҳожи Нурҳажининг. Кўрсатилган асар, 316-бет.

¹³⁶ Ўша жойда. 317-бет.

¹³⁷ Маҳмуд Қошғарий. Туркий тили девони. 3-жилд. – Урумчи. 176-бет.

¹³⁸ Ҳожи Нурҳажининг. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар ... 356–357-бетлар.

(кисқача «хаил») унвони қорахонийлар ислом динини қабул қилганларидан сўнг жорий этилган¹³⁹.

Қорахонийлар даврида турли ҳудудларга жойлаштирилган ҳарбий қисмларнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш ишларига катта эътибор берилган. Бу борада алоқаларни икки хил услуб билан амалга оширишган. Буларнинг бири тез чопар отлар ёрдамида, иккинчиси, баланд тоғ чўккиларига ва тепаликларга қурилган миноралар устига олов ёкиш билан (қурғуй, қарғу) амалга оширилган¹⁴⁰. Ҳарбий тактика масаласида нистирма қўйиш душманга ёлғон хабар етказиб чалғитиш ҳарбий қисмлар жойлашган ерларни баланд деворлар билан ўраб олиш, деворлар устига қузатиш минораларини барпо этиш ишларига катта эътибор берилган¹⁴¹.

Бу даврда ишлатилган қурол-яроғлар асосан ўк-ёй, қилич, болта, найза (санку), темир тўқмоқ (басу гурза), ханжарлардан иборат бўлиб, булар хужум қуроллари деб ҳисобланган. Металлдан қилинган совут (ёрик), дубулға (металлдан қилинган қалпоқ) ва қалқон ҳимоя қуроллари сифатида ишлатилган. Ушбу қуроллар ичида қилич билан болтага катта аҳамият берилган. Дубулға кийган киши баъзан «яшук» деб номланган. Дубулға кийганда бош оғримаслик учун уни кийишдан аввал бошга жундан тўқилган қалпоқ кийилган. Бундай жун қалпоқ «кадук» деб аталган. Совутнинг шакли ҳар хил бўлиб, у майда ҳалкачалардан, занжирлар, тангасимон металл парчаларидан қилинган. Бундай совутлар шаклига қараб ҳалқа совут, занжир совут (ўрма ёрик), танга совут (сой ёрик) деб аталган. Совут кийган жангчи «ёриқлик ар», киймаган киши «бошнак ар» деб номланган¹⁴².

Ўк-ёй учун ишлатилган ўк ёғочдан маҳсус асбоб ёрдамида текис ва силлиқ қилиб ясалган. Ўкнинг охири қисмига қуш пати ёпиштириш услуби билан отганда овоз чиқарадиган ва овозсиз ўқлар ишлаб чиқарилган. Овозли ўқлар душманни қўрқитиш ёки унга ваҳима солиш учун, овозсиз ўқлар эса душманга қўққисдан, қутилмаган зарба

¹³⁹ *Ҳожи Нурраҳи*. Кўрсатилган асар. 356–357-бетлар.

¹⁴⁰ Ўша жойда. 339-бет.

¹⁴¹ Ўша жойда. 338-бет.

¹⁴² Ўша жойда. 353–354-бетлар.

бериш ва ўқнинг қаердан келганлигини сездирмаслик учун ишлатилган¹⁴³. Найзаларнинг учи (башок) япалок ва узун учлик қилиб пўлатдан ясалган. Қорахонийлар ишлатган қиличлар юқори сифатли пўлатлардан ва туркий халқларга хос бўлган анъанавий шаклда ясалган. Айрим ҳолларда қилич сопи тилла билан безатилган. Қиличнинг эгаси уни доим асраши ва ялтиратиб қўйиши шарт бўлган. Қиличларни ялтиратиш махсус модда ёрдамида амалга оширилган.

Қорахонийлар даврида «қилич камчи» номли яна бир қурол ишлатилганлиги маълум¹⁴⁴. Аммо бу қуролнинг аниқ шакли сақланмаган. Мавжуд тахминларга кўра, камчи учига ўткир тиғ жойлаштирилган. Ишлатилган асосий қуроллар қилич, болта, ханжар, найза, ўк-ёй, химоя воситалари эса қалқон, совут ва дубулға (пўлат қалпоқ) бўлган.

Ҳарбий қисмларда сир сақлаш, душман айгокчиларининг пинҳоний кириб келишини олдини олиш, душман ҳудудида ўз одамларини таниб олиш, урушга тайёргарлик кўрилаётганда ўз одамларини танимай қолмаслик учун шартли ибора – пароль масаласига катта эътибор берилган ва бу ҳам маълум даражада ўзига хос қурол деб тушунилган. Пароль сўзи эса «им»¹⁴⁵ деб номланган. Им тез-тез ўзгариб турган ва у ниҳоятда махфий сақланган.

Ҳокон бош кўмондон ҳисобланган. Давлатнинг мунтазам армиясидан ташқари, ҳокон авлодлари, ҳокимлар, йирик амалдорлар ва қабила бошлиқлари ихтиёрида ҳам химоя билан шуғулланувчи ҳарбий махсус қисмлар бўлган.

Қорахонийлар ҳоконлигида ҳарбий салоҳият, кўшин тузилиши, унинг кучи аскарликка ёллаш асосида амалга оширилган. Тинчлик даврида ҳарбийлар кўпчиликини ташкил этмаганлиги, катта кўшин уруш даврида тўпланганлиги бу даврда мунтазам армия бўлмаганлигидан далолат беради. Аммо ҳарбий соҳада кўшин тузилишида асрлар давомида туркий халқлар орасида шаклланган анъаналар сақланиб қолган. Жангчиларни ватанпарварлик, мол-дунёга берилмаслик ва

¹⁴³ *Ҳожи Нурҳажо*. Кўрсатилган асар, 344–346-бетлар.

¹⁴⁴ *Ўша жойда*. 355-бет.

¹⁴⁵ Ҳозир «им» сўзи ўзбек тилида бош ирғитиб ёки юз, кўз, қош, қўя ҳаракати билан қилинган ишора маъносида ишлатилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 1-жилд. М., 1981., 324-бет).

соткинликка мойил бўлмаслигига ва жанговар руҳда тарбиялашга катта эътибор берилган.

Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). Хоразмшоҳлар ўз даврининг кудратли кўшинига эга бўлиб, кўшинларни доимий тўлдириб бориш ва таъминлашга катта аҳамият берилган. Хоразмшоҳлар кўшини яхши қуролланган ва тайёргарликка эга бўлган, унинг лашкарбошилари эса ҳарбий тўқнашувларда жасурликлари билан ажралиб турганлар.

Хоразмшоҳлар давлатида кўшин таркиби ҳарбий юришлар қўламига боғлиқ равишда ўзгариб турган. Масалан, 1195 йилда хоразмшоҳ Такаш (1172–1200) нинг девони дафтарида 170 минг отликнинг номи рўйхатга олинган бўлса, ундан кейинги Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад (1200–1220) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида бир неча кун давомида 70 мингга яқин отлик уруш майдонига кирган¹⁴⁶.

Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад 1217 йилнинг кузида Бағдодга юриш қилишга қарор қилганида, унинг тўплаган кўшинлар чўл ва саҳроларни тўлдириб юборган. 1218 йилда хоразмшоҳ ўтказган ҳарбий кўриқда 150 минг отлик кўшин ва 100 минг пиёда кўшин қатнашган¹⁴⁷.

Хоразмшоҳлар кўшинида оғир ва енгил отликлар (туялар ҳам бўлган) дан иборат кавалерия, пиёда ва кўнгиллилардан иборат бўлиб, уларни қурол-яроғ, ўк-дори, озиқ-овқат, маблағ билан таъминлаб турган ёрдамчи кучлар ҳам бўлган. Доимий қисмлардан ташқари, хоразмшоҳлар мамлуклар, яъни қул-аскарлардан иборат *шахсий гвардия* ҳарасга ҳам эга бўлганлар. Бундай гвардияни биринчи бўлиб хоразмшоҳ Аловуддин Такаш ташкил қилган. Унинг таркибида 10 минг киши бўлган. *Ҳарас* (гвардия) Хоразмшоҳ ва унинг оиласини кўриқлашдан ташқари турли экспедициялар, савдо қарвонларига ҳамроҳлик қилишга ҳам жалб этилган. Жанговар ҳаракатлар бошланиши билан хоразмшоҳлар сафарбарлик эълон қилиб, тинч аҳолидан кўнгилли лашкар тўплаганлар.

Давлатда ҳарбий бошқарувнинг олий органи *девон ал-ард* (ёки девон ал-жайш) бўлган, мазкур девоннинг бошлиғи

¹⁴⁶ Буняттов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097–1231). – М.: «Наука», 1986. – С. 89.

¹⁴⁷ Ўша асар, Б.90.

соҳиб девон ал-ард (ёки соҳиб девон ал-жайш, ёхуд арид ал-жайш) ҳисобланган. Манбаларда бутун давлат ҳарбий бошқарувининг бош идораси *девони арз дар жумлайи мамолик* деб номланганлиги қайд этилади¹⁴⁸.

Девон ал-ард барча ҳарбий лавозим ва унвон соҳибларини, кўшинни маош, озик-овқат ва тўловлар билан таъминлаган, кўшинларни назорат қилиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланган, уларнинг қурол-аслаҳаларини бошқарган. Йирик вилоятларда ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий органлари ҳам бўлган.

Кўшинда ўз аҳамиятига кўра иккинчи лавозим *ҳарбий нозир* (нозир ал-жайш) ҳисобланиб, у кўшин девони назоратида фаолият юритган. Хоразмшоҳлар кўшини кўмондони *қоъид* ёки мукаддам унвонига эга бўлган. Бу лавозимга буюк ва қобилиятли амирлардан бири сайланган. Хусусан, хоразмшоҳ Эл Арслон (1156–1172) кўшинларга кўмондон қилиб қарлуқ амирларидан бири Шамсулмулк ибн Хусайн Айёрбекни тайинлаган. У ўз сингисини унга турмушга беради ва кўмондонликка тайинлайди. Аловуддин Муҳаммад ҳукмронлиги даврида Рай вилоятининг биринчи ҳокими ва кўмондони этиб унинг ўғли Абулфатҳ Юсуф тайинланган. У амир-сипоҳсолор ҳарбий унвонига эга бўлган. Вилоятлар кўшинлари кўмондонлари яна соҳиб ал-жайш унвонига ҳам эга бўлганлар.

Янги ҳудудлар ва вилоятлар босиб олинганида хоразмшоҳлар ўз амирларига олинган ерларни икта сифатида таркатганлар ва барча маҳаллий амирлар ичидан нисбатан буюкларини қолганлари устидан бошлик қилиб тайинлаганлар, уларга амирул умаро (амирлар амири) унвонини берганлар. Малик ҳарбий унвонига эга бўлганлар 10 минг отлик отрядлар устидан кўмондонлик қилганлар. Баъзи ҳолларда ҳарбий унвонлар қуйи табақалар вакилларига ҳам берилган. Малик унвонига оддий халқ орасидан чиққан Муъайидалмулк Қавомиддин кўтарилган. Шунингдек, жангларда алоҳида ўрناق кўрсатган маликларга хон мартабаси берилган.

¹⁴⁸ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов, С. 92.

Хоразмшоҳлар кўшинида хабарчилар – човушлар ҳам бўлган, уларга катта човушлар бошчилик қилган. Шунингдек, разведка ишлари билан шуғулланувчи хабарчилар жосуслар (ёки айғоқчи) ларнинг махсус бўлинмалари ҳам бўлган. Улар душманнинг ҳолатини, ҳаракатларини ўрганганлар, бу эса жуда муҳим иш бўлган. Кўшинда суд ишлари билан шуғулланувчи қози мансаби ҳам бўлган.

Хоразмшоҳлар кўшинлари қилич, камон, найза, гурзилар билан қуролланганлар, бундан ташқари, кўшинда катапульталар (манжаник, яъни тош отиш қуроли), муҳосара, яъни қуршов машиналари, тошбақалар, яъни ҳаракатланадиган гумбазлар, *учли ёғоч қуроллар* ва *хужум зинаоялари* бўлган¹⁴⁹.

Хоразмшоҳлар *қалъалар* ва *қўрғонларни* қуриш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берганлар. Қалъалар кўшинларига *мустаҳфизлар* қўмондонлик қилганлар.

Хоразмшоҳлар давлатида миршаблик хизмати *шихналар* бўлиб, улар ўз отрядлари билан жазолаш функцияларини ҳам бажарганлар. Одатда, *шихна* лавозимига туркий халққа мансуб лашкарбошилар – амирлар тайинланганлар. *Шихна* ҳокимият учун хавф туғдирган барча ишларга аралашган ва ким аҳолини тузумга қарши бошламокчи бўлса, улар устидан назорат ўрнатган. Хоразмшоҳлар барча босиб олинган вилоятлар, шаҳарлари ва аҳоли пунктларига ўз шихналарини тайинлаганлар. Масалан, 1165 йилда хоразмшоҳ Эл Арслон кўшинлари Дихистонни босиб олганида, дарҳол у ерда ўз шихнасини тайинлаган. 1193 йилда хоразмшоҳ Такаш Сарахс ва Марв шаҳарларини эгаллаши билан, у ерларга ўз шихналарини тайинлайди. Султон Жалолиддин Мангуберди Хуросон шихналикига амир Қулихонни, кейинроқ амир Ёған Сункурни, Исфаҳон шихналикига Нусратиддин Муҳаммадни, Озарбайжон шихналикига амир Бадриддин Тутакни, Ҳамдон шихналикига амир Сарир Маликни тайинлаган.

Хоразмшоҳлар даврида кўшиннинг жанговар ҳаракатлар вақтидаги хужум ва мудофаадаги тузилиши қуйидагича бўлган: авангард – ўнг қанот; марказ – чап қанот; арьергард

¹⁴⁹ Бўлхитов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. С. 93.

ва пистирма. Ҳар бир 10 минг кишилик отряд кетидан аскарлар оилалари ҳаракат қилган, жангларда жанговар кийимларда аёллар ҳам қатнашган.

Ҳарбий ҳаракатлар бошланиши олдидан ёки уруш эълон қилинишидан олдин хоразмшоҳлар бўлажак жангларни муҳокама қилиш учун ҳарбий кенгаш чакирганлар, унда йирик лашкарбошилар, уламолар, фақиҳлар ва мунажжимлар тақлиф қилинган. Бирок бу ҳарбий кенгашлар ҳар доим ҳам тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, шоҳнинг шахсий қарори билан тугалланган.

Хоразмшоҳларнинг мўғулларга қарши курашлари. Жалолиддин Мангуберди жасорати.

Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг қатта ўғли бўлган Жалолиддин Мангубердини 1215 йилда Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлайди. Бирок, Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган Жалолиддин кейинчалик отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалик қобилиятларини намойиш этади.

Чингизхон бошчилигидаги Мовароуннаҳрга бостириб келган мўғул қўшинлари бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самарқандга яқинлашганларида оғир бемор бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ Жалолиддинни ўз ўрнига хоразмшоҳ этиб тайинлайди. Жалолиддин Мангуберди укалари билан бирга Урганч шаҳрини мўғуллардан мудофаа қилишга ошиқади. Лекин Урганчдаги қипчоқ амирлари Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни султон деб эълон қилиб, Жалолиддин Мангубердига қарши чиқадилар. Бундан хабар топган Жалолиддин Мангуберди Темур Малик бошчилигидаги 300 кишилик суворийлар билан ўз ватани – Хоразмни ташлаб, Хуросонга кетишга мажбур бўлади ва Нисо шаҳри яқинида 700 нафар мўғул суворийларига қарши жангга қиради. Жалолиддин Мангуберди шиддатли жангдан сўнг уларни тор-мор қилтириб, Нишопурга келади. Бу ердан у барча вилоят ҳокимларини мўғулларга қарши бирлашишга даъват этади.

Жалолоддин Мангубердига Ҳирот волийси, кайнотаси Аминалмулк 10 минг кишилик қўшин билан келиб қўшилади ва улар биргаликда Қандахорни камал қилиб турган мўғул қўшинлари билан 3 кун жанг қилиб, босқинчиларни тор-мор келтиришга муваффақ бўладилар.

1221 йилда Ғазнага келган Жалолоддин Мангубердига яқин атрофдаги қабила бошлиқлари, йирик мулк эгалари ўз қўшинлари билан келиб қўшиладилар. Жалолоддин Мангубердининг ўзидаги кучлар эса 60 минг суворий ва бошқа келиб қўшилган кучлар билан Валиён қалъасини камал қилаётган мўғул қўшинларига хужум қилади. Уч кун давом этган жангдан сўнг, мўғулларни тор-мор келтиради. Жангда 1000 дан ортик мўғул аскарлари ҳалок бўлади, омон қолган қисми Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприк бузиб ташлашга муваффақ бўладилар. Бу Жалолоддин Мангубердининг мўғуллар устидан қозонган йирик ғалабаси эди. Бу воқеадан кейин Чингизхон Жалолоддин Мангубердига қарши Шиқи Хутуху нўён бошчилигидаги 45 минг кишилик қўшинларини жўнатади. Ғазна яқинидаги Парвон жангида Жалолоддин Мангуберди мўғуллар устидан яна бир ажойиб ғалабани қўлга киритади. Жалолоддин Мангуберди бу жангда янги ҳарбий тактика қўллайди. У тарихда биринчи бўлиб душман суворийларига қарши от ёнида туриб пиёда жанг қилиш услубини қўллайди. Мўғулларнинг ушбу жангдаги мағлубияти то шу вақтгача жиддий зарбага учрамаган Чингизхонни талвасага солади. У ўзининг асосий кучини урушга солишга ва ҳарбий ҳаракат раҳбарлигини ўз қўлига олишга мажбур бўлади. Бирок, бу орада Жалолоддин Мангубердига келиб қўшилган лашкарбошилар бир-бирлари билан урушиб қолиб, кетиб қоладилар. Жалолоддин Мангубердининг ёнида ўз лашкари билан Аминалмулк қолади, холос. Айни шу пайтда Чингизхон катта қўшин тўплаб, Жалолоддин Мангубердига қарши шахсан ўзи жангга отланади. Ғардиз қалъаси яқинида Жалолоддин Мангуберди Чингизхон қўшинининг «илғор» қисмини тор-мор келтиради ва кучи озлиги сабабли Ҳинд дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолоддин Мангубердини дарёдан ўтишига имкон бермай, қуршаб олади. 1221 йил кузда дарё бўйидаги тенгсиз жангда

мағлубиятга учраган Жалолоддин Мангуберди 4000 жангчиси билан дарёнинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарисига кириб кетади.

Чингизхон Жалолоддин Мангубердининг бу жасоратидан хайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!», дея хитоб қилади. Чингизхон ўзига тенг рақибга дуч келганини англаб, Жалолоддиннинг катта куч тўплашига ҳалакит бериш учун барча чораларни кўради.

Жалолоддин Мангуберди Шимолий Ҳиндистоннинг нотаниш чўлида ўз жангчилари билан саргардонликда қолди. Аммо қисқа фурсатда бу ерда ҳам нуфузи кучайиб, маҳаллий ҳоким ва ноиблар Жалолоддин Мангубердига ўз хайрихоҳлигини изҳор этадилар. Ғиёсиддин Пиршоҳдан ажралиб кетган амирлардан Санжоқонхон, Элчи нахлавон, Ўрхон, Сойирча, Текжорук Хонкишилар ўз лашкарлари билан келиб, Жалолоддин Мангубердига қўшиладилар. Жалолоддин Мангуберди Қалор шаҳри, Паросравар, Тарнуж қалъаларини қўлга киритади.

1222 йил Чингизхон Жалолоддин Мангуберди изидан Тўрбай Тўқшин ва Бола нўёнларнинг 20 минглик қўшин юборади, аммо улар жазирама иссикка дош беролмай, орқага қайтадилар.

Жалолоддин Мангуберди Ҳиндистонда ўз номидан қумуш ва мис тангалар зарб қилади, забт этилган мулкларига ноиблар тайинлайди.

Унинг нуфузи тобора ортиб боради. Жалолоддин Мангубердининг акаси тасарруфидаги Кирмон ноиби, кейинчалик эса Форс вилояти, Язд ҳокимлари унга ўз тобеликларини изҳор қиладилар. Жалолоддин Мангуберди Исфажонга келганда аҳоли уни катта тантана билан кутиб олади, қўшини қурол-аслаҳа билан таъминланади. Тез орада унга қарши кайфиятда бўлган акаси Ғиёсиддин Пиршоҳнинг қўшин бошликлари ҳам Жалолоддин Мангуберди томонига ўтадилар.

1225 йил Жалолоддин Мангуберди Озарбайжонга келади. Сўнг Бағдод ҳукмдори Халифа Носирга элчи жўнатиб, мўғулларга қарши бирлашишга чақиради. Аммо бунга жавобан Халифа Жалолоддин Мангубердига қарши 20 минг-

лик кўшин жўнатади. Басра яқинидаги жангда Халифа кўшинлари тор-мор келтирилди. Халифа Бағдод мудофааси билан машғул бўлади. Жалолоддин Мангуберди Бағдод атрофида 12 кун тургач, Озарбайжонга келиб, 1225 йил майда Мароға шахрини жангсиз қўлга киритади. Дамашк, Эрбил ҳокимлари у билан иттифок тузадилар. Ўша йили августда Гарни қалъаси яқинида гуржиларнинг 60 минг кишилик кўшинини тор-мор келтириб, Двин, Лори шаҳарларини эгаллайди, Сурмари шаҳри ҳокимлари унга ўз тобеликларини билдиришади.

1227 йил сентябрда Исфaxonдан 30 чақирим шарқдаги Син кишлоғи яқинида Жалолоддин Мангуберди мўғулларнинг Тайнол нўён бошлиқ кўшини билан тўкнашиб, уларни енгади. Тайнол нўён Жалолоддин Мангуберди жасоратига тан бериб, унга «Замонасининг хақиқий баҳодирӣ экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан», дея юкори баҳо беради.

Жалолоддин Мангубердининг Кўния, Жазира, Дамашк ва Миср ҳокимларига номалар ёзиб, ўша даврда тобора катта хавф-хатарга айланиб бораётган, минглаб кишилар ёстиғини курииб, юзлаб шаҳар ва кишлокларни вайронага айлантирган Чингизхонга қарши курашиш йўлида бирлаштиришга ҳаракат қилади, аммо бу йўлдаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди.

Бу орада муҳолиф кучлар бирлашиб, Жалолоддин Мангубердига қарши 1230 йил 10 августда Арзинжон яқинида жанг қиладилар. Жангда Жалолоддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учрайди. Жалолоддин Мангубердининг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар 1231 йилда катта кўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб Мароға, Табризни эгаллаб, уни таъқибга оладилар. Маёфарикин вилоятидаги кишлоклардан бирида мўғуллар тунги хужум натижасида Жалолоддин Мангубердининг оз сонли кўшинини тор-мор келтирдилар. Жалолоддин Мангуберди таъқибдан қутулиш учун Курдистон тоғларига чиқиб кетади ва қарокчи курдлар қўлида ҳалок бўлади.

Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий юришларида ҳамроҳ бўлган шахсий котиби, тарихчи Насавийнинг «Сийрат ас-султон Жалолоддин Мангуберди» асарида ёзишича,

у «...корачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. ...У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалололидин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг калтис синовларида ўзини йўқотиб кўймайдиган фавқулудда мард ва ботир саркарда эди»¹⁵⁰.

Ўзбекистон ҳукумати Жалололидин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг иорлок руҳини абадийлаштириш мақсадида 1998 йилда «Жалололидин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул килди. Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда Жалололидин Мангубердига хайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоа корхоналари ва бошқаларга унинг номи кўйилди. 2000 йилнинг 30 августида «Жалололидин Мангуберди» ордени таъсис этилган.

2.3. Амир Темур – буюк давлат арбоби ва етук саркарда

«Амир Темур шахсини идрок этиши – тарихни идрок этиши демакдир. Амир Темурни англаши – ўзгисимизни англаши демакдир. Амир Темурни утуғлаши – тарих қаърига чуқур идиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асослашиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаши демакдир».

И. КАРИМОВ

Амир Темур хукмронлик килган давр Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирди. Бу даврда мамлакат мўғул босқинчиларидан озод қилиниб, йирик марказлашган давлат – улкан салтанат барпо этилди. Амир Темур ўша даврдаги энг жанговар армия тузишга муваффақ бўлди, ҳарбий стратегияни ривожлантирди ва шу сабабли катта ғалабаларни кўлга киритди.

¹⁵⁰ Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалололидин Мангуберди. Тошкент, 2006. 295–296-бетлар.

Тошкентда Амир Темур хайкалини очишга бағишланган тантаналарда сўзлаган нуткида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Амир Темур давлатининг тузилиши, унинг харбий санъати асрлар давомида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаганлиги бежиз эмас эди.

Амир Темур даврида мамлакатнинг нафақат сиёсий қудратга, балки ҳокимиятнинг мустаҳкам харбий ҳимояга эга эканлиги иктисодий ва маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнашига, тинч савдо ва дипломатик алоқаларнинг ривожланишига таъянч бўлди.

Амир Тарағайнинг ўғли Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш яқинидаги Хўжаилғор (Яккабоғ) кишлоғида дунёга келди. У жуда ёшлигиданок Мовароуннаҳрдаги сиёсий ҳаётга аралаша бошлади. Бу даврда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойга тегишли бўлган улусидаги мўғул зодагонлари орасидаги ўзаро урушларда шаҳарлар ва кишлоқлар тўхтовсиз талон-тарож қилинар, бу эса аҳолининг иктисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатарди. Давлат ишлари бутунлай издан чиққан эди. Мўғулистон амирларининг Мовароуннаҳрга вайронагарчилик юришлари тўхтовсиз давом этарди. Бу зулмга қарши халқ орасида ва мамлакат ичида янги сиёсий куч етилиб келаётган эди. Вайронагарчилик ва талон-тарожларнинг яна бир сабаби Чингизхон томонидан тузилган «Ясо» қонунларига мувофиқ бўйсундирилган шаҳарлар ҳимоя деворларига эга бўлмасликлари ҳақидаги шарт билан боғлиқ эди. Бу эса бир-бири билан тўхтовсиз уруш олиб бораётган мўғул амирларининг талончилик юришлари учун жуда қулай имконият эди.

Ўз вилоятини кўчманчи зодагонларнинг талон-тарожларидан ҳимоя қилиш мақсадида ёш Темур мўғул хонлари хизматига кириб, Туғлук Темур ёрлиғи билан вилоят доруғаси этиб тайинланади. Хон оиласига мансуб қизга уйланиб, кўрагон, яъни, «хон куёви» унвонини олиш орқали эса у вилоятда қонуний ҳокимиятга эга бўлади.

1370 йилда Темур Амир Ҳусайинни енгиб, чиғатойлар бошқарувида барҳам бергач, қурултойда Мовароуннаҳр

хукмдори деб эълон қилинди. Амир Темур ўз олдига Ўрта Осиёда марказлашган давлат тузиш мақсадини қўйди ва Самарқандни пойтахт қилиб танлади.

Ёш амир юксак ҳарбий истеъдодга ва тайёргарликка эга эди. У ўз олдига марказлашган бошқарувга эга бўлган йирик давлат ҳамда кучли армия ташкил этиш, уни ўша даврнинг энг замонавий куруллари ва ёрдамчи воситалари билан таъминлаш, мўғулларнинг «Ясо» анъаналаридан воз кечиш, йирик шаҳар марказларини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакат чегараларида асосий таянч пунктлари бўлиб хизмат қилувчи шаҳар истеҳкомлари тизимини яратиш мақсадини қўйиб, уни амалга оширишга киришади.

Амир Темур давлатининг ҳарбий кучлари, унинг тузилиши, вазифалари, ҳарбий лавозим поғоналари, армиянинг давлатдаги ўрни ҳақидаги кўплаб маълумотлар Амир Темур «Тузуқлари»да ва ўша даврга мансуб бошқа манбаларда сакланиб қолган. Хусусан, Ғиёсиддин Али Яздийнинг «Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» каби асарларида, Захириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарида, Ғарб мамлакатларидан келган элчилар ва ҳарбийларнинг эсдаликларида, жумладан, Амир Темур саройига юборилган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ва европалик рицар Шильтбергернинг «Кундаликлари»да ҳамда кейинги маҳаллий тарихчилари – Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандийларнинг тарихий асарларида ҳам бу ҳақда кўплаб қизиқarli маълумотлар қайд этилади.

Бу асарларда Амир Темурнинг узок муддатли ҳарбий сиёсати, ҳарбий тактикаси ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

XIX–XX асрларга келиб, Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ҳақида рус ва Ғарбий Европа олимлари махсус тадқиқотлар яратдилар. Улар орасида, энг аввало, М.И. Иванов асарини таъкидлаш жоиз. Унда муаллиф Амир Темур армиясининг тузилиши, курул-яроғлари, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш тактикасини муайян географик шароитлар ва душманнинг ҳарбий ҳаракатларининг хусусияти билан боғлиқ равишда муфассал таҳлил қилган.

Ғарбий Европа адабиётида ҳозирга қадар ҳам Амир Темурнинг ҳарбий маҳоратига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп материаллар эълон қилинмоқда. Бунга мисол сифатида Девид Николнинг XIV–XV асрлардаги ҳарбий санъатга, кўпроқ Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва ҳарбий маҳоратига бағишланган ишини айтиб ўтиш мумкин. Унинг тадқиқотида Амир Темурнинг туғилишидан бошлаб то Ўрта Осиёда темуррийлар ҳокимиятининг тугатилиши ҳамда Мовароуннаҳрни 1500 йил Шайбонийлар томонидан босиб олинишига қадар бўлган давр ичидаги ҳарбий воқеалар баён этилган.

Мудофаа иншоотлари. Амир Темур 1370 йилда ҳокимиятни қўлга олгандан сўнг мамлакат пойтахти қилиб танланган Самарқандга алоҳида эътибор бериб, ўз давлати пойтахтини мустаҳкамлашни буюрди. Шаҳар атрофида мустаҳкам асосга эга бўлган монументал девор барпо этилди. Шаҳар деворининг катта қисми мўғуллар истилосигача мавжуд бўлган ички работ чегаралари бўйлаб ўтган. Ана шу работ асос, пойдевор бўлиб хизмат қилган. Лекин янги шаҳарнинг чегараси аввалги шаҳар чегараларига тўлиқ мос эмас эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маълумот беришича, девор яхлит ва баланд учли буржлари бўлиб, узунлиги 10.600 кадамни ташкил этган. Шаҳарнинг икки табақали олтита дарвозалари ҳар томондан келадиган савдо йўлларининг ичкарига кириш жойини кўриқлаб турган.

Кўрғон деворини барпо этиш билан бир пайтда Амир Темур томонидан шаҳарнинг ғарбий қисмида 34 гектар майдонни эгаллаган арк бунёд этилган. Амир Темур саройига келган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг таърифлашича, «Шаҳарнинг бир чеккасида қаср мавжуд бўлиб, у ташқаридан қараганда текис ерда тургандек туюлади, аслида эса у чуқур жар билан ўралган ва бу жар қасрга ҳужум қилишга имкон бермаган»¹⁵¹.

Деворлар икки қават бўлиб, улар орасида йўлаклар мавжуд бўлган. Дастлабки девор паҳсадан қилинган бўлиб, қалинлиги 2,1 метрни ташкил этади. Ташқаридан 2 метр ораликда тик-

¹⁵¹ Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403–1406 г. Подлинный текст с переводом и примечаниями И.И. Срезневского. – СПб. 1881.

ланган иккинчи девор тўртбурчакли хом ғиштдан курилган. Миноралар цилиндр шаклида, ички диаметри 2,5 метр хом ғиштдан тикланган.

Кейинги таъмирлаш ишлари давомида шимол томонда, кулаб тушган ташки девор ўрнига хом ғиштдан йўлакни хам, минорани хам тўсиб турувчи калинлиги 4,5 метр янги девор курилган.

Аркнинг шимолий-шарқий бурчагида сув манбаи жойлашган, у иккита махсус минора ёрдамида мудофаа килинган. У ердан сув махсус ер ости сопол қувурлар орқали Бўстон саройига тортиб келтирилган. Аркнинг икки дарвозаси махсус истеҳкомлар билан мустаҳкамланган.

Аркнинг деворлари ва миноралари девор бузувчи машиналар хужумига дош берадиган даражада мустаҳкам курилган. Деворларнинг баландлиги уларнинг калинлигига караганда уч марта ортик бўлган.

Арк шаҳар чеккасида жойлашганлиги сабабли у иктисодий ҳаётдан четда бўлган. Шу туфайли ҳеч қачон ҳақиқий фаол ҳарбий-маъмурий марказга айланмаган. Бу ерда Амир Темур томонидан тайинланган кўғирчоқ хонлар яшайдиган Кўксарой ва Бўстонсарой, уларга хизмат кўрсатувчи хаммомлар, ҳовузлар ва омборлардан иборат ёрдамчи иншоотлар мажмуаси хамда хазина жойлашган. Канал ва йўл билан ажратилган жанубий қисмда сарой хизматчилари яшайдиган уйлар, махсус кўрхона мавжуд бўлган. Клавихоннинг маълумотларига караганда, мазкур кўрхонада Амир Темур томонидан турли мамлакатлардан олиб келинган қуролсоз усталар ишлаганлар. Бу усталар Амир Темур армияси учун қурол-яроғлар ва ҳарбий аслаҳалар ясаганлар.

Амир Темур кўшини жангчилари хам шу ерда яшаган (уларнинг ҳарбий анжومي шу ердаги уйлардан бирининг ертўласидан топилган). Амир Темур арки XV–XVI асрларда бир неча марта қайта курилган. Аркнинг фақат айрим қисмлари сақланиб қолган.

Бу даврга мансуб шаҳар мудофаа иншоотларидан бири Шоҳрухия бўлиб, у мамлакатнинг шарқий чегараларида жойлашган шаҳар-қалъалардан бири эди.

Амир Темур 1391–1392 йилда Сирдарё кечуви ёнида, қадимги Бинокент шаҳри ўрнида жойлашган мазкур пункт стратегик жиҳатдан қулай мавқе эгаллаганига эътибор беради. Бинокент Чочнинг Буюк Ипак йўли трассаларида жойлашган йирик савдо-хунармандчилик марказларидан бири бўлиб, мўғулларга жуда каттиқ қаршилик кўрсатганлиги учун 1219 йилда бузиб ташланган ва ўша пайтдан бери вайрона ҳолатида ётган эди. Темурнинг буйруғи билан 1392 йилда қалъа қайтадан қурилади.

Қалъани барпо этишда жарларга айланган қадимги ариқлардан ва тик қирғоқли дарёнинг химояловчи ўрnidан ҳам моҳирона фойдаланилган.

Миноралар икки ярусли бўлиб, думалоқ шаклда, деворлардан 4,5 м ташқарига чиққан ҳолда ташқи ва ички тик фосила қуйига томон кенгайиб борувчи тарзда қурилган, хандак устида айвончалар бўлган. Қуйи ярусни қатор терилган тўсинлар билан бекитганлар ва улар елпиғич шаклида ташқарига йўналтирилган. Тўсинларнинг учлари хандак тепасидаги девордан чиқиб турган. Бу махсус усул бўлиб, у биринчидан душман томонидан ўзи девор бузувчи қурилмаларни миноралар ёнига олиб келиши ва арқонлар ёрдамида нарвонлар қўйишига тўскинлик кўрсатиш учун мўлжалланган: иккинчидан, уларга кигиз осиб қўйилган ва душман ўқлари ана шу кигизларга санчилиб қолган: учинчидан, ичига жангчилар кириб олган махсус қутилар ана шу тўсинларга маҳкамланиб пастга йўналтирилган ва қутидаги жангчилар девор тагигача етиб келган душман аскарларини ўққа тутганлар.

Миноранинг қуйи яруси қурол-яроғ омбори сифатида хизмат қилган. Битта ана шундай омборда 236 та отиш учун мўлжалланган тош-ядролар топилди. Минора ёнида – девор биқинида жангчиларнинг дам олишлари учун мўлжалланган, супаларга эга бўлган махсус йўлаклар бўлган.

Дарвозалар ёнидаги энг муҳим жойларда йирик дарвоза олди миноралари ва шаҳар дарвозаларига олиб келувчи йўлларни назорат қилувчи ташқи истехкомлар жойлашган.

Хуллас, XIV–XV асрларда ҳам девор бузиш техникасига, деворлар ва минораларни вайрон қилишга қодир бўлган куч-



Шахар мудофаа девори.

ли тошотар қуролларга эга бўлган душмандан ҳимояланишга мўлжалланган катта қалинликдаги монументал, кўп ҳолларда метин деворлар қуриш янада ривожланган.

Қўшин тузилиши, ҳарбий қурол-аслаҳа ва кийим-лар. Амир Темур марказлашган давлат барпо этиб, энг аввало унинг ҳарбий салоҳиятини кучайтиришга катта эътибор қаратди. Шу мақсадда мунтазам қўшин тузишга. унга янгиликлар киритишга ҳаракат қилди. Амир Темур шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт очар қурол, яъни тўп-раъдни олиб кирди¹⁵². Шунингдек, у тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди. У жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди. Амир Темур армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қахрамонлик ва матонат намуналари кўрсатган¹⁵³.

¹⁵² *Белетицкий А.М.* О появлении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV–XVI вв // Известия АН СССР, Таджикский филиал. Сталинабад. 1949.

¹⁵³ *Ибн Арабишох.* Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Т., 1992. II китоб, 99–100-бетлар.

Амир Темур тузган ҳарбий қўшинида мунтазам армияга хос бўлган кўпгина белгилар намоён эди: хусусан, қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби жангдан-жангга такомиллаштирилиб борилган, армия ўз замонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнан бир турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган қисмлар бир-биридан кийим-боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқланган¹⁵⁴. Бундай ажралиб туриш жанг пайтида қўшинни бошқаришда жуда қўл келган.

Қўшиннинг қисм, полкларга тақсимланиши, ҳар бири учун маълум бир турдаги аскарый кийимларнинг жорий этилиши каби янгиликлар кейинчалик европалик халқлар томонидан ҳам ўзлаштирилди.

Қўшин пиёдалар ва отлик аскарлардан иборат эди. Темур пиёдаларнинг аҳамиятига мўғуллардан кўра кўпроқ эътибор берган. Узок юришлар вақтида ҳаракатланиши учун пиёдалар ҳам отлар билан таъминланган. Пиёда аскарлардан ўк-ёй билан отишмаларда ҳам, калъаларни штурм қилишда ҳам фойдаланилган. Шунини қайд этиш лозимки, аниқ нишонга ўк отиш лозим бўлган пайтларда отлик қўшин ҳам отларидан тушиб, яёв ҳолда ҳаракатланган.

Бироқ, асосий ролни отлик қўшин ўйнаган. Улар тез ҳаракат қилувчи сафарбар енгил суворийларга ва оғир қуролли отликларга бўлинган. Оғир қуролланган отлик қўшиннинг вазифаси душманга ҳал қилувчи зарбани беришдан иборат эди. Агар мўғулларда оғир қуролли отликлар охириги захира сифатида ва хонни кўриклаш мақсадида фойдаланилган бўлса, Амир Темур жангда уларнинг ролини янада орттирди. Оғир қуролланган суворийларнинг катта қисмини сара отлик қўшинлар ташкил этган. Амир Темур қўшинларида хос соқчилар ва гвардия ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, асосий жанговар бўлинмалардан ташқари қуйидаги ҳарбий-ёрдамчи қисмлар ҳам бор эди:

1. Қамал қилувчи, тош отувчи машиналар, «юнон олови»ни отувчи, девор бузувчи техникадан иборат ўзига хос артиллерия.

¹⁵⁴ Рашид Е.А. История военного искусства. Т. II. М., 1957. С. 234.

2. Ҳар доим қўл остида туриш лозим бўлган воситаларни тайёрлаш, кўприклар қуриш, кемалар ясаш, кема ҳайдаш ва ҳоказо ишлар учун махсус усталар отряди.

3. Жангда фойдаланиладиган, қўл остидаги жанговар воситалар ва хайвонларни (туялар, хўкизлар, филлар) бошқариш отряди.

4. Тоғларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун даралардан ўта оладиган ва баланд қояларни штурм қила оладиган махсус пиёда бўлинмалар.

Шу тарика, Амир Темур ҳарбий қўшин таркибини бойитиб, янада кенгайтирди ҳамда ҳар қандай шароитларда жанг олиб боришга мослаштирди.

Юришга жўнашдан олдин Амир Темур аркони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш – машваратга чорлаган. Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманлардан, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ – тунқал эълон қилинган. Фармон керакли жойларга юқори мансаб эгаси, бош қўмондоннинг адъютанти – тавачи томонидан тезлик билан етказилган. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартибни ҳамда бир жойдан иккинчи жойга қўчишини назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тунқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, калъа, кўрғон доруғаларининг Амир Темур томонидан тузилган рўйхатга¹⁵⁵ мувофиқ, ўз жангчилари, зарур отулови, қурол-яроғи, озик-овқати, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган жойга (миодга) ўз вақтида, кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Пиёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиққан¹⁵⁶. Аввалдан махсус танлаб, белгилаб қўйилган жойда – миод ерида олий бош қўмондоннинг қароргоҳи тикилган ва у турли рангдаги туг ҳамда байроқлар билан безатилган. Белгиланган вақт (миод вақти) да лашқаргоҳга етиб келган аскарлар катъий тартиб ва

¹⁵⁵ Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. С. 185.

¹⁵⁶ Уложение Тимура... С. 52.

интизом билан ўз бўлжар (позиция)ларини эгаллаган ҳамда юриш олдидан ўтказилажак анъанавий ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик кўра бошлаган.

Соҳибкирон юриш пайтида тажрибали сипоҳийларга катта ишонч билдирган. Кўп сонли жангларда суяги котган, урушни ўзининг бош машғулоту деб ҳисоблаган ҳарбийлар сафар бошланишидан аввал жам қилинган, улар кириш-чиқим дафтарига, шунингдек давлатдан маош – улуфа, озик-овкат, ем-хашак олувчилар рўйхатига киритилган.


Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, қўшин тўплаш тўғрисида фармони олий эълон қилиниши билан аскарлар ўз оиласи, асбоб-аслаҳаси, мол-мулки билан миод ерига етиб келган. Ўздағоҳдаги Соҳибкироннинг саропардаси атрофида ҳар бир қисм ва бўлинмаларнинг чодирлари тикилган. Оддий аскардан йирик саркардагача ҳар ким ўз жойлашиш ўрнини аниқ билган. Барча ишлар тартиб-интизом билан, шовкин-суронсиз бажарилган. Қўшин билан бирга кассоблар, баковуллар, ковурилган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, новвойлар ҳам кўчиб юрган. Турли касб эгалари аскарларга хизмат кўрсатган. Ҳатто кўчма ҳаммомлар ҳам жангчилар хизматида бўлган¹⁵⁷.

Тузилишига кўра Амир Темур армияси ўн, юз, минг ва туманларга тақсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган¹⁵⁸.

Амир Темурнинг жанговар тактикасига кўра, агар душман 12 мингдан ортиқ, лекин 40 мингдан кам жангчига эга бўлса, Амир Темур уларга қарши қирқ минг кишидан кам бўлмаган қўшин жўнатган. Лашкарбоши сифатида ўз ўғилларидан бирини тайинлаб, унинг ёнига иккита тажрибали амирни ва бошқа ҳарбий бошлиқларни қўшган. Бу қўшинлар учун жанговар тартиб қуйидагича эди: қўшин 14 қисмга бўлинарди, бу

¹⁵⁷ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403 - 1406 г. Подлинный текст с переводом и примечаниями П.И. Срезневского. – СПб, 1881. С. 144 - 115.

¹⁵⁸ Якубовский А.Ю. Тимур... С. 68. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 - 1406). Перевод со староспанского. М., Наука, 1990. С. 146.



Амир Темур даврида харбий кўшин тузилиши

кисмлардан бири, умумий корпус сонининг 1/3 қисмидан кам бўлмаган миқдорда саркарда бошчилигида захирада турган; ўнг ва чап қанотларга учтадан қисм тайинланган, улар иккинчи чизикни ташкил этган; мазкур қисмлардан биттадан ажратиб олинган ва улар аванфорда турган, бошқалари ҳар бир қанотнинг ўнг ва сўл ёнини ташкил этган; ўнг ва чап қанотлар аванфорлари олдида яна учтадан қисм жойлаштирилган ва улар биринчи чизикни ташкил этган, булардан ҳам биттадан қисм аванфор сифатида ажралиб олинган, бу қисмларга қиличлар, найзалар ва ўқ-ёйлар билан қуролланган тажрибали ва ботир жангчилар тайинланган. Улар жанг пайтида сурон солишлари ва душман аванфорини саросимада қолдиришлари керак эди.

Амир Темур амал қилган қондаларга кўра, яхши бошлик душман қўшинининг сонини билиб олгандан сўнг, унга қарши ўз қўшинларини қўя олиши учун душман нима қилаётганини,

унинг ўқчилари қандай, қиличбозлари қанақа эканлигини кузатиши, жангнинг боришини назардан кочирмаслиги, душман ўзини заиф қилиб кўрсатиб, уни пистирмага дучор қилмаслигига бениҳоят эҳтиёткор бўлиши лозим эди. Моҳир лашкарбоши жангларнинг бутун механизмини тушуниши, душманнинг ниятларини ийқаб олиши ва унинг режаларини барбод қилиш учун барча воситалардан фойдаланиши зарур бўлган.

Жангни кўшин олдида борувчи, илғор отрядларни ташкил этувчи, қамончиларга эга бўлган авангор кўшин бошлаб берган. Асосий авонгор аста-секин биринчи чизикдаги авонгорлар кўмагида қучайтирилган, сўнгра шу чизикдаги бошқа қисмлар ҳам унга кўмак берган. Аввал марказга яқин, сўнг ташки қисмлар ёрдамга юборилган. Агар бу ҳаммалар жанг тақдирини ҳал қилмаса, у ҳолда, айнан шу тартибда иккинчи чизикдаги қисмлар жангга олиб кирилган. Агар бу ҳам қамлик қилса, жанг тақдирини ҳал этмаса, у ҳолда бошлиқ ҳеч иккиланмай, энг сараланган жангчилардан ташкил топган ўз захирасини жангга киритиши зарур эди. Улар душманга ташланиб, унга ёмғирдек ўқ ёғдирганлар. Агар шунда ҳам ғалабага эришиб бўлмаса, бошлиқ бошқаларга ўрнак кўрсатиб, ўзи жангга кириши, жанг қилаётганларни илҳомлантириши лозим бўлган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўшин байроғи кўздан йўқолмаслиги зарур эди.

Агар душман кўшини 40 мингдан ортик бўлса, унга қарши Амир Темурнинг ўзи отланган. Бунда кўшин жангга кириш учун куйидаги тартибда бўлинган: қиркта ҳарбий қисм бевоқиф Амир Темурнинг қўмондонлиги остида бўлган, улардан 12 та сараланган қисм биринчи қаторни, қолган 28 таси иккинчи ва учинчи қаторларни ташкил этган. Унинг ўғиллари ва тажрибали амирлари бошчилигидаги кўшинлар мазкур қирк бўлинманинг ўнг қанотини ташкил қилган, қариндошлари ва иттифоқчилари бошчилигидаги кўшинлар эса чап қанот олдида жойлашган. Бу қисмларнинг ҳаммаси захирани ташкил этган ва агарда ёрдам зарур бўлиб қолса, ўша ерга юборилган.

Олтита бўлинма асосни ёки ўнг қанотнинг иккинчи қаторини, бир бўлинма эса унинг авангорининг ташкил этган. Иккинчи қаторнинг ҳар икки қаноти олдида биринчи қатор

(худди ўша таркибида ва қисмлар сони ҳам ўша миқдорда) жойлашган. Биринчи каторнинг fronti олдида тажрибали камончилардан тузилган бўлинмалардан иборат катта аванфор турган, бўлинмалар сони олдингидек бўлган. Бу аванфор ўз олдида яна бир бўлинмага эга бўлиб, у аванфорнинг аванфорини ташкил этган. Енгил қуролланган икки отряд илфор постлар ва қоровулар ёрдамида армияни қутилмаган ҳужумлардан тўсиб турган ва душманни қузатиб борган. Енгил қуролланган қўшинлар ва олдинги аванфор жангни бошлаб берган, асосий аванфор бошлиғи уларга қўмак бериб турган. Аввал биринчи, сўнгра иккинчи аванфорни ишга солган. Агар бу ёрдам бермаса, жангга захиранинг ўнг ва сўл қанотлари киритилган. Агар ушбу ҳаракатлар ҳам ғалабани таъминлай олмаса, у ҳолда захиранинг қолган бошқа ҳамма қисмлари урушга киритилган ва қатъий, ҳал қилувчи ҳужумни амалга оширган.

Амир Темурнинг фармойишига биноан, атоқли лашкар-бошилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни бекларбеги мансабига тайинланган. Донгдор амирлардан бирига амирул-умаро лавозими берилган ва у олий бош қўмондоннинг, яъни Амир Темурнинг ноиби вазифасини адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жангларда амирул-умаро қўшинга қўмондонлик қилган.



Зикр этилганлардан ташқари, қўшин қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган. Минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг отликлардан ташкил қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлик фавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлик аскарлардан тузилган қўшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қуйи поғонада турган қўмондон ўзидан юқори лавозимни эгаллаб турувчи саркардага бўйсунган.

Амир Темур армиясининг турли қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган¹⁵⁹. Туманларга Соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда амир Шайх Нуруддин, амир Ҳожи Сайфуддин, амир Шоҳмалик, амир Аллоҳдод, амир Жаҳоншоҳ сингари номдор лашкарбо-

¹⁵⁹ Уложение Тимура... С. 44.

шилар раҳбарлик қилган. Жангларда қаҳрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносиб равишда тақдирланиб, ўнбеги, такрор жанговар хизматлари эвазига юзбеги ва ниҳоят, мингбеги амалига кўтарилиш имкониятига эга бўлган.

Тарихий манбаларда¹⁶⁰ келтирилган маълумотларга қараганда, отлик аскарлар Амир Темур армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қурооллар билан қуроолланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садок ва қилич билан енгил қуроолланган отликлар асосан разведка ва соқчилик билан шуғулланган, ўта зарур чоғдагина душман қучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.



Анжомлар билан жиҳозланган отлар.



Отлик жангчи.

Дубулға, зирх (совут), қилич, ёй, садок, қалқон ва найза билан таъминланган оғир қуроолли суворийлар сара жангчилардан тузилган, ғанимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта роль ўйнаган. Оғир қуроолли суворийлар қиличлар, ўқ-ёй,

¹⁶⁰ Самарқанд при Тимуре и памиридах. Очерк А.Ю. Якубовского с двадцатью авторитетными. Л., 1933. С. 6. 17; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тимурлане. СПб., 1875. С. 149.

Ўқлар билан қуролланганлар, шунингдек, уларнинг дубулға ва қалқонлари ҳамда иккитадан отлари бўлган. Анжомлар учун ҳам жой қолишни мўлжаллаб, ҳар беш кишига бир чодир берилган.

Оғир қуролли жангчиларнинг махсус отрядлари ойболта, шамширлар, қиличлар билан қуролланган, отларга хайвонлар терисидан тайёрланган ёпқичлар ёпганлар. Булар хос соқчиларда ҳам бўлиши мумкин эди. Қилич чап томонга, шамшир ўнг томонга тақилган. Ўн боши битта чодир, 5 та от, қилич, ўқ-ёй, ўқлар, кистан, чўкмор, совут ва қалқонга эга бўлган.

Мингбошининг ўтови олдида айвон ёки соябон бўлган. Ўтовда бир қанча қурол-яроғ захиралари: совутлар, дубулгалар, қалқонлар, найзалар, садоклар, ўқлар сақланган.

Биринчи тоифали амирлар икки пояли олтин билан тикилган чодирда яшаган. Яна бир чодирда эса жангчиларни таъминлаш учун қурол-яроғ захиралари бўлган. 2–12-даражадаги олий тоифадаги амирлар янада кўпроқ қурол-яроғ захираларига ва эҳтиёт қисмларга, отларга эга бўлганлар. Биринчи амир ўзи билан 110 та, иккинчи амир 120 та, бош қўмондон 300 тадан кам бўлмаган миқдорда от олиб юрган.

Пиёда жангчида қилич, ўқ-ёй, ўқлар бўлган. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юришда ҳар бир пиёда жангчи ўзи билан 30 та ўқ олиб юрган. Демак, булар фақат енгил пиёдалар қўшини бўлган. Вазият тақозо қилганда отлик аскарлар отдан тушиб оғир пиёда қўшин ўрнини босиши мумкин бўлган.

Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан энг аввало, совутларга катта эътибор берилган. Аввалги даврларда, душман устига дўлдек ўқ ёғдирилиб, қуюндек ҳужум қилиш усули катта ўрин тутган эди. У пайтларда совутлар асосий ҳимоя воситаси сифатида асосан, металл пластинкалар қадалган чармдан иборат бўлган. Гарчи тиззаликлар ва енгчалар ҳам бўлган эса-да, совутлар асосан кўкракни ҳимоя қилган.

Оғир совутлар хонни кўриқловчи сараланган суворийлар ва ҳал қилувчи сўнгни лаҳзада урушга қирувчи баҳодир жангчиларда бўлган.



Ҳарбий химоя кийимлари ва қуроллари.

Амир Темур армиясида енгил отлик қўшинни химоя қилишга, оғир қуролланган суворийлар қаторларини кўпайтиришга эътибор берилди.

Совутларнинг асосий қисми бир неча хилдаги жибалардан иборат эди. Анча енгил хилдагиси тасмали жиба бўлиб, улар думалок, тўрт бурчак, чўзиқрок, ромб шаклларидаги металл пластинкаларга, жангчи танасининг ўқ тегиши мумкин

бўлган жойларини, энг аввало, кўкрак, елка, кўллар ва тиззаларни тўсишига хизмат қилувчи пластинкалар тўпламига эга эди. Жангчилар отининг пешонасига манглайлик кийдирилади.

Ҳарбий юришлар пайтларида тунаш учун ва уруш пайтлари ўрда сифатида жойлаштирилган кўшин қароргоҳи махсус соқчилар томонидан кўриқланган. Амир Темури кўшинларга унинг ўзи бошчилик қилган вақтда қароргоҳни тўсатдан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун 12 000 отлик аскар тайинланган; уларнинг 3000 таси ҳар бир дафъа учун тайинланган. Бундай ҳолларда Амир Темури қароргоҳи ҳандақлар билан ўраб олинган ва ғовлар ҳамда жиблир билан мухтақамланган.

Ушбу кўшинлар қароргоҳдан ярим фарсах узоқликда жойлашиб, олдинга постлар жўнатганлар, улар ўз навбатида ўз ораларидан соқчилар кўйганлар, соқчилар бир-бирлари билан мунтазам алоқада бўлиб турганлар ва душман ҳақида олинган барча маълумотларни қароргоҳга етказганлар.

Қароргоҳнинг ўзида махсус миршаблар бўлган ва улар тартибни сақлаш, савдогарлар, озик-овқатларнинг нархи устидан назорат қилганлар ҳамда қароргоҳда юз бериши мумкин бўлган ўғрилиқлар учун жавобгар эдилар. Тўртта махсус гуруҳ жангчиларнинг қароргоҳдан ташқаридаги хавфсизлигини кузатиб борган, талон-тарож, қотиллик юз берган ҳолларда, агар бу воқеа қароргоҳдан тўртта фарсахгача масофада юз берса, масъулият уларнинг зиммасига тушган.

Кўшин учун озик-овқат (тағор) жамлаш муҳим аҳамият қасб эди. Бу вазифа Аллоҳдод, Оқ Темури баҳодир сингари саркардалар зиммасига юклатилар эди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Амир Темури Дашти Қипчоққа қилинган юриш (1390–1391) олдидан кўшинни бир йилга етадиган озик-овқат, қурол-яроғ, қийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган. Ҳар бир суворийга битта ёй, 30 та ўк, бир садок, бир қалқон ва битта кўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўнг жангчи бир чодир, икки белқурак, бир керки, бир ўрок, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг қайд этишича, ҳар бир

жангчининг, аркон, бир дона пишик тери ва битта қозон олиб келиши лозим бўлган¹⁶¹.

«Амир Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуводиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халта (чанач)га эга бўлган. Уларнинг ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўк-ёй, садок ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Унбегининг алоҳида чодир бўлган. У совут, қилич, ўк-ёй, садок билан қуролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган. Юзбегининг ҳам алоҳида чодир бўлган. Унинг қурол-яроғи қилич, ўк-ёй, совут, садок, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта қўшимча от берилган. Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулға, зирх (чаҳоройна), совут, найза, қилич, садок ва ўк сингари ранг-баранг қурол турлари билан қуролланган.

Испан элчиси Клавихонинг кайд этишича, Амир Темур ҳар бир юриши чоғида моҳир қуролсоз усталарни қароргоҳига олиб келган, унинг пойтахти Самарқандда жойлашган арқда қурол-яроғ ва қалқонлар яшаш билан шуғулланган мингга яқин қуролсозларнинг махсус устахоналари бўлган.

Амир Темур қўшинларининг харбий жанг санъати. Тактика жиҳатдан Амир Темур армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Қўшин етти қисм – етти қўлга ажратилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга алоҳида катта эътибор қаратилган. Амир Темур ўнлик, юзлик, минглик ҳамда туман қўмондонларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган. Лашкарбошилиқ салоҳиятига эга бўлган қўмондонларнинг тўғри танланганлиги ва ўз жойига қўйилганлиги аксар ҳолларда жанг натижасининг муваффақиятли яқунланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири – қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча, душман куч-

¹⁶¹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда.... 295-б; Якубовский А.Ю. Тимур... С. 69.

ларини ён томонидан айланиб ўтиб, унга орт томондан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисмининг жорий этилишидир. Бундай мутлако янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганнибал, Людвиг XIV, Буюк Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар кўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атокли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар тартибида кўшин қанотларини химояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларнинг қайд этишича, Наполеон Бонапарт Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Амир Темур армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларни ўзлаштирган¹⁶².

Амир Темур душманига кўкқисдан қақшаткич зарба бериш усули билан шуҳрат қозонган эди. Ғаним ўрдагоҳи аниқлангач, аксарият ҳолларда Соҳибкирон унга махфий ёки ўтиш ўта машаққатли бўлган, ҳеч бир кимсанинг оёғи етмаган довлар, даралар, сўқмоқлар, тоғу тошлар орқали, тунда уловларни жиловидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш ўзининг заррин нурларини бепоён замин узра соча бошлаши билан ғафлат уйқусида ётган душманга қуюндек ёпирилар эди.

Амир Темур ҳарбий юришларга кўпроқ кўклам, ёз ва куз ойларида отланишни маъқул кўрар, кишининг қаҳратон қунларини аксар кишлоқ учун мўлжалланган кишлоқларда ўтказарди. Жангу жадал ва муҳораба анжомлари тартибга солиниб, жибахона, яъни қурол-яроғ омборидаги жибалар сипоҳийларга улашилиб, юриш муҳлати етиб келгач, кўшин отларга минган. Айни пайтда ўғруқ (обоз) ҳам йўлга чиққан. Соҳибкирон ҳарбий кучларининг умумий миқдори 800 минг аτροφиди бўлишига карамай, йирик юришларда иштирок этган лашкар сони 100 минг билан 250 минг аτροφиди бўлган. 1404 йил охирида Хитой сафарига отланган кўшин сони 272 минг 612 кишидан иборат эди¹⁶³.

Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, сафар тартибига кўра ҳар бир туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ўз

¹⁶² *Иванов М.И.* О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тимурлапе. – СПб., 1985. С. 163.

¹⁶³ *Давидбоев Х.* Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент, 1996. 85-б.

даражаси, мавкеи ва сафда эгаллаган ўрнига қараб қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган. Тартибни бузган шахс олий бош қўмондон томонидан қаттиқ жазоланган¹⁶⁴. Қўшин дам олишга тўхтаганда ёки жанггоҳга тушганда лашкаргоҳ атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган аравалар билан маҳкам ўралган, шох-шаббалар билан тўсилган, ғирдига четан-чапар қўйилган, ичига мўнду ўрнатилган хандаклар билан ихота қилинган. Истеҳком кундузги – язак ва тунги – талоя соқчи бўлинмалар ёрдамида қўриқлаб турилган. Ғанимнинг қораси қўриниши билан лашкар хандакдан чиққан ҳамда жанговар саф тузган ҳолда унга қарши юзланган. Юриш ёки муҳораба чоғида бошбошдоқлик ҳамда парокандаликка йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир бўлинма, гуруҳ, қисмнинг ўз ўрон – паролли белгиланган.

Аксарият вазиятларда ғанимни жанггоҳга киритиш мақсадида Соҳибқирон ўзини заиф қилиб кўрсатар эди. Ушбу стратегик ҳийла (савқул–жайш) кўп ҳолларда муваффақият келтирган.

Муҳолифатчи лашкар билан дастлабки тўкнашувни разведка вазифалари билан машғул бўлган енгил суворийлар, яъни, қоровул бошлаб берган. Шундан сўнг, ўнг ва чап қанот илғор қисмлари – баранғар ҳиравули ва жуванғар ҳиравули мададида асосий илғор қисм манғлай жангга қадам қўйган. Манғлай ортидан баранғар ҳамда жуванғарнинг қолган икки бўлаги, яъни чапавул ва шақавул пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо ушбу куч душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош қўмондон-амирул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар-қўл (ғўл) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган.

Муҳолиф лашкардан қочиш белгилари ва мағлубият аломати зоҳир бўлиб қолгач, уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилган қувгунчи тайин қилинган. Қувгунчилар шикаст топганларга шундай шиддат билан ҳамла қилганки, душман отликларида от суришга мажол, пиёдалар учун қочишга паноҳ қолмаган. Қалъа ёки кўрғонга чекиниб, мустаҳкамланишга улгурган ғаним муҳосара қилинган.

¹⁶⁴ Тизенгаузен В.г. Сборник... т. II. С. 159; Якубовский А.Ю. Тимур... С. 69.



Буюк давлат арбоби ва сугук саркарда — Амир Темур. Самарқанд.



Оғир қуролланган отлик суворий.



Оғир қуролланган жангчининг химоя кийими. Шохрухия.



Деворбузар. Тошотар қурол.



Ҳарбий мусика асбоблари.



Гурзилар.



Дубулға.




Кўшнларнинг ўзаро тўқнашуви.



Ҳарбийлар оти учун эгар.



Шохрухия шаҳридаги
мудофаа истеҳкомининг
чизмаси ва қолдиқлари.



Қалъа деворлари яқинида манжаниклар қурилиб, ғалтаклар устига ўрнатилган арродалар тикланиб, камалдагиларга қарата ҳар тарафдан тошлар ирғитилган, раъдлар ишга солинган. Борулар остида накблар қавланган. Деворларда очилган раҳналар оркали аскарлар селдай ичкарига ёпирилиб кира бошлаган. Қалъага тўрт тарафдан қуюндай ёпирилиб келаётган аскарлар камал аҳли томонидан отилаётган ўқ, найза, тош баъзан ёнаётган моддалардан сақланиш учун бошларини тўсиб, деворларга қўйилган нарвон, ё бўлмаса ташланган арқон ва ҳалкалар ёрдамида юқорига кўтарилган.

Душман мудофаасини турли усуллар ёрдамида барбод қилиш, ғаним томоннинг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарларига қўққисдан қучли зарба бериш, забт этилган мамлакатнинг бошлиқларини ва айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, қалъа ҳамда кўрғонларни узоқ муддат давомида муҳосара қилиш, ёв қучларини иложи борица кенг камровда қуршаб олиш, унинг кишлок, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамом яқсон этгунга қадар таъқиб қилиш, фатҳ бўлган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларни кўзлаб иш юритиш Амир Темурга қўплаб зафарлар олиб келди.

Амир Темур армиясида ичига ёнувчи модда – нафт солинган кўзачалар, ирғитувчи ўт сочиш қуроли – раъднинг узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи маҳсус тўпчилар – раъдандозлар мавжуд бўлган¹⁶⁵. Мустаҳкам қалъа ва кўрғонларни камал қилишда, душман қучларига қирғин келтиришда самарали қурол ҳисобланган раъдни бошқарувчи тўпчиларнинг сони, Низомуддин Шомийнинг фикрича, 10 минг кишига етган. Раъдандозлар Амир Темур томонидан илк марта 1379 йили Урганчни муҳосара қилиш вақтида жангга солинган¹⁶⁶.

«Амир Темур тузуклари»да қайд этилишича, қўшин қўмондонлари сафига Амир Темур олийҳиммат, оқил, мард, тадбиркор, сезгир, журъатли, саботли, ҳарб ишига жондилини бағишлаган истеъдодли шахсларни жалб этиш масаласига катта эътибор берган. Ҳар бир бек ёки амир ўз нои-

¹⁶⁵ Беленцкий А. М. О появлении... С. 7.

¹⁶⁶ Якубовский А. Ю. Тимур... С. 68.

би – ўринбосарига эга бўлган. Бирор бек ёки амир ҳаётдан кўз юмган тақдирда ноиби унинг ўрнини эгаллаган¹⁶⁷.

Ёвнинг аскаррий гуруҳини тор-мор этган мингбеги биринчи даражали амир унвонига, йирик душман қисмини мағлуб этган биринчи даражали амир ўз навбатида иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсинда ўзга бек ҳамда амирлар юкорирок ҳарбий мартабага кўтарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб қочган аскарлар ўлжа тақсимотида иштирок этишдан маҳрум қилинган. Мухорабадан ярадор бўлиб қайтган шахсларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйилган, уларга Амир Темурнинг марҳамати кўрсатилган¹⁶⁸.

Бирор кишварни фатҳ қилган ёки ғаним армиясини мағлубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган¹⁶⁹, яъни шарафли баҳодир унвони ҳамда туғ ва ноғора берилган. Айни шундай юсак мукофот билан мухолифатчи тараф тахт ворислари раҳномолигидаги қўшинни паришонликка солган амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда қилинган.

Жангу жадал чоғида шижоат кўрсатиб, душман гуруҳини қочиришга муяссар бўлган ўнбеги шахар доруғаси, юзбеги эса вилоят ҳокими вазифасига тайинланган. Душман устидан зафар қучган мингбеги вилоят волийси мансаби билан тақдирланган.

Бирор мамлакат ёки юртни эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарилиш учун суюрғал тарзида иноят қилинган. Амир Темур ва темурийлар даврида суюрғол ер эгалигининг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, наслдан наслга ўтган. Суюрғол эгаси давлат ҳисобига тўланиши зарур бўлган солиқлардан озод қилинган. Бундай суюрғол тури «дарбаста суюрғол» деб юритилган¹⁷⁰.

Довюрак паҳлавонлар ҳарбий юришларда кўрсатган жасоратлари учун баланд даражага эришиб, бообруй кишилар

¹⁶⁷ Уложение Тимура... С. 43–45.

¹⁶⁸ Ўша ерда. 45–46-бетлар.

¹⁶⁹ Ўша ерда. 45–51-бетлар.

¹⁷⁰ *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлан саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форстожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар гарих фанлари кандидати А. Ўринбоевники. Тошкент, 1969, 344, 459 -бетлар.

каторидан ўрин олган. Улар гурзи, олачук (чодин), мурассаъ камар, қилич ва саман от каби паҳлавонлик нишонлари билан эъзозланган. Ботирларнинг кўпчилиги кейинчалик ўнлик, юзлик, мингликларга кўмондонлик қилишдек масъулиятли вазифаларга қўйилган¹⁷¹.

Юкорида тилга олинган ўн икки амирдан ҳар бири ўз довул (табл) ва байроғига эга бўлган. Бош кўмондон ноғора ҳамда аламдан ташқари бурғу, тумантуғ ва чортуғ билан нишонланган.

Мингбеги туғ ва карнайга эга бўлган. Юзбеги ва ўнбегига ноғора берилган. Турли кўшин, яъни қисм кўмондонлари тегишли нишонлар билан таъминланган. Бекларбеги ёки амирул-умаро байроқ, ноғора чортуғ ва бурғу сингари нишонларга сазовор бўлган¹⁷².

Руи Гонсалес де Клавихонинг таърифига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик чоғида зарҳал ип билан тикилган ҳаворанг сатин кўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа кимматбаҳо тошлар қадалган бўрқ бўлган. Бўрқнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган сочлар Амир Темур аскарларининг нишони эканлигини алоҳида қайд этади¹⁷³.

Ҳарбий юриш ёки размдан олдин кўшинни кўриқдан ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш анъана тусига кирган. Амир Темур кўшиннинг жанговар ҳолатини сахро, дашт ва яйловларда назардан ўтказиб, имтиҳон қилар эди. Етарли миқдордаги лашкар жам бўлгач, барча кўшин турлари – ёйчилар, найзадорлар, сангандозлар, тахшандозлар, манжаник, аррода ва тиричарх отувчилар ҳамда бошқа аскарий қисмлар кўриқдан ўтказилган. Кўриқдан нафақат асосий жанговар қисмлар, шунингдек, улар ортидан борувчи оғир қарвон – нўғрук (овоз) ҳам ўтказилган¹⁷⁴.

Фармони олийга мувофиқ аскарлар бошдан-оёқ темир совуллар кийиб, зарур қурол-яроғларни олиб отга минганлар, кўриқ учун сафларни ростлаганлар. Майдонда ҳар бир қисмга

¹⁷¹ Уложение Тимура... С. 51.

¹⁷² Ўша ерда.

¹⁷³ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... С. 63.

¹⁷⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатишган асар. 68-бет.

тааллуқли кўк, сарик, бинафша, кизил, қора рангдаги байрок ва яловлар ҳилпираб турган. Ҳарбий мусикачилар ижро этаётган жанговар мусикалар остида олий бош кўмондон кўшин қисмларини бирин-кетин кўздан кечириб чиққан. Саф тортиб турган жангчилар найзаларини баланд кўтариб, ҳаммалари бир маромда кучли наъра тортиб, сурон солиб, юришга шай эканликларини изҳор қилганлар.

Бир фавжнинг қурол-яроғи, аълам ва байроғи, кийим-кечаги, жибаси кизил, иккинчи гуруҳнинг ранги кўк, учинчи гуруҳнинг ранги оқ, тўртинчи фавжнинг ранги бинафша, бешинчи гуруҳнинг ранги сарик ва хоказо бўлиб, барчаси Соҳибқироннинг таҳсинига сазовор бўлади. Шу алфозда тонг саҳарида бошланган кўрик пешин охиригача давом этган¹⁷⁵.

Амир Темур армияси сафар пайтида куйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган. Бош кучлардан анча илгариде қоравул – аванпост, ундан кейин манғлай – (ҳиравул) – авангард, баранғар, жуванғар, қўл, чағдавул – аръергард юрган. Кўшин ордидан ўғрук пешма-пеш келган.

Кўшинда сувли тўсикларни кечиб ўтишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарёларнинг саёз ерлари гузар-кечикка айлантирилган ва соқчи отлик гуруҳлар томонидан эҳтиёт қилинган. Дарё ёқасига етиб келган кўшин кечувдан қисм-қисм бўлиб ўта бошлаган. Кўклам ва куз фаслининг серёмғир кунларида дарё сувининг кўпайиши натижасида гузардан ўтиш анча мушкуллашган. Теран дарёлар устида қайиқлар ёрдамида боғланган кўприк орқали оғир техника ҳамда ўғрук ўтказилган. Суворийлар кўпинча тезоқар дарёлардан отнинг югани ва ёлига осилган тарзда, пиёдалар эса мешлар кўмагида осонлик билан талафотсиз кечиб ўтган¹⁷⁶. Соҳибқирон жанг майдонини танлашда бевосита иштирок этган. Жанггоҳнинг текис, кенг ва кўшин қисмларини жойлаштиришга қулай бўлиши талаб қилинган. Айниқса, маъракагоҳнинг ичимлик суви манбаъига яқин бўлиши ҳамда разм вақтида қуёш

¹⁷⁵ *Мирхонд.* Равзат ус-сафо. X. Сулаймон номидаги қўлғамалар институтини қўлғамалар фонди. № 4141. 174 а.

¹⁷⁶ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) – Т., 1992. Мехнат. I китоб, 76-бет; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... С. 99

нурининг жангчилар кўзига тушмаслиги мақсадга мувофиқ хисобланган¹⁷⁷.

Амир Темурнинг бошқа давлатлар ахволи ҳақида маълумот олиш воситалари. Сохибкирон юришга жўнашдан анча аввал душманнинг қуролли кучлари, мудофаа иншоотлари, у ердаги ички вазият қабила ҳақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида унинг юрти ёки қароргоҳига ўз айғокчи (хабаргир, жосус) ларини пешма-пеш юбориб турган. Ғаним тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлгандан сўнггина юришга тараддуд кўрилган.

Чегарадош давлатлардаги аҳвол тўғрисидаги маълумотларини Амир Темур 1000 кишидан иборат бўлган енгил қуролланган отрядлар ёрдамида тўплаган. Бу қўшинлар сувсиз ва чўл жойларда туялар миниб жанг қилганлар, бошқа ерларда эса улар таркиби суворийлар ва енгил пиёдалардан иборат бўлган. Қўшни давлатлар ерларига кириб бориб, улар шубҳасиз, ҳарбий хийлалардан фойдаланган ҳолда чегарадош ерлардаги аҳвол ҳақида маълумот тўплаганлар. Урушга тайёргарлик кўрилаётгани ва бошқа турли хабарларни билиб олганлар. Мазкур отрядлар томонидан етказилган маълумотларни мулоҳаза қилгандан сўнг, Амир Темур тегишли чоратадбирларни кўрган.

Маълумотлар баъзан савдогарлар орқали ҳам олинган. Темур худди Чингизхон сингари савдогарлар ва қарвонбошиларни турли товарлар билан Хитой, Ҳиндистон, Миср, Арабистон каби мамлакатларга ва ҳатто Европа давлатларига ҳам юбориб турган. Қарвонлар қайтиб келгандан сўнг савдогарлар сирасидан тайинланган ва дарвешлар либосида жўнатилган хабаргирлар ўз кузатишлари асосида халқнинг ҳаёти, ахлоқи, одатлари ҳақида маълумот берганлар. Улар хусусан, подшоҳлар билан уларнинг фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қандайлигини билиб олишлари ниҳоятда зарур бўлган.

Амир Темур турли ўлкалардан келган саёҳатчиларга, савдогарларга, қарвонбошиларга ҳомийлик қилган. Уларга ҳар қандай ёрдам кўрсатилган ва шу аснода улар кўрган давлат-

¹⁷⁷ Уложение Тимура... С. 80-61; Шарафиддин Али Яздний. Зафарнома... 53-бет.

лардаги аҳвол ҳам билиб олинган. Амир Темур турли товарларнинг олиб келиниши ва олиб кетилиши, хорижликларнинг мамлакатга кириши ва чикиб кетиши, Амир Темур ҳузурига келишни истаган турли олимлар ҳақида аниқ маълумотлар бериб туришлари лозим бўлган алоҳида ишончли лавозимдаги амалдорларга эга бўлган. Улар хорижий подшоҳларнинг Амир Темурга бўлган муносабати ва ниятларини билишлари, бу маълумотларни унга тез ва аниқ килиб етказишлари лозим эди.

Агар бу маълумотлар камлик қилса, у ҳолда Амир Темур элчиларни жўнатган. Улар Амир Темурнинг юришларидан олдин керакли маълумотларни бериб туришлари зарур эди. Баъзи ҳолларда у бу мақсадлар учун дарвишлардан фойдаланарди.

Юк-аравалар. Жангчи юриш пайтида қурол-яроғ захиралари, чодирлар ва бошқа нарсаларни ўзи билан олиб юриши лозим бўлган. Амир Темур қўшинлар ортидан кўп сонли юк-аравалари юриши лозим эди. Улар жангчилар сонига нисбатан уч баробар келадиган қарвонларни ташкил этган. Қурол-яроғ захиралари туялар ва бошқа юк ҳайвонларида олиб юрилган. Сўнгги юришлари вақтида Амир Темур ўз армиясида доимий равишда мис қозонларга эга бўлган, улар «юнон»лар оловини, тошларни ва бошқа оғир нарсаларни отиш учун хизмат қилган. Бундан ташқари, гарчи узок масофаларга олиб борилмаса-да манжанаклар, шунингдек, камал қилиш учун зарур материаллар ва асбобларнинг захиралари ҳам бўлган.

Алоқа воситалари. Темурийлар армияси ҳарбий бўлинмаларнинг ҳаракатларини бошқаришда, юриш пайтида ҳам, жанг пайтида ҳам қўйилган вазифаларнинг аниқ бажарилишида алоқа воситалари – сифатида турли товуш ва белгили кўриш-қузатиш воситалари муҳим роль ўйнаган.

Ушбу вазифани махсус ишлаб чиқарилган шартли тизим ноғора товушлари, туғлар ва байроқлар воситасидаги кўриш алоқаси орқали самарали тарзда амалга оширганлар.

Ноғора деб аталувчи махсус ҳарбий барабанлар қадим даврлардан бири маълум бўлиб, улар ёрдамида ҳарбий бўлинмаларнинг ичидаги буйруқлар, яъни командалар берил-

ган ва улар оркали алоқа тизими амалга оширилган. Амир Темур ўз кўшин бошликларидан биронтасини мукофотлар ёки юқори мансабга кўтарар экан, унга янги мансаб ва унвон рамзи сифатида алоҳида бунчук ва ноғора топширган.

Зарафшон водийсидаги Кўҳак (Зарафшон) дарёси этагидаги бепоён майдонда Амир Темур мунтазам равишда ўз кўшинларини ҳарбий кўриқдан ўтказган, ҳарбий ўқув машқларини амалга оширган, шунингдек, бу ерда доимий равишда тантанали байрамлар ҳам ўтказилган. Улардан бири Амир Темур саройига ташриф буюрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида ёркин ва гўзал тарзда тасвирлаб берган.

Зарафшоннинг баланд қирғоғида жойлашган Ноғоратепа деб аталган тепаликда ҳарбий ноғоралар ёрдамида кўшин бўлинмаларига буйруқлар (командалар) берилган. Ҳарбий ноғоранинг муайян оҳанглари бўлинмаларга олдиндан таништирилган ва улар шу оҳанглар оркали берилган буйруқларни жанг пайтларида ҳам аниқ-равшан бажарганлар.

Жанг пайтида кўриш воситаларнинг ўрни ва роли ҳам катта бўлган.

Қадимдан ҳокимият рамзи ҳисобланиб, уруғ-қабил ва ҳарбий ҳокимиятларнинг ўзига хос тимсоли бўлиб келган байроқлар, туғлар, нишонлардан Амир Темур алоқа тизими – кўриш воситалари сифатида унумли фойдаланган. Улардан жанглар, маневрларга тезкор раҳбарликни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланишни такомиллаштирган. Амир Темур кўшинида ҳар бир бўлинма ўз ҳокимият ва ор-номус рамзига, ўз байроғи – яловига ҳамда ўзларининг мулоқот воситасига, яъни сигналларни етказиб берувчи байроқлар – бунчукларга эга бўлган. Амир Темур даврида мавжуд бўлган байроқлар ва бунчукларнинг ҳақиқий намуналари бизгача етиб келмаган бўлса-да, уларнинг тасвирлари миниатюралардаги суратларда сақланиб қолган, кўриниши манбаларда тасвирланган.

Марказий ҳокимият рамзи бўлган байроқ – алам одатда бутун жанг майдонида яққол кўзга ташланиб турадиган тепаликдаги қароргоҳда ўрнатилган. Бу байроқ лашкарбоши қўл остида бўлган ва у барча жангчиларга кўриниб турган. Ҳар

бир бўлинма байроғининг ўз ранги бўлган ва бу лашкарбошига унинг буйруқлари қандай бажарилаётгани ва жангнинг боришини кузатиб туриш имконини берган.

Кўшин бошлиғининг байроғи ўзига хос шаклга эга бўлган. Амир Темур байроғи узун ёғоч тепасига ўрнатилган мохча – Амир Темур герби ва катта зангори матодан иборат бўлган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Темурнинг гербида учта доира тасвирлангани хақида хабар беради. Миниатюраларни ўрганиш ва замондошларининг маълумотлари асосида Амир Темур ва унинг ворисларининг герби олтин нурлар сочаётган куёш байроғида тасвирланган шер кўринишида бўлганлиги аниқланган. Бу герб тасвиридан XVII асрда Самарқанд Регистонида қурилган Шердор мадрасаси пештоқини безашда фойдаланилган.

Белгили буйруқлар тизими аниқ-равшан қилиб ишлаб чиқилган ва уни барча жангчилар билиши зарур эди. Кўмондон қароргоҳи жойлашган ерда ўрнатилган олий байроқ баланд кўтарилган бўлса, ғалаба яқинлигини ёки ёрдам келаётганини аниқлаган. Агар у юқорида хилпираб турган бўлса, ҳукмдорнинг хавф остида қолганлигининг, агар тушириб қўйилган бўлса мағлубиятни, душман байроғи қўлга киритилган бўлса, тулик ғалабанинг белгиси ҳисобланган.

Амир Темур уруш пайтида байроқлар ҳаракатидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, Терекда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан узоқ давом этган курашнинг ҳал қилувчи жангида Амир Темур Тўхтамишнинг байроқдорини сотиб олган ва у уруш қизиқ турган пайтда байроқни туширган. Тўхтамиш аскарлари эса буни жангдаги мағлубият сифатида тушунганлар ва бу урушни боришига жиддий таъсир кўрсатган.

1398 йилда бўлган жангда Амир Темур ўз байроғини шахрисабзликларга топширган ва шу тарзда душманни қалғитиб, қарқонлик билан ўтказган маневр орқали рақибни таслим бўлишига мажбур этган.

Буларнинг ҳаммаси кўшинни қатъий, аниқ бошқаришда, душманни даҳшатга солишида, баъзан ҳал қилувчи ролни ўйнаган тактик усулларда кўшинга белгилар воситасида ва кўриш тарзда хабар қилинувчи маълумотларнинг муҳим рол ўйнаганлигидан далолат беради.

Хитой саркардаси У-дзи ўзининг уруш санъати ҳақидаги асариди «Барабанлар ва ноғоралар кулокларни ваҳимага солади, байроқлар, туғлар, бунчуклар кўзларни даҳшатга солади» деб ёзиши тасодифий эмас эди.

Истеъдодли ва тажрибали лашкарбоши сифатида Амир Темур бу воситалардан самарали фойдаланган ва уларни ўз ворисларига ҳам мерос қолдирган.

Амир Темур бирор ҳудудни қанча вақт ичида забт этиш мумкинлигини олдиндан яхшилаб ҳисоблаб чиқар ва саркардалардан белгиланган муддатда ҳарбий ҳаракатларни ниҳоясига етказишни қатъий талаб қилар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз мамлакатини мўғул босқинчиларидан озод қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди. Ўз юртининг тинчлиги, мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун қудратли армияга асос солди, уни ўз замонасининг илғор қуроллари билан таъминлади, ҳарбий тактикани ривожлантирди, қўшин таркибини такомиллаштирди.

Амир Темур истеъдодли саркарда ва лашкарбоши, ҳарбий ташкилотчи сифатида ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсик ва ғовларни тadbиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди. Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти, унинг бир неча бор кам сонли лашкар билан кўркув билмасдан кўп сонли ғаним лашкарига қарши жанг олиб борган чоғларида айниқса, яққол кўзга ташланар эди. Унинг қўшинлари тоғли ҳудудларда ҳам муваффақият билан жанг ҳаракатлари олиб бориш, мустаҳкам қалъа ва ҳисорларда ўрнашиб олган душманни мағлуб этиш қобилиятига эга эди.

Амир Темур ватанимиз ҳудудида ҳарбий иш ва тактиканинг ривожланишида чуқур из қолдирди, у нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон ҳарб илмини ривожлантиришга, янги усуллар ва тактикани шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

2.4. Бухоро, Хива ва Кўкон хонликлари даври

XV аср охири – XVI аср бошларида Маворауннаҳр худудида мураккаб вазият вужудга келди. Мазкур худудда тахт учун кураш кескинлашди. Бунга қадар мамлакатда ҳукмдорлик қилган темурийлар буюк Амир Темур ворислари сифатида унинг ҳар бир соҳадаги энг яхши анъаналарини сақлаб қолиб давом эттирдилар. Хусусан, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқанд илм-фан, адабиёт, шахарсозлик ва меъморчилик, миниатюра санъати ва мусика каби маданият ютуқларини ўзида жамлаган марказга, хориж мамлакатлардан кўплаб элчилар ва савдогарлар ташриф буюрадиган пойтахтга айланди, илм-фан ва иқтисодий ҳаёт барқарор ривожланди. Аммо бу ҳолат Мирзо Улуғбекнинг ўлими (1449 й.) ва кейинчалик, Абу Саиднинг (1469 й.) ҳалокатидан сўнг сезиларли даражада сусайди. Бунинг сабаби энг аввало, темурий шахзодаларнинг ҳокимият учун курашларининг авж олиши билан боғлиқ эди. Бундай ҳолат мамлакатни урушлар домига тортди, сиёсий барқарорликка барҳам берди, марказлашган давлатга путур етказди. Айниқса, даштдаги кўчманчи қабилалар бошлиқларининг ҳарбий ҳужумлари мамлакат ҳаётига катта зарба берди.

Шу тариқа, бир пайтлар Амир Темур томонидан ташкил қилинган марказлашган салтанат Темурийлар хонадони намояндалари томонидан бошқариладиган майда давлатларга бўлиниб кетди. Уларнинг ҳар бири қулай шароит туғилганда ўз худудини иккинчиси ҳисобига кенгайтиришга тайёр эди. Тез-тез бўлиб турадиган ҳарбий юришлар катта ҳарбий кучларга эҳтиёжни кучайтирганлиги боис маҳаллий ҳукмдорлар дашт худудидаги ёлланма аскарый гуруҳлардан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар.

Дашти Қипчоқда Абулхайрхон бошчилигидаги давлатининг парчаланиши туфайли тарқаб кетган ҳарбий қўшинлар эса ўзаро урушаётган темурийларга катта маблағ ёки мукофот эвазига ёрдам беришга тайёр эди. Бу ҳарбий қўшинларга Дашти Қипчоқ султонлари бошчилик қиладилар.

Улар ўз ҳарбий кучлари билан Мовароуннаҳрдаги темурийларга ёлланиб, ўзаро курашларни янада авж олдир-

дилар. Масалан, Абулхайрхоннинг амакиваччаси Бахтиёрнинг ўғиллари – Ҳамза Султон ва Меҳди Султон ўз ҳарбий гуруҳлари билан аввалига андижонликларнинг Самарқандга юришида ёш Бобурга, кейин эса бошқа темурийзода – Бойсункур Мирзога, ундан кейин эса яна ўша даврда кучаяётган Дашти Қипчоқдаги Муҳаммад Шайбонийхонга хизмат киладилар. Умуман Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келган бошқа қўлаб ёлланма қўшинлар кейинчалик Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга қилган ҳарбий ҳаракатларида фаол қатнашиб, унга катта ёрдам берганлар.

Қабила бошлиғининг даъвати билан кўчманчилар ҳарбий ўлжалар, айрим ҳолларда эса янги ерларни қўлга киритиш ниятида урушга бажонидил отланганлар. Яхши боқилган отларга миниб, кўчманчиларнинг ҳамма замонлардаги жанговар қуроли бўлмиш ўк ва ёй, шунингдек, найза, болта, қилич ва қалқонлар билан қуролланиб, йиғилиш жойига келганлар. Шайбонийхоннинг сарой тарихчиси Муҳаммад Солихнинг хабар беришича, улар хон қўшинига қурол-яроғсиз келмаганлар¹⁷⁸.

Мовароуннаҳр ҳукмдорлари хизматида кирган бу қўшинларнинг бир қисми кейинчалик Ўрта Осиёнинг ўтроқ вилоятларида баъзан доимий яшаш учун қолганлар. Уларнинг алоҳида гуруҳлари Мовароуннаҳрнинг суғориладиган ерлари ичкарасига қадар кириб бориб, деҳқончилик билан шуғулланадиган маҳаллий аҳоли таъсирида ўтроқлашганлар. Кўчманчиларнинг ўтроқлашуви жараёни ўтроқ вилоятлар ҳудуди, жумладан, Сирдарё бўйларида кучли бўлган.

Ўша даврда Дашти Қипчоқ қабилаларидан ташкил топган ёлланма ҳарбий қўшинлар келишув асосида у ёки бу мовароуннаҳрлик ҳукмдор хизматида вақтинчалик қирар экан, отлик сипоҳийлар сифатида фаолият юритганлар. Алоҳида ҳолларда уларга мукофот тариқасида ер-мулкларнинг бошқаруви ҳам берилган.

Ҳукмдорларнинг ҳарбий ҳаракатларида ёлланма қўшинларидан фойдаланиш амалиёти нафақат Ўрта Осиё шаҳарлари, балки бошқа минтақаларда ҳам мавжуд бўлган. Жум-

¹⁷⁸ *Муҳаммад Солих*. Шейбани-наме. Посмертное издание по П.М. Мелноренского. СПб. 1908. С.138.

ладан, айнан шу даврда, яъни XVI асрда Италиядаги алоҳида мулклар ҳукмдорлари ўртасидаги доимий урушлар пайтида ёлланма отлик аскарлар муайян ҳукмдорлар хизматига кирган. Ёллаш тўғрисидаги келишувга мувофик кондотьерлар Италиянинг алоҳида ҳукмдорларига ҳам, ҳатто Рим папасининг ўзига ҳам бирдай хизмат килаверганлар. Натижада уларнинг хатти-ҳаракати мамлакатнинг хонавайрон бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам Италияда давлат ҳокимияти мустаҳкамланиши билан кондотьерлик ҳаракати сиёсий саҳнадан тушиб кетди.

Ёлланма аскарлар хизматидан фойдаланиш Мовароуннаҳрда ҳам аҳолининг хонавайрон бўлишига ва давлатнинг келгусида заифлашишига олиб келди.

Кўчманчи кўшинлар жанг олиб боришнинг ўзига хос тактикасини ишлаб чиққан эдилар. «Душманни ўраб олиш» уларнинг уриш олиб боришдаги стратегик усуллардан бири эди. «Дашти кипчокликларнинг буюк ҳарбий санъатларидан бири «ўраб олиш» эди, – деб хабар беради Бобур, – уларнинг бирор бир муҳорабаси ўраб олишсиз бўлмайди». Чекинганда эса, кўшинлар турли томонларга тарқалиб кетганлар ва шу йўл билан таъкиб қилаётган душманни тўзатиб юборишга эришганлар.

Ёлланма ҳарбий кўшиннинг етакчиси ўз саркардасини унинг илк мағлубиятидаёқ алмаштириши ва келажакда янги лашкарбоши қўл остида хизматини давом эттириши мумкин эди.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, энг асосий жанг қуроллари ўк ва камон бўлган. Оддий камон ёй шаклида эгилган каттик ёғочнинг иккала учини мустаҳкам ип билан таранг қилиб боғлаш орқали ясалган. Бу даврда камоннинг асоси ташки томондан чандир, ички томондан силлик мугуз ёпиштирилган ёғочдан иборат бўлган. Баъзида туткичининг ўртаси ва охири суяк (дандон) билан копланган. Бу камоннинг ўки узоққа отиладиган алоҳида, мураккаб тури эди. Шу билан бирга, мураккаб тузилишга эга камонларнинг турлари ҳам турлича бўлган.

Камондан ўк узиш нафакат ўт очиш қуроллари пайдо бўлгунга қадар, балки ундан кейин ҳам Ўрта Осиёда му-

айян масофадан туриб нишонга уришнинг асосий усули бўлиб келган. Бу эса XVII аср охири ва XVIII аср бошларидаги кабилалар йўлбошчиларининг мавқеининг ошиши ва иктисодий қудратининг ўсиши билан асосланади. Уларнинг таянч кучи бевосита қабила сардорига бўйсунадиган отлик аскарлар ҳисобланар эди. Ўрта Осиёда Амударё ва Сирдарё оралиғида яшайдиган аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ва ҳунармандлар ташкил этган. Баъзи бир шаҳарлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг йирик марказлари эди. Ҳунармандлар ушбу маданий марказлар аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган ҳолда, уларнинг бир қисми қурол-яроғ тайёрлашга ихтисослашган.

Сиёсий қудрати кўп жиҳатдан қуролли кучларга боғлиқ бўлган Шайбонийлар давлатининг пойтахт ҳисобланган Самарқандда XVI асрнинг биринчи ярмида қурол-яроғ яшаш ишлари сезиларли даражада ривожланган. Қўшин ва ҳарбийлашган қисмлар учун қиличлар, ханжарлар, ойболталар, жанговар болталар, совутлар, дубулғалар, қалқонлар ва турли хилдаги қурол-яроғлар тайёрланган.

Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келиши билан қўшинда кўчманчиларга хос унсурлар етакчилик қила бошлади, чунки улар қўшиннинг ўзагини ташкил қилар эдилар. Отлик қўшин таркибининг негизи бўлган бу жангчилар, одатда лашкарликка қуролланган ҳолда келишлари керак эди. XVI аср бошларида икки сиёсий душман темурийлар ва шайбонийлар қўшини ўртасидаги тўқнашувларни ёритган ҳар иккала томонга мансуб муаррихлар ўз асарларида улар орасида алоҳида тафовутлар мавжудлигини кайд этишмайди: ҳар икки қўшин ҳам камон ва ўк, қилич ва қалқонлар билан қуролланган. Танасининг турли қисмлари совутлар билан муҳофаза қилинган.

XV аср охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳр тахтига асосий сиёсий даъвогарлар даштиқипчоқлик хон Муҳаммад Шайбонийхон ва темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди. Шоир Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлик беришича, Шайбонийхон ҳамиша ёнида камон ва садок олиб юрган ҳамда камондан ўк отишда ниҳоятда мохир бўлган. Муаррихлар

Заҳириддин Бобурнинг ҳам худди шу усулда қуроллангани ҳақида хабар берадилар. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳхоннинг ёзишича, Бобур доимо қилич ва қалқон билан қуролланиб юрган. Заҳириддин Бобур XVI асрнинг 20-йилларига оид маълумотларга кўра, унинг ўзи ҳам, аскарлари ҳам совут кийиб юришган.

Қилич ва ўқланган камондан ҳужум вақтида отликлар кенг фойдаланганлар. Камондан камал қилинган шахарликлар ҳам калъа деворларида туриб, унумли фойдаланганлар.

«Унинг камони мустаҳкам, ўки эса узун эди», – деб тасвирлайди Заҳириддин Бобур Султон Ҳусайннинг амирларидан бирини. Бинобарин, камон ва ўқлар турли шакл ва ўлчовда тайёрланган. Тадқиқ қилинган тарихий манба ва адабиётларда камоннинг ўлчови ўқининг узунлигига мувофиқ келиши ҳақида фикр билдирилган¹⁷⁹.

Шунингдек, ўқ отар қуроллар – тахшанлар ҳам қўлланилган. Лекин тахшандозлар XVI–XVII асрлардаги ҳарбий тўқнашувларнинг иштирокчилари сифатида камдан-кам ҳолларда тилга олинади.

Камон ва ўқлар кейинчалик ҳатто милтиқ (тўфанг)лар сезиларли даражада кенг тарқалган даврларда ҳам ҳарбий тўқнашувларда асосий ролни ўйнашда давом этди. Чунончи, 1519 йили Афғонистон ҳудуди бўйлаб ҳаракат қилар экан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз кўшигида милтиқдан ўқ отувчилар тўфангозлар бўлишига қарамай, ўзи камон ва ўқдан фойдаланишни афзал кўрган. Камон ва ўқ отлик жангчилар учун қулай қурол ҳисобланган ва XVIII асргача, баъзи ҳолларда эса XIX асрда ҳам у енгил отликлар учун тез отар қулай қурол бўлиб қолаверган.

Азалий анъаналарга кўра, бошқа темурий шахзодалар каби Бобур ҳам болалигидан от миниб ва камондан нишонга олиши каби ҳарбий машқларни пухта эгаллаган. Камон ва ўқ қўлда кўтариб юриладиган ўқотар қуроллар каторида қўлланишининг сабаби шундаки, илк даврларда тўфанг камдан-кам ҳолларда камондан устунлик қилган.

Камон ва ўқларни олиб юриш учун усталар садок ясаган-

¹⁷⁹ *Курьилев В.П.* Оружие казахов // Матерьяльная культура и хозяйство народов Кавказа. Средней Азии и Казахстана. Сборник МАЭЛ. 1978. С. 19.

лар. Аслзодаларга мўлжалланган садоклар кимматбаҳо чармдан тайёрланган. Масалан, козокларнинг қахрамонлик эпосида бир замонлар Волга бўйидаги Булғор хоконлиги усталари тайёрлаган машҳур булғор чармидан ясалган садоклар зикр этилади. Улар кимматбаҳо металл ва ялтирок тошлар билан безатилган. Шу билан бирга тиллакори камонлар каби маҳаллий садоклар ҳам бошқа мамлакатларга олиб кетиладиган буюмлар сарасига кирган. Сарик рангли Бухоро камонлари козоклар ва бурятлар дostonларида ҳам тилга олинади.

Айрим турдаги камонларнинг ипини таранг тортиб боғлаш нихоятда мушкул иш бўлган. Темурийзодалардан бирининг ҳаёти билан боғлиқ шундай маълумотлар келтирилади: «унинг камонининг ипини тортиб боғлаш учун, айтишларича, 40 ботмонга тенг куч талаб қилинган»¹⁸⁰.

Маълумки, камондан отиш учун ўк уяча (чукурча) воситасида ипга мустаҳкамланган. Ўқлар турли шаклда бўлиши мумкин эди. Ёғоч, пойнак ва қуш патидан ясалган ўқлар кенг тарқалган. Баъзида ўк ясашда қуш патидан фойдаланилган. Ёғоч ўқлар турли турдаги дарахтлардан тайёрланган, жумладан, кайиндан ясалган ўқлар тилга олинади. Пайконлар белгиланган вазифасига кўра турли-туман бўлган. Ўқнинг узунлиги каби унга суқилган патлар ҳам турли шаклда эди. Чунончи, Бобур Ҳусайн Бойқаронинг амирларидан Муҳаммад Саид Урус ҳақида унинг «ёйи каттик, ўки узун, берк отишлик ва яхши отишлик экандур» деб таърифлайди.

Нефтга шимдирилган матони ўққа ўраш оркали ёндирувчи ўқлар тайёрланган. Қамал қилинганлар калъа деворларидан туриб қамал қилувчиларни ўққа тутиш учун улардан фойдаланганлар. Қамал қилаётганлар эса қамал қилинаётган шаҳарда ёнғин чикариш мақсадида ёндирувчи ўқларни отганлар.

Ўқнинг ўртача қанча масофага отилишидан амалда жанг олдида қўшиннинг жойлашган ўрнини, баъзида эса умуман масофани аниқлаш учун фойдаланилган.

Ўқларнинг учи суяк (дандон) ёки металлдан ясалган. Металл учлар турли шаклларда тайёрланган ва шаклдан келиб

¹⁸⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989. 156-бет.

чикиб, турли мақсадларга, масалан, айримлари совутларни тешиб ўтишга мўлжалланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «хатто қаватма-қават совутни тешиб ўтган» ўқлар ҳақида маълумот беради. Ўқлар ва уларнинг учлари ҳунармандлар томонидан маҳсус ясалган. Шу билан бирга, мутахассис бўлмаган баъзи кишилар ҳам ўз билганларича камон ва ўқ ясаганлар.

Ҳунармандлар томонидан тайёрланган қалқонлар ҳам турли-туман кўринишда бўлган. Ёғоч қалқонлар қалъалар қамали вақтида кўшин ҳузурида бўлган ҳунармандлар томонидан тайёрланиши мумкин эди. Металл билан зийнатланган, нисбатан ишончли қалқонлар ҳам тайёрланган. Лекин, хусусан замондошларининг эътирофига кўра, яхши мерганлар бўлган «хоразм йигитлари томонидан отилган ўқлар» бундай қалқонларни ҳам баъзида тешиб ўтган. «Улар шунақанги яхши отар эдиларки, – деб ёзади Бобур, – уларнинг ўқлари бир неча марта қалқон ва совутни, баъзида ҳатто икки қат совутни ҳам тешиб ўтган эди».

Ўзбекистон музейларида (Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти Давлат музейи, Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейи)да ҳам, жумладан, намоёнишга кўйилган экспонатлар орасида ва фондларда чарм копланган ёғоч, шунингдек, чарм ва металлдан ясалган қалқонлар мавжуд. Чарм қалқонлар кўпинча ранг-баранг нақш солинган ҳалқа шаклидаги металл коплама билан мустаҳкамланган. Чарм қалқонларнинг аксарияти қора рангга бўялган, фақат айримларидагина қизил бўёқ излари кўзга ташланади. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида эслатиб ўтилган усталар томонидан ясалган ранг-баранг қалқонлар ҳам худди шу кўринишда бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Ҳофиз Таниш, шунингдек, лаъл рангидаги (тўқ қизил) қалқонлар ҳам бўлганлиги ҳақида хабар беради. Бундан ташқари, музейлар фондларида ўйма нақшлар билан безатилган турли катталиқдаги металл қалқонлар ҳам мавжуд бўлиб, улар XVI асрга мансуб миниатюраларда тасвирланган жангчиларнинг қалқонини эслатади.

Ўрта Осиё хонликлари, Эрон ва Туркиядан Рус подшоҳи Борис Годуновга юборилган тухфалар қаторида жанговар қурол-аслаҳалар «Бухоро, Эрон ва Туркия ҳунармандлари

ясаган мис темир ва ипак билан тикилган камиш қалқонлар» қайд этилади.

Совут ва зирхлар (жиба, совут, жавшан) жангчи танасини совук ва ўт-очар қуроллардан химоя қилган.

Қурол-аслаҳалар, одатда, маҳаллий усталар томонидан ясалган, шунингдек бошқа мамлакатлардан ҳам келтирилган. Ҳофиз Танишнинг қайд этишича, Дарбанд қурол-аслаҳалари ортилган бир неча туя Москвадан Бухорога келган (XVI аср).

Ёзма манбаларда XVI аср охирида Самарқандда қурол-аслаҳалар тайёрлашга ихтисослашган бир қатор усталар тилга олинади. Болаларнинг уста хунармандларга шогирд тушиши муносабати билан тузилган «Мажмуаи васойик» деб аталган битимлар тўпламида жиботоб уста ва шогирдлар орасида тузилган шартномалар ҳам мавжуд. Бу битимлар Самарқандда имзоланган. Мазкур битимлардан бирига мувофик, Мулла Темур Мулла Жонмуҳаммад ўғли ўз укаси Ибодуллани икки йил ичида шу соҳа мутахассислари унинг муваффақиятларини эътироф этадиган даражадаги «яроғ-аслаҳа тайёрлаш санъати»ни ўрганиши учун Устоз Муҳаммад Мўмин жиботобга шогирдликка беради. Иккинчи битимга мувофик, Устоз Наврўз жиботоб тўрт йил ичида ўз хунарини Шохмуҳаммад Устоз Рамазон ўғли деган болага ўргатиши керак эди. Самарқандлик жиботобларнинг маҳсулотлари маҳаллий аҳолининг бадавлат тоифасига мансуб ҳарбийлар, шунингдек, бошқа шаҳарлар аҳолиси томонидан сотиб олинган. Бухорода, эҳтимол, Тошкентда ва бошқа хунармандчилик марказларда ҳам ҳарбийлар учун қурол-аслаҳа тайёрлайдиган мутахассислар бўлганлиги табиий.

«Ўзбекистон халклари тарихи музейи» фондларида металл халқадан қилинган, бир-бирига кийдирилган совутлар сақланган бўлиб, шаклига кўра, улар калта энгли кўйлақлардир. Ёқа четларига жангчининг тик туришини таъминлаш мақсадида чарм, каттик мато ёки духобадан ҳошия қилинган. XVI аср миниатюраларидаги ҳарбийлар кийими ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги мавжуд анъаналар музейларда сақланаётган совутларни самарқандлик усталар тайёрлаган намуналарга жуда яқин, деб тахмин қилишга асос бўлади.

Ҳарбийларнинг бошини дубулға ҳимоя қилган. Дубулға турли шаклда, кигиздан тикилган, шунингдек, совут тўри осилган ёки осилмаган металлдан ясалган бўлиши мумкин.

Лашкар йўлбошчилари жанговар отларининг танаси зирх билан ҳимоя қилинган. Уларнинг бир қисми Ўрта Осиёга Европадан келтирилиб, «фарангий» – «европалик» деб юритилган. Металлга ўралиб, европача зирх ёпилган отга аскар виқор билан ўтирган.

Қурол-аслаҳа устасининг отига ясайдиган қурол туридан келиб чиқиб, касбининг номи ҳам қўшиб айтилган. Чунончи, калқонсоз уста, садоксоз уста, ўкчи уста ва ҳоказо.

«Мактубот ва аснод» қўлёзма тўпламига киритилган иншолардан бирида Шайхим Қўрчи деган кишининг қўрхона бошлиғи лавозимига тайинланиши ҳақидаги буйруқ сақланган. Бу ҳужжатда қайд этилишича, ўкчи, камонсоз, қиличсоз усталар қўрчининг қўл остида қурол ясаганлар.

Қуролсозлар қўрхона бошлиғига сўзсиз итоат этиши, у эса, ўз навбатида, «қўл остидагиларнинг фаровонлиги тўғрисида» қайғуриши керак эди.

Ўточар қуролларнинг кенг ёйилиши ва такомиллашуви билан чопадиган ва отадиган қуролларнинг хусусияти ҳам ўзгариб борди. Ўк қийим-бошни нисбаган осон тешиб ўтгани туфайли унинг шакли бир неча марта ўзгарган. Лекин XVI асрда ҳам олдинги асрларда маълум бўлган қурол ва калқонлардан фойдаланишда давом этганлар. Ёй-андозлар эса, милтик қўллана бошлагандан кейин ҳам қўшиннинг асосий таянчи бўлиб қолаверган.

Жангда, шунингдек, зарба бериш учун қўлланиладиган қадимий қурол-чўқмордан ҳам фойдаланилган. У бир учида тасма ёки занжир билан осилган металл соққа, иккинчи учида қўлга тақиладиган илмок бўлган қиска таёк шаклида эди.

Найза-ёғочдан ясалган учлик узун қурол, тарқок ва зич хужум вақтида қўлланилган. Найзалар узун ва қиска дастали бўлган. Отлик найзбардорнинг ҳаракати кўп жиҳатдан отнинг кучига боғлиқ эди.

Ҳарбий жангларда, юришларда отлар ва отлик қўшин муҳим роль ўйнаган. XV аср охири XVI аср бошига мансуб муаллифлар сўнгги темурийлар ҳукмронлиги давридаги

баъзи бир амирларнинг кўплаб «зотли», «хонзоди» отлари бўлганлиги тўғрисида хабар берадилар. Шунингдек, яйловларда жўйборий шайхлардан Хожа Саъднинг 1500 бошга яқин отлари бокилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу отларнинг катта қисми шайбоний ва аштархоний хонларига тегишли бўлган.

Қимматбаҳо зеб берилган куруллар каби отлар ҳам ҳада воситаси ҳисобланган. «Хисравшоҳ навқари бир тўккуз от ва бир тўккуз парча келтирди», – деб ёзади Бобур ва яна Бойсунғурга эса, «етмиш-сексон от пешкаш қилди»¹⁸¹, – деб маълумот бериб ўтади.

Жангларда қилинган аҳамияти катта эди, шу билан бирга яқин масофадаги жангда жанговар болтадан ҳам фойдаланилган. «Тарихи гузидаи нусратнома» асарида ёзилишича, Шайбонийхон ўғли Муҳаммад Темурга болта олиб, кофирларга қарши уришга отланишни амир қилади.

Курул турлари соҳибларининг қайси табақага мансублигини ҳам яққол намоён қилган. Жанг вақтида ясалган оддий ёғоч ҳамда нақш ва суратлар билан зийнатланган қалқонлар ўрта асрларда юқори табаканинг турли катламларига мансуб намояндаларининг курулланиш белгиларидан эди.

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, жангчиларнинг деярли ҳаммаси курул-аслаҳа ва ҳарбий кийим-бош билан таъминланган. Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлик беришича, ўзбек султонлари лашқари сафидаги совутсиз жангчилар ўз танасини кигиз билан ўралиб химоя қилганлар.

Олий ҳукмдорларга мўлжалланган уруш курул-яроғлари қимматбаҳо тошлар ва нафис нақшлар билан зийнатланган. Ўрта аср муаллифлари баъзида урушга бошчилик қилган лашқарбошилари тасвирлар экан, уларнинг тилла суви югуртирилган куруллар тақиб олишганига ишора қиладилар. Жумладан, «Зубдат ул-асар» муаллифи Сафавий лашқарбошиларида бирининг қуроли, кийими ва эгари «соф олтиндан бўлган»лигини қайд этади. Ҳофиз Танишнинг сўзига қараганда, Абдуллахон II нинг курул-яроғлари «олтиндан» бўлган: У «қўлида тилла қалқон, бошида олтин дубулға, белига заррин камар» боғлаган эди.

¹⁸¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989. 73-бет.

XVI аср биринчи чорагидаги кўплаб харбий тўкнашувларнинг иштирокчиси ва қахрамони Захириддин Бобурнинг маълумотларига караганда ўточар қўл курул – тўфанг ўша пайтда Бажоур (Афғонистон) аҳолисига маълум бўлмаган. Улар бундай курулни ҳеч қачон кўришмаган ва жанг бошланганда, тўфанг овозини эшитиб ҳам парво қилмай, ўқнинг рўпарасида туришда давом этганлар. Фақат Устоз Али Қули ва бошқа баъзи жангчилар тўфангдан ўқ отиб, ўнга яқин бажоурликларни ер тишлатгандан кейингина, бошқалар душман очаётган ўтдан ўз бошларини қутқариш пайига тушадилар. Афғонистоннинг баъзи бир жойларида тўфанг фақат 1519 йилда Бобур қўшини билан бирга пайдо бўлганлигидан келиб чиксак, мазкур ўқ отар курул бу ерда кенг тарқалмаганлиги маълум бўлади.

Ўрта Осиё худудига ҳаракат қилган лашкарларнинг тўфангни доимий равишда қўллаши XVI асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шунга кўра, бу даврга келиб, стволи мисдан қилинган тўфанглар ҳақида гапирилади. Масалан, Бухородаги вилоят ҳукмдорларидан Саид Бурҳон лашкари отрядларидан бири шундай тўфанглар билан курулланган эди. Манбаларда шу даврга оид темир алвонли тўфанглар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд бўлиб, уларга кўра, бундай куруллар билан «румийлар» курулланган эдилар.

Хоразм худудига сафари таассуротларини тасвирлаган инглиз Антоний Женкинсон шундай ёзади: «26 декабрда менга хон хузурига кириш амр қилинди. Мен унга рус подшоҳининг мактубини топширдим. Хон аъёнлари олдида мендан бизнинг милтиғимиздан отишга мажбур этди ва ўзи ҳам улардан отиб, машқ қилди». Ушбу хабардан маълум бўладики, маҳаллий тўфанглар Антоний Женкинсон қўлидаги милтиқдан фарқ қилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан қўлда олиб юриладиган ўқ отиш курулларини техник жиҳатдан такомиллаштириш қўшинни, шу жумладан, ёлланма лашкарларни ҳам куруллантиришда муайян роль ўйнай бошлади. Жумладан, Самарқанд ҳокими бўлиб турган Шайбоний Наврўз Аҳмадхон (Барокхон), шунингдек, унинг ўғли Бобо

Султон қўшинлари таркибида милтиқдан ўқ отувчилардан ташкил топган ёлланма аскарлар гуруҳи хизмат қилган.

Тўфангандозлар отган ўқ қалқон, совут, баъзида хатто қалқон ва совутни ҳам бараварига тешиб ўтган. Бобурнинг жанг шароитида алоҳида ажралиб турадиган баъзи бир замондошлари, жумладан, замбарак яшаш бўйича уста-устоз Али Кули тўфангандан яхши отган.

Кейинчалик ўқ отар қурооларнинг такомиллашиши ва кенг тарқалиши билан урушда асосий жанг воситаси бўлган камон фақат баъзи минтакалардагина иккинчи ўринга ўтган.

Ҳозирча Ўрта Осиё худудида ҳаракат қилган аскарлар қўллаган тўфанг шу турдаги бошқа қурооллардан фарқи номаълум.

Ўрта Осиё хонликлари қуроолли кучлари таркибида камончилар мавқеи кейинчалик ҳам салмоқли бўлган. XVII асрда ҳам камон енгил отликларнинг от устида туриб нишонга урувчи тезотар қулай қуроол бўлиб қолаверган.

Муаррих Ҳофиз Таниш ўзбек султонлари қўшини таркибидаги тўфангандозлар ва оташбозлар – ўт отувчиларни бир неча марта тилга олади.

Сўнги ўрта асрларга мансуб тўфанглар ҳозирда Ўзбекистон халқлар тарихи музейида сақланади.

Тўфанглар билан бир қаторда, артиллерия тўпи – замбараклар ҳам қўлланилган. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида портлайдиган ўқ отадиган замбарак ҳақидаги кизиқарли тасвирга дуч келамиз. Шоирнинг сўзларига қараганда, Искандар қалъани қамал қилиш вақтида узок масофадаги нишонни уриб, ёндириб юборувчи замбараклардан фойдаланган. «Ғилдирак устига ўрнатилган мис труба» бўлиб, симоб, бронза ва олов қотишмасидан иборат портловчи ўқни отар эди. Махсус бирикма билан тўлдирилган ва икки тешигига пилта тикилган шар нишонга тегар-тегмас портлаб кетиши керак эди. Шар парчалари «ва ундаги моддалар портлашидан чиққан даҳшатли даражадаги қўланса ҳид» душманни тор-мор келтириши лозим бўлган. Ўқ сифатида «Хитой моддаси» – порохдан фойдаланилган.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, XVI асрда Ўрта Осиёдаги харбий ҳаракатларда артиллерия тўпи – зам-

бараклардан фойдаланилган ва маҳаллий усталарнинг ўзлари замбараклар ясай бошлаган.

Заҳириддин Бобурнинг Ҳинд заминдаги муваффақиятларида металл қуювчи уста Али Қулининг хизматлари катта бўлган. Тўфангни яхши отувчи, европача тўп – фарангидан фойдалана оладиган бу иктидорли уста кейинчалик ўзи замбарак қуя бошлаган ва улар орқали «катта ҳажмдаги тошларни» отишга муваффақ бўлган. Заҳириддин Бобур Али Қулини «давримизнинг ноёб кишиси» деб таърифлаши бежиз эмас эди. Чунки ўша даврда бундай хунарли кишилар камдан кам топиларди.

Устод Али Қули қуйган тўплар турли катталиқда эди. Улар икки қисмдан, ўрнатиладиган қисм улама тош ва порох солинадиган дорухонадан иборат бўлган.

Бобурнинг ёзишича, эритилган металл мис тарнов орқали махсус қолипга қуйилган ва кейин совутилган. Ишлаб чиқариш жараёни бир неча кунга чўзилган: аввалига тайёргарлик ишлари олиб борилган, сўнг эритилган металлни қолипга қуйишган, шундан сўнг қуйилган қуролнинг қотишини бир неча муддат (бир-икки кун) кутишган.

Қуйиш жараёни технологиясини яхши билмаслик ва мукамал техниканинг йўқлиги усталарга мустақил ишлашларига йўл қўймаган. Масалан, Устод Али Қулига тўплардан бирини қуйиш жараёнининг мураккаблиги Бобурнинг асарларида ҳам батафсил баён этилган.

Бундай катта хизматлари учун Устодга Бобур томонидан белга тақиладиган ханжар, зарбоф тўн ва от ҳаля қилинган.

Тўп-отиш олдидан стволга зарур вазият яратиш ва отиш вақтида отилган ўтни ютиш ҳамда бунда вужудга келадиган оғирликни ерга узатиш учун махсус мослама (ёки ароба)га ўрнатилган. Аробаларга учоёқ-сепоялар ҳам ўрнатилган. Бунинг учун аробалар бир-бирига бириктирилган. «Аробаларни илгари мазбўт қилиб, занжирлар била аробаларин марбўт айладук. Ҳар икки ароба фосиласи» етти-секкиз қари бўлғай эдиким, «занжир тортилуру эди» (285), – деб хабар беради Бобур.

Тўп қуювчи усталар рехтагар деб аталган. Иш жараёнида улар ёрдамчи ишчи кучидан фойдаланишган. XVI–XVIII

асрларга оид манбаларда кўрсатилишича, Бухорода бир неча рехтагарлар бўлган. Рехтагарлар мис ва кўрғошин қоришмаси бўлган бронзадан турли уй-рўзғор буюмларини ҳам ясаганлар.

Дастлабки пайтларда замбараклар кўпинча биринчи ўқ отишдан кейиноқ портлаб кетган. Шундай ҳодисалардан бири тўп ёнида турган 8 кишининг ўлимига сабаб бўлган. Мана, бу ҳақда Бобур бундай ёзади: «Якшанба куни Устод Али Кули улуғ қозон била тош отди. Агарчи тоши йирок борди, вале қозон пора-пора бўлди. Бир пораси жаиъни босди. Бу жумладин секиз киши ўлди» (304).

XVI аср охирига келиб, артиллерия тўпларини яшаш нисбатан такомиллаша бошлади. Тўплар мустаҳкам, улар ўлчови эса кўп ёки кам даражада бирхиллаша борди. Абдуллахон II амрига биноан Гавҳаршод масжидида (Ҳирот) қуйилган ҳар етти тўпдан бири 2–3 ман оғирликдаги ўқ билан отар эди. XVI асрнинг биринчи чорагида тўпни уни қуйган устанинг ўзи отган. Аммо Ҳофиз Танишнинг бир йўла еттита тўп қуйилганлиги ҳақидаги маълумоти XVI аср охиридан тўп қуядиган уста асосан тўп яшаш билан машғул бўлган ва фақат айрим ҳоллардагина ўзи ундан ўқ узган, деган хулосага олиб келади.

Рус элчиларининг ахборотномаларидаги мавжуд маълумотлар XVI аср охири ва XVII асрда Ўрта Осиёда ўточар куроллардан фойдаланиш етарли даражада кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Эрон шоҳи Аббос ҳузуридаги рус элчиси Григорий Васильчиков 1588 йили Абдуллахон II кўшини томонидан Ҳиротни забт этиш пайтида «ўзбеклар ўт ёғдириб жангга кирганлари, уларда тўфанг ҳам, замбарак ҳам бўлганлиги»ни қайд қилади.

XVI аср охирига келиб, ҳарбий ҳаракатларда асосан маҳаллий усталар ясаган тўплардан фойдаланилган. Европача тўп-фаранглар камдан-кам ҳолларда эслатилади. Бу артиллерия тўплари ишлаб чиқаришда муайян силжишлар содир бўлганидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга, зарбзан, раъд, замбарак, манжаник, тошотар ва бошқа аввалги асрларга мансуб куроллар ҳам баравар ишлатилган девор тешадиган ҳамда отадиган техника ва артиллериялардан фойдаланилган.

Харбий техникада ёқилғи сифатида нефтдан фойдаланилган. Бу ҳақда XVI асрнинг бошида Муҳаммад Солих, охирида эса, Ҳофиз Таниш эслатади. Қалъа деворларидан туриб уришганда душманга нефть шимдирилган латта ўралган ёнувчи ўқларни ёғдирганлар, бу ўша давр учун «дахшатга солувчи қурол» ҳисобланган. Эгельберг, Кемпфер ва Авлиё Чалабийларнинг хабар беришича, нефть тўлдирилган эчки терисидан тикилган мешлар турли мамлакатлар, шу жумладан, Ўрта Осиёга ҳам олиб келинган. Нефть сотиб олувчи савдогарлар у ерда махсус карвонсаройларга жойлашганлар.

Қуролсоз усталар асосан бир турдаги қуроллар ясашга ихтисослашганлар. Уларнинг устахоналари кўпинча савдо расталари каторидан ўрин олган. Бухоро ва Самарқандда совутсозлар, ўқчилар, камонсозлар ва бошқа усталарнинг махсус савдо расталари ва ёпик бозорлари бўлган.

XVI аср бошигача қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш маркази Самарқандда қилич, тиғ, шамшир, пичок, турли хилдаги камон ва ўқлар, найза ясовчи усталар сотиш учун ва буюртма бўйича турли-туман қуроллар тайёрлаганлар.

XVI асрнинг иккинчи чорагида (1533) шайбонийлардан Убайдуллоҳон томонидан (1533–1539) хонлик пойтахтини Бухорога кўчирилиши муносабати билан қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи усталар ҳам шу ерга тўпланган. Бу ерда хон кўшинини қуроллантириш учун лозим бўлган қурол-аслаҳанинг асосий қисми ишлаб чиқарила бошланган.

Бухорода порох омбори – дорухона бўлиб, унинг бир ва икки қаватли ҳужралари бор эди. Бу ҳақда «Абдулланом»да маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Таниш дорухонага кутилмаганда ўт тушиб, портлаш юз бергани ва дахшатли ҳалокатларга олиб келганлигини тасвирлайди. Омбор гавжум жойда жойлашганлиги туфайли портлаш вақтида кўплаб кишилар, шу жумладан, хунармандларнинг катта қисми ҳалок бўлган. Бир неча соат мобайнида ёғоч ва тахталар, ғишт ва тошлар, одамларнинг қўл ва оёқлари ҳавога отилиб турган. Ёнгин кўплаб одамлар ва савдо-хунармандчилик биноларини яқсон қилган.

Турли марказларга курул-яроғлар ва бошқа ҳарбий буюмлар нафақат ушбу шаҳар, балки бошқа шаҳарлар учун ҳам тайёрланган. Масалан, фарғоналик аслзодалардан Нойон Қўқалдош Самарканд усталарига буюртма бериб, ўзи учун қилич ясагитган.

Металлдан ясалган буюмлар, жумладан, нафис ишлов берилган идишлар ва айрим турдаги куруллар харидоргир бўлганлиги боис Ўрта Осиёдан бошқа мамлакатларга олиб кетилган. Зийнатланган кимматбаҳо куруллар ҳадя қилинадиган буюмлар сирасидан бўлган. Бухородан Россияга келтирилган моллар рўйхатида пўлатдан ясалган пичоклар, қалқонлар, камонлар ва ўқлар тилга олинади. 1585 йили подшоҳ Федор Ивановичга Бухоро хони Абдулла II нинг элчиси Муҳаммад Али номидан икки арзнома топширилади. Уларда бошқа буюмлар каторида «тилла югуртирилган ва пардоз берилган пўлат қалқон», «тилла югуртирилган қора ғилофли пўлат қилич», «сопи бошқа кўзли тилла югуртирилган пўлат пичоқ», «тилла югуртирилган кумуш занжирли пўлат ғилоф» кабилар зикр этилади.

Россия Давлат Эрмидажи ва Курул-аслаҳа палатасида Россия давлат ҳукмдорларига тақдим қилинган Ўрта Осиё усталари XVII–XIX асрларда ясаган қиличлар ва от асбоб-анжомлари мавжуд. Улар орасида «гулга ўхшатиб нақш солинган ва тилла суви юритилган бухороча ёғоч эгар ҳам мавжуд». «Москвача тус берилган» Бухоро эгари Борис Годуновнинг «от асбоб-анжомлари» рўйхатида туради. Ҳар турфа зеб берилган, фақат кимматбаҳо бўлган курул билан бошқаларнинг эътиборини жалб қилишга интилган сарой аслзодалари орасида курулларга талаб кучли эди.

Курул-аслаҳанинг айрим турлари бошқа мамлакатлардан келтирилган. Ҳофиз Таниш, Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Европа совутлари ва дарбанд курул-аслаҳалари Бухорога олиб келинганлиги, шунингдек, айтиб ўтилганидек, европача тўплар, пичоклар ва бошқалар ҳақида хабар беради.

1589 йили 10 июнда Москвадан йўлга чиққан бухоролик элчилар Муҳаммад Али, Дўстул ва Қадиларга берилган йўл ёрлиғида Россиядан олиб кетишга ижозат этилган буюмлар рўйхатида рус подшоҳининг Ўрта Осиё ҳукмдорларига атал-

ган тухфалари тилга олинади: «... элчилар орқали уларнинг ҳукмдорларига 10 та шункор жўнатдик. Уларнинг ўзлари ҳам 10 та совут сотиб олишди». Сўнг кўшимча қилинади: «... шункорни ҳам, совутни ҳам бундан ортик миқдорда олиб кетишларига рухсат берилмас эди».

Кейинги йилларда совутлар Ўрта Осиё ҳукмдорлари номидан Москва давлатига юборилган элчиларни доимий кизиктирадиган нарсалардан ҳисобланган. 1643 йили Бухоронинг Москва давлатидаги «савдо» вакили Хожа Иброҳимга «аъло сифатли совутлар» ҳамда «асл немис қилич кинлари»ни сотиб олиш тўғрисида буйруқ берилган.

Ўрта Осиё шаҳарларида ишлаб чиқарилган ёки бошқа мамлакатлардан олиб келинган қурол-аслаҳалар тайёрланган жой номини сақлаб қолган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қалмоқ совути ҳақида қайд этади. Бундан ташқари, манбаларда дарбанд харбий яроғлари, мўғул қалқонлари, совутлари ва сарик сағридан қилинган эгарлар, хинд найза ва қиличлари, черкес қиличлари ва кубиксимон портлатгичлар манбаларда тилга олинади. Шу муносабат билан рус подшоҳининг 1661 йилдаги Астрахандан «совут ясовчи энг яхши черкес усталар»ни қидириб топиш тўғрисидаги буйруғи ҳамда Абдуллахон II га ҳадя қилинган буюмлар орасида Хуросон қиличларининг тилга олиниш ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Ўрта Осиё аскарларининг қурол-яроғлари, от анжомлари орасида Шарқда ва Европа мамлакатларида тайёрланган қурол-аслаҳаларнинг мавжудлиги XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб харбий яроғларнинг айрим турларини тайёрлашда хорижий ютуқлардан унумли фойдаланилганлигидан гувоҳлик беради. Аммо жангларда асосан, маҳаллий усталар ясаган совутларга талаб ва эҳтиёж катта бўлган. Жумладан, Самарқандда жибатоб усталарининг фаолияти XVI асрнинг иккинчи ярмида айрим қуролларни ишлаб чиқариш соҳасида ўрта осиелик қуролсозлар ҳам муайян ютуқларга эришганлигини кўрсатади. Бу хунарни ўрганиш учун кишиларнинг уларга қўплаб шогирд тушиши ҳам шундан далолат беради. Умуман олганда, XVI аср давомида Ўрта Осиё шаҳарларида кўшинни қуроллантириш такомиллашиб, тўфангдан, шаҳар-

ларни камал қилишда тўплардан фойдаланиш артиллерия тўпларини ишлаб чиқариш кенгайиб борди.

Харбий машғулотлар. Зайниддин Восифийнинг маълумотларига кўра, бўлғуси тахт сохиблари – валиахдларни тарбиялаш дастурига шахзодаларга умумий таълим бериш билан бирга, ёшлиқдан харбий машқларга ўргатиш, жумладан, камондан ўк отиш ва отда юришга ўргатиш киритилган. Чунончи, Зайниддин Восифий мураббий қилиб тайинланган Барок Султоннинг тарбияси шу йўсинда олиб борилган.

Маълумки, Бухоро хонлиги саройида хоннинг вояга етмаган фарзандлари тарбияси билан шуғулланувчи махсус оталиқ лавозими бўлган. Одатда, валиахд-шахзодага бирор-бир вилоят суюрғол сифатида берилган ва у ўз оталиқи билан унинг устидан ҳукмронлик қилган. Тахт ворисига, анъанага кўра, Балх шахри ва унинг атрофини ўраб турган вилоят билан бирга берилган. Шу нарса диккатга сазоварки, оталиққа шахзоданинг давлат ишлари билан бирга яхшигина умумий маълумот олиши, айти пайтда, харбий санъати ва жисмоний машқ турларини ҳам етарли даражада эгаллаши учун ғамхўрлик қилиш вазифаси юклатилган.

Ўрта асрларга мансуб манбаларда камондан ўк узиш бўйича ўтказилган мусобақалар таърифи кўплаб учрайди. У ёки бу аёнга таъриф берилар экан, одатда, унинг камондан ўк узиш бўйича маҳорати ҳам қайд этиб ўтилади. Жумладан, ёш амирларга «моҳир мерган», «камондан яхшигина отади» каби таърифлар берилади.

Шунингдек, нишонга қараб отишга мўлжалланган жисмоний машқ иншоотлари садафхоналар (тир) тўғрисида ҳам маълумотлар берилади. XV асрга мансуб адибнинг хабар беришича, ўша даврда Хиротдан шимоли-шарқда жойлашган боғ ўртасида сарой билан бирга махсус бино – тир (ҳозирги тир сўзи шундан олинган) бунёд этилган. Бу ерда камондан ўк узиш бўйича харбий мусобақалар ўтказилган. Одатда, муйян баландликка осиб қўйилган ковок, тахта ёки қоғозга камондан ўк отиб, машқ қилинган.

Очик майдонда эса отда чопиш, ковокни уриб тушириш ва уни ерда у ёқдан-бу ёққа тортиш бўйича мусобақалашишган. Темурийлардан Султон Аҳмад Мирзо (ҳукмронлик йиллари

1469–1494) «Ўқни бисёр яхши отар эрди. Илбосунга ўқи ва тиргази аксар тегар эди. Қабакни майдоннинг ул боши-бу бошидан кириб, аксар урар эрди»(20).

Бундай мусобакалар жангга тайёргарлик сифатида юришлар олдидан тез-тез ўтказилиб турилган. Фазлуллоҳ Ибн Рўзбеххон «Меҳмонномаи Бухоро» асарида «Қовокни нишонга олиш тасвири»ни алоҳида ажратиб кўрсатади. Унда камондан ковокни нишонга олишга бағишланган ҳарбий машқ мусобакаси ўзининг таъсирли ифодасини топган. Ибн Рўзбеххоннинг хабар беришича, 1509 йилги юриш олдидан Шайбонийхон хузурига «халифаларнинг тантанаси одатларига биноан барча султонлар... ковокни нишонга олиш учун от миниб, майдонга келишади. Қовок Шайбонийхон турган тантаналар майдонига кўйилган эди. Ўз кучини синаш учун баҳодирлар бир-бирини гижгижлаб, даҳшат солиш мақсадида ковокка ташланадилар... Қовок бошига танга булоғи кўндирилган бўлиб, баҳодирлар қаршисида отиш майдони сифатида ўзини намоён этган шамсуб дарахти шохини эслатарди... Ҳарбийлар унга от солишар, лекин у тангасини осонликча бермас, бунинг учун унинг бошидаги шар ёрилиши керак эди». Муаллиф давом этиб, ёзади: «кучини синамоқчи бўлган ўн мингга яқин «ўзбек баҳодирлари» ўз кучи ва абжирлигини кўрсатишга ҳаракат қилдилар, ковокка от солдилар, «барибир, таркок ҳолда жанг олиб борган каби унинг ёнидан ўтиб кетардилар, кейин оркага қайтадилар ва икки юз газ юқорига осилган ковокка камондан ўқ узадилар».

Бундан ташқари, шаҳар ташқарисидаги махсус ажратилган текис майдонларда от билан мусобакалашиш - миллий от ўйинлари ва пойгалар ҳам ўтказилган.

Отда юра олиш Ўрта Осиё аслзодаларининг ўзларига хос хусусияти ҳисобланган. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг машҳур амирлари кўплаб миқдордаги зотли отларга эга бўлганлар. Заҳириддин Бобурнинг ёзишича, Самарқандда яшаган даврида Алишер Навоийга ҳомийлик қилган Султон Аҳмад умароларидан Аҳмад Ҳожибек «яхши тўпчоқлар сақлаб, яхши минар эди. Бу тўпчоқлар аксар хоназоди эди»(22). Муҳаммад Шайбонийхон ва Жўйбори шайхларга тегишли отлар махсус ажратилган яйловларда боқилган.

Одатда отда юриш ва отни бошқариш санъатини эгаллаш аслзода тоифага мансуб ёшларни ўқиш-ўқитиш дастурига кирилган.

Мовароуннахр халқлари ҳарбий ишда қўшни ва бошка халқлар тажрибасини ўзлаштириб олишга интилганлар. Нафақат ажойиб шоир ва мутафаккир, айти пайтда, улкан стратег ва лашкарбоши бўлган Захириддин Бобурнинг маълумот беришича, Устод Али-Қули румийлар (усмонли турклар) одати бўйича жанг олдида аробаларни бир-бирига занжир ўрнига, хом хўкизнинг терисидан қилинган арқон билан бирлаштирилган олти-еттита қалқон ўрнатиши керак эди. Мерганлар ароба ва қалқонлар орқасидан туриб, тўфанглардан ўқ узганлар. Бундан ташқари, баъзи бир очик қолган жойларга тўсик ва ғовлар ўрнатганлар. Бунда 100–150 нафар чавондоз саф тортиши учун алоҳида очик жойлар ҳам қолдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, XVI–XVII асрларда ҳарбий иш ва қуро-яроғлар ҳолатида Амир Темур давридаги анъаналар сақлаб қолинди. Айти пайтда Дашти Қипчоқдан кўчиб келган кўчманчи ҳарбийлар тактикаси ўзлаштирилди, шунингдек, айрим янги қуро-яроғлар – тўп, замбараклар пайдо бўлиб, қуро-яроғ ясаш ҳунарлари такомиллашди. Аммо марказлашган давлатнинг барбод бўлиши туфайли изчил ҳарбий ислохотлар амалга оширилмади. Сиёсий тарқоқлик ва ички низолар туфайли мустаҳкам мунтазам кўшин тузиш имкони бўлмади, вақтинчалик ёлланма кўшиндан фойдаланишга зўр берилди. Бу ҳолат Амир Темур даврида ривожланган ҳарбий анъана ва тартибларни изчил давом эттиришга имкон бермади.

Ўрта Осиёда XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида хонликларнинг ички ва таши сиёсатида, ўзаро муносабатларда ҳарбий кўшин муҳим аҳамият касб этган. Аввало шунини таъкидлаш жоизки, XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб хонликлардаги кўшин асосан номунтазам характерга эга бўлган, улар ички ва ташқи хавфни бартараф этишга қодир эмас эди. Бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқарган айрим ҳукмдорлар ўз кўшинларининг мунтазам қисмларини ташкил этишга ҳаракат қилдилар. Натижада XIX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари кўшини мунтазам ва номунтазам қисмлардан ташкил топган ҳарбий кучга айланди. XIX аср

бошларига келиб, хонлик ҳукмдорлари ўз қўшинларини яхшилаш, унинг таркибида мунтазам қисмларни таркиб топтириш борасида кўп саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Бундай ҳукмдорлар жумласига Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдарни (1800–1826) киритиш мумкин. У мамлакат ҳарбий кучларини икки қисмга – мунтазам қўшин – «навқария» ва номунтазам қўшин – «қора черик»ка бўлди. Бухоро амирининг «лашкар», «черик», «қўшин» деб номланган ҳарбий кучларининг номунтазам қисми («қора-черик») олий ҳукмдорнинг амрига биноан ҳарбий ҳаракатлар даврида тинч аҳолидан тўпланган. Одатда, амир жарчилари бошланган ҳарбий юришлар ҳақидаги хабарларни бозорларда эълон қилганлар. Айнан шу ерда, шаҳар ҳаётининг маркази бўлмиш бозорларда «қора-черик» рўйхати осиб қўйилган. Ҳарбий ҳаракатлар давомида, шунингдек, амирликдаги ҳарбий калъаларни химоялашда «қора-черикдан» унумли фойдаланганлар.

Хусусан, мамлакат чегарасидаги калъаларни кўриклашга сафарбар этилган қора-черик аъзолари маълум бир вақт давомида бу ерда ушлаб турилган. Таникли олим В.Л. Вяткиннинг кўрсатишича, амирликнинг жанубий қалъаси Шерободни юз кишидан иборат аскарлар кўриқлаб, улар ҳар ойда алмаштириб турилар эди. Бундай турдаги қўшин аъзолари турли ўзбек уруғларининг вакиллари бўлиб, уруш пайтида жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатганлар. Мамлакатда тинчлик ҳукмронлик сурган даврларда эса қора чериклар уйларига жўнатиб юборилган. Улар уйларига қайтгач, ўзларининг асосий машғулотлари – деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланиш имконига эга бўлганлар.

Амирликда мунтазам қўшиннинг асосини ташкил этган навқарларга бир қанча имтиёзлар берилган эди. Бухоро амирлигида мансабига мувофиқ равишда навқарларга озик-овқат, пул ва кийим-бош, отлари учун ем-хашак берилган. Улар бошқа хонликларнинг мунтазам қўшинлари каби турли солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган эди. Ўз ерига эга бўлган навқарлар амирнинг буйруғи билан бу ерлар ва уларда етиштириладиган турли экинларга солинадиган солиқлардан ҳам озод эдилар.

XIX аср 30-йилларига оид маълумотларга кўра, Бухоро амирлигида 19000 аскар бўлган. Қўшинга Бухоро вилоятидан 12 минг аскар, Самарқанддан – 2500, Қаршидан – 2500, Майманадан – 1000, Қорақўлдан – 1000 та аскар етказиб берилган. Бухоро аскарларига бу даврда бир йилда рус рубли билан ҳисоблаганда 150 рубль ажратилиб, у қисман буғдой, жўхори, пичан билан тўланган¹⁸².

Амир Ҳайдарнинг мунтазам қўшин тузиш борасидаги ҳаракатларини Бухоро амири Насрулло (1827–1860) давом эттирди. Бу ҳукмдорнинг саъй-ҳаракатлари билан пиёда аскарлардан иборат сарбозлар ва тўпчиларнинг мунтазам қўшини тузилди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, бу тадбир 1837 йилда амалга оширилган эди. XIX аср ўрталаридаги маълумотларнинг кўрсатишича, дастлаб мунтазам қўшин асосини, Бухоро амирлигидаги асирлар ташкил этган эди. Воқеалар гувоҳларининг ёзишича, 1837 йилдаёқ, 1000 дан ортик асирлардан 800 киши мунтазам пиёда аскарлик – сарбозликка, 250 дан ортик киши эса артиллерия қўшинлари – тўпчилар сафига қабул қилинган эди.

Бухоро ҳарбий кучларининг асосини ташкил этган сарбозлар таркибий жиҳатдан бир қанча қисмлардан ташкил топган эди. XIX аср ўрталарига оид тарихий маълумотлардан аён бўлишича, жами 700 кишидан иборат «сарбозлар ҳар бири 100 талик 7 та дастага бўлинган эди. Ўз навбатида ҳар бир даста «2 та ним дастага, 4 та рассадга ва 8 та барага бўлинган. Юз кишидан иборат ҳарбий дастани юзбоши бошқарган. Ушбу бошқарувда юзбошига унинг ёрдамчиси қоровулбеги ёрдам берган. «Рассад»ларни панжабоши бошқарган. Ҳарбий қисмни бошқаришда бу мансаб эгасига унинг муовини – паншажабоши-хурд ёрдам берган. Сарбозларнинг ўн кишидан иборат қисмига «дахбоши» бошчилик қилган¹⁸³.

Бухоро амири Насрулло ўзи тузган мунтазам қўшинни бир жойда сақлашга ҳаракат қилган. Бухоро шаҳри деворининг ташқарисидан – Ўғлон ва Талипоч дарвозаларининг ўртасидаги ерда ҳар бир сарбоз ва тўпчининг оиласи учун уй қуриб бе-

¹⁸² Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983. С.71–72.

¹⁸³ *Троицкая А.Л.* Военное дело в Бухаре в первой половине XIX в... С. 213.

рилган эди. Шу тарика, Бухоро атрофида «Сарбозхона» номи остида машҳур бўлган, 800 уйдан иборат ҳарбийларнинг мунтазам яшаш манзиллари шаклланган¹⁸⁴.

Бухоро амирлигидаги каби Қўқон хонлигида ҳам умумий қўшин мунтазам ва номунтазам қисмлардан ташкил топган эди. Мунтазам қўшин хонликда умумий ном – «аскарийа» атамаси билан, номунтазам қўшин эса, «қилқуйрук», «қорақалтак» ва хонликнинг йирик маъмурий-худудий бирлиги бўлган Тошкентда эса «қорақозон» деб аталган. XIX аср бошида рус муаллифлари Т. Бурнашев ва М. Поспеловларнинг кўрсатишларича, қорақозонлар Қўқон қўшинининг ўзига хос қисми бўлиб, улар ўз туғига эга бўлган. Қорақозонлар ҳар бир оиладан олинган. Доимо ҳарбий ҳаракатларга тайёр туриши лозим бўлган қорақозонлар ўзларининг ҳарбий бошлиқларининг уйларида яшаганлар. Ҳарбий хизматдан ташқари, ўз бошлиқларининг ерларига ишлов беришлари, боғларига қарашлари, чорва боқишда ва бошқа ишларни бажаришларда ёрдам қилишлари лозим бўлган. Қорақозонларнинг ҳарбий хизмати Бухоро қора-черигидан фаркли равишда тақдирланиб турилган, улар турли солиқлардан озод қилинган. Уларга бўш вақтларида ўз ишлари билан шуғулланишга рухсат берилган. Қорақозонлар асосан деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларнинг вакиллари эдилар. Улар Бухоро қора черигидан фаркли ўларок, ҳарбий қурол-яроғлари билан таъминланган¹⁸⁵.


XIX асрда Қўқон хонлигида ҳам қўшинни такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, XIX аср муаррихларининг маълумотларига кўра, Қўқон хони Худоёрхон қўшинни мустаҳкамлаш мақсадида аскарлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, бу ҳукмдор янги тўплар тайёрлатган, Истанбулдан янги милтиқларни келтиртирган, қуролсоз усталарни топтириб, улар меҳнатидан унумли фойдаланган. Хон томонидан таклиф этилган инглиз, афғон ва турк зобитлари Қўқон аскарлари билан ҳарбий машқлар ўтказганлар.

¹⁸⁴ Троицкая А.Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX в... С. 213.

¹⁸⁵ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году // Турк. сб.– Сиб., 1883. Т. 343. С. 38.

**ЎРТА АСР
МИНИАТЮРАЛАРИДА
ҲАРБИЙ МУҲОРАБАЛАР
ТАСВИРИ**









Қўқон хони Худоёрхон кўшинни мустаҳкамлаш учун бой хонадонларнинг фарзандларини ҳарбий ишга жалб этиши мақсадида уларни отлик аскарлар сафига қабул қилиш тадбирини қўллаган. Бойваччаларнинг рўйхати келтирилган дафтарда улар «ёш, ўзига тўқ ва оти бор» кишилар сифатида қайд этилади. Уларнинг рўйхати асосан кишлок ерларда тузилган. Бундай рўйхатларнинг бирида Чорбоғ, Оқ тут, Навканд, Қўшқўноқ, Беш-ариқ, Янги кишлок, Хўканд кишлок каби 78 та кишлокнинг бойваччалари санаб ўтилган бўлса, бошқа бирида эса Янги кишлок, Калла-муш, Аровон, Паҳлавон-тош, Қияли каби 85 та кишлокнинг бойваччалари кўрсатилади¹⁸⁶.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Қўқонда кузатилгани каби, Хива хонлигида ҳам мунтазам ҳарбий кучларни ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хонликда умумий сони 2 минг кишилик мунтазам қўшин тузишга эришилди. «Хон навкарлари» деб аталган бу қўшиннинг зиммасига мамлакатда тинчлик ҳукм сурган даврларда хон ва унинг оиласини кўриклаш вазифаси топширилган эди. Хон томонидан бу қўшинга бир қатор имтиёзлар берилган эди. Хусусан, бу қўшин навкарларини олий ҳукмдор Хива атрофидан маълум микдордаги ер майдони ва маош билан таъминлаб турган. Худди шундай таъминотга қўшиннинг юқори мансабдорлари ҳам сазовор бўлганлар.

Хива хонлигида Бухоро ва Қўқон давлатларида бўлгани каби, мунтазам қўшин билан бир қаторда, ҳарбий ҳаракатлар авж олган даврларда тўиланадиган халқ лашкари ҳам мавжуд эди. Бундай лашкарнинг асосини отлик аскарлар ва пиёдааскарлар ташкил этган эди. XIX аср ўрталарига оид архив маълумотларидан аён бўлишича, хонликда бундай аскарларнинг сони 9–10 минг атрофида бўлган. Уларга хон томонидан ерлар инъом қилинар ҳамда улар турли солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган эдилар.

Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий кучларни бошқарувнинг муайян тизими шаклланган эди. Бу тизимнинг энг юқори поғонасида табиий равишда олий ҳукмдор турар эди. У

¹⁸⁶ Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. – М., 1968. С. 311.

қўшиннинг расман олий қўмондони саналса-да, кўп ҳолларда амалда қўшинга бошчилик қилиш бошқа амалдорлар орқали амалга оширилган. Бухоро амирлигида қўшин парвоначи томонидан бошқарилган бўлиб, у бош қўмондон мавқеига эга бўлган ҳолларни тасдиқловчи ҳолатлар ҳам тарихий адабиётларда кўплаб топилади¹⁸⁷. Хива хонлигида эса мунтазам қўшин ясавулбоши томонидан бошқарилар эди. Қўқон хонлигида қўшинни бошқариш мингбоши зиммасига юклатилган эди.

Хонликларда бошқа ҳарбий унвонлар деярли бир хил бўлган. Бухоро ва Қўқон хонлигига оид маълумотлар таҳлили шундан дарак берадики, XIX аср биринчи ярмида ҳар икки давлатда ҳам беш юз аскардан иборат бўлинмага пансодбоши, юз аскарга – юзбоши, эллик аскарга – панжабоши, ўнликка – даҳбоши раҳбарлик қилган¹⁸⁸.

Хива хонлигида ҳам ҳарбий кучлар таркибан шундай тузилган эди. Бу ерда ҳам қўшин юзликлар ва ўнликларга бўлинган. XIX асрга оид Хива давлат архивига мансуб ҳужжатлардан аён бўлишича, бу бўлинмаларни юзбоши ва ўнбошилар бошқарган. Уларнинг тепасида мингбоши туриб, у ўз навбатида, юкорида қайд этганимиз қўшин қўмондони – ясавулбошига бўйсунган эди.

Хонликларнинг марказий бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллаган қўлгина мансаб эгалари ҳарбий соҳада ҳам муайян унвонларга эга эдилар. Жумладан, XIX асрнинг 20-йилларида Бухорода бўлган Е.К. Мейендорфнинг ибораси билан айтганда, амирликда «полк командири» мавқеига эга – тўқсоба, «бир неча полклар командири» – додхоҳ, қўшин қўмондони ёки маршали мавқеига эга парвоначи кабилар мавжуд эди. Хонликдаги бундай ҳарбий унвонлар ва мансаблар эгалари умумий ном билан «саркарда» деб ҳам аталган¹⁸⁹.

Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ҳаракатларни режалаштириш, ҳарбий кучларни жанг майдонида тўғри таксимлаш иши нақиблар зиммасига юклатилган эди. Ўзига хос штаб

¹⁸⁷ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М: Наука.1975. С. 139.

¹⁸⁸ Записки о Бухарском ханстве... С.73.

¹⁸⁹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. С. 139.

бошлиғи сифатидаги бу шахс XVIII аср охирида Бухорода битилган манба маълумотларига кўра, ҳарбий юришлар пайтида қўшиннинг тузилиши, қуролланиши ва жойлашуви, унинг ҳаракатланиши ва уруш олиб бориши борасида етарли даражада билимга эга бўлиб, у қўшиннинг авангарди¹⁹⁰ ва арьергарди¹⁹¹, унинг ўнг ва сўл қаноти, маркази ва пистирмалари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлган¹⁹².

Мамлакатда тартиб ўрнатишга ва шариат ҳукмлари асосида ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга масъул бўлган мансабдор шахслар – қозилар, муфтийлар, мухтасиблар каби мансаб эгалари хонликларнинг ҳарбий тизимида ҳам фаолият кўрсатганлар. XVIII аср охирига оид Бухоро амирлигига мансуб тарихий маълумотларга асосланган ҳолда уларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

Қози-аскар. Бу мансаб эгалари қўшинда судлов ишлари учун маъсул бўлганлар. Ҳарбий соҳада вужудга келган ҳуқуқий масалалар ечими шу шахснинг ҳукми билан белгиланар эди.

Муфтий-аскарлар эса ҳарбий соҳада қозилар чиқарган ҳукмларнинг тўғрилигини шариат асосида текшириб чиққанлар.

Хонликларда мунтазам равишда ҳарбий кучлар кўриқдан ўтказиб турилган. Бу кўриқлардан бирини XIX аср бошларига оид манба маълумотларига кўра, Бухорода олий ҳукмдор бўлган амир пойтахт яқинидаги Баҳовуддинда ўтказган. Ушбу тадбир икки ҳафта давом этган. Кўриқда ҳукмдорнинг шахсан ўзи иштирок эта олмаганида, уни бош вазир – қўшбеги ўтказган. Вилоятларда эса ҳарбийлар кўригини ўша вилоят ҳокимлари ўтказганлар. Бухоро хонлигида йилда бир маротаба ўтказиладиган бундай кўриқларда аскарлар фаол катнашишга ҳаракат қилганлар. Бундай кўриқдан ҳар

¹⁹⁰ Авангард - ҳарбий ҳаракат вақтида асосий кучларнинг энг олдида турувчи ёки боровчи қисм, бўлима.

¹⁹¹ Арьергард – асосий кучларнинг орқасидаги ҳарбий қисмлар.

¹⁹² *Семенов А.А.* Бухарский трактат о чинах и званиях и обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Сов. востоковед. М.-Л., 1948. Вып. V. С. 137–153.

куни бир неча юз киши ўтган. Бу ўринда қайд этиб ўтмоқ лозимки, аскарларнинг аксарияти жуда ночор аҳволда эди. Марказий ҳокимият томонидан тўланадиган маош уларнинг кундалик эҳтиёжларига доим ҳам етавермас эди. Қуйидаги тарихий маълумот бунинг ёрқин исботидир. «Аскарлар хон ва ҳокимлар ўтказадиган кўрикларга озода ва чиройли кийимларда келишга ҳаракат қилишган. Бутун ва озода кийими йўқ аскарлар эса, эскилар билан савдо килувчи латтафурушлардан бир неча соатга кийим-бошни ижарага олиб, кўриққа кийиб борардилар, кўрик тугагандан сўнг эса яна ўзларининг эски-тускиларига ўраниб олардилар», – деб ёзади шу давр муаллифи¹⁹³.

Ҳарбийларнинг олий ҳукмдор – хон томонидан кўриқдан ўтказиб турилганини Қўқон хонлигига оид архив ҳужжатларида ҳам кузатишимиз мумкин. 1873 йилга оид бир ҳужжатдан аён бўладики, кўриқдан ўтказилган қўшин махсус кўриқ дафтарлари – «дафтар-и кўриқ»га қайд этиб борилган. Бундай тадбирларда ҳарбийларнинг қурол-аслаҳаси, отлари кўздан кечирилган. Жумладан, шу йилнинг май ойига оид бир ҳужжатда қайд этилишича, Мулла Умарбек додхоҳ исмли шахс қўл остидаги ҳарбийлар кўриқдан ўтказилиб, асосий эътибор уларнинг қурол-яроғлари ва отларига қаратилган¹⁹⁴.

Ўрта Осиёда ҳарбий ишни ташкил этиш борасида бир қатор анъаналар мавжуд эди. Чунончи, ҳаракатланаётган қўшин билан бирга, аниқроғи, улар кетидан турли хунарамандлар, савдогарларнинг юриши ва ўз фаолиятлари билан қўшин эҳтиёжларини қондириб бориш анъанаси шулар жумласидан эди. Масалан, қўшин билан бирга юрган новвойлар аскарлар учун нон ёпиб берганлар, косиблар тўзиган оёқ кийимини таъмирлаганлар. Такачилар эса отларни янгитдан тақалаб берганлар.

Ҳарбий таъминот.

Манбалар таҳлилининг кўрсатишича, Бухоро амирлигида XIX асрнинг биринчи ярмида қўшин таъминотида пул

¹⁹³ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. С. 140.

¹⁹⁴ Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века... С. 297.

ва озик овқат таъминоти йўлга қўйилган. Бухорода сипоҳлар ёки кора оламон деб аталадиган номунтазам қўшин аскарлари йилига 6 тилла маош олганлар. Уларга пичан сотиб олиш учун 1 тилла пул, шунингдек, 5 ботмондан жўхори ва бугдой берилган.¹⁹⁵ Ана шу маблағ хисобидан у яшаш, ҳарбий юришларда иштирок этиши лозим эди. Ҳарбий юришларнинг бошланиши ва эълон қилиниши билан аскарлар ўзлари учун ижарага от олар эдилар. Бундай қўшинда ҳарбий интизомга ҳар доим ҳам риоя қилинавермас эди. Манбаларда озик-овқати тугаган ва оти ўлган аскарларнинг қўшинни тарк этиб, кетиб қолиши ҳоллари кўп учраши кайд этиб ўтилади. XIX аср муаллифи Бухородаги қўшиннинг аҳволи ҳақида ёзар экан, «Оломон жуда кам ҳоллардагина ўз отига эгадир... Ҳарбий юришнинг бошланиши ҳақидаги буйрукни олганларидан кейин улар ҳарбий юришлар учун отни ижарага оладилар», – деб ёзар экан, бундай юришларда катнашган аскарлар озик-овқат захирасининг тугаб қолиши оқибатида тезда тарқаб кетишини ҳам кўрсатиб ўтади.¹⁹⁶ Узоқ давом этган юришлар вақтида эса озик-овқати тугаган, ўзи ҳам, оти ҳам холдан тойган аскарлар эгар-жабдуғи, кийим-боши, қурол-аслаҳасини нон ва оти учун емга алмаштириш ҳоллари ҳам содир бўлиб турган.

Аскарларнинг озик-овқати захираси тугаб, уйига кетиб қолиш ҳоллари жангнинг энг қизғин палласида ҳам содир бўлиши мумкин эди. Бу эса ҳарбий тўқнашувларнинг муваффақиятсизлик билан якунлашига олиб келар эди. Фақат айрим ҳоллардагина, аскарларнинг баъзи бирларига хон томонидан от берилар эди. Хусусан, аскарга ҳадя этилган от жангда ҳалок бўлса, бу ҳақида унга махсус ёрлик берилиб, имкони бўлганда ўлган от учун ҳақ тўланар эди.

Ўрта Осиё хонликларида мунтазам қўшиннинг хизмат муддати чекланмаган эди. Аскарлар мамлакатда тинчлик ҳукм сурган пайтларда ўз оилаларида яшаб, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланганлар, ерга ишлов берганлар. Масалан, XIX аср ўрталарига оид маълумотларга кўра Бухорода мунтазам қўшиннинг асосини ташкил этган сарбозлар ва

¹⁹⁵ *Мейендорф Е.К.* Путешествие из Оренбурга в Бухару. . С.139.

¹⁹⁶ Записки о Бухарском ханстве...С.70

тўпчилар ўзлари учун ажратилган ер – сарбозхонада қурилган уйларда яшаб, турли хунарлар ва савдо-сотик билан машғул бўлганлар.

Хонликлардаги ҳукмдорлар қўшиннинг ҳарбий ва шахсий эҳтиёжларини қондиришда озик-овқатга алоҳида эътибор қаратишган. Бунда моддий неъматлар – дон-дун, гўшт, ёғ ва бошқалар билан таъминлашга эътибор берилган. Масалан, Қўқон хонлигида мамлакатдаги вилоятлар турли ҳарбий қисмларнинг таъминоти учун жавобгар эдилар. Хусусан, Шаҳрихондаги кишлоқлар Умархон (1810–1822) давридаги Қўқон округи ҳарбийларининг эҳтиёжини қондириш учун ғалла етказиб берганлар. XIX аср 60–70-йилларига келиб эса, Россия билан бўлган ҳарбий ҳаракатлар оқибатида сони ва талаби ошган қўшиннинг буғдойга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун биргина Шаҳрихоннинг имкониятлари етмас эди¹⁹⁷. XIX аср муаллифи Н. Пантусовнинг кўрсатишича, бу даврга келиб, биргина Қўқон округининг эҳтиёжларини қондириш 210 та кишлок аҳли зиммасига юклатилган эди¹⁹⁸. Шу даврга оид архив ҳужжатларининг бирида қўшин – «аскарийа» эҳтиёжлари учун Қора-тепа, Навканд, Ёйилма, Учқўрғонда етиштирилган буғдойнинг бешдан бир қисми берилиши қайд этилади¹⁹⁹.

Ҳарбийлар мансабдорлар (юзбоши, панжабоши, дахбоши, қоровулбеги, ясовул) га, алоҳида эътиборли мерган, ботирларнинг қундалиқ эҳтиёжлари учун зарур бўлган ғалла бериш ҳақидаги ҳужжат – патталар Қўқон хонларининг архивида кўплаб сақланиб қолган. Уларда қўшин дастаси ва бошқа қисмларида хизмат қилувчи ҳарбийларга буғдой ажратилгани қайд этилган. Шундай ҳужжатлардан бири 1871/1872 йилларда додхоҳ саркорга берилган бўлиб, унда мунтазам қўшин «аскарийа» ва тўпчиларнинг яшаши учун керакли миқдорда буғдой ажратилгани билдирилган²⁰⁰. Ҳужжатлардан аён бўлишича, ҳарбийларга буғдой билан бирга окшок, жўхори,

¹⁹⁷ *Набиев Р.Н.* Из истории Кокандского ханства (Феодалное хозяйство Худояр-хана). – Ташкент: Фан, 1973. С. 261.

¹⁹⁸ *Пантусов Н.* О податях // Туркестанские ведомости. 1876. № 16.

¹⁹⁹ *Троицкая А.Л.* Каталог архива кокандских ханов XIX века. С. 112.

²⁰⁰ Ўша ерда. 129-бет.

арпа, тарик ҳам берилган. Айрим ҳолларда ҳарбийларга бугдой ўрнига ун сотиб олиш учун пул ҳам берилар эди.

Бухоро амири Насрулло ҳам дастлаб ўзи тузган мунтазам қўшиннинг эҳтиёжларини кундалик нарсалар бериш орқали қоплашга ҳаракат қилган. Кейинчалик эса, хусусан, 1856 йилдан бошлаб эса, мунтазам қўшиннинг асосий кучлари – сарбозлар ва тўпчилар ҳар уч ойда маош оладиган бўлганлар. Жумладан, оддий аскарлар бир тилла, дахбошилар эса бир ярим тилла миқдорида маош олганлар.

Амирликда қўшин раҳбариятининг таъминоти турли вилоятлар ва туманлардан келадиган даромад ҳисобидан амалга оширилган. 1856 йилга оид куйидаги тарихий маълумот буни ёрқин тасаввур этишга ёрдам беради. Унда «мунтазам қўшинни сақлаш учун икки туман-Зандана ва Кишти ерларидан келадиган даромад ажратилган эди. Бу ерларни ижарага бериш ва улардан келадиган даромадни йиғиш сарбозлар бошлиқларига топширилган бўлиб, бу кўп ҳолларда улар томонидан турли суиистеъмолликларга йул қўйилишига олиб келди, шу сабаб сарбозлар ва дахбошилар уларга ажратилган маошнинг фақат ярминигина ола бошладилар», – деб қайд этилади²⁰¹.

Бухоро қўшинининг раҳбарияти куйидаги миқдорда маош билан таъминланган. Жумладан, юзбоши ойига 6 тилла, коровулбеги 4,5 тилла, панжабоши 85 танга, панжабоши-хурд эса 50 танга миқдорида маош олганлар. Қўшиннинг бош қўмондони бўлган Шохруххон исмли шахснинг бир йиллик даромади 2000 тиллани ташкил этган. Бундан ташқари, бу шахс, XIX аср ўрталарига оид маълумотларга кўра, Бўстон тумани ерларидан келадиган даромаддан 700 тилла ва Бухородан 8 чақирим нарида жойлашган қишлоқдаги, ойига 34 тиллага ижарага берилган 20 та тегирмондан келадиган фойдадан ҳам катта даромад олган²⁰².

Ҳарбий юришлар даврида қўшин аскарларига маълум миқдорда маош тўланган. Масалан, Бухоро амирлигида ҳарбий ҳаракатлар авж олган даврда мансабни ва унвонидан катъи назар қўшиндаги ҳар бир шахсга кунига хон хазина-

²⁰¹ Троицкая А. П. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века... С. 214

²⁰² Уша ерда.

сидан бир тилла берилган. Бундан ташқари оддий сарбозлар ва тўпчилар 3 кун учун 1 танга, даҳбоши 2 кун учун 1 танга, қоровулбеги бир кун учун 2 танга, юзбоши эса кунига 4 танга пул олган²⁰³.

Ҳарбийларнинг маълум миқдордаги маош, кийим-бош билан таъминланганликларини бошқа хонликлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. XIX аср муаллифи В.Вельяминов-Зерновнинг кўрсатишича, 1835–1836 йилларда Қўқон хонлигида юзбошига бир ойда 1 тиллаю 4 танга миқдорида маош тўланган. Унинг йиллик маоши 14 тиллаю 6 тангани ташкил қилган. Бундан ташқари юзбошилар кимхоб тўн, салла, белбоғ, этик, шим, пўстин, чакмон билан ҳам таъминланган. Юзбошиларга кийим-бошдан ташқари буғдой, жўхори, қурук чой, жумладан, кўк чой ва ҳатто кўмир ҳам берилар эди. Юзбоши маоши, кийим-боши ва унга ажратилган озик-овқатларнинг умумий миқдори 36 тиллаю 107 тангага тенг келар эди²⁰⁴. Бу харажатларнинг барчаси хон хазинаси ҳисобидан қопланар эди.

Қўқон қўшинининг бошқа вакилларига ҳам хон хазинасидан маош тўланган, кийим-бош ва озик-овқатлар берилган. Юқорида номи зикр этилган В. Вельяминов-Зерновнинг кўрсатишича, эллик ҳарбий аскар устидан раҳбарлик қилган панжабоши даромади юзбоши даромадининг учдан икки қисмини ташкил этган, ўнбоши – даҳбошининг даромади эса панжабоши даромадининг учдан бир қисмини ташкил этган. Оддий аскар эса хон хазинасидан даҳбоши даромадининг учдан бир қисми миқдорида пул, кийим-бош ва озик-овқат олганлар²⁰⁵. Шу муаллифнинг кўрсатишича, буни биз Бухоро амирлиги мисолида кузатганимиздек, ҳарбий юришлар олдидан аскарларга сарпо ҳам берилар эди.

Ўрта Осиё хонликларида ҳарбийларни турли солиқ ва мажбуриятлардан озод этишга ҳаракат қилинган. Хусусан, уларнинг ерларида етиштирилган ҳосилнинг бир қисмини хи-

²⁰³ Троицкая А.Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века...С.214.

²⁰⁴ Вельяминов-Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве // ВПРГО, 1856. Ч. 18. С. 117–118.

²⁰⁵ Ўша ерда.

роҳ сифатида тўлашлари лозим бўлгани холда, улар бунда солиқни тўлашдан озод этилган эдилар. Одатда бундай имтиёзлардан ҳарбийларнинг турли мансабдорлари фойдаланар эдилар. Қўшиндаги элликбошилар, юзбошилар, ясовуллар, мерганлар, тўпчиларни хирож солиғидан озод этиш қайд этилганини Қўкон хонлари архивидаги бир қанча ҳужжатлар тасдиқлайди. XIX аср 70-йилларига оид ушбу ҳужжатлардан биз Абдували юзбоши исмли шахснинг маккажўхоридан, Худой Назар ясовулнинг кунжутдан, Қамбар Али панжабоши ва Окйўл юзбошининг бугдойдан, Отақулбий бек баҳодурбошининг пахтадан²⁰⁶ олинадиган хирож солиғидан озод этилганини кузатишимиз мумкин.

Баъзи ҳолларда ҳарбийларнинг айрим мансабдор шахслари от билан таъминланган. Қўкон хонлари архивига тегишли ҳужжатларнинг бирида «ботир, панжабоши, дахбошиларга от берилгани отларнинг қайси наслдан эканлиги кўрсатиб ўтилган»²⁰⁷.

Ўрта Осиё хонликларида ҳарбийларни тақдирлаш борасида анъаналарига кўра, жанглarda алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбийлар, ҳарбий мансаб ва унвон эгалари маълум миқдордаги пул, ер, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланганлар. Жумладан, ҳарбий ҳаракатлар даврида ўзини кўрсатган ҳарбийлар уларнинг мансаби ва хизматиға мос равишда турли-туман тортиқлар: зарбоф, шойи, ип матодан тикилган тўнлар, саллалар, пичоқ, камар, қиличлар билан мукофатланганлар. Юқори мансаб эгаларига олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар, ничоқ ва қиличлар тақдим этилган.

Хонлиқларда қўшиннинг соғлиғини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Бу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ҳаракатдаги қўшиннинг талафот кўрган аскарларига тиббий ёрдам марказлашган тарзда амалга оширилмаган. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида соғлиғига зарар етган аскарларга даволаниш учун хон хазинасидан маълум миқдорда пул ажратилган. Масалан, Хива хонлигидаги 1866–1867 йилларга оид ҳужжатлардан бирида, ҳарбий ҳаракатлар даврида яра-

²⁰⁶ Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века... С. 170–171.

²⁰⁷ Ўша ерда, 300-б.

дор бўлган Ибодулла исмли шахсга – беш тилла, Болтани-ёз Баходир исмли шахсга – беш тилла, шунингдек, ярадор бўлган «ўттиз тўрт мерган»нинг ҳар бирига уч тилладан пул ажратилгани қайд этилган²⁰⁸. Одатда ярадор бўлган шахслар бу пуллар билан табибларга мурожаат этар эдилар.

Хива хонлигига оид бу маълумотлардан аён бўлишича, ҳарбийлар жанг давомида ўз отини йўкотганида ҳам товон пули тўланган ҳолатлар ҳам бўлган. Ўлган от учун аскарга XIX аср 60–70-йилларига оид маълумотларга кўра ўн тилла миқдорида товон пули тўланган²⁰⁹.

Шу билан бирга, марказий ҳокимият томонидан жангда ҳалок бўлган аскарларни дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ҳам қопланган. Бу ўринда 1872–1875 йилларга мансуб Қўкон хонлигига оид айрим тарихий маълумотларни келтириш жоиздир. Бу ҳужжатларда вафот этган сарбоз ва тўпчилар учун «сарбоз пул ва ок мато» яъни, кафанлик ажратилганлиги қайд этилган²¹⁰.

Давлат томонидан ҳарбийларнинг вафот этган оила аъзоларини дафн этиш борасида ҳам бир катор тадбирлар амалга оширилган. Буни яққол намойиш этувчи ҳужжатлардан бирида қайд этилишича, Қўкон хонлигида 1871–1872 йилларда Гадоё-ботир исмли шахснинг ўлган хотинини дафн этиш учун пул ажратилган Жумабой тўпчининг ўлган хотинини дафн этиш учун эса мато (кафанлик) берилган²¹¹. Келтирилган маълумотлар тахлили икки муҳим хулосани илгари суришга имкон беради. Биринчи хулоса шундан иборатки, марказий ҳокимият кўшиннинг вафот этган аъзоларини дафн маросимларини моддий таъмин этишга ҳаракат қилган. Иккинчи хулоса шундан иборатки, хонликлар кўшини маълум маънода таъмин этилган бўлса-да, улар оиласининг аҳволи ночор эди. Буни аскарлар аёлларининг дафн этишга керакли энг зарур ок мато, докалар олишга қурби етмаганлигидан ҳам англаш мумкин. Кўп ҳолларда бундай эҳтиёжлар давлат томонидан қондирилган.

²⁰⁸ XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II том . 8-дафтар. – Тошкент., 1960. 116-бет.

²⁰⁹ Ўша ерда.

²¹⁰ *Троицкая А.Л.* Каталог архива кокандских ханов XIX века. ... С. 311.

²¹¹ Ўша ерда. 310–311.

Ўрта Осиё хонликларидаги мунтазам қўшиннинг айрим аъзоларига таътил ҳам берилган. Бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат Қўкон хонлари архивида сақланади. Бу ҳужжатда, бир неча ҳарбий мансаб эгаларига улар хизмат қиладиган даста (полк) ва тўп (юзлик) раҳбарининг номи келтирилган ҳолда, 8 кунлик таътил берилганлиги қайд этилган.

Қўшин билан бирга юрган савдо аҳли эса ҳарбий ҳаракатлар вақтинчалик тўхтаган пайтларда бозор ташкил қилганлар. Ҳарбий ҳаракатлар шароитида ташкил этилган ўзига хос бу бозордан аскарлар ҳарбий юришга ўзлари билан олиб кетадиган озиқ-овқат, ем-хашаги тугаган тақдирда, бу маҳсулотларни сотиб олганлар. Бундай бозорларда кўпинча турли кийим-бош, жумладан, тўнлар билан ҳам савдо қилинган. Бундай маҳсулотларни, асосан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга қурби етмаган аскарлар кўп ҳолларда оч-наҳор қолиб кетганлар. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, ҳунарманд ва савдогарлар барча юришларида ҳам ҳарбийларга ҳамроҳ бўлмас эди.

Қўшин билан бирга турли ишчилар ҳам бирга юрар эди. Улар ер қазини, йўللарни, кўприкларни таъмирлаб, тўғрилаб боришлари лозим эди. Жумладан, Бухоро амирининг 1842 йил Қўконга нисбатан олиб борган ҳарбий ҳаракатлари давомида қўшин билан бирга 2000 нафар ишчи иштирок этган.

Ҳарбий кийим. Янги ташкил этилган бу мунтазам қўшин махсус кийим билан ҳам таъминланган. Хусусан, сарбозлар ва тўпчиларнинг кийим-боши кизил, қора ва сарик рангли мовутдан тикилган устки кийим-камзул, оқ каленкор шим ва қоракўлдан тикилган калпоқдан иборат бўлган. Кейинчалик қўшин орасида эчки терисидан тикилган анча пишиқ ва чидамли шимларни кийиш урф бўлган. Бухорода сарбозлар ва тўпчилардан иборат қўшинни кийим-бош ва қуроллар билан таъминлаш амирнинг маблағи ҳисобига амалга оширилган. Одатда мунтазам қўшин амир хазинасидан ҳар уч йилда кийим-бош билан таъминлаб турилган. Жумладан, оддий аскарлар ҳам, қўшин раҳбарияти ҳам хазинадан янги камзуллар, шим ва калпоқлар олганлар. Аскарларга ҳар бир ҳарбий юриш олдида бир жуфт этик берилган. Янги ташкил этилган

қўшинни қуро-л-яроғ билан таъминлаш жараёни бир йилдан ортиқ вақт талаб қилган. Бу қуро-лларни бухоролик қуро-лсоз усталар ясаганлар²¹².

Бухоро ва Қўқондан фарқли равишда Хива хонлигида қўшиннинг муайян тартибдаги ҳарбий кийим-боши йук эди. Уларнинг кийими асосан турли-туман чопонлардан иборат эди.

Ҳарбий қуро-л-яроғ ва анжомлар. Ўрта Осиёда бу даврда қуро-лланган ҳарбий қуро-лларнинг келиб чиқиши анча узок даврларга бориб такалади. Уларни шартли равишда совук қуро-л-яроғлар ва ўт-очар қуро-л-аслаҳаларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги қуро-лларга – ханжар, камон, пичок, қилич ва бошқаларни киритиш мумкин. Даврлар ўтиши билан бундай қуро-ллар ўз аҳамиятини йўқота борган. Жангларда ўточар қуро-лларнинг салмоғи ошиб боргани сари ханжар, камон, қилич, найза ва бошқа совук қуро-ллардан фойдаланиш камайиб борган. XIX аср 20-йилларида Бухорода бўлган Е.К. Мейендорф Бухоро амирлиги аскарларининг «пилта милтик, узун найза ва эгри қилич» билан қуро-лланганликлари, уларнинг айримлари «калта совут, темир дубулға кийганлари ва хўкиз терисидан ясалган калкон»га эга бўлганликларини таъкидлаб ўтади²¹³. Шу асрнинг 30-йилларида амирликда бўлган П.И. Демезон эса, Бухоро аскарлари хақида ёзар экан, уларнинг «айримлари совут кийишади ва жуда оз ҳоллардагина темир дубулға қиядилар ва қичкина калконга эгалар. Бухоро аскарлари камондан ўк отиш маҳоратини мутлак йўқотганлар», – деб қайд этади²¹⁴.

Ўрта Осиё хонликлари қўшинида ўточар қуро-ллар ҳам мавжуд бўлиб, булар пилта милтиқлар, тўфанг ва тўплардан иборат эди. Бухорода пилта милтиғи бор аскарлар «тўфангчи ва ботирлар» деб аталган. Тўфанг Ўрта Осиёда ўточар қуро-л сифатида XVI аср бошларидан бошлаб ишлатилган.

²¹² Троицкая А.Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX в (По материалам государственной публичной библиотеке им. М.Салтыкова-Щедрина) // Сборник статей истории и филологии народов Средней Азии. Посвященная 80-летию со дня рождения А.А.Семенова. – Сталинабад, 1953. С. 213.

²¹³ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... С. 140.

²¹⁴ Заниски о Бухарском ханстве... С. 72.

Ўрта Осиё хонликларида XIX аср ўрталарига келиб, қўшиннинг қурол яроғи орасида ўточар қуролларнинг салмоғи ошди. Буни Бухоро, Хива ва Қўкон хонликларида оид қўплаб маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Бухоро амири Насрулло (1826–1860) нинг мунтазам қўшинини ташкил этган сарбоз ва тўпчилар бундай қурол турлари билан яхши таъминланган эдилар. Сарбозлар найзали милтиқлар билан, тўпчилар эса тўппонча, қилич билан қуролланган эдилар. Ўнбошиларнинг қуроллари ҳам шундай эди. Юзбошилар эса икки стволли милтик, пистолет ва қора, қумуш билан ишлов берилган «бухоро қиличлари» каби қуролларга эга эди²¹⁵.

XIX аср ўрталарига келиб эса, Бухоро қўшинида туркманлар орқали амир қўлига тушган форс тўпларини ҳам, Хитойда «христиан миссионерлари» томонидан қуйилган тўпларни ҳам, шунингдек, «хитойчи» номи остида машҳур бўлган фальконетлар (кичик калибрли тўп)ни ҳам учратиш мумкин эди. Бу даврга оид маълумотларга қўра, Бухоро амири ихтиёрида умумий ҳисобда турли калибрлик 50 та тўп бўлиб, улар керакли анжомлар билан таъминланган ва ҳарбий юришга тахт ҳолда сақланган. Тўпларнинг 32 таси Бухоронинг ўзида, 2 таси Жиззахда, 1 таси Керкида, 10 таси Ўратепада, 1 таси Чоржуйда ва 4 таси Зоминда сақланган. Пойтахт шаҳардан ташқари ҳамма ерларда тўпларга қараш учун маҳаллий аҳоли орасидан хизматчилар олинган²¹⁶.

Тўпларга қаровчи тўпчилар айрим ҳолларда асирга тушган шахслардан саралаб олинган. Жумладан, Бухоро амирлигида тўпларга рус ва форс асирлари қараб турганлар. Хива хонлигида ҳам тўпларни соз аҳволда сақлашга жавобгар бўлган шахслар ичида асирларни учратиш мумкин эди. Хива хонлари архивига оид ҳужжатларнинг бирида «Тўпчи дўғмаларга» йигирма тилла берилгани қайд этиб ўтилади²¹⁷.

XIX аср муаллифи И.В. Виткевичнинг қайд этишича, «Бухорода хоннинг ихтиёрида бир неча кичик калибрли тўп – фальконетлар бўлиб, улар туяларнинг эгарига маҳкамлаб

²¹⁵ *Троицкая А.Л.* Военное дело в Бухаре в первой половине XIX в. ... С. 216.

²¹⁶ Уша ерда. 215-бет.

²¹⁷ XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II жилд.– Тошкент: Фан, 1960. 213-бет.

боғланган. Бу фальконетлар жуда юпка қилиб қуйилган» улар Эрондан олиб келинган деб тахмин қилади²¹⁸.

Хонликларда турли қурол-яроғлар ишлаб чиқарувчи устахоналар ҳам мавжуд эди. Улар жумласига ўточар қуроллар – милтиқлар ва тўплар ишлаб чиқарувчи устахоналарни киритиш мумкин. Уларда мамлакатда мавжуд турли хунармандлар – темирчилар, дегрезлар, дурадгорлар ва бошқаларнинг хизматидан кенг фойдаланилган. Масалан, Бухоро амирлигида Самарқанд йирик дегрезлик маркази сифатида машҳур бўлиб, тўплар айнан шу ерда тайёрланган. Бундай турдаги устахоналар асосан давлат тасарруфида бўлган. Уларга қурол-яроғларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёни давлат томонидан етказиб берилган. Масалан, XIX асрнинг 60–70-йилларига оид ҳужжатларда қайд этилишича, Қўконда милтиқсозлик устахонаси – «камонхона» учун пўлат, қалай, майда кўмир, елим, чўян, темир, бўёқлар ажратилган²¹⁹. Қўконлик усталар ҳатто европача милтиқ «камон-и фаранги» ишлаб чиқаришга ҳаракат қилганлар. 1872–73-йилларга оид ҳужжатлардан бирида европача милтиқлари «камон-и фаранги»ни ишлаб чиқариш учун устахонага темир, пўлат, чўян ва кўмир ажратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган²²⁰. Бундай устахоналарга милтиқларнинг қайиши – «банд-и камон» учун хом тери ҳам етказиб берилар эди. Худди шу тарзда тўп ишлаб чиқарувчи устахона-тўпхоналар ва тўпларнинг ядроси ишлаб чиқарувчи устахоналар – «қорхона-и тир-и тубризан» ҳам давлатнинг тасарруфида бўлган. Бу устахоналарга давлат томонидан тўп қуйиш учун кўмир, пўлат, араваларга тўпларни ўрнатиш учун керакли мосламаларни ясаш учун эса, темир ва чарм, порох солиш учун эса, қоп, кигиз булардан ташқари ил ғалтаклари, лазур²²¹, елим ва бошқалар етказиб турилган. Шунингдек, тўпларни бўяш учун мум, зиғир ёғи, ўсимлик елими, ҳаво ранг бўёқ, (лазур), тўпларнинг устига ёпиш учун чарм ва бошқалар етказиб берилган. Тўпларни таши-

²¹⁸ Записки о Бухарском ханстве... С. 114.

²¹⁹ *Троицкая А.Л.* Каталог архива коканских ханов XIX века... С. 312.

²²⁰ Ўша ерда. 312–313-бетлар.

²²¹ Ляпись-лазурь – хаворанг бўёқ.

ладиган махсус аравалар тайёрлаш учун зарур хомашёлар – чарм, кигиз, бўёқлар, араваларнинг ғилдирагини мойлаш учун турли ёғлар етказиб турилган.

Ўрта Осиё хонликларида қўшиннинг турли қурол-аслаҳаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи турли хунар турлари мавжуд эди. Улардан бири милтик ишлаб чиқариш бўлиб, бу хунар билан шуғулланган хунармандлар «камонсоз», «милтиксоз» деб аталган. Милтик ишлаб чиқарувчи устахоналарда меҳнат қилган бундай хунармандларга катта эътибор қаратилган. Кўкон хонлигига оид маълумотлардан аён бўлишича, бундай усталарга аскарларга берилгани каби буғдой берилган. Улар ҳам турли солиқлардан озод этилган. 1870–1871 йилларга оид ҳужжатлардан бирида Уста Юнус исмли шахснинг ўғли, милтиксоз устанинг ерида ўстирилган узумзори учун танабона солиғидан озод этилгани кўрсатиб ўтилади²²². Шунингдек, милтик ва тўп ишлаб чиқаришга ихтисослашган бундай устахоналарда фаолият кўрсатган хунармандларнинг кундалик эҳтиёжлари учун қурук чой, шу жумладан, уннинг оқ-қуйрук нави, зиғир ёғи, гуруч, гўшт, думба ёғи, сабзи, пиёз, қовун ва бошқалар етказиб берилар эди.

Ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ хунар турларидан бири порох ишлаб чиқариш билан боғлиқ эди. Порохни маҳаллий халқ томонидан «дорух» деб аталгани учун, бу хунар тури билан боғлиқ хунармандлар «дорухаш» деб аталган. Улар ҳам милтиксозлар каби давлат томонидан маълум турдаги моддий неъматлар, шу жумладан, буғдой билан ҳам таъминланганлар.

Ўрта Осиё худудида турли ҳарбий усқуналар, қурол-яроғлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёлар етарли эди. Масалан, Бухоро амирлиги Кўкон ва Хива хонликлари каби, порох ишлаб чиқаришда зарур бўлган олтингугурт ва селитрага жуда бой ҳудуд эди. Амирликда порох ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус хусусий устахоналар мавжуд эди. Улардан бири Қаршида жойлашган эди.

Хонликларда қўшиннинг қурол-яроғлар захираси ҳарбий юришлар даврида қўлга туширилган қурол-аслаҳалар би-

²²² Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века ... С. 279.

лан ҳам тўлдириб борилган. XIX аср муаррихи Мулла Олим Маҳдум Хожининг «Тарихи Туркистон» асарида қайд этилишича, 1842 йилда Қўконни камал қилган Бухоро амири Насрулло «Ҳукуматга тааллуқли асбоб-аслаҳа, чунончи, тўпу тўфанг ва асбоби жанг, хазина, дафиналарнинг ҳаммасини йигиб», амирлик пойтахтига жўнатган эди²²³.

XIX асрга оид тарихий маълумотларга кўра, ҳарбий ҳаракатлар давомида кўшиннинг юриши учун зарур нарсалар арава, чодир ва бошқа нарсалар ҳам хон хазинаси томонидан қопланган. Хусусан, шу даврда Бухоро амирлигида сарбоз ва тўпчиларнинг ҳар бир ўнлиги учун биттадан чодир ажратилар эди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида чодирлар ва бошқа юкларни ташиш учун амир томонидан аравалар ҳам ажратилиб, уларда айрим ҳолларда вақтдан ютиш мақсадида сарбозларнинг ўзи ҳам ташилган. Шу билан бирга бундай араваларда тўплардан отиладиган ўқлар, милтиқлар ҳам олиб борилган. Масалан, XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигида асирликда бўлган шахснинг кўрсатишича, тўпчилар ҳарбий юришлар пайтида ҳар бир тўп учун 500 тадан ўқ олиб юришга мажбур бўлганлар, чунки йўлда учраган шахарларда қурол-аслаҳа сотувчи «хеч қандай дўкон» бўлмаган эди²²⁴. Сарбозлар учун тўп ўқи ва ўқлар туяларда ташилган. Артиллерия қурол-яроғлари кўшиннинг ўрдаси кўрхонада сақланган.

Ҳарбий тактика. Ҳарбий ҳаракатлар давомида мунтазам кўшиннинг турли қисмлари зиммасига бир қанча вазифалар юклатилган эди. Жумладан, Бухоро амирлигида ўточар қуроллардан фойдаланишда мохир саналган сарбозларнинг вазифаси артиллерияни химоя қилишдан иборат бўлса-да, улар ҳужумкорлик қобилиятини ҳам йўқотмаган эдилар. Артиллерияни химоя қилиш мобайнида сарбозлар одатда унча катта куч йўқотмаганлар, ҳужумлар пайтида эса улар ўз таркибининг деярли ярмисини йўқотар эдилар. Масалан, 1842 йилда Қўконни ишғол қилиш жараёнида бухоролик сарбозларнинг деярли ярмиси йўқотилган эди²²⁵.

²²³ *Мулла Маҳдум Хожин*. Тарихи Туркистон. – Қарши, 1992. 50-бет.

²²⁴ *Троицкая А.Л.* Военное дело в Бухаре в первой половине XIX в. ... С. 216.

²²⁵ Ўша ерда. 216-бет.

Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ҳаракатларни муваффақиятли олиб боришда тажовуз қилган томон ҳам, ўзини ҳимоя қилган томон ҳам турли кураш усулларидан фойдаланганлар. Улар жумласига муҳолиф кучлардан ҳимояланиш мақсадида аҳоли яшайдиган манзиллар атрофига хандақлар казиш ва уларни сув билан тўлдиришни киритиш мумкин. Бу кўпгина тарихий маълумотларда ўз тасдиғини топади. Жумладан, амир Насруллонинг 1845 йили Шаҳрисабзга юриши давомида Шаҳрисабз беки Хожа Қули ўзига қарашли Шаҳрисабз, Ўрта Қўрғон, Китоб ҳудудларини хандақлар билан бирлаштириб, ҳосил бўлган ҳудудий бирликнинг ўртасига аҳолини жойлаштирган эди. Бухоро амирининг кўшини эса 1852 ва 1854 йилларда Шаҳрисабзга қилган юришлари мобайнида бу ҳудудга тоғ сувларини юбориш, сўнгра унинг сув таъминотини бўғиб қўйиш каби усуллар билан бу ерда ғалаба қозонишга ҳаракат қилган.

Хонликлардаги жанг олиб бориш санъати ҳақида маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Ана шундай маълумотлардан бири XIX аср 20-йилларига мансубдир. Бухоро амирлигига оид ушбу манбада қайд этилишича, жанг олдидан анча кучли ва жасур отлиқлар қўшиннинг олдида борганлар. Уларнинг кетидан барча аскарлар душман томон ўз юришини бошлаган ва уларнинг орқасидан эса отлиқ аскарлар ҳужумга ўтган. Отлиқ аскарларнинг қўшинда мавжудлиги ва уларнинг ҳужуми ғалабани тезлаштиришга хизмат қилган. Чунки чекинаётган ва ҳар томонга қочаётган томонни отлиқ аскарлар таъкиб ва таслим этиши осон кўчар эди.

Мудофаа иншоотлари. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё хонликларида аҳоли яшайдиган манзиллар атрофларини деворлар ва ўз навбатида, уларнинг ҳам атрофларини сув тўлдирилган хандақлар билан ўраб олиш анъанаси амалда кенг қўлланилган. Бу ўринда сўнги ўрта аср шаҳарларини мисол келтириш мумкин. Шаҳар деворлари улар атрофидаги хандақлар билан биргаликда энг яхши ҳимоя воситаси ҳисобланган. Бунга XVIII аср муаррихи Мирза Махдихон Астрабодийнинг Хива хонлигига қарашли

Ҳазорасп ҳақида ёзган куйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Бу қалъа ҳандакка эга бўлганлиги ва маҳкам девор билан мустаҳкамланганлиги учун ... бу қалъага хужум қилиш соғлом фикрдан узоқ иш эди»²²⁶. Муаррихнинг қайд этишича, айнан шунинг учун Эрон шоҳи Нодир шоҳ (1736–1747) XVIII аср 40-йилларида қалъани ишғол қилишдан воз кечган. XVIII аср муаррихининг бу фикрини XIX асрга оид куйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Унга мувофиқ, Ҳазорасп «Хивадан кейин хонликнинг энг яхши ҳимояланган шаҳри ҳисобланган; анча баланд ва қалин деворга эга» эди²²⁷.

XIX аср биринчи ярмида мустаҳкам ҳимоя истехкомларига эга шаҳарлардан бири Ўратепа эди. Шу давр манбаларидан бирида хабар берилишича, шаҳардан чорак чақирим²²⁸ нарида жойлашган унча катта бўлмаган тоғда қалъа-минора мавжуд бўлиб, у девор ва хандақ билан ўраб олинган эди. Бу қалъани 1858 йили икки ой камал қилган Қўқон кўшини уни қўлга кирита олмаган. Бу қалъада бирорта ҳам тўп бўлмаган, унинг 200 нафардан иборат ҳимоячилари Бухоро амири Насруллонинг бутун бошли кўшинига 4 соат давомида қарши тура олганлар. Амирнинг агар қалъа забт этилмаса, лашкар-бошиларнинг қатл этилиши ҳақидаги дўқ-пўписаларидан кейингина қалъани эгаллашга муваффақ бўлганлар. Бу жангда бухороликлар 150 нафар аскарни йўқотган эдилар. Қалъада эса фақат икки киши омон қолган эди.

Шаҳарларни деворлар ва хандақлар билан ўраб олиш анъанаси барча Ўрта Осиё хонликлари учун хос эди. Буни нафақат Бухоро, балки Хива ва Қўқон хонликларига мансуб маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Бухоро хонлигида Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарлари билан бир қаторда, Каттақўрғон, Кармана, Янгикўрғон, Митон, Керки, Қарши, Жиззах каби шаҳарлари ҳам девор билан ўраб олинган эди²²⁹.

²²⁶ *Мирза Мехди-хан Астрабадский*. Тарих-и Надири. Перевод извлечений под ред. А.Н. Болдырева // МИТТ. Т. II. С. 138.

²²⁷ *Очерки Хивинского ханства // Туркестанский сборник*. Т. 72. – Спб. 1873. С. 5.

²²⁸ Чақирим – 1,06 км.

²²⁹ *Газкин М.Н.* Показания русских пленных. .. С. 64.

Бухоро хонлиги чегараларда жойлашган шаҳарларни жуда мустаҳкам ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Шундай шаҳарлардан бири Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган Керки шаҳри эди. Бухоронинг «чегара қалъаси» ҳисобланган бу шаҳар XIX аср маълумотларига кўра, дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, унда фақат тўртта тўп бор эди. Шаҳарнинг асосий қисми эса дарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, у «уч қават лой девор ва ўн олтига чўян ва олтига мис тўплар» билан ҳимояланган эди²³⁰.

Хива хонлиги шаҳарларининг ҳам деворлар билан ҳимояланганлигини XVIII асрда Хивада бўлган рус тадқиқотчиси И.Муравиннинг ёзишича, «Хиваликлар ҳукмронлиги остида саккизта лойдан қурилган шаҳар бор; уларнинг деворларининг баландлиги беш ва олти саржин; атрофида каналлар (хандақлар – Г.А.) қазилган»²³¹. Бу маълумотни XIX аср 20-йилларига оид материаллар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра, Хива хонлигининг йирик шаҳарлари жумласига Ҳазорасп, Хонқа, Гурлан, Хўжайлилар ҳам кирган бўлиб, ўша ердаги бошқа шаҳарлар каби, уларнинг ҳаммаси лой девор ва хандақлар билан ўралган эди²³².

Хонлик пойтахти – «Хива забт этиб бўлмайдиган қалъа» сифатида машҳур бўлган иккита деворга эга эди. Шаҳарнинг асосини ташкил этган ички шаҳар – Ичанқалъани камраб олган девор ҳақида 1753 йил Хивада бўлган рус савдогари Данила Рукавкин шундай таърифлайди: «шаҳар тўртбурчак шаклидаги лойдан қурилган девор билан ҳимояланган; бурчакларда, шунингдек, хавфли ерларда «қоровуллар учун будқалар (миноралар) ўрнатилган»²³³. XIX аср 20-йилларида эса «Хива шаҳри, атрофи учта дарвозали ғишт девор билан ўралган

²³⁰ *Вамбери А.* Путешествие по Средней Азии. ... С.191.

²³¹ *Гладышев и Муравин...* Приложения к показаниям Муравина... Журнал описаниям киргиз-кайсакам, каракалпакам, аральцам и хивинцам... Описание месяца ноября 1740 г. ... С. 74.

²³² О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии // Азиатский вестник. ... Спб., 1826. ... С. 26.

²³³ Путешествие из Оренбурга в Хиву самарского купца Рукавкина в 1753 году с приложением разных известий о Хиве с отдаленных времен доныне // Туркестанский сборник. Т. 386. Спб. 1883. С. 389.

бўлиб, кенглиги 10 саржин²³⁴, чуқурлиги 2 саржин Амударё суви билан тўлдирилган канал (хандак) билан ўралган», – деб кайд қилинади²³⁵.

Хиванинг ташки қисми – «Дишан қалъа» девори Оллоқулихоннинг 1842 йилда Бухорога юришидан бир ой олдин қурилган эди. Бу деворнинг атрофи ҳам хандак билан ўралган бўлиб, сув билан тўлдирилган эди.

Қўқон хонлигида эса айрим шаҳарларгина ҳимоя деворлари билан ўраб олинган эди. 1735 йил Нур Муҳаммад Алимов деган шахснинг Тошкентга оид маълумотларидан шу нарса аён бўладики, «шаҳар тўртбурчак ғиштин девор билан ўралган» бўлиб, «шаҳар девори шундай кенгдирки, унда икки отлик киши бемалол юра олади; қоровуллар хужум қилиб келаятган душманни кўришлари билан отда чопиб, ҳимояга тайёргарликка қақирадилар», – деб кайд этади²³⁶. Шаҳарда 1800 йилда бўлган тоғ муҳандислари М. Поспелов ва Т. Бурнашевлар унинг деворининг «баландлиги 26 фут²³⁷, калинлиги тепасида 3 фут, пастда эса 6 футга етувчи девор билан ўралган; унинг айланаси 18 қақиримга эга», – деб кўрсатганлар²³⁸.

Хонликнинг пойтахти Қўқон дастлаб девор билан ўраб олинмаган эди. Пойтахт шаҳар фақат 1842 йилга келиб девор билан ўралди.

Ўрта Осиё шаҳарларида қалъалар ҳам мавжуд бўлиб, улар турли номлар билан арк, ўрда, кўрғон, қалъа номлари билан аталган. Бундай иншоотлар шаҳарлар ҳимоясида муҳим ўрин тутган. Масалан, Қўқон хонлигида «Ўрда» деб аталган бундай иншоотлар тинчлик даврида олий ҳукмдор ёки шаҳар ҳокими яшайдиган ва турли харбий анжомлар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой вазифасини ҳам ўтаган.

Мамлакатдаги сиёсий ҳаёт тақозоси ҳамда ташки ҳавф кучайган даврларда айрим кичик шаҳарлар ва қишлоқлар ҳам деворлар билан ўраб олишга ҳаракат қилинган. Жумладан, XIX аср 40 йилларида Бухоро амирлиги билан му-

²³⁴ Саржин – 2,134 м.

²³⁵ Краткое описание Бухари и Хивы // Сибирский вестник. 1823. Ч. 1. С. 13.

²³⁶ Рассказ сарта Нур-Мухамета. С. 57.

²³⁷ Фут – 30,48 см.

²³⁸ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент. С. 27.

носабатлари кескинлашиб кетган Хива хони Оллақулихон девори бўлмаган айрим Хива шаҳарларини деворлар билан ўраб олиш ҳақида буйруқ берган. Масалан, Питнак шаҳри Оллоқулихон буйруғи билан 1842 йилда девор билан ўраб олинган²³⁹. Бундай ҳолатни Бухоро хонлиги шаҳарлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, турли ўзбек уруғларининг сиёсий чиқишлари кучайган давр – XVIII асрнинг 60–80-йилларида ҳокимият тепасида турган Дониёлбий томонидан «Зарафшонда талончилар тўдаси ҳужумидан сақланиш мақсадида жуда кўп кўрғонлар қурилган. Ҳатто кичкина қишлоқлар ҳам деворлар билан ўралган эди»²⁴⁰.

Шаҳар аҳли атрофдаги ерлар, узок ва яқин мамлакатлар билан шаҳар деворларига ўрнатилган дарвозалар орқали алоқа қилар эди. Аниқроғи, шаҳар дарвозалари орқали уни бошқа ерлар, узок мамлакатлар билан боғлаган қарвон йўллари бошланар эди. Кўп ҳолларда улар турли ҳукмдорларнинг ҳарбий юришларида ҳам асосий йўллар вазифасини ўтар эди.

Дарвозалар шаҳарлар ҳимоясида муҳим ўрин тутган. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт марказлари бўлган шаҳарлардаги ички тартибни сақлаш мақсадида шаҳар дарвозалари кечқурун ёпиб қўйилган. Шунингдек, шаҳарлар ва аҳолини шаҳарга яқинлашган душмандан ҳимоялаш мақсадида зарурат туғилганида унинг дарвозалари ёпиб қўйилар эди. Бунда турли усуллар қўлланган. Жумладан, шаҳарга душман яқинлашганида унинг дарвозалари кўп ҳолларда тупроқ билан тўлдирилиб, беркитиб қўйилар эди. Хусусан, Амир Ҳайдар даврида Бухоро амириликка Хива хони Элгузархоннинг босқинчилик юришларидан ўзини ҳимоя қилган самарқандликлар тарихчи Мирза Шамс Бухорийнинг кўрсатишича, «шаҳар дарвозаларини тупроқ билан тўлдириб қўйганлар»²⁴¹. Бундай усулни Хива хонлиги шаҳарларида ҳам қўллаганлар. XVIII асрнинг 40-йилларида Хивада бўлган Д.Гладишевнинг ёзишича, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Хива

²³⁹ *Данишевский Г.И.* Описание Хивинского ханства. С. 103.

²⁴⁰ *Гребенкин А.Г.* Родословная Мангытской династии // Туркестанские ведомости. 1871. № 4.

²⁴¹ О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шемса Бухарии. С. 8.

хонлигига ҳужуми муносабати билан Хива дарвозалари «тупроқ билан беркитиб қўйилган эди»²⁴².

Мухолиф кучлар кўп ҳолларда ёғочдан ишланган дарвозаларни ёқиб юбориш орқали ҳам шаҳарларга кириб, уларни ишғол қилишга муваффақ бўлганлар. XVII аср муаррихи Муҳаммад Юсуф Муншийнинг кайд этишича, Тошкентни босиб олишга бел боғлаган Бухоро ҳукмдори Имомқулихон (1611–1642) кўшинлари «шаҳар дарвозаларидан бирини ёқиб юбордилар ва у ёниб кетди. Қўшин у орқали шаҳарга кирди», – деб хабар беради²⁴³.

Хонликларда мамлакат чегараларини кўриклашга катта эътибор қаратилган. Давлат чегараларида ҳам маълум миқдордаги ҳарбийлар сақланган. Масалан, XIX асрнинг 50–70-йилларида Хива хонлигида чегарада турган ҳарбийларга шу ҳудуддан ер берилган. Шунингдек, уларга маош ҳам тўланган. Хонликда чегарадаги ҳарбийлар бошлиғи қоровулбеги деб аталган.

Чегараларда кўшинни сақлаш учун бир қанча қалъалар бунёд этилган эди. Бу қалъаларда жойлашган кўшиннинг асосий вазифаси турли савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатни ташқи кучлар тажовузидан асрашдан иборат эди. Ташқи кучлар ҳужумига биринчи бўлиб жавоб берадиган бундай қалъалар асосан йирик халқаро қарвон йўлларида бунёд этилар эди. Бу ўринда Қўқон хонлигида XIX аср ўрталарида мавжуд бўлган чегара қалъаларини мисол келтириш мумкин. Улар жумласига Чу ва Талас водийсидаги Тўйчибек-қўрғон, Тўқмоқ, Пишпек, Ит-кечув, Оксув, Мерка, Авлиёота, Чолдевор, Сирдарёнинг қуйи окимида жойлашган Чўлоқ-қўрғон, Сўзок, Кўмишқўрғон, Окмачит ва Чирчик водийсидаги Бўка, Тўйтепа ва бошқаларни киритиш мумкин.

XIX аср 30-йилларида Бухоро хонлигидаги чегара кўшинлари эса, Жиззах, Бола қўрғон, Нурота, Хўжа Жуйбор, Керки, Ёйчи, Чоржуй ва бошқа марказларда жойлашган қалъаларда сақланар эди²⁴⁴.

²⁴² Показания поручика Д. Гладышева. С. 179.

²⁴³ *Муҳаммад Юсуф Мунший*. Муқнаханакяя исторя. С. 87.

²⁴⁴ Записки о Бухарском ханстве... С. 71.

Турли ҳажмдаги ва мудофаа қобилияти жиҳатидан ҳам турлича бўлган бу қалъаларда ҳар хил ўточар ва совуқ қурол билан қуролланган қўшин жойлаштирилган. Уларда турли тўплар сақланган.

Ўрта Осиё хонликлари қўшинида муайян интизомни сақлаб туришга ҳаракат қилинган. Лекин кўп ҳолларда, айниқса, ҳарбий ҳаракатлар авж олган паллада қўшин интизомини бир маромда ушлаб туришга эриша олмаганлар. Ҳарбий юришларда муваффақиятга эришган қўшин томонидан талончилик қилиш ҳолатлари учраб турган.

Ҳукмдорлар ҳарбий юришлари давомида ўз аскарларини муайян интизомга бўйсунтиришга мажбур этган ҳоллари ҳам кўп учрайди. Масалан, XVI аср бошида Самарқандни забт этган Муҳаммад Шайбонийхон ўз аскарларига «ўғрилиқ ва талончилик кўчасидан» ўтмасликни амр этган бўлса²⁴⁵, Аштархонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Убайдулла-хон (1702–1711) XVIII аср бошларида Балхга яқин Одина масжид деган жойда ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўраётган аскарларига аҳолининг экинзорларидан «битта ҳам бошқани тўқмасликлари», агар шундай ҳол амалга ошса, аскар «умрининг бутун ҳосили ўлим ўроғи» остида қолишини билдиради²⁴⁶. Қелтирилган ушбу тарихий маълумотлар шундан далолат берадики, мамлакат раванки ҳақида қайғурган айрим ҳукмдорлар ҳарбий юришларнинг салбий оқибатларини англаган ҳолда уларнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар.

Ҳарбий рамзлар ва мусиқа. Хонлиқлар қўшини ўзининг туғи-байроғига эга бўлган. Буни хонлиқлар тарихига оид кўплаб маълумотлар тасдиқлайди. Хусусан, XIX аср Хива тарихчиси Баёний Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг (1848–1849) йиллардаги ҳарбий юришлари ҳақида ёзиб, қўшин олдида Паҳлавон ота, Элтузар хон, Муҳаммад Раҳимхон ва бошқалар 5 та давлат туғи-байроқларни кўтариб борганлик-

²⁴⁵ Хафиз-и Таныш ибн Мир Муҳаммад Бухари. Шараф-наме-йи шаҳи (Книга шахской славы) / Факсимиле рукописи Д. 88. Пер. с перс., введ., прим. и указатели М.А. Салахетдиновой. М.: Наука, Ч. 2. 1989. С. 76.

²⁴⁶ *Мир Муҳаммад Аштархоний Бухари*. Убайдулла-наме / Пер. с перс.-тадж. А.А. Семенова. – Тошкент: Фан, 1957. С. 117.

лари, шунингдек, унинг кетидан 25 уруғ-қўнғиротликлар, корақалпоқлар, ёвмудлар, човдарлар, манғитлар, кипчоқлар ва бошқалар ҳам туғи-байроқ кўтариб борилганини қайд этади.

XIX асрнинг 20-йилларида Бухорода бўлган россиялик Е.К. Мейендорф эса амирликдаги пансодбоши бошчилигидаги беш юз кишилик қўшин жангга «байроқ» деб аталган «кичикроқ байроқ» кўтариб кирганлиги хақида ёзиб, минг кишилик қўшин бошлиғи – мингбоши ёнида «туғ деб аталган катта байроқ кўтариб юрадилар», – деб қайд этади²⁴⁷.

Қўшиннинг ўз байроғига эга бўлганини корақозонлар ми-солида ҳам кузатиш мумкин. 1800 йилда Тошкентда бўлган тоғ мухандислари Т. Бурнашев ва М. Поспеловлар «сони 200 дан 1000 атрофида бўлган» корақозонлар «полклари» ўз байроқларига эга бўлганликларини таъкидлаб ўтадилар²⁴⁸.

Қўшин билан бирга турли ишчилар ҳам бирга юрар эди. Улар ер казиш, йўللарни, кўприкларни таъмирлаб, тўғрилаб боришлари лозим эди. Жумладан, Бухоро амирининг 1842 йил Қўконга нисбатан олиб борган харбий ҳаракатлари давомида қўшин билан бирга 2000 ишчи бирга борган. Улар қўшин ўтиши лозим бўлган йўллارни тозалаши, дарёлардан тўпларни олиб ўтиш учун кўприклар қуришлари лозим эди.

Ўрта Осиё хонликлари қўшинида доимий мусикачилар ҳам бўлган. Буни биз барча хонликлар қўшинига оид маълумотлар орқали яққол кузатишимиз мумкин. Масалан, карнайчилар, сурнайчи, ноғорачи, найчи, дўлчи ва бошқалардан иборат қўшин созандалари мамлакат ҳукмдорларининг харбий юриши бошланганидан дарак берар, қўшиннинг ҳаракати ва ғалабаларини тантанавор тусда аҳолига билдиришга хизмат қилар эди. Масалан, карнайни чалиш орқали созандалар харбий ҳаракатлар давомида қўшинни тўпланишга чорлаганлар. Уларга ноғорачилар ва сурнайчилар жўр бўлган. Қўшин турли қисмларининг ўз созандалари бўлган. Жумладан, XIX асрга оид маълумотларнинг кўрсатишича, Қўконда сарбозлар қисмида ноғорачилар – «ноғорачи сарбоз»лар бўлган. Шу-

²⁴⁷ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... С. 139.

²⁴⁸ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году – Турк. сб. – Сиб., 1883. Т. 343. С. 3-83.

нингдек, Қўкон сарбозларининг харбий тузилмаларида жуда катта ноғора-дўллар ҳам бўлган. Бундай мусика асбобига махсус дўлчўплар билан урилиб, садо чиқарилган.

Бухоро амири Насруллохон томонидан 1837 йилда тузилган мунтазам қўшин сарбозлар ва тўпчилар қошида ҳам харбий мусикачилар мавжуд бўлган. Хусусан, сарбозларнинг хар юз кишидан иборат қисмида мавжуд созандалар «иккита ноғорачи» ва «иккита сурнайчи»дан иборат эди. XIX аср ўрталарига оид манбаларнинг бирида эса, Бухоро қўшини таркибидаги мусикачилар ҳақида берилган маълумотларга кўра, мусикачилар дасталар (роталар) бўйича тақсимланган. 14 ноғорачи ва 14 сурнайчидан ташқари сарбозлар батальонида 2 нафар турк ноғорачи ва 4 нафар карнайчи бўлган; яна тўпчилар (артиллериячилар) қисмида эса, 6 нафар карнайчи бор эди²⁴⁹.

Харбий оркестрнинг мусика асбобларига бўлган эҳтиёжи марказий ҳокимият томонидан қондирилган. XIX асрга доир «Қўкон хонлари архиви»га оид ҳужжатларнинг бирида харбий оркестр – «накарахоно» учун дўлчўплар, най учун пул ажратилгани ҳақида сўз борса, бошқа бир ҳужжатда эса сарбозлар ноғорачилари («ноғорачи сарбозон»га) ноғоралар учун тери («парда-и накара»), ноғора чўплари («накарачуб») берилгани қайд этилади. Яна бир ҳужжатда эса харбий оркестр учун ноғора, дўл, карнай, най ва улар учун керакли хом ашё қайиш, иплар, эчки ва мол териси берилгани маълум қилинади²⁵⁰. Ушбу ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, марказлашган қўшин ҳузуридаги оркестрдан ташқари, юз кишилиқ харбий бўлинмаларда ҳам ўз созандалари бўлган. Ҳужжатлардан бирида Қўкон қўшинидаги сарбозлар бўлинмаларининг юзлик қисмларига дўллар учун эчки терилари – («парда-и сарка») ва ноғоралар бериш лозимлиги қайд этиб ўтилади²⁵¹.

Ўрта Осиё хонликларидаги харбий иш тарихининг таҳлили шундан далолат берадики, теурийлар давридан сўнг ҳокимият тепасига келган шайбонийлар, аштархонийлар

²⁴⁹ Троицкая А.Л. Военное дело в Бухаре ... С.213.

²⁵⁰ Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века ... С. 299.

²⁵¹ Уша ерда. 299-бет.

даврида ҳарбий кўшин таркибида кўчманчиларнинг устивор ўрин эгаллаши, тинимсиз ўзаро урушлар ҳарбий соҳада Амир Темур бошлаган ислохотларни давом эттиришга имкон бермади, аксинча, маълум даражада издан чиқариб юборди.

Кейинги асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг хукмдорларининг ўзаро ва ташки сиёсатларида ҳарбий кучларнинг аҳамияти тобора ортиб борди. Гарчи улар мунтазам ҳарбий кўшинни кучайтиришга, қурол аслаҳани янгилашга маълум даражада эътибор қарата бошласалар-да, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва айниқса, XIX аср ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларидаги кўшин, унинг тузилиши ва таркиби, ҳарбий тайёргарлиги ўша даврдаги замон талабларидан, янги ҳарбий техникадан, жанг тактикаларидан орқада қолган эди.

3-БОБ. МУСТАМЛАКА ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ СИЁСАТ

3.1. 1860–1870 йилларда Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ва ҳарбий мухорабалар

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудидаги сиёсий вазият ва ҳарбий сиёсат минтақага Россия империяси тажовузи ҳамда ҳукмроилигининг қарор топиши билан боғлиқ эди. Россия Императори Пётр I томонидан 1717 йилда Бекович-Черкасский бошчилигида юборилган экспедициянинг фожиали ҳалокати²⁵² ва 1839 йилдаги Перовский юришларининг натижасиз тугаши²⁵³ туфайли Россия империясининг минтақада амалга ошмай қолган режалари, стратегик мақсадлари, ҳам ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига эга бўлиш истаги 1850–1860 йилларда империя кўшинларининг ўзбек хонликларига қарши ҳарбий юришларига сабаб бўлди.

Аввалги мағлубиятлар туфайли империя ҳукумати бу ҳарбий юришларга жуда катта тайёргарлик билан отланди. 1845 йилда Тўрғай дарёси бўйлаб Оренбург истехкоми, 1848 йилда Сирдарёнинг Оролга куйилиш жойида Раим (Казанск) истехкоми, 1854 йилда «Перовский форти», Верний каби истехкомлар барпо этилиб, бўлажак юришларга плацдарм вужудга келтирилади бошланди.

1850 йиллардан бошлаб минтақада ҳарбий разведкачилар жуда катта изланишлар олиб бориб, минтақадаги ҳар бир ҳудудни харитага тушириб, унинг ҳарбий салоҳияти, йўллари ҳақида топографик ва статистик маълумотлар тўпладилар²⁵⁴.

Ҳарбий юришларга империя ҳарбий бош штабининг юкори лавозимдаги вакиллари – генераллар (Черняев, Кауфман, Головачев, Верёвкин, Скобелев), нуфузли князлар

²⁵² Описание зимнего похода в 1839–1840 г. С.-Петербург. 1874.

²⁵³ *Муҳаммад Юсуф Баёний*. «Шажарайн Хоразмшоҳий». ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 9596, 301-бет.

²⁵⁴ *Терентьев Н. А.* Россия и Англия в Средней Азии. 1875 г. С.-Петербург. С. 84–93.

жалб этилди. Империя ҳукумати ҳарбий юришлар учун катта қўшин жўнатди. Масалан, биргина Хива хонлигига қарши 14500 нафардан иборат ҳарбий қўшин, 44 та тўп, шунингдек, 1400 та от, юклар учун 8800 та туя, 4 та тўп, 14 та дала тўпи, Орол флотилиясининг 2 та пароходи ва 2 та баржа, тиббий анжомлар, икки ярим ойга етадиган озик-овқат захираси билан жўнатилган²⁵⁵. Бухоро амирлигига қарши тайёрланган Туркистон қўшинлари таркибида 263 нафар офицерлар, 11248 нафар қуйи лавозимдаги ҳарбийлар бор эди.

Россия империясининг Ўрта Осиёга юришлари дастлаб Қўқон хонлигига қарши қаратилди. Бунга қадар ўлкага Хива хонлиги орқали амалга оширилган ҳарбий экспедицияларнинг муваффақиятсиз тугашида табиий шароит ва йўл муаммолари катта роль ўйнаганлиги назарда тутилиб, бу сафарги юришлар Қўқон хонлигидан бошланди. Бунда ҳарбий қўшинни Оренбург генерал-губернаторлиги орқали жўнатиш қатта қулайлик туғдирди.

Россия империяси 1848 йилда Хива хонлигига тегишли Хонхўжа ва Хўжаниёз қалъаларини, Қўқон хонлигига қарашли Тўйчибек, Қўшқўрғон қалъаларини босиб олиб, яқсон қилди. 1852 йилда эса Қўқон хонлигига тегишли Чимқўрғон, Кумушқўрғон қалъалари босиб олинди²⁵⁶.

1852 йил ёзда империя қўшинлари хонликка қарашли Окмасжид қалъасига ҳужум қилади. Окмасжид қалъаси қалин девор билан ўралган, тўрт бурчагида миноралари бўлиб, қалъанинг ташки девори атрофида сув билан тўлдирилган зовур мавжуд эди. Қалъа мудофаасида 3 та тўп ва 300 нафар мудофаачи турарди. Душман ҳужуми натижасида қалъанинг биринчи қатор девори бузилса-да, қалъа мудофаачиларининг қаттиқ қаршилиги уларни чекинишга мажбур қилади.

Оренбург губернатори Перовский бошчилигида ўша йили Окмасжидга уюштирилган иккинчи ҳужум ҳам шиддатли кечади. Қалъа мудофаачилари душманга қарши ойна ёки металл қириндиларининг қорамой аралашмасидан ҳосил қилинган, чармга ўралган порохли палахмон отиб, уларга катта тала-

²⁵⁵ Нива. 1873, №16, 252, 254.

²⁵⁶ Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун қуранлар тарихи. (Миллдан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача.) Тошкент, 2000. 131–132-бетлар.

фот етказдилар. 3 ҳафта давом этган курашлар ва камалдан сўнг душман қалъага тунда ёриб кирди. Қалъа мудофаасида турган эркаклар ва улар билан каторда аёллар ҳам ханжар ва қиличлар билан қўл жангига ўтадилар²⁵⁷ ҳамда энг сўнгги дақиқаларда таслим бўлмаслик учун ўзларини ўлимга маҳкум қиладилар. Бундай жасорат хатто рус ҳарбийларини ҳам ҳайратга солади. Окмасжидни камалдан озод қилиш учун Тошкентдан 7 минг кишилик қўшин келиб, Сирдарё бўйида кун давомида душман билан жанг қиладилар ва чекинишга мажбур бўладилар.

1860 йил август ойида империя қўшинлари Қўқон хонлигига қаршли Тўқмоқ ва Пишпек ҳарбий истехкомларига ҳужум бошлайдилар. Пишпек истехкоми мудофаасида аёллар ва болалар ҳам иштирок этадилар. Узок давом этган ўзаро отишмалардан сўнг душман бу ҳудудларни эгаллайди²⁵⁸.

1864 йилда Авлиёта шаҳри (ҳозирги Жамбул шаҳри) камал қилиниб, тўплардан ўққа тутилади. Бу шаҳар мудофаасида нафакат эркаклар, балки аёллар, хаттоки ёш болалар ҳам ҳар бир кўча учун жанг қиладилар. Уч кун давом этган жанглардан сўнг, душман шаҳарни эгаллайди. Шаҳар аҳолиси сулҳ тузишга мажбур бўлади²⁵⁹.

1864 йил июнда империя қўшинлари Туркистон шаҳрига юриш бошлайди. Шаҳар мудофаачилари қарши ҳужумга ўтиб, душманни гангитиб қўяди. Шундан сўнг улар тўпларни шаҳардаги Аҳмад Яссавий мақбарасига тўғрилаб, таслим бўлишни талаб қиладилар, ақс ҳолда мақбарани вайронага айлантиришни таҳдид қиладилар. Шаҳар аҳолиси муқаддас зиёратгоҳни сақлаб қолиш учун таслим бўлишга мажбур бўлади²⁶⁰.

Авлиёта ва Туркистонни қўлдан кетиши бутун хонлик аҳолисини ташвишга солиб, душманга қарши оммавий курашлар бошланишига сабаб бўлади. Тошкентда хонликдаги барча

²⁵⁷ *Мулла Ниёзмухаммад*. «Тарихи Шоҳрухи». ЎЗР ФА, Шарқшунослик институти қўлёзма фонди. Инв.№ 3474. 306-б.

²⁵⁸ Донесение полковника Циммермана. 28 августа 1860 года. Бу ҳақда қаранг: Х.Зиёев. Кўрсатилган асар, 111-б.

²⁵⁹ *Мухаммад Аштор Ҳўқандий*. Тарихи жаҳоннома. 119-120-бетлар.

²⁶⁰ *Мухаммад Солиҳ Тошкандий*. Тарихи жаҳидан Тошқанд. 443-бет.

шаҳар ва қишлоқлардан ихтиёрий қўшин тўпланади. Чимкент яқинида Қўкон хони Султон Саидхон ва Алимкул лашкарбоши бошчилигида бир неча минг кишилик қўшин тўпланади. Июль ойида Қўкон хонлиги қўшинлари душманни қарнай садолари остида ўраб оладилар. 3 кун давом этган шиддатли жангдан сўнг душман мағлубиятга учраб, Авлиёотага чекинади²⁶¹. Ўзаро сулҳ имзоланади ва унга кўра душман товон (контрибуция) тўлаш ҳамда Туркистон шаҳрини қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади²⁶². Ғалабадан руҳланган Қўкон хонлиги лашкари орқага қайтади, бу эса душманга қайта хужум учун куч тўплашга имкон беради.

1864 йил сентябрда империя қўшинлари Чимкентга яна хужум бошлайди. Кун бўйи тўплардан ўққа тутиб, шаҳарга бостириб кириб, уни эгаллайди²⁶³.

Чимкентдан сўнг душман зарбаси Тошкент шаҳрига йўналтирилади.

Тошкент баландлиги 5–7 метр, пойдевори 2–3 метр кенгликдаги минорали мудофаа девори билан ўралган, 12 та дарвозаси бор эди. Шаҳар девори сув тўлдирилган чуқур зовур билан ўралган эди. Черняев бошчилигидаги душман қўшинининг 1864 йил 2 октябрда шаҳарга қилган хужуми муваффақиятсиз тугагач, у Чимкентга қайтишга мажбур бўлади.

1865 йил 28 апрелда душман қўшинлари Чирчиқнинг чап қирғоғидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан эгаллаб, шаҳардаги Анхор сувининг Чирчиқдаги тўғонини бузиб ташлайди. Натижада шаҳар аҳолиси сувсиз қолади. Қўкон лашкарбошиси Мулла Алимкул душман хужумини кутиб ўтирмай, у билан шаҳардан ташқарида тўкнашиш учун қарши хужумга ўтади. Дастлаб сарбозлар, сўнгра навқарлар, кейин эса милтик билан қуролланган отликлар 36 та замбарак билан душманга қарши ташланадилар²⁶⁴. Шиддатли жанглардан душман чекинишга мажбур бўлади. Шаҳар қамал қилиниб, сувсиз, озиқ-

²⁶¹ *Мухаммад Аттотр Ҳўқандий*. Тарихи жаҳонномайи. 122-б.

²⁶² Ўша ерда.

²⁶³ Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки П.Пашино.1868. С.82.

²⁶⁴ *Алимқули Амирлашкар*. (форс-тожик тилидан Ў.Султонов таржимаси // Солихбек Додхоҳ.Тошкент. 2006. 44-б.

овқатсиз, ташқаридан ёрдамсиз қолади, шунга қарамай шаҳар аҳолиси таслим бўлмайди.

Ҳарбий тўқнашувлардан бирида бош кўмондон Алимкул яраланиб, ҳалок бўлади ва шаҳар мудофаачилари сардорсиз қоладилар²⁶⁵, аммо улар ўз куч ва иродаларига таянган ҳолда жанг қилишни давом эттирадилар.

Узоқ камалдан сўнг, душман шаҳарнинг Камолон дарвозаси орқали ёриб киради²⁶⁶. Шаҳар аҳолиси ҳар бир кўча, хонадон ва масжид учун курашиб, катта талафот кўради²⁶⁷ ва четдан ҳеч қандай ёрдам келмагач, сулҳ тузишга мажбур бўлади²⁶⁸.

Шу тариқа 1860 йилларнинг биринчи ярмида Кўкон хонлигига қарши олиб борилган ҳарбий юришлар натижа-сида маҳаллий аҳолининг кескин қаршилиги ва фидокорона жангларига қарамай, қатор шаҳарлар, хусусан, Тошкент шаҳри империя кўшинлари томонидан босиб олинади. Кўкон ҳудудининг босиб олинган ерларида 1865 йилда Россия империяси Туркистон вилоятини ташкил қилади.

Кўкон хонлиги кўшинлари Россия империяси тажовузи-га қарши кураш жараёнларида қўллаган ҳарбий тактикада шаҳарга бостириб келган душманга қарши ҳужумга ўтиш, душман билан шаҳар ташқарисидан тўқнашиш каби усуллар яхши натижа берганлиги, айниқса, Тошкент мудофаасида яққол намоён бўлади. Айниқса, кўнгилли халқ лашқарининг қисқа фурсатда тўпланиб, жангга кириши, улар билан бир қаторда душманга қарши ёшу қари, аёлларнинг бир саф-да туриб жанг қилиши ёки ёрдамлашиши халқнинг ватанпарварлик туйғулари юқори даражада эканлигидан далолат берар эди. Аммо хонликда истило арафасида сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, кўшни мамлакатлардан ташқи ёрдам берилмаганлиги, қурол-яроғ техникасининг нисбатан қолоклиги курашга катта тайёргарлик билан келган душман ғалабасини таъминлади.

²⁶⁵ *Мирза Олим Мирзо Раҳим Тошкандий*. Ансоб ас-салотин ва таварих ал-хаваким.

²⁶⁶ ЎзР МДА, И-715-жамғарма, 1-рўйхат, 30-ҳужжат, 140–149-варақлар.

²⁶⁷ *Петр Гроссул-Толстой*. Дела русского оружия и политики в Средней Азии. По поводу войны России с Хивой. Одесса. 1871.

²⁶⁸ *Озодаев Ф.* Тошкент тарихидан очерклар. Т.1960. 89–90-бетлар.

Тошкент шаҳри империя кўшинлари томонидан босиб олингач, навбат Бухоро амирлигига келади. Бухоро амири Музаффархоннинг Қўқон хонлигига қарши Россия империяси олиб борган ҳарбий юришлар давомида хонликка ёрдам бериш ўрнига, унга хужум қилиши мамлакат мудофаасига катта зарар етказиб, душманнинг ғалабасини осонлаштирган эди. Қўқон хонлигининг катта ҳудуди империя томонидан босиб олингач, империя кўшинлари амирликка қарши юришга тай-ёрлана бошлайди.

Амир Музаффар душманнинг ҳамласи амирликка қарши қаратилишини англаб, Жиззах шаҳридаги мудофаа иншоотларини мустаҳкамлашга киришади. 1866 йилнинг февралда Мирзачўл орқали Жиззахга яқинлашган Генерал Черняев кўшинлари шаҳар аҳолисининг каттик зарбасига учрайди ва Сирдарё томонга чекинишга мажбур бўлади. Уларни таъқиб остига олган 8–10 минг кишилиқ Жиззах кўшини ўзаро жанг-да ғалаба қилади²⁶⁹.

Орадан 1–2 ой ўтмай, империя кўшинлари Мирзаработ деган жойда ҳам 2–3 мингли Бухоро аскарлари зарбасига дуч келиб, мағлубиятга учрайди. Амирлик аҳолиси империя тажовузига қарши оммавий тайёргарлик бошлайди. Музаффархон умумий сафарбарлик эълон қилади. Қисқа фурсатда амирликда 60000 дан ортик²⁷⁰, баъзи манбаларда қайд этилишича, 100000 га яқин²⁷¹ лашкар тўиланади.

1866 йил май ойида Сирдарё яқинидаги Окжар мавзесидаги Эржар деган ерда амирликнинг 5000 нафар лашкари империя кўшинлари билан тўқнашади. Бир соат давом этган жанг-да икки томон катта талафот кўради. Амир Музаффар халқ лашкари сонининг кўплигидан хотиржам бўлиб, осонгина ғалаба қилишга ишонган эди. Аммо ўзаро жанглarda душман кўли баланд келиб, кўплаб кишилар ҳалок бўлади²⁷².

²⁶⁹ Зияев Х. Завоевание Бухарского и Хивинского ханств царизмом. //Общественные науки в Узбекистане. 1990. № 8. С.30.

²⁷⁰ «Голос», 1867, №3.

²⁷¹ Ахмад Дошиш. Рисола ё мухтасари аз тарихи салтанати хонадони мангития. Душанбе. 1960, С.45.

²⁷² Трактат Ахмада Дошиша. История мангитской династии. Душанбе. 1967. С.47.

Оқжар жангида ғалаба қилган империя кўшинлари Хўжандни ўраб олиб, уни камал қиладилар ва ўққа тутадилар²⁷³. Шаҳарни мудофаа қилиш учун баррикадалар қурилиб, ҳар бир кўча, мадраса, сарой учун курашадилар. Шаҳар катта талафотлар билан эгаллангач, империя кўшинлари Ўратепага ҳужум қилади. Бу шаҳарда ҳам тинч аҳоли кескин қаршилиқ кўрсатади. Ўратепа босиб олингач, Зомин қалъаси қўлга киритилади ва навбат Жиззах шаҳрига келади. Жиззах мудофаасига 10000 киши тўпланади. Уларда 53 та тўп бор эди²⁷⁴.

1866 йил октябрда генерал Н.А. Крижановский бошлик кўшин Жиззах шаҳрини камал қилиб, сув йўлларини ёпади. Бир ҳафта давом этган камал давомида шаҳар дарвозалари орқали қилинган шиддатли ҳужумлар мудофаачилар томонидан мардонавор қайтарилади, тунда эса шаҳар мудофаачилари тўсатдан душманга қарши ҳужумлар уюштириб, уни саросимага соладилар²⁷⁵. Шаҳар аҳолиси сўнгги нафасигача курашади. Қалъа мудофаачилари душман бостириб кирганида унга таслим бўлишни истамай, порох омборига кириб, ўзларини портлатиб юборадилар²⁷⁶. Жиззах мудофаасида жуда кўп одам ҳалок бўлади.

Жиззах шаҳридан сўнг 1866 йил кузда Янгиқўрғон жанг билан эгалланади²⁷⁷.

1868 йил апрелда империя кўшинлари Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидаги Чўпонотага ҳужум бошлайди. Чўпонотада 12000 пиёда аскар, 3000 отлик, 1500 тўпчи ва жами 100000 кишидан иборат халқ лашкари тўпланади²⁷⁸. Аммо кескин жанглар билан Чўпонота ҳам эгалланади ва 1868 йил 2 майда Самарканд шаҳридаги бир нечта хоин талафотли жанглардан қўриқиб, шаҳар дарвозасини душманга очиб беради.

²⁷³ Зийёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т. 1998. 230–231-бетлар.

²⁷⁴ Мақшеев А.И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. СПб, 1890, С.268.

²⁷⁵ Абаза К.К. Завоевание Туркестана. Рассказы из военной истории, очерки природы, быта и нравов в общедоступном изложении. СПб. 1902. С.145.

²⁷⁶ «Русский инвалид». 1868, № 111.

²⁷⁷ ЎЗР МДА, Ф.И-1, 27-рўйхат, 1806-йиғма жилд, 2-варак.

²⁷⁸ Зийёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т. 1998, 261-б.

Самарканд шахрининг босиб олинishi нафақат амирни, балки бутун амирлик аҳолисини ларзага солади²⁷⁹.

Империя қўшинлари Самарканддан сўнг Челаққа²⁸⁰, ундан кейин Ургутга ҳужум қилади. Бу ерда аҳоли ҳар бир қарич ер учун курашади, аммо душман қўли баланд келади²⁸¹, 18 май куни эса душман катта талафотлар етказиб. Каттақўрғонни босиб олади²⁸².

Самарканд ва бошқа ҳудудларнинг кетма-кет эгалланиши бутун мамлакат аҳолисини оёққа турғазди. Шаҳрисабз шаҳри қаршилиқ ҳаракати марказига айланди. Шаҳзода Абдумалик тўра бошчилигида Шаҳрисабз ва Қарши беклари билан тўпланган қўшин шаҳар истехкомига жойлашиб олган душманга қарши ҳужумга ўтадилар. Самаркандда қолдирилган империя қўшинларининг сони унча кўп бўлмай, шаҳарни озод қилишга тўпланган қўшин билан шаҳар ичидаги қўшин бирлашганда ғалаба қилиши тайин эди. Аммо шу орада Китоб ва Шаҳрисабзга душман бостириб қирганлиги ҳақида сохта хабар туфайли бу бекликлар қўшинлари жанг майдонини тарк этиб, ортга қайтиб кетадилар. Бу эса Абдумалик тўра қўшинларини заифлаштиришга олиб келади. Аммо у душманга қўшимча ёрдам келгунича шижоат билан курашади²⁸³. Самарканд учун 7 кун давом этган жангларда қарийб 50000 дан ортиқ қўшин шаҳарнинг турли дарвозаларидан ҳужум қилади²⁸⁴. Аммо душманга қўшимча кучлар етиб келгач, Абдумалик тўра чекинишга мажбур бўлади. Самарканд душман қўлида қолди, унинг аҳолиси эса Абдумалик тўрага ёрдам бергани учун шавқатсиз жазоланди. Душманга Бухоро томонга йўл очилди.

Амир Музаффар душманга қарши курашиш учун сафар-

²⁷⁹ Битва русских с бухарцами и героическая оборона в Самарканде. 1873. С. 148.

²⁸⁰ ЎЗР МДА, Ф. 715, 1-рўйхат, 36-йиғма жилд, 113-варак.

²⁸¹ Ўша ерда.

²⁸² Ўша ерда.

²⁸³ *Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салатини Мангитийа (история Мангитских государств)*. М., ИВЛ, 1962. С.90.

²⁸⁴ Очерк военных действий 1868 года в долинах Заравшана с планами дел на Самаркандских и Зерабулакских высотах. Составил М. Лыко. Санкт-Петербург. 1871. С. 122–123.

барлик эълон қилади. Бу ерда жангга 15 минг нафар отлик қўшин, 6 минг нафар пиёда аскар ва 14 та тўп ҳозирланади. 2 июнь куни халқ лашкари Зирабулок тепалигида душман билан шиддатли жангга киради.

Ўзаро тўқнашувда душманнинг қўли баланд келиб, бу-хороликлардан қарийб 1000 киши ҳалок бўлади. Амир мағлубиятни тан олиб, 1868 йил 23 июнда сулҳ шартномасини имзолашга мажбур бўлиб, ўз зиммасига империя ҳукуматига 125 минг тилла товон тўлаш, рус савдогарларига қатор имтиёзлар яратиш мажбуриятини олади, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарканд, Каттақўрғон, Хўжанд, ҳудудлари Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига ўтказилди²⁸⁵.

Бу ҳол амирлик аҳолисининг катта норозиликка сабаб бўлади. Мамлакатда амирга ва душманга қарши шахзода Абдумалик Тўра ҳамда Жўрабек ва Бобобек бошчилигида қаршилик фронти юзага келади. Абдумалик тўра амир деб эълон қилинади. Аммо Амир Музаффар ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Туркистон генерал губернатори К.П. Кауфманга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Генерал А.К. Абрамов бошчилигидаги қўшин 27 октябрда Қарши шаҳрини эгаллайди. Шаҳрисабз ва Китобдаги кўзғолонлар бостирилади. Абдумалик тўра мамлакатни тарк этади.

Хива хонлигига қарши ҳарбий юришлар.

Россия империясининг XIX аср 60-йилларида Ўрта Осиёга бошлаган ҳарбий юришлари давомида Хива хонлигига қарши ҳужумларга алоҳида эътибор берилган ва тайёргарлик кўрилган. Бу энг аввало XVIII–XIX асрларда Россия империяси хонликка қарши юборган ҳарбий экспедицияларнинг мағлубияти билан изоҳланар эди. Зеро хонликнинг жўғрофий жойлашуви – унинг атрофини қумлик, чўллардан иборатлиги босқинчилар ғалабасини қафолатлай олмас эди. Эҳтимол шу сабабли Россия империяси Хива хонлигига қарши юришларни охириги босқичга қолдирди. Бунга қадар Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига қарши юришлардаги ғалабалар Россиянинг Хива хонлигига юришига катта имкон яратди.

«Енгилмас Туркистон Жазоири» деб ном олган Хива хон-

²⁸⁵ ЎЗР МДА. Ф. 715, 1-рўйхат, 37-йиғма жилд, 133-варак.

лигига карши 1873 йилда Россия империяси 3 йўналишда жуда катта кўламдаги кўшинларни йўналтиради – Туркистондан (аникроғи Жиззахдан) 13 мартда Кауфман ва Головачев бошчилигидаги 6000 кишилик кўшин, Оренбургдан 15 апрелда генерал Верёвкин бошчилигида 3500 кишилик кўшин, Каспий денгизи тарафдан апрель ойи бошида Манғишлок (3000 киши) ва Красноводскка (2000 киши) жўнатилади. Красноводск отряди туркманлар билан шиддатли жанглار туфайли ортга чекинади. 1873 йил апрелда Манғишлокдан йўлга чиккан рус кўшинлари Устюрт оркали юриб, Қўнғиротни эгаллайди. Оренбург тарафидан чиккан кўшин май ойида Қўнғиротда Манғишлокдан чиккан харбий қисм билан бирлашади. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон бир қисм кўшинни К.П. Кауфман келаётган томонга, 6000 нафар аскарни Қўнғиротга, 2000 нафар аскарни Ҳазораспга, яна бир қисм кўшинни Хўжайлига юборади²⁸⁶. Хўжайлида 600 кишилик кўшин душман билан тўқнашади ва ўзаро жанглardan сўнг, шаҳар душман томонидан эгалланади.

Айниқса, Манғитда генерал Верёвкин бошчилигидаги империя кўшинлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида каттик жанг бўлади. Маҳаллий аҳоли, ҳатто хонадонларга ҳам ўрнашиб олиб, ўқ отадилар²⁸⁷. Душманнинг қўли баланд келиб, шаҳардаги ёшу қари ва ҳатто бешикдаги чакалоқларни ҳам аёвсиз кириб ташлайди²⁸⁸.

Хива хонлигига карши Орол флотилияси ҳам жўнатилади. Орол денгизидан Амударёнинг юқори оқимига қараб юрган флотилия матрослари Хива фортига хужум қиладилар. Хонлик фуқароларидан бири ҳийла ишлатиб, флотилия капитанига ўша ердан узок бўлмаган ерда Верёвкин кўшинлари турганлиги ҳақида сохта хабар беради. Капитан томонидан жўнатилган матрослар хивалиқлар томонидан тезда яқсон этилади.

Империя кўшинлари Шайхариқда 4000–5000 кишидан

²⁸⁶ Саид Хамид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонни. Т., Академия. 2002. 89-б.

²⁸⁷ Хивинская экспедиция 1873 года. Записки очевидца сапера Е. Саранцова. Из инженерного журнала. С.-Петербург. 1874. С. 134–135.

²⁸⁸ Муҳаммад Юсуф Байний. Шажаран Хоразмшохий. Т., 1994. 46.

иборат маҳаллий аҳоли қаршилигига учрайди, ўзаро курашлардан сўнг шаҳар эгалланади. 22 май куни Веревкин бошлиқ кўшин 10 000 кишидан иборат хивалиқлар ҳужумига учрайди, ammo уни енгишга муваффақ бўлади.

1873 йил 26 майда Верёвкин бошчилигидаги кўшин Хива атрофидаги хоннинг боғига ўрнашади ва шаҳарни ўққа тутишга тайёрланади. Хон Муҳаммад Раҳимхоннинг тинчлик сулҳи тузиш ҳақидаги таклифи инобатга олинмади. Хива шаҳрига кўшни шаҳар ва овуллар аҳолиси тўпланиб олган эди.

Шаҳар аҳолиси Хивани қуршаб олган империя кўшинларини тўп ва милтиқлардан ўққа тутди. Икки кун давом этган отишмалардан сўнг 1873 йил 29 майнинг эрта тонгида империя кўшинлари девор ва дарвозаларни тешиб, шаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлади. Шунда Хива аҳолиси шовқин-сурон билан уларга ташланадилар. Шу орада дарвоза ағдарилиб, шаҳарга душман замбараги киритилади. Ўзаро отишувлардан сўнг уруш тўхтатилади.

Шу тариқа пухта режа асосида уюштирилган ҳужумлар натижасида хонлик аҳолисининг қаршилиқларига қарамай, империя кўшинлари мамлакатни босиб олди ва 1873 йил июнда Россия–Хива сулҳ шартномаси имзоланди. Унга мувофиқ Хива хонлиги ўз сиёсий мустақиллигидан маҳрум бўлади, хон ташки алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилди ва империяга қарамлигини тан олишга мажбур бўлди²⁸⁹.

Хонликнинг Россия томонидан босиб олинган ерлари, яъни Амударёнинг ўнг қирғоғи Россия империяси тасарруфига ўтади. Бу ерларда Амударё бўлими ташкил этилиб, у Туркистон генерал-губернатори таркибига киритилади. Амударё бўлими бошлиғи хоннинг ички сиёсатини тўлиқ назорат остига олади. Ҳатто, хонлик чегаралари ҳам Амударё бўлимидаги ҳарбий кучлар ёрдамида қўриқланадиган бўлди. Шу тариқа Бухоро ва Хива хонлиқлари ўз сиёсий мустақиллиги ва худудий яхлитлигидан маҳрум бўлдилар.

²⁸⁹ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Том. 1, СПб., 1889. С. 329–332.

3.2. Бухоро ва Хива хонликларида сиёсий қарамлик шароитида ҳарбий қўшии ҳолати

Россия истилоси арафасида, аниқроғи, XIX аср ўрталарига келиб, Бухоро қўшинларида тўпчилар қисми ҳамда сарбозлардан иборат мунтазам қўшинга айланган эди. Қўшин таркиби мингликларга (бошлиғи мингбоши), мингликлар дасталарга ёки 5 та 200 кишилик байдокларга (бошлиғи дусатбоши), улар эса 100 кишилик юзаларга (бошлиғи юзбоши), юзалар 2 та эллик кишилик гуруҳга (бошлиғи элликбоши ёки панжохбоши), улар эса ўз навбатида 2 та 25 талик расадга (бошлиғи расадбоши), расадлар 12–13 (баъзан 10) кишилик 2 та гуруҳга (бошлиғи дахбоши ёки ўнбоши) бўлинган эди.


Энг яхши сарбозлардан ўнбошилар тайинланган, уларнинг кийимларида оқ тасмачалар бўлган. Юзбошилар энглари зарҳал узун кимхоб камзул кийганлар. Ҳар бир бешюзлик ва мингликнинг амир томонидан берилган ўз байроғи, яъни туғи ва 5 та рангли нишонлари бўлиб, улар юзбошиларда сақланган. Сарбозлар қуроли Бухородаги хусусий маҳаллий устахоналарда тайёрланиб, ҳукуматга 4 сўмдан сотилган. Бу қуролларнинг думалок ўқлари ва пистонлари ҳам Бухорода тайёрланган ва қалъа аслаҳахонасида сақланган. Чунки ўк отиш машқларида улардан фойдаланилмаган.

Тўпчилар сони 100–250 нафар бўлиб, амирлик қўшинида энг нуфузли кишилар ҳисобланган. Бирок уларнинг амалдаги вазифалари ўта оғир бўлгани учун уларга бошқа турдаги ҳарбийларга нисбатан кўпроқ маош тўланган. Тўпчилар бошлиғи – тўпчибоши амирликдаги энг олий ҳарбий мансаблардан ҳисобланган. Тўпчилар ҳафтада 1 кун шаҳар ташқарисидаги «Пахта-паррон» майдонида зарарсизлантирилган ўқлар (ичига сочма порох ўрнига арпа кипиғи солинган) ёрдамида машқ ўтказганлар.

Тўпчилар 2 гуруҳга – қалъа ва дала тўпчиларига бўлинган. Қалъа тўпчилари амирликдаги ўта оғир тўпларда қалъаларни мудофаа қилганлар, дала тўпчилари нисбатан енгил тўпларда ҳарбий муҳобараларда қўшин билан иштирок этганлар. Тўплар, замбараклар асосан Россиядан ва Афғонистон оркали олиб келинган рус, инглиз ва турк тўпларидан иборат бўлган.

Россия истилосига қадар амирликда тўпчилардан 90 таси 30 та тўп билан Бухоро беклигида, Чоржўй, Шахрисабз, Карки, Кармана, Балжувон бекликларида 10 тадан тўпчи 2–3 та тўп билан сақланган.

Амирлик кўшинининг асосий қисми сарбозлардан иборат бўлган. Кўшиннинг пиёда қисми ҳисобланган сарбозларнинг маълум қисми уруш пайтида жангга отда кирганлар. Уларнинг илғор қисмлари бешотар милтик билан курулланган. 1880 йилларга мансуб манбаларда амирлик кўшини таркибидан 4000 отлик хасабдор, 10.000 отлик ғалаботир бўлганлиги



Бухоро амирлигидаги тўп.

қайд этилган. Улар Амударё бўйидаги, Қарши чўлидаги, Қарши, Кармана, Зиёвутдин, Нурота истехкомларини қўриклаганлар²⁹⁰. Кўшинда 17 нафар мусикачи бўлиб, уларни болобомчилар деб аташган. Улардан 1 нафари карнайчи, 16 таси ноғорачи бўлган.

²⁹⁰ Г.Арендаренко. Бухарские войска в 1880 году // Военный сборник 1881. № 10. С.60.

Булардан ташқари сарой ичини кўриқловчи ғуломбаччалар ҳам бўлиб, Амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида уларнинг сони 200 нафарни ташкил этган. Ғуломбаччалар ўз оила аъзолари билан аркнинг ичида истиқомат қилишган. Амир Абдулахадхон ҳукмронлиги даврига келиб, уларнинг сони қискартирилиб, 50 кишига келтирилган.

Аркнинг ташқари қисмини 200 нафардан иборат думбалапур, яъни бешотар милтик билан қуролланган сарбозлар кўриқлаган. Улар амирнинг шахсий кўшини бўлиб, кейинчалик рус манбаларида гвардия деб таърифланган.

Бундан ташқари ҳар бир беклик маълум миқдорда ўз сарбозлари – элнавкарларга эга бўлган.

Истилога қадар амирлик кўшинида ҳарбий хизмат халқ учун жуда шарафли бўлиб, кўшин хазина ҳисобидан қурол, кийим-бош, патронлар билан таъминланган, янги хизматга келганлар 3 ой тайёргарлик ўтган. Кўшин ҳар ойда ва йил охирида қумуш ва тилла тангаларда маош билан таъминланган. Бундан ташқари аскарларга бугдой ҳам берилган. Кўшин Наврўз, Қурбон хайити каби байрамларда амир томонидан Тоғ ордени (олтин юлдуз), 1,2,3-даражали Бухоро куёши ордени, бўйинга тақиладиган олтин ва қумуш медаллар билан тақдирлаган.

1868 йилда тузилган Россия–Бухоро сулҳига қўра ўз сиёсий мустақиллигидан маҳрум бўлган амирликда мамлакат чегараларини рус кўшинлари эгаллагач, амирга ички тартибни сақлаш ва маъмуриятни кўриқлаш учун 12000 кишилик кўшин сақлашга руҳсат берилган. Шу сабабли вақт ўтган сари Туркистондаги маъмурият тазйиқи остида кўшин қисқариб борган ва 1910 йилга келиб 11000 кишини ташкил этган.

Мустақил армиядан маҳрум бўлган амирликда сарбозларнинг асосий вазифаси амирни Қарши ва Шахрисабзга боришида тўпчибоши кўмондонлигида кузатиб, кўриқлаб бориш эди. Бу даврга келиб артиллерияда (яъни тўпчилар қисмида) 300 киши хизмат қилган, унда 6 та маҳаллий тўп бўлиб, уни тўпчибоши бошқарган. Бухоро амирлигида артиллерияда хизмат қилувчиларнинг маоши пиёда кўшин хизмати учун тўланадиган маош билан бир хил бўлса-да, артиллерияда хизмат қилиш шарафли ҳисобланган.



Бухоро амирлиги сарбозлари.

Бухоро амири 1 йилда пиѳда сарбозларга ўртача 1 млн 64 минг 600 сўм, отлик кўшинга (отлари билан бирга) 1 млн 56 минг сўм, артиллерияга 33.980 сўм, гвардияга 30 минг 400 сўм, бош кўмондонга 13000 сўм сарфлаган. Жами бир йилда Бухоро кўшинлари учун 2 млн 197 минг 98 сўм сарфлаган²⁹¹.

Россия империясининг Туркистон маъмурияти Бухоро амирлигини итоатда саклаш мақсадида 1881 йилдан бошлаб рус харбий инженерлари, конструкторлари, зобитларидан иборат Терск казаклари отрядини тузади. Терск казаклари дастлаб пиѳда кўшин ҳисобланиб, кейинчалик уларнинг бир қисми отлик аскарларга айлантирилади.

Терск казаклари отрядининг харбий кийимлари худди рус казакларига ўхшаш бўлиб, уларнинг турмуш тарзи сарбозларникига караганда бирмунча яхши ҳисобланган. Уларга йилига 4 сидра харбий кийим, ойига 35 танга маош, хар йили

²⁹¹ Г. Арендаренко. Бухарские войска в 1880 году // Военный сборник 1881. № 10. С.66.

мусулмон байрамлари чоғида 20 танга хайрия пули берилган. Казакларнинг кийимлари харбий унвонига қараб оқ, қора, қизил, тўқ сарик рангда бўлган.

Терск казаклари отряди Карманадаги амир қароргоҳи яқинида жойлаштирилган. Улар ўта шавкатсизлиги билан ажралиб турган.

1908 йилда амир Абдулахадхон Кавказ казаклари намунасидаги отлик казаклар харбий қисмига асос солди. Дастлаб уларнинг сони 600 кишини ташкил этиб, 3 байдокқа бўлинган ва бир саркарда бошчилик қилган. Улар ҳам асосан Карманада хизматда бўлган. Кавказ отликларининг таркибини 15 яшардан то 18 яшаргача бўлган ўспирин йигитлар ташкил этган, ёши 18 дан ошган болалар бу тўдадан чиқазилиб, умрбод хизмат қиладиган пиёда сарбозлар тўдасига киритилган. Отлик казаклар таркибида 35 кишидан иборат болобомчилар – мусиқачилар ҳам бор эди. Бухоро шаҳрида уларнинг қароргоҳлари амир саройига яқин жойлашган.

Терск ва Кавказ отлик казаклари ҳафтада 3 кун (шанба, якшанба, душанба кунлари) шаҳар ташқарисида харбий дала машқлари ўтказганлар. Уларга бериладиган маош, турмуш тарзида алоҳида имтиёзлар бўлган, уларнинг отларига ҳам маълум миқдорда пул, ем-хашак ажратилган.

1904 йилда амир Абдулахадхон томонидан «Шефский» отрядлари ташкил этилади. Бу гуруҳ амирликдаги 18–20 ёшли йигитлардан ташкил этилиб, дастлаб уларнинг сони 40–50 нафарга, амир Олимхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида 600 кишига етказилди. Терск казаклари ва «Шефский» отрядлари учун амирликнинг ёзги қароргоҳи Ситорайи Мохи Хоссада харбий қазармалар ташкил этилган.

XX аср бошига келиб империя ҳукуматининг амирликдаги харбий қўшинни имкон қадар қисқартириш талаби ҳамда уни кучайтиришга, қуроллантиришга имкон бермаслик ҳаракати туфайли амирлик қўшинлари қисқариб, яроқсиз кучга айланиб борган.

1911 йилда қайд этилган маълумотларга қўра, амирликдаги қўшин сони 11000 киши бўлиб, унинг таркибида 2 та отлик

гвардия, отлик артиллерия, пиёда аскарлар ва 500 нафар артиллериячи бўлган²⁹².

Бухоро амири ўз қўшинларини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш, янги жанг тактикаларини тадбиқ этиш ниятида Император Николай II га, Туркистон генерал-губернаторига бир неча бор мурожаат қилади. Аммо мустабид ҳукумат буни асло хоҳламас, аксинча, қўшинни қисқартириш мақсадида турли йўللار билан қўшиннинг ҳолатини, унинг таъминоти учун сарфланаётган маблағни аниқлашга ҳаракат қилар эди.

Бухоро амирининг ҳарбий қўшинни кучайтириш истagini ва имкониятларини мумкин қадар жиловлаб туриш мақсадида империя ҳукумати унга ҳарбий унвонлар бериб, бу билан амирнинг гўёки ҳарбий даражасини кўтаргандек бўлган. Амирга Император генерал-адмиралли унвони берилган ва у Терск казак қўшинлари ҳисобида турган. Айни пайтда у Россия армияси кавалерияси генерали ҳисобланган. Амирнинг ўғли эса Россия армияси полковниги даражасига ва адъютант-флигель унвонига эга бўлган, отаси каби Терск казак қўшинлари ҳисобида турган. Амалда эса бу қурук унвон бўлиб, амирлик қўшини учун ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Аслида бундай ҳол Бухоро амирининг Россия императорига итоати ва тобелигининг яққол кўриниши бўлиб, амирнинг император хизматидаги бир амалдорлигини таъкидлаш мақсадида қилинган маккор тадбир эди.

Бирок амирни ҳарбий унвонлар билан сийлаган император Бухоро қўшини ҳақида қайғуриш у ёқда турсин, аксинча уни мумкин қадар тезроқ қисқартиришни талаб қилиб келарди²⁹³. Бу талабни қўшинга эҳтиёж йўқлиги, ҳарбий мудофаа вази-фаларини рус қўшинлари бажариши билан изохларди. Амирнинг илтимоси билан қўшинларга ҳарбий таълим бериш учун юборилган рус офицерлари эса сарбозларга фақатгина рус ҳарбий уставини ўргатиш билан қифояланганлар, холос. Сарбозлар сафда юриш, милтик ишлатиш қондаларини ўрганиб

²⁹² *Договет ДН*. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб. 1911. С. 254.

²⁹³ ЎзР МДА, Ф 11-2, 1-руйхат, 251- йил мажлис, 22-варак.

турганлар, отиш машклари ҳар бир кишига 1 йилда бир марта бўш ёки пуч патронлар билан машқ қилдирилган. Қўшиндаги офицерлар ҳарбий таълимга эга эмас эди.

Расман қўшин сафлари ихтиёрийлик асосида тўлдирилиши лозим бўлса-да, амалда армияга аксарият ҳолларда бирон гуноҳ қилиб қўйган жинойтчилар мажбуран хизматга жўнатилган. Қўшиндаги хизмат умрбод, яъни чекланмаган муддатли бўлган. Қўшин таъминоти ёмонлиги туфайли қуйи даражадагилар хизматдан бўш кунларида майда хунармандчилик, савдо билан шуғулланишган. Қўшиндагилар ёши 15 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, улар орасида қариялар кўп бўлган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар амирликдаги қўшин худди амирлик бошқаруви каби хўжақўрсинга сақланиб қолингани, миришаблик ва соқчилик хизматлари билангина чекланганлигини кўрсатади. Бухоро амирлигининг ўз сиёсий мустақиллигидан маҳрум бўлиши унинг қўшинини ҳам ночор аҳволга солиб қўйган эди.

Бухоро амирлигини Россия империясига буткул қўшиб юбориб, уни ўз губерниясига айлантириш мақсадида бўлган империя ҳукуматида мамлакатдаги ҳарбий кучлар жиддий хавф туғдирмаслиги учун ярқисиз аҳволга келтириб қўйилган эди.

Хива хонлигининг ҳарбий кучлари.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIX аср ўрталарига келиб, яъни Россия империяси истилоси арафасида Хива хонлигида мунтазам ҳарбий кучлар мавжуд бўлган²⁹⁴. Полковник Н.П.Игнатъев бошчилигида 1858 йилда Хивага ташриф буюрган элчилик миссияси котиби Е.Б.Килевейннинг қайд этишича, хонлик қўшини 1000 нафар пиёда ва 20000 отликдан иборат бўлиб²⁹⁵, қуроллари замон талабларига жавоб бермаган. Қўшинга уруш вақтида 4 баробар юқори маош тўланган.

²⁹⁴ Туркестанский сборник. Том 72: С.5.

²⁹⁵ *Килевейн Е. Б.* Орывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Селд-Мохаммед Хана, 1856-1860. СПб. 1861. (Отдельный оттиск из: «Записки императорского Русского географического общества», 1861, кн. 1) С.13.

Мунтазам кўшин сафида тўпчилар (артиллерия), отлик қисмлар (навкарлар), хоннинг шахсий навкарлари (шахсий гвардияси) ва пиёдалар (сарбозлар) бўлган. Навкарлар деб юритилган отлик қисмлар асосан туркманлардан иборат бўлиб, энг жанговар қисм ҳисобланган. Отлик кўшин милтиқ, қилич ва ханжар билан қуролланган.

Сарбозлар деб юритилган пиёдалар эса асосан ўзбеклар, қорақалпоқ ва туркманлардан ташкил топган.

Тўпчилар, (яъни артиллерия қисми) мисдан куйилган тўпга эга бўлиб, уларнинг сафида афгонлар, ҳиндлар ҳам хизмат қилган.

Хоннинг алоҳида ўз шахсий гвардияси – хон навкарлари Хива шаҳрига жойлаштирилган. Улар шаҳар атрофида ўз мулкларига эга бўлган. Хон навкарлари ер-сув, маош билан таъминланган, солиқ ва мажбуриятлардан озод бўлган. Уруш ҳаракатлари мобайнида яраланган навкарни давлат моддий жиҳатдан таъминлаган. Ҳатто яраланган отлар учун ҳам давлат томонидан товон тўланган, чунки навкарлар хизматга ўз отлари билан келган. Ҳалок бўлган навкарнинг оиласи нафақа билан таъминланган, зарурият бўлганда унинг оиласига пул ўрнига қул берилган²⁹⁶.

Умуман, хонликда навкарлар учун катта имтиёзлар яратилган, зарурият бўлганда уларнинг хўжаликларига ҳам ёрдам уюштирилган. Айниқса, урушларда жасорат кўрсатган навкарларга алоҳида эътибор кўрсатилиб, улар пул, ер-сув, мулк, қимматбаҳо буюмлар, масалаи тўнлар, қилич, пичоқлар билан тақдирланганлар.

Ўтган асрларда мавжуд бўлган анъанага кўра хонликда уруш пайтида халқдан лашкар тўпланган. Урушга сафарбар этилган оддий халқдан тузилган кўшин «қора черик» деб номланган. Хон навкарларига Хива шаҳри атрофидан ер ва маош белгиланган.

Хонликда ҳар бир йирик шаҳарнинг ўз қалъалари ва уларни мудофаа қиладиган ҳарбий кучлари, ҳар бир беклик ва

²⁹⁶ Ёўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959. 282-б.

хокимларнинг ўз навкарлари бўлган. Бу кучлардан ташқари хонлик чегараларини чегара қўшинлари қўриқлаб турган. Чегара қўшинлари жойлашган ерда ҳарбийлар учун ер мулклари берилган.

Хон томонидан бошқарилган қўшиндаги ҳарбий лавозимлар бу даврда ҳам ўтган асрлар кўринишида сақлаб қолинган. Хива хонлигидаги ҳарбий мансабдорлар вазифаси қуйидагича тақсимланган: Амир-ул-умаро – қўшинни хон фармони билан таништирган; ясовулбоши – хон фармони билан қўшинни урушга бошлаб борган; мингбоши – 1000 нафардан иборат ҳарбий бўлинма бошлиғи; юзбоши – 100 нафардан иборат ҳарбий бўлинма бошлиғи; катовул – ҳарбий қалъалар ҳолатига жавобгар бўлган; сархан – мудофаа деворлари ва истехкомининг қурилишига масъул бўлган; қоровулбеги – чегара қўшинларини бошқарган; нақиб – қўшин тузиш, уни қуроллантириш ишлари билан шуғулланган; нақиб уруш вақтида қўшиннинг ўнг ва сўл канотларидаги, орқа ва олд қисми ҳамда маркази ва пистирмадаги аскар ҳолатига жавобгар бўлган.

Ясовулбошидан кейинги ҳарбий даражада мингбоши ва юзбоши турган. Юзбоши юзликларни ва мингбоши минг кишилик қисмларни бошқарганлар.

Хонликда энг катта маош (500 тилло) ясовулбошига берилган. Нақиблар 100 тиллодан ҳақ олган.

Хива хонлиги қўшинларининг қуроллари бу даврда ҳам асосан милтиқ, қилич, қалқондан иборат эди. Милтиқлар асосан Хазораспдаги маҳаллий қуролсоз усталар томонидан тайёрланган. XIX аср иккинчи ярмига келиб, хонлик қўшинларида рус ва инглиз милтиқлари пайдо бўла бошлайди. Россия қўшинлари тажовузи арафасида хонликда 21 та тўп мавжуд эди²⁹⁷.

Хива хонлиги Россия империяси томонидан забт этилгач, унинг қўшинлари тугатилиб, хон ҳузурида бор-йўғи тахминан 1500–2000 кишилик навкарлар сақлаб қолинган. Улар асосан саройни қўриқлаш, маҳаллий аҳолини итоатда сақлаш, солиқларни тўплаш, соқчилик ишларидагина хизмат қилган

²⁹⁷ *Муҳаммад Юсуф Бойтӣ*. Шажараи Хоразмиюхий. 58-б.

бўлиб, ҳарбий қўшинликка даъво кила олмас эдилар. Шулардан 400 навкар хазина ҳисобидан хон саройида сақланган²⁹⁸.

Хон ўз навкарларини қуроллантириш учун Туркистон генерал-губернаторлиги орқали Россия ҳарбий вазирлигидан кўп илтимослардан сўнг рус берданкаларни олишга муваффақ бўлган. Аслида чор ҳукумати Хива хонлигини қурол билан таъминлаш, қуролли кучларни кучайтиришдан манфаатдор эмас эди. Бу навкарлар хонликда сарой кўриқчиси вазифасини бажарганлиги учунгина уларга қурол берилган. Қолган навкарлар хизматга ўз отлари ва қуроллари билан келган. Уларнинг қуроллари жуда эски бўлиб, замон талабларига жавоб бермас эди.

Хонликнинг Россия империяси тортиб олинган қисмида, яъни Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлардаги Амударё бўлими марказида Петро-Александровск қалъаси барпо этилган бўлиб, бу ерда жойлашган рус ҳарбий қисмлари Хива хонлигидаги ғалаёнларни бостириш, маҳаллий аҳолини итоатда сақлаб, унинг қаршилигига йўл бермаслик, умуман, Хива хонлигини империяга тобелигини таъминлаб туришда катта роль ўйнади.

3.3. Туркистон Ҳарбий Округининг мустамлака ҳокимият куроли сифатидаги фаолияти

Ўрта Осиё худудида Россия империяси босиб олган худудларда 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбийлаштирилган мустамлака бошқаруви жорий этилган бўлиб, ундаги барча юқори бўғим лавозимлари – ўлка, вилоят ва волость бошликлари ҳарбийлардан тайинланган, улар айна пайтда ўзи бошқарган худуддаги ҳарбий қисмлар бошлиғи ҳам бўлиб, бу ҳол ўлкани итоатда тутиб туришда катта роль ўйнар эди.

Россия империясига нафақат Туркистонни, балки Бухоро ва Хива хонликларини ҳам ўз таъсири остида сақлаб туриш учун мунтазам қўшин зарур эди. Шу сабабли 1867 йил-

²⁹⁸ Военно-статистическое описание Хивинского ханства. Составлен Капитаном генерального штаба Гиришфельдом. Т., 1903. С.19–53.

да империянинг тўла ҳукмронлиги остида бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан Туркистон Ҳарбий Округи вужудга келди.

Рус зобитлари ва солдатларидан ташкил этилган Туркистон Ҳарбий Округининг Туркистондаги фаолияти факатгина ҳарбий вазифалардан иборат эмас эди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича Туркистон Ҳарбий Округи ўлкада куйидаги йўналишларда иш олиб борган:

1. Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларида империя ҳукмронлигини таъминлаш, ушбу мамлакатлар чегараларини ҳимоя қилиш.

2. Стратегик мақсадларда кўшни мамлакатларда разведка ишларини олиб бориш ва улардаги ички вазиятни таҳлил этиш.

3. Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларида ҳарбий-статистик тадқиқотлар олиб бориш асосида табиий иқлим, иқтисодий салоҳият, ижтимоий аҳвол, сиёсий ва ҳарбий вазият ҳамда халқ кайфиятини чуқур ўрганиш.

4. Ҳукуматга қарши ҳаракатларни бостириш ва халқни тўла итоатда сақлаш.

Туркистон Ҳарбий Округи Россия империясининг ўлкадаги асосий таянган кучи эди. Туркистон ҳарбий округида жами 48000 га яқин ҳарбийлар хизмат қилган. Ўлкага жуда кўп рус ҳарбий оилалари кўчириб келтирилган ва улар учун тегиши шароитлар яратилган. Ҳарбий таянчни кучайтириш мақсадида Еттисув вилоятига Россиядан казаклар ҳам кўчириб келтирилиб, улардан махсус ҳарбий қисмлар ташкил қилинган.

Дастлабки кунларданок нафақат Туркистон генерал-губернаторлиги, балки Хива ва Бухоро хонлиги чегаралари ҳам империя кўшинлари ихтиёрига берилади. Ҳарбий қисмлар чегарани кўриклаш билан чекланмай, балки кўшни мамлакатлардаги ички вазиятни ҳам чуқур ўрганиб бориш учун разведка ишлари олиб борилган. Хорижий шарк тилларини яхши билган бундай ҳарбий разведкачилар хизмати туфайли империя ҳукумати кўшни мамлакатлардаги ички вазият, Россияга муносабат, аҳолининг кайфияти, савдо ва бож масалаларидан доимо хабардор бўлиб турган.

Туркистон ҳарбий округи таркибида нафақат ҳарбийлар, балки шарқ ва маҳаллий тилларни яхши билган тадқиқотчилар ҳам иш олиб борганлар. Худди Туркистонда маъмурий-сиёсий бошқарув ҳарбий бошқарувга асослангандек, Туркистон ҳарбий округи фаолиятида ҳам ҳарбийлар, разведкачилар ва тадқиқотчилар фаолияти уйғунлашиб кетган эди.

Улар мамлакатнинг барча худудларида рекогносцировка ишлари билан бирга стратегик ва амалий мақсадларда иқтисодий, табиий, ижтимоий, жуғрофий йўналишларда статистик маълумотлар тўплаш учун жуда катта тадқиқотларни амалга оширадилар.

Бундай тадқиқотлар натижасида ўлканинг деярли ҳар бир худуди, ҳатто кичкина кишлоқлардан тортиб то йирик марказ шаҳарларгача олиб борадиган йўллар ва уларни турли фасллардаги ҳолатлари, ички ва ташқи савдо йўллари, ҳар бир аҳоли яшаш пунктида ҳарбийларни жойлаштириш имконияти, ҳарбий тўкнашувлар пайтидаги ҳаракат имкониятлари ҳақида жуда батафсил маълумотлар тўпланади. Бу маълумотлар расмий ҳукуматга ўлкада империя манфаатларини доимо таъминлаб, химоя қилиб туришда жуда зарур эди.

Бошқарув тизими ҳарбий асосда ташкил этилган Туркистонда ўлка, вилоят, уезд раҳбарлари ҳарбийлардан тайинланган бўлиб, улар айна пайтда ўзлари идора этган худудлардаги ҳарбий қисмлар бошлиқлари ҳам эди. Бу ҳол ҳукуматга ўлканинг бир вилояти, уезди, шаҳар ва кишлоқларини кучли назорат ва итоатда сақлаб туришга имкон берган.

Мамлакат ичида Туркистон Ҳарбий Округи давлат аҳамиятга молик объектлар – ҳукумат идоралари, турмаларини қўриқлашдан ташқари муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган темир йўлларни ҳам назорат остида тутиб турганлар. Бутун ўлка ҳам ички, ҳам ташқи жихатдан тўлиқ ҳарбий назорат остига олинган эди.

Бундай назорат ва ҳарбийлаштирилган бошқарув маҳаллий аҳолининг ҳукуматга қарши ҳар қандай қаршиликларини жуда кескин ва қисқа фурсатда бостириш имконини берган. 1898 йил Андижон кўзғолони²⁹⁹, 1916 йил Умумтуркистон

²⁹⁹ ЎЗР МДА. Ф.Н-723. 1-рўйхат. 13-йиғма жилд. 38–39-варақлар.

кўзғолонларининг шафқатсиз бостирилиши ва уларнинг иш-тирокчиларининг ҳарбий судлар оркали оғир жазоланиши бунга яққол мисол эди³⁰⁰.

Кўзғолон қанчалик кескин ва оммавий бўлса, уни бостириш ва кўзғолончиларни жазолаш ҳам шу қадар кескин ва оммавий тус олар эди. Масалан, бутун Туркистонни қамраб олган 1916 йил кўзғолони давомида ўлкада ҳарбий ҳолат жорий этилиб, кўзғолончилар ҳарбий суд томонидан суд қилиниб, шавқатсиз жазоландилар. Гарчи ўлкада маҳаллий суд тизими – кози ва бий судлари ҳамда рус судлари мавжуд бўлса-да, кўзғолончилар сиёсий жиноятчи сифатида қаралиб, уларни суд қилиш ва жазолаш ҳарбий судлар зиммасига юклатилган.

Бундай кенг қўламдаги вазифаларни амалга ошириш учун ҳукуматга катта куч ва маблағ зарур эди. Расмий ҳукумат бу соҳага маблағни аямас эди. Туркистонга Россиядан оддий аскарлар, олий унвон сохиби бўлган ҳарбийлар, казаклар, ҳарбий врачлар, разведкачилар жалб этилади. Туркистон ҳарбий округи учун тегишли шароитлар – казармалар, черковлар, ҳарбийлар фарзандлари учун мактаблар, хордик чиқаришлари учун театр, парклар ташкил этилади.

Ҳарбий амалдорлар ва уларнинг оилалари учун ҳар бир тегишли шаҳарда алоҳида ҳудудлар ажратилган. «Янги шаҳар» деб аталган бу ҳудудларда улар учун уй-жойлар, идоралар, касалхоналар, почта, телеграф, транспорт, маиший ва маданий муассасалар, черковлар, дорихона ва бошқа шарт-шароитлар ташкил этилади. Айниқса ўлка маркази Тошкентда, вилоят ва уезд марказларида ҳамда ҳарбий-стратегик аҳамиятга молик шаҳарларда бунга катта эътибор берилган. Шундай шаҳарлардан бири Термиз шаҳри бўлиб, унга минглаб ҳарбийлар оилалари билан жойлаштирилган. Шаҳарда махсус ҳарбий қалъа барпо этилиб, унда ҳарбийлар жойлаштирилган. Ҳарбийлар учун мактаб, черков, касалхона, дорихона ва бошқа шарт-шароит яратилган. Шаҳар бутунлай ҳарбий лагерга айлантилган, чунки у Туркистоннинг жанубий чегарасида жойлашган бўлиб, империя ҳукуматининг чегара сиёсатини амалга оширишда катта роль ўйнаган. Шаҳарда

³⁰⁰ ЎзР МДА, Ф. И-1, 1-рўйхат, 1100-йиғма жилд. 289-варак.

божхона ва порт мавжуд бўлиб, савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган.

Дастлабки йилларда ҳарбийларнинг маҳаллий иқлимга мослашувлари жуда кийин кечган, улар орасида турли юкумли касалликлар кўп учраган, ҳукумат улар учун тегишли шарт-шароит яратгач, бундай ҳоллар камайган. Рус кўшинлари ичида жинойтчилик ҳам кўп учраб турган, бундай ҳолатлар кўпинча ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлиб, асосан ўзаро урушлар, ўғрилиқ сифатида учраб турган. Шу сабабли ҳарбий қисмлар учун махсус суд тизими ташкил этилган.

ТХО таркибидаги ҳарбийларнинг кийими империя марказидаги ҳарбийлар кийимидан фарқ қилган. Масалан, чегарада хизмат килувчи ҳарбийлар учун иссиқ иқлимга мослаштирилган махсус форма – ок гимнастёрка, қизил шалвар, бошларига ок шапка кийганлар.

Туркистон Ҳарбий Округида 25 та батальон бўлиб, шундан 18 таси чегарани кўриклаган. Бундан ташқари 8 та казак полклари хизмат қилган. Кўшинларнинг умумий сони 47,867 киши бўлиб, шундан 1,402 киши генерал, офицер ва бошқа ҳарбий унвонли кишилар, қолган 46,465 киши оддий аскарлардан иборат бўлган.

Ҳарбийлар тинч пайтда асосан миршаблик, ҳарбий мақсадлар учун йўллар, кўприклар қуриш, янги истеҳкомлар барпо этиш, эскиларини таъмирлаш, ҳарбийлар учун уй, казарма, бошқармалар қуриш ишлари билан шуғулланганлар. Ўлкада 573 та ҳарбий пост бўлиб, доимий равишда кўпайиб борган.

Ҳарбийларга бўш вақтларда эркинликда ишлаб, пул топишга ҳам рухсат берилган. Бунинг учун Туркистон Ҳарбий Округининг махсус буйруғи билан рухсат берилган бўлиб, бундай тартиб Россияда ҳам жорий этилган эди. Лекин Туркистонда фақат ҳунари бор ҳарбий усталаргина иш топиши мумкин эди. Бундан ташқари ҳарбийлар ёз ойларида лагерларга олиб кетилган ва ҳарбий тайёргарлик, машғулотлар билан шуғулланганлар.

Туркистон Ҳарбий Округи таркибида сафарбарлик, ҳарбий йўл, ҳисобот, хўжалик, госпитал, суд, маҳкама, архив каби яна ўнлаб бўлимлар фаолият кўрсатарди³⁰¹.

³⁰¹ Общий состав чинов, управлений, заведений и войсковых частей Туркестанского Военного Округа на 1912 год. Ташкент, 1912.

Туркистон Ҳарбий Округи таркибий тузилиши жихатидан жуда кенг қамровли бўлиб, сиёсий, ҳарбий ва разведка мақсадларига хизмат қилишга мўлжалланган. Унинг бошқарув тизими Ҳарбий Округ кенгаши ва округ штабидан иборат бўлган.

Туркистон Ҳарбий Округи Штабида бир қанча бошқармалар фаолият юритган. Хусусан, зарбдор қўшин бошқармаси, артиллерия бошқармаси, қурулларни назорат қилувчи штаб, қўшинни жойлаштириш бўйича бошқарма, интендант округ бошқармаси Туркистон армия корпуслари бошқармаси, ҳарбий санитария бошқармаси, ҳарбий ветеринария бошқармаси фаолият юритган.

Булардан ташқари махсус ҳарбий топография бўлими мавжуд бўлиб, у бутун ўлкада, унга чегарадош ҳудудларда ҳарбий мақсадларда топографик изланишлар олиб борган, рекогносцировка ишларини амалга оширган, статистик маълумотлар тўплаган.

Туркистон Ҳарбий Округи таркибида махсус ўқув артиллерия полигони мавжуд бўлган..

Туркистон Ҳарбий Округи қурулли кучлар таркибида 2 та армия корпуслари, 6 та ўкчи бригада ва 6 та ўкчи артиллерия дивизияси, 22 та полк, 2 та казак дивизияси ва 5 та казак полклари, 2 та сапёрлар батальони, 1 та туркман отлик дивизияси, 1 та маҳаллий бригада, 1 та отлик - тоғ батареяси мавжуд эди. Булардан ташқари Амударё флотилияси, 5 та қалъа артиллерияси, бир нечта артиллерия омборлари мавжуд эди.

Туркистон Ҳарбий Округида таркибидаги 1 та чегара корпуси ва Каспийорти чегара бригадаси чегараларни қўриқлаш масалалари билан банд бўлган. XX аср бошида Россия империяси ҳукмрон доираларида, ҳарбийлар билан ўтказилган музокаралар натижасида Туркистоннинг жаиубий чегаралари, хусусан, Афғонистон билан чегаралар назоратини кучайтириб, уларни мудофаа қўшинидан оператив ҳолатдаги жанговар қўшин ҳолатига келтириш учун янада кучайтиришга қарор қилинган ва тегишли чоралар қўрилган. Туркистон Ҳарбий Округида суд ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг таркибида алоҳида округ суди фаолият кўрсатган, ҳарбий судлар фаолияти ва ҳарбий прокуратура

назорати йўлга қўйилган. 10 нафар ҳарбий терговчи ва 7 нафар прокурор ёрдамчилари иш олиб борган. Ҳарбий суд тизими таркибининг кенгайиб бориши Туркистон Ҳарбий Оқруги ҳарбийлари орасида жиноий ишларнинг ортиб бориши, уларнинг маънавий-руҳий ҳолатидаги жиддий муаммолар билан боғлиқ эди.

Бундай улкан ҳажмдаги қўшин ва унинг бошқаруви учун ҳукумат ҳар йили катта маблағ сарфлаган. Туркистон аҳолисидан олинган даромадларнинг катта қисми ҳарбий харажатларга йўналтирилар эди. Ўлкадаги маҳаллий аҳоли ҳарбий хизмат ҳуқуқидан ва қурол саклашдан маҳрум этилган бўлиб, бу уларни итоатда салаб туриш учун атайин ташкил этилган эди, албатта. Маҳаллий аҳоли ҳарбий хизматдан озод қилинганлиги учун уларга махсус солиқ солинган. Ҳарбий соҳадан бутунлай четлатилиш натижасида маҳаллий аҳоли бу борада мутлақ уқувсиз бўлиб қолган эди. XIV асрда дунёга Амир Темурдек буюк ҳукмдор ва етук саркардани берган халқ империя ҳукмронлиги даврида, ҳатто оддий милтиққа ҳам яқинлаштирилмай, ҳарбий жиҳатдан уқувсиз ҳолатга келиб қолган. Айнан шу сабабли Туркистон аҳолисининг миллий озодлик ҳаракатлари ҳукумат томонидан тезда бостирилган.

XX аср бошига келиб, аниқроғи рус–япон урушидан кейин минтақада инглизлар таъсирининг кучайишидан хавфсираган Ташки Ишлар Вазирлиги Давлат мудофаа Кенгашига мурожаат қилиб, жанубдан ҳужумни қайтара олиш учун Туркистондаги қўшин сонини кўнаййтиришни сўрайди³⁰². Россия Давлат Мудофааси Кенгашининг 1905 йил 18 июлдаги мажлисида мазкур масала муҳокамасида ўз мунозараларидан сўнг, Туркистон ҳарбий округи қўшинларини мудофаа мақсадларида кучайтиришга қарор қилинади. Мазкур масала кейинги йилларда ҳам бир неча бор жиддий мунозараларга сабаб бўлади³⁰³. Ва ниҳоят, 1906 йил февралда Император Николай II томонидан Туркистон Ҳарбий Оқругини кучайтиришга розилик олинади. Натижада Туркистон Ҳарбий Оқруг қўшинларининг сони нафақат мудофаа қилишга, балки фаол

³⁰² РГВИА. Ф.830. Оп.1 Д.12. Л.1 об. 2.

³⁰³ РГВИА. Ф.2000. Оп.1 Д.79. Л.41-42, 45-48.

хужумга ўтиш кудратига эга бўлиши лозим, деган қарорга келинади. Шу мақсадда Туркистон Ҳарбий Округининг пиёда қисмининг 5 ротали батальонларга айлантирилиб, унинг таркибини уруш ҳолати даражасига мослаштириш³⁰⁴ захирадаги бригадаларни ўқчи бригадаларга айлантириш маъқул топилади³⁰⁵.

Орол ва Амударё флотилиялари.

Россия империяси ўз манфаатларини таъминлашда сув йўллари ва денгиз харбий кучларига ҳам катта эътибор қаратган. Шу мақсадда Сирдарё, Амударё ва Орол орқали транспорт катновини йўлга қўйиш учун Ўрта Осиё худудида илк бор флотилия ташкил этилади.

1852–1853 йилларда Россия империясининг Ўрта Осиёга харбий юришларини таъминлаш, маҳсулот ва харбий қурооллар ташиш ҳамда Сирдарёнинг қўйи оқимларида Россия манфаатларини таъминлаб туриш мақсадида контр-адмирал Бутаков ташаббуси билан Орол флотилияси ташкил этилган. Флотилия фаолияти илк бор 1852 йилда дастлаб «Перовский» пароходи катнови билан бошланган. 20 йил давомида флотилия йил сайин кучайиб бориши натижасида унинг таркибидаги пароход, кемалар сони 22 тага етади. Флотдаги тўплар сони ҳам 22 та эди.

Флотилия таркибида 1880 йилда 24 нафар офицер, 548 нафар қўйи чиндаги харбийлар хизмат қилган. Орол флотилияси Россия империясининг Ўрта Осиёга қарши юришларида, хусусан, 1852 йилда Қўқон хонлигининг Окмачит қалъасига, 1873 йилда Хива хонлигига қарши харбий юришларида фаол қатнашади. Россия империясининг 1866 йилда Бухоро амирлигига қарши олиб борган харбий хужумлари пайтида харбий аслаҳа етказиб туради. 1865–1879 йилларда, яъни 15 йил давомида Орол флотилияси Орол денгизи ва Сирдарё орқали 29,146 киши йўловчи ҳамда 1,724 414 пуд юк ташиган. Орол флотилияси 1883 йилда тугатилади ва унинг маълум қисми Амударё флотилияси ихтиёрига берилади.

1886–1887 йилларда Россия империяси Амударё бўйла-

³⁰⁴ РГВИА. Ф.830. Оп.1 Д.53. Л.1-3.

³⁰⁵ РГВИА. Ф.2000. Оп.1 Д.79. Л.76-77.

рида ўз таъсирини саклаб туриш, ҳарбий алоқаларни, савдо юкларини ташиш максадларида Амударё флотилиясини ташкил қилади.

1888 йилдан «Царь», «Царица» каби пароходлар, «Москва», «Петербург» каби баржалар катнай бошлади. XIX аср охирига келиб Амударё флотилияси таркибида 4 та пароход, 2 та буғли катер, 13 та баржа фаолият олиб борган. Кемалар почта алоқалари, юк ташиш билан бирга йўловчилар ҳам ташиганлар. Кемалар Петро-Александровск – Чоржўй ҳамда Чоржўй–Керки–Келиф–Термиз йўналишларида катнаганлар. Баъзи пароходлар Орол орқали Сирдарёга ҳам катнаган. Кемалар қатнови 1 йилда 77 тагача етган ва ҳар йили 17.000 йўловчи ҳамда 530 000 пуд юк ташилган. Амударё флотилиясининг бошқармаси ва порти Чоржўйда жойлашган.

Амударё флотилияси Россия империяси манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга молик ҳарбий куч ҳисобланиб, 1894 йилда у ҳақда махсус низом, 1896 йилда эса флотилиянинг устави қабул қилинган. Унга кўра флотилия муҳандислик кўшини сифатида белгилаб қўйилган. Флотилия раҳбари полк командири ҳуқуқига эга бўлган. Флотилия таркиби дастлаб, денгизчилардан, 1894 йилдан эса армия зобитлари ва аскарларидан тузилган.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб ватанимиз ҳудудида асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган ҳамда мамлакат мудофаасини таъминлаб, унинг мустақиллигини саклашга хизмат қилган анъанавий ҳарбий соҳа издан чиқиб, таназулга учради. Бунга энг аввало сиёсий вазият, яъни Туркистонда мустамлака тузумининг ўрнатилиши ва ҳукм суриши, Бухоро ва Хива хонликларининг ўз сиёсий мустақиллигини йўқотиши асосий сабаб бўлди. Мустақил давлатчиликнинг муҳим шarti бўлган ҳарбий кўшинни саклашга йўл берилмаслиги, чегаралар ва ички хавфсизликни таъминлаш вазифаси империя кўшинлари зиммасига юклатилиши мамлакат ҳудудида мустамлакачилик тузумини саклашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилди, мустақилликни тиклаш учун курашларга йўл бермади.

Маҳаллий аҳолининг атайин ҳарбий хизматдан узоқлаштирилиши, ҳарбий қуро-яроғлардан фойдаланишнинг тақиқ-

ланиши анъанавий харбий ишга катта путур етказди, унинг асрий анъаналарини сақлаб қолиш ва замонга мос равишда ривожлантиришга йўл қўйилмади. Натижада маҳаллий аҳоли харбий жиҳатдан укувсиз холатга тушиб қолди.

Мантиқан олиб қаралганда, мустақил давлатчиликнинг муҳим шартларидан бири бўлган харбий қўшин бу давлатчилик тугатилгандан кейин барҳам топиши табиий эди, зеро мустамлакачилар ўзларига қарши бош қўтариши мумкин бўлган қучни сақлаб туришга ҳеч қачон йўл қўймасдилар. Бухоро ва Хива хонликларидаги чекланган доирадаги наварлар, худди шу хонликлар бошқаруви каби номигагина сақланиб қолган бўлиб, миршаблик, солиқ ундириш, хонга итлоатни таъминлашга хизмат қилган, ҳолос.

4-БОБ. СОВЕТ АРМИЯСИ: МОҲИЯТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ИНҚИРОЗИ

4.1. Қизил армия ва миллий қўшин масаласи

1917 йил бошларида Россия империясининг пойтахти Петроградда юз берган Феврал инқилоби натижасида Романовлар сулоласининг ағдариб ташланиши ва подшо ҳукумати ўрнида Муваккат ҳукумат ташкил этилиши таъсири остида Туркистонда ҳам кизгин сиёсий жараёнлар бошланди. Туркистонда XX аср бошида фаолият кўрсатган тараккийпарварлар фаолияти сиёсий тус олиб, «Шўрои Ислому», «Шўрои Уламу», кейинчалик эса, «Турк Адами Марказият (федералистлар) фиркаси», «Турон», «Иттифоқи муслимин» ва бошқа сиёсий ташкилотлар тузилди. Туркистоннинг бўлғуси давлат қурилиши масалалари кизгин муҳокама этила бошлади. Шу муносабат билан Туркистонда яқин келажакда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий қўшин тузиш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

1917 йил апрель ойида бўлиб ўтган Туркистон мусулмон аскарларининг I курултойида Туркистон миллий ҳарбий ташкилоти тузилиб, миллий ҳарбий бирлашмалар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1917 йил 18–26 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги ўлка миллий ҳарбий курултойида шаҳарда марказий ҳарбий кенгаш – Ҳарбий Шўро ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бухоролик Собиржон Юсупов ҳарбий раис этиб тайинланган бу ҳарбий кенгаш таркибига 9 киши киритилган эди³⁰⁶.

1917 йил 8–10 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг II курултойида кучли мусулмон қўшинлари тузиш ҳақида қарор қабул қилинади³⁰⁷.

³⁰⁶ Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос. Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янги ланити, тараккийёт ва мустакиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, инкляоциончилик). Халқаро конференция материаллари. Тошкент, Маънавият, 2001. 88-бет.

³⁰⁷ Умумтуркистон мусулмонларининг курултойи – Турон, 1917 йил. 14 сентябрь.

1917 йил сентябрь воқеаларидан сўнг Туркистон ўлкасига Россиянинг ички губернияларидан ҳарбий кучлар келиши янада кучайишига жавобан миллий ҳарбий кучларни ташкил этиш куннинг муҳим вазифасига айланади.

Туркистон жаҳидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Биз аста-секин ўз миллий кўшинимизни тузишимиз лозим. Биз ўзимиз миллий кўшинимизнинг вазифасини, фаолият даражасини, турмушини ва ташки кўринишини белгилаб оламиз» деган фикрлари Туркистон тараққийпарварларининг ҳарбий масалага оид қарашларини яққол ифодалайди³⁰⁸.

Аmmo большевиклар Петроградда бўлган Октябрь тўнта-ришидан кейин Россияда ҳокимиятни зўравонлик билан эгалла-лаши Туркистондаги сиёсий жараёнларни мутлақо бошқа та-рафга буриб юборди. 1917 йил ноябрь ойининг бошларида Тошкентда ҳам ҳокимиятни большевиклар ва эсерлар зўрлик билан эгалладилар. Туркистон ўлка советларининг 1917 йил 15–22 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган III съездида большеви-стик ҳукумат – Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети тузилади. Бирок бу ҳукумат таркибига туб халқ вакиллари-дан бирорта ҳам киши киритилмади, у асосан европалик келгинди миллат вакиллари-дан иборат эди.

1917 йил ноябрда Петроградда бўлиб ўтган давлат тўн-тариши натижасида Туркистонда ҳам ҳокимият зўрлик би-лан большевиклар қўлига ўтгач, миллий сиёсий ташкилот-лар ўз фаолиятини Тошкентдан Қўқонга кўчиришга мажбур бўлдилар. 1917 йил 26–28 ноябрда айнан Қўқон шаҳрида Бутун Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи бўлиб ўтиб, унда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди³⁰⁹. 8 кишидан иборат Мухторият ҳукуматида Бош ва-зир лавозимини дастлаб М. Тинишбоев, бир оз кейин эса ҳукуқшунос Мустафо Чўқай эгаллайди. Туркистон Мух-торияти ҳукуматининг ҳарбий вазири вазифасини бажариш Бутун Россия мусулмонлар шўроси Марказий кўмитаси

³⁰⁸ Улуғ Туркистон, 1917 йил, 12 июнь.

³⁰⁹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, Маънавият, 2000; Минигоров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар. Тошкент, Маънавият, 2002.

аъзоси, ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) зиммасига юклатилди. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев ўз касби ва ижтимоий келиб чиқиши нуктаи назардан ҳарбий соҳадан бир оз узок бўлса-да, миллий ҳарбий кучларни шакллантиришга имкон қадар ҳаракат қилади. Ўлканинг барча жойларида миллий қўшин ва халқ милицияси сафига маҳаллий аҳоли жалб этила бошланди.

Мухторият ҳукуматида хайрихоҳ бўлган ва ҳарбий соҳадан хабардор кишиларга, айниқса катта эътибор қаратилди. Улар халқ миришаблари ва ҳарбий инструкторлар сифатида хизматга жалб қилинган.

1918 йил бошларига келиб, қўшин сафларида минг кишидан ортиқ аскар тўпланади. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик пайтида аскарлар сони 2000 кишига етган³¹⁰. Бундан ташқари, Қўқонда тахминан 2000 нафар миришаблар бор эди. Ҳарбий қўшин асосан пилта милтиқлар билан қуролланган бўлиб, ўқ-дори захираси етарли эмас эди.

Туркистонда қизил армиянинг ташкил топиши. Дастлабки қизил армия қисмлари 1918 йил февралда Петроград шаҳрида ташкил этилди. Айнан шу даврда, аниқроғи 1917 йил ноябрда Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссарлари, Туркистон ўлкаси қўшинлари кўмондони тайинланиб, қизил гвардия қисмлари тузила бошланади. 1918 йил 4 майда эса Туркистон ҳарбий округи ташкил қилинган.

1918 йил 20 апрель – 1 майда Тошкентда бўлган Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва дехкон депутатларининг V ўлка съездида Туркистонда автоном республика тузилганлиги эълон қилиниб, Туркистон АССРда қизил гвардия отрядлари ташкил қилина бошланди. Қисқа фурсатда Туркистон АССРда 8000 нафар қизил гвардиячи тўпланди³¹¹. аммо уларнинг аксарияти жиноятчи унсурлардан тузилган эди³¹².

Асосан европаликлардан иборат, касби-кори тайинсиз,

³¹⁰ Улуғ Туркистон. 1917 йил, 14 январь.

³¹¹ История коммунистических организаций Средней Азии. – Ташкент, Узбекистан, 1967. С.221.

³¹² Узбекистон РПДА, 60-фонд, 3-руйхат, 6-инш. 3-варак.

аксарият бекорчи жинойтчи унсурлардан тузилган кизил армия отрядларининг жангчилари маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, шариат қоидаларини назар-писанд қилмай, масжидларни кизил армия қисмларининг отхоналарига айлантирдилар.

Туркистон ўлкаси Мукулмонлар бюросининг матбуот нашри ҳисобланган «Иштирокиюн» газетасида бу ҳақда: «қизил аскарлар орасидаги хонлар бечораларнинг молини талаш, хотин-қизларнинг номусини таҳқир этиш каби қабоҳатлар ила машғул бўлдилар. Ҳеч ким билан ҳисоблашмай, бойми, бечорами – ҳеч ажратмасдан ётқиздилар, таладилар, ўлдирдилар»³¹³, – деб қайд этилган эди.

Совет ҳокимияти Туркистон ўлкасида ўз ҳукмронлигини қурол кучи билан сақлаб туриш мақсадида 1919 йил августда ягона Туркистон fronti ташкил қилинади. Унинг биринчи қўмондони М.В. Фрунзе эди. 1919 йил 20 ноябрда Туркистон fronti ҳарбий штаби Самарадан Тошкентга келиб ўрнашади. Туркистонга марказдан доимий равишда катта миқдордаги қизил аскарлар юборилиб турилади. Масалан, 1919 йил ёзида Туркистон Республикасидаги қизил армия қисмларида 35.378 жангчи бўлган бўлса, Туркистон fronti ташкил қилингандан кейин Россиядан Туркистонга 71.751 жангчи ва 185 та пулемёт жўнатилади. 1920 йил 1 сентябрда қизил аскарларнинг сони 182.800 кишига етган³¹⁴. 1920 йил май ойида М.В.Фрунзенинг буйруғи билан маҳаллий аҳолидан 30.000 киши қизил армия сафига мажбурий равишда олинган³¹⁵.

Туркистон fronti 1920 йил февралда Хива хонлигини, 2 сентябрда эса, Бухоро амирлигини ағдариб ташлаб, большевиклар бу ҳудудларни ҳам эгалладилар.

Қизил аскарлар Хоразм ва Бухоро ҳудудларида маҳаллий аҳолига нисбатан қатағон ва террор сиёсатини олиб борганлиги армия қўмондонларининг «мутлақо махфий» тамғали ҳисоботларида ошқора қайд этилган эди. Туркистон fronti

³¹³ Иштирокиюн. 1919 йил 11 июль.

³¹⁴ Ражабов Қ. Туркистон fronti Ҷ. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.8. Тошкент. Ўз МЭ нашриёти. 2004. 653-бет.

³¹⁵ М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. М.: Военгиздат. 1941. С.278; РГВА, ф.110, оп.5, д.585, лл.224-225.

ҳарбий трибунал (Ревтрибунал) раиси И.Р. Фонштейн 1920 йил 6 апрелда Тошкентга юборган телеграф хабарида ёш Хоразм республикасида кизил аскарлар томонидан қилинган жиноятларни қуйидагича кўрсатган эди: «Бу ерда илк қарашда кўзга ташланадиган даҳшатни биз ҳеч қаерда кўрмаган эдик. Қўшин қўмондонлиги штаби раҳбарларининг фаол ташкилотчилиги натижасида очик равишда ҳарбий талон-тарож ўтказилди, талаб олинган нарсалар ошқора тақсимланди. Аёллар олиб кетилиб, асирлик ва қулликда сақланди ҳамда Петро-Александровск ва Хивадаги бозор майдонларида ташкил қилинган кимошди (аукцион) савдосида сотиб юборилди. Хива хони саройи вайронага айлантирилди, кизил аскарларга дуч келган ҳар қандай одамлар талаш ва тунаш учунгина отиб ташланди. Бу ишларнинг бошида Скалов турибди...»³¹⁶.

Г.Б. Скалов «Хива инқилоби» нинг асосий ташкилотчиларидан бири бўлиб, Хивада хонлик тузумини ағдариб ташлашган эди. Г. Скалов кейинчалик Бухородаги кизил армия сафларида раҳбарлик лавозимида ишлаган.

РСФСР нинг Хива ва Амударё бўлимидаги фавқуллода вакили Г.И. Бройдонинг эътироф этишича, кизил аскарлар 12 ва ундан катта ёшдаги қизларни тўйлаб, Петро-Александровскака жўнатишган, бу қизларни таҳқирлаб, турли мақсадларда фойдаланишган, сўнгра уларни яна қайтадан сотиб юборишган³¹⁷.

Бухорода ҳам кизил армия худди шундай зўравонлик сисъатини олиб борди. 1-Туркистон отликлар дивизиясининг командири Спаский 1921 йил баҳорида Шарқий Бухоронинг бошланган оммавий кўзғолонларга кизил аскарларнинг босқинчилик ва талончиликлари сабаб бўлганлигини таъкидлаган. Туркистон fronti Реввоенсовет аъзоси П.И. Барановга мурожаатида кизил аскарлар шаҳарни талон-тарож қилиб, қолган тинч аҳолини кириб юборганлигини таъкидлайди³¹⁸.

1920 йилда Бухоро ва Хива хонликлари большевиклар томонидан зўрлик билан ағдарилди, уларнинг ўрнида 1920 йил

³¹⁶ РГАСПИ, ф.2 он.1, д.14345, л.15 обр.

³¹⁷ РГАСПИ, ф.122, он.3, д. 21, л.181; Раджабов К.К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат диссертации доктора ист.наук. – Т. 2005. С.40.

³¹⁸ РГАСПИ, ф.122, он.1, д.250, л.32.

апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси, 1920 йил октябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топди.

Дастлабки пайтларда қизил армия кўмондонлиги 1920 йилда ҳар икки республиканинг ҳарбий ишлар нозирлигига маҳаллий миллат вакилларининг тайинланишига йўл кўймади. Аммо, кейинчалик Бухоро ва Хоразм Республикаларида бу лавозимларни маҳаллий вакиллар эгаллайди³¹⁹.

Хоразм Халқ Совет Республикасида дастлаб отлик аскарлар полки командири, кейин эса, ҳарбий ишлар нозир Миркомил Миршаропов 1921 йил 16 апрелда РСФСР ХКС райси В.И. Ленинга ёзган хатида ХХСР даги қизил армиянинг маҳаллий халққа нисбатан жиноятларини куюниб қайд этади³²⁰.

М. Миршаропов ҳарбий ишлар нозир бўлгач, Хоразмда миллий қисмлар ташкил қилиш учун ҳаракат қилади. У Хоразм худудидан халқнинг маданий меросига тааллуқли бойликларни олиб чиқиб кетишни тақиқлайди. 1921 йил 5 ноябрда Жунаидхон билан сулҳ тузиб, «Бирлик» шартномасини имзолашда иштирок этганлиги сабабли лавозимидан олиб ташланиб, Хоразмдан чиқариб юборилади.

Марказ Хоразмда маҳаллий ҳарбий кўшинни имкон қадар чеклаш сиёсатини олиб боради.

Бухоро Республикасида янги ҳокимият ўрнатилиши билан отлик дивизияси ва пиёдалар бригадаси тузиш ҳақида фармон қабул қилинади, аммо уни амалга ошириш жараёни мураккаб кечади. 1921 йил февралда ҳарбий нозир Файзулла Хўжаев буйруғи билан факат Бухоро вилояти худудидан яшовчи 20–26 ёшли йигитлардан 1500 киши Бухоронинг миллий қизил армияси таркибига чақирилади³²¹. Бироқ маҳаллий аҳоли орасида ўз обрўсини йўқотган армия ва милиция сафига киришни кўпчилик хоҳламайди. Туркистон fronti ихтиёридан қизил армиянинг 2 та полки, батальони ва артиллерия батареяси,

³¹⁹ *Матқаримов М.* Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993. 18–19,30,32,36,40,43,47,53,55-бетлар.

³²⁰ *Қоչапов Б., Сейтпазаров М.* Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919–1920 гг.) Нукус: Билим, 1997. С.32.

³²¹ Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 7-нш. 10-варак.

қизил армиянинг 40000 кишилиқ мунтазам ҳарбий қисмлари БХСР ҳудудида доимий сакланади ва улар миллий муҳолифот кучларини бостиришда катта роль ўйнайди³²².

Бухорода миллий қўшинни ташкил қилишда БХСР ҳарбий ишлар нозири ва БХСР Нозирлар Шўроси раисининг ўринбосари Абдулҳамид Орипов муайян даражада хизмат қилган. У 1921 йилда Карманада ҳарбий мактаб ташкил қилиб, маҳаллий халқдан зобитлар тайёрлашни йўлга қўяди. Аммо, совет ҳокимиятининг таъқиб ва тазйиклари сабабли А.Орипов 1922 йил 23 мартда Бухородаги қуролли муҳолифот сафига ўтиб кетади.

Хуллас, Бухоро ва Хоразм Республикаларида миллий қўшин тузиш ишлари совет ҳокимиятининг кескин қаршилиги ва тазйиклари туфайли муваффақият қозонади. Марказ вакиллари ва большевикларнинг талаби билан бу ҳудудларда ҳам худди Туркистонда бўлгани каби қизил армия қисмлари саклаб турилди ва улар ёрдамида қуролли маҳаллий муҳолифотга қарши жанглар олиб борилди.

Совет ҳокимияти ва унга хизмат қилган қизил армиянинг зўравонлик ва талончилик ҳаракатлари ҳақли равишда маҳаллий аҳолининг кескин қаршилигига дуч келди. 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти зўрлик билан ағдарилгач, Фарғона водийсида норозилик ҳаракатлари бошланиб, бутун Туркистонни қамраб олди.

Мазкур ҳаракат иштирокчилари томонидан ўртага ташланган «Мустақил Туркистон учун!», «Туркистон – туркистонликлар учун!», «Большевикларсиз ва советларсиз Туркистон учун!», «Йўқолсин совет ҳокимияти!», «Ҳамма Туркистон истиқлоли учун курашга!» каби шиорлар бу кучларнинг асосий мақсадларини ақс эттириб турар эди. Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат оммавий тус олган давр асосан 1918–1924 йилларни қамраб олган бўлса-да, аслида бу ҳаракат 1935 йилгача давом этди.

Бу ҳаракат ўз жуғрофий доирасига кўра, 3 ҳудудни – Тур-

³²² *Ражабов Қ.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли// *Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари.* Тошкент: Шарқ, 2000. 197-бет.

кистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикаларини қамраб олди. Туркистонда бу курашнинг бошланишига большевикларнинг ўлкада юритган мустамлакачилик ва шовинистик сиёсати сабаб бўлди. Айниқса, совет ҳокимиятининг хусусий мулкни тугатиш тadbирлари, озик-овкат таксимоти ва ғалла монополияси, ислом динининг чекланиши ва атеизм тарғиботи, масжид, мадраса, хусусий мактаб ва қозихоналарнинг бекитилиши, мажбурий меҳнатнинг жорий қилиниши, бозорларнинг ёпилиши ҳамда кизил армия жангчиларининг талончилик ва босқинчилик сиёсати бу ҳаракатнинг янада кескин ва оммавий тус олишига олиб келди.

Мазкур кураш иштирокчилари орасида жамиятнинг турли қатлам вакиллари (деҳқонлар, чорикорлар, хунармандлар, қосиблар, мардикорлар, савдогарлар, бойлар ҳамда уламолар) бор эди.

Курашчиларнинг миллий таркиби, асосан, туб жой аҳоли – ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоклар, қорақалпоқлар, қисман уйғурлардан иборат бўлган. Шунингдек, оз миқдорда бўлса-да, европаликлар (руслар, украинлар ва бошқа халқлар вакиллари) ҳамда таниқли тараққийпарвар Аҳмад Закий Валидий томонидан юборилган айрим бошқирд ва татар ҳарбийлари ҳам бу ҳаракатга қўшилдилар.

Ўз сиёсий мақсадларини тобора қатъий илгари сура бошлаган бу муҳолиф қучлар ҳаракати кескин ҳарбий тус олиб борди. Айниқса, Фарғонада бу ҳаракат уюшган тус олган эди.

Совет ҳокимиятига қарши муҳолиф қучларнинг қўмондонига Фарғона водийсида бўлган қўрбошилар қурултойида «Амир ал-муслимин» кейинроқ эса «Амир лашқарбоши» ҳарбий унвонлари берилган. Қўмондоннинг ўринбосарлари йирик қўрбошилар бўлиб, улар «лашқарбоши» деб аталган. Қўрбошилар қўшинининг махсус байроғи (ялови), туғи ва муҳри бўлган. Қўшиндаги йигитлар махсус либос кийишган ва ҳарбий мусика марши остида турли ҳарбий машқларни бажаришган.

Қўшин асосан халқ орасидан чиққан йигитлардан (Бухорода қисман амир сарбозларидан) иборат бўлиб, уларнинг аксарияти ҳарбий тайёргарликсиз жанг майдонларига кирган-

лар. Қизил аскарларга қарши ялпи ҳужумга ўтганда туркий халқларда мавжуд бўлган қадимги анъанага кўра, қўшин ўнг ва сўл қанотлар ҳамда марказга ажратилган.

Мавжуд шарт-шароитлар ва ҳарбий-сиёсий вазият тақозоси билан кўзғолончилар қўшини кўпинча муайян кўрбошилар гуруҳлари бошчилигида жангларда партизан уруши тактикаси (усули)ни қўллаганлар. Партизанлик усули бутун ҳаракат тарихи даврида етакчи рол ўйнаган. Бундан ташқари, кўзғолончилар майдон жанги, қуршовга олиш ва муқобил тўқнашув каби жанг шакллари билан қизил аскарларга қарши кураш олиб боришган³²³.

Қўшин тузилиши худди хонликлар давридаги анъаналарга асосланган бўлиб, кўмондоннинг ўринбосарлари «лашкарбоши», ундан кейин турадиган нуфузли ҳарбий раҳбарларга «аскарбоши», «кўрбоши», «тўксабо», «тўпчибоши», «қоровулбеги», «мингбоши», ўртача даражадаги сардорлар – «понсод», кўрбошиларга «понсодбоши», «юзбоши», «ўнбоши» ва бошқа ҳарбий унвонлар берилган³²⁴.

Минтаканинг турли ҳудудларида ҳаракат қилган йирик кўрбошиларнинг махсус қароргоҳларида қўшин Ўрдаси (Ўрдуси) жойлашган эди. Ўрдада қўшиннинг асосини ташкил қилган ҳарбий кучлар кўним топган. Ўрда атрофи муҳофаа тизими билан ўраб олинган.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш ўта мураккаб, кучлар нотенг шароитда олиб борилганлиги, моддий етишмовчилик, коммуникация ва қурол-яроғ етишмовчилиги, ташкилий, молиявий муаммолар, етакчи шахслар орасидаги келишмовчилик ва низолар, большевикларнинг кескин репрессив чоралари, уларнинг оиласига зўравонликлар, махсус хуфия, жосус ва айғокчилар ёрдамида ҳаракатни ичидан парчалаш, тарқоқлик ва ўзаро ихтилофларни янада авж олдириш сиёсати қаршилиқ фронтини заифлаштирди. Бу кураш 1924 йилгача фаол давом этди, 1924 йилда Туркистон парчалан-

³²³ Раҳимов Қ. Кўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ва қўшин бошқаруви // «Муҳофаза». 2005. №3.16–18 бетлар.

³²⁴ Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати архиви. П-577051, 1-жилд (уч жилдлик), 75-варак.

гач, бу ҳаракат бостирилди, унинг иштирокчилари шафқатсиз жазоланди, аммо 1935 йилгача кичик гуруҳлар ҳаракати тўхтамади.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ҳарбий қўшин масаласи. 1924 йил охирида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида 1925 йил феврал ойида ташкил этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси худудий жиҳатдан янги чегараларга эга бўлсада, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан марказга қарам мамлакатлигича қолди.

1925 йил 13–17 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида декларация» асосида шаклланган бошқарув органлари тизимида ҳарбий ишлар ёки муҳофаа ишлари бўйича комиссарлик йўқ эди. Республиканинг ҳарбий ишлари ва муҳофаа масалалари Марказ тасарруфида эди.

1926 йил 4 июнда Туркистон fronti тугатилиб, унинг асосида Ўрта Осиё ҳарбий округи (САВО) ташкил этилади³²⁵. Марказнинг ҳарбий штаби ва асосий тузилмалари Тошкент шаҳрида жойлашади³²⁶.

Республикада совет армияси учун ҳарбий мутахассислар тайёрлаш мақсадида 1918 йил 12 июлда Тошкентда Туркистон совет командирлари курси очилади³²⁷.

Совет ҳокимияти қизил армия сафларида мафкуравий ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришга зўр бериб ҳаракат қилади. Аскарларга коммунистик мафқурани сингдириш мақсадида совет сиёсатини тарғиб этувчи даврий нашрларни чоп эттириш йўлга қўйилади. Совет армияси маҳаллий аҳоли томонидан мутлақо қўллаб-қувватланмаслиги, унга қарши муҳолиф кучлар қаршилиги ортиб бориши со-

³²⁵ Краснознаменный Туркестанский. – М.: Воениздат, 1976. С.128.

³²⁶ Ўрта Осиё ҳарбий округи фашизмга қарши кураш тугагач, 1945 йил 9 июлда Дашт ва Туркистон ҳарбий округларига ажратилган.

³²⁷ Бу курс 1919 йили Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби деб ўзгартирилган. 1922 йилдан у Туркистон командирлар таркибини тайёрлайдиган бирлашган мактаб, 1943 йилдан Тошкент инда аскарлар билим юрти номи билан юритилган ушбу билим юрти 1958 йилдан Умумқўшин командирлари олий билим юрти деб номланган.

вет ҳокимиятини ташвишга солди. Буни бартараф этиш мақсадида қизил армияга маҳаллий аҳолини мажбурий сафарбар этиш тадбирлари бошланди. 1923 йил октябрдан қизил армия қисмларида миллий ҳарбий қўшилмалар тузишга киришилди. Туркистон фронти ҳарбий қисмларида ўзбек, туркман, қозоқ, тожик ва қирғизлардан иборат миллий ҳарбий қисмлар тузиш ҳаракати бошланди.

Аммо, бу ҳаракат натижа бермади, чунки маҳаллий аҳоли орасида қизил армия ўз талончилиги билан салбий таассурот қолдирган эди. 1925 йил февраль ойидан қизил армияда миллий ҳарбий қисмларни шакллантириш учун аҳоли ўртасида тарғиботга зўр берилади. 1920-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда ўзбек отлиқлари полки ташкил этилади. 1921–1924 йилларда Хоразм Республикасида ҳарбий ишлар нозир ва нозир муовини лавозимида ишлаган Миркомил Миршаропов 1925–1929 йилларда Москвадаги ҳарбий академияни тугатгач, Самарқанддаги алоҳида Ўзбек отлиқ аскарлар полкининг командири ва комиссари (1929–1936), 19-тоғли отлиқ Ўзбек дивизияси қўмондони ва комиссари (1932–1935) каби масъул ҳарбий лавозимларда ишлаган³²⁸. М. Миршаропов ўз дивизиясида ўзбек аскарлари кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор қаратган.

Бу даврда Ўзбекистондаги маҳаллий коммунистлар марказ олдида республика манфаатларини қатъий талаб қилишлари совет ҳукуматини ташвишга солади. Ўзбек дивизиясига орқа қилиб, Ўзбекистон ССР ўз мустақиллиги ва суверенитетини талаб қилишдан қўриқиб, М. Миршаропов хибсга олинади. Ўзбек дивизиясининг маҳаллий етакчилари республика сиёсий ҳаётидан четлатилади. М. Миршаропов Мўғулистон Республикасига ҳарбий маслаҳатчи қилиб жўнатилади³²⁹.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан 1937 йил март – 1938 йил ноябрь ойларида ўзбек дивизиясининг барча

³²⁸ *Миршаропов М.* // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.6. – Тошкент, Ўз МЭ нашриёти. 2003. 11-б.

³²⁹ Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлик хизмати архиви, П-24056, 1–3 жиллар.

кўзга кўринган аскарлари ва командирлари камокка олинди. 1938 йил 4 октябрда Тошкент атрофидаги қатлгоҳларнинг бирида М. Миршаропов бошчилигидаги 16 нафар ҳарбий командирлар ва оддий аскарлар отиб ташланди, қолганлари эса турли муддатли камок жазосига ҳукм қилиндилар³²⁹.

ВКП (б) МК 1938 йил 7 мартда қабул қилинган партия қарори асосида барча миллий ҳарбий қисмлар тугатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида совет даврида ҳарбий иш асосан марказнинг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари асосида ташкил этилди ҳамда совет мафқурасини, тузумини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Республикада миллий кўшин ташкил этиш кескин қаршилиққа учради ва бунинг ташббускорлари шафқатсиз жазоланди. Республика ҳарбий қучлари марказ йўриғи ва назорати остида кун кўрган. Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат қатнашчилари қизил армияга қарши кескин қураш олиб борсалар-да, пировардида мағлубиятларга учрадилар. Расман ташкил этилган миллий ҳарбий қисмлар, ўзбек дивизияси ҳам совет давлати томонидан тарқатиб юборилди, уларнинг энг кўзга кўринган вакиллари қатағонга учради.

³²⁹ Бу ҳақда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидан маълумот олиш мумкин.

4.2. Ўзбек халқининг фашизмга қарши курашдаги ҳарбий жасорати

«Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси гоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаси, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақтаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз!»

И.КАРИМОВ

Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг катта фожиаси бўлди. У 1939 йилнинг 1 сентябрида Германиянинг Польшага ҳужуми билан бошланди. Уруш 1 млрд. 700 млн. аҳолига (ер курраси аҳолисининг 80%) эга бўлган 72 давлатни ўз жабҳасига тортди, 6 йил давом этган бу кирғинда 50 млн.дан ортиқ киши қурбон бўлди. У бутун инсоният тақдирига хавф солди ва ушбу хавфдан фақат бутун антифашист кучларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайлигина омон қолиш мумкин эди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси Совет Иттифокига ҳужум бошлайди, бу уруш Ўзбекистон халқлари учун ҳам оғир синов йиллари бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси совет ҳокимияти ёки тузумини эмас, балки фашизмнинг инсоният бошига қандай талафотлар етказётганлигини, унинг инсоният учун қушанда эканлигини англаб етганлиги туфайли фашизмга қарши курашга отланди. Ўша машаққатли уруш йилларини ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, одамлар коммунистик режимни ҳимоя қилиш ҳақида эмас, фашизмнинг тугатилиши ҳақида, унинг инсоният бошига бало эканлиги ҳақида гапирар эдилар. Шу сабабли уруш бошланган куннинг эртасигаёқ, яъни 1941 йилнинг 22–24 июнь кунлари Тошкент, Самарканд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва республиканинг бошқа шаҳарларида кўп минглаб кишилар



Ҳамма нарса фронт учун!

иштирок этган митинглар бўлиб ўтди. Митингларда сўзга чиққан кишилар нутклари фронтда ва фронт орқасида фашист босқинчилари устидан ғалаба қозониш учун ҳамма нарсага тайёрлик руҳи билан суғорилган эди.

Дастлабки кунларда ҳарбий комиссариатларга фронтга жўнатиш ҳақида сўраб ёзилган аризалар ёғилиб кетди. Бу аризалар турли касбдаги, турли миллатга мансуб бўлган эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар томонидан ёзилган эди.

Ўлка аҳолисининг ватанпарварлик анъаналарининг ёрқин намунаси фронтга кўрсатилаётган умумхалқ ёрдами бўлди. Масалан, уруш йилларида ташкил этилган мудофаа жамғармасига 55,7 кимматбаҳо металл ўтказдилар³³⁰. Ўзбекистонда ҳарбий техника қуриш, хусусан танк колонналари ва жанговар самолётлар эскадрилиялари учун маблағлар йиғиш ҳаракати кенг қулоқ ёйди. Мисол тариқасида шуни кўрсатиш мумкинки, биргина «Ўзбекистон колхозчиси» номи танк колоннасининг яратилиши учун республика колхозчилари 1942 йил декабрда ўзларининг шахсий жамғармаларидан 260 млн. сўм пул тўплаб бердилар. Самарқанд вилояти меҳнаткашлари қисқа вақт ичида 100 млн. сўмга яқин маблағ тўпладилар.

³³⁰ ЎЗР ИАА. ф.58. оп.25. д.12. в.70.

Аскарлар учун иссиқ кийимлар тўплаш ва жўнатиш ҳам Ватан ҳимоячиларига кўрсатилган оталарча ғамхўрликнинг ёркин намунаси эди. Фақат урушнинг дастлабки олти ойи давомидагина республика аҳолиси фронтга пахтали кийимлар, пўстинлар, этиклар, кўлқоплар, жун пайпоқлар ва бошқа иссиқ кийимлар юбордилар. Республикадаги 75 та корхона фронтга иссиқ кийимлар тайёрлаш билан банд бўлган.³³¹

Ўзбекистон Совет Иттифокининг ҳарбий иқтисодиётида муҳим ўрин тугарди. Республика фронтга одам ва моддий ресурслар етказиб берувчи, стратегик хом-ашё ва турли жанговар техника, қурол-яроғлар, ўк-дори ва анжомлар етказиб берувчи энг муҳим район эди. Уруш бошланиши биланок қисқа муддат ичида маҳаллий саноат ҳарбий изга кўчирилди ҳамда Россия, Украина, Белорусия, шунингдек, СССРнинг бошқа минтақаларидан кўчириб келтирилган 100 дан ортиқ саноат корхоналари жойлаштирилиб, ишга туширилди. Ўзбекистонликлар ҳаракатдаги армияни барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар. Жумладан, ўлка саноати ишчилари 27,379 минг



Ўзбекистонга жўнатилган болалар.

³³¹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.288.



Фронт учун тайёрланган харбий самолётлар.

сўмли самолётлар, 1,5 млн сўмли танк ва бошқа турли харбий анжомларни етказиб бердилар³³².

Ана шу оғир йилларда ўзбек халки мамлакатнинг душман томонидан вақтинча босиб олинган худудларидан келган аҳолига ўз кучоғини очди. Уруш даврида Ўзбекистонга Россия, Украина, Белорусия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан хаммаси бўлиб 1 млн. дан ортиқ фуқаролар келдилар. Уларнинг 200 минги болалар эди. Уларнинг барчаси меҳр-муҳаббат билан кутиб олинди ва ўзбек халқининг ғамхўрлиги, меҳмондўстлиги туфайли ҳаётлари сақлаб қолинди.

Харбий ҳаракатлардаги иштирок. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 433 230 киши иштирок этган. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов қайд этиб ўтганидек «...бир қараганда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин... Қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 млн. киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади»³³³.

³³² Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.215

³³³ *Ислоҳ Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 80-бет.

Кўлида қурол билан душманга қарши жанг қилган ўзбекистонлик жангчиларнинг умумий таркибидан 263 005 киши, яъни 21 фоизи ҳалок бўлди, 132,670 киши, яъни 10,8 фоизи дараксиз йўқолган, 395 725 киши, яъни 27,61 фоиз Ватанига қайтмаган, 60452 нафар ҳамюртимиз ногирон бўлиб қолган. «Бу машъум уруш туфайли, – деб таъкидлайди Ислоҳ Каримов, энг қаида 400 минг оила бевосита айрилиқ азобиға дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган»³³⁴.

Урушнинг дастлабки, энг оғир даврида Ўзбекистонда 21, 44, 83 (кейинчалик 12-гвардия) отлик дивизиялари, Туркистон тоғ-ўкчи дивизияси ташкил этилди. Умуман, уруш бошлангандан сўнг ўтган бир ярим йил ичида Ўрта Осиё ҳарбий округида 109 та ҳарбий қисм тузилди. Улардан 59 та дивизия ва бригада ҳаракатдаги Армияға ва Олий Бош Қўмондон ставкасининг резервиға жўнатилди³³⁵.

Москва учун жанглар бораётганида мамлакатнинг барча бурчакларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам пойтахт мудофаачиларига ёрдам келиб турди, ҳарбий эшелонлар жўнатилди. Нағижада химоячиларнинг қучлари кундан-кунга ортиб борди. Бунинг акси ўларок, босқинчиларнинг ҳарбий қучлари ҳолдан тоя бошлади.

Москва химоячилари сафидан Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб ўрин эгалладилар. Масалан, Ўрта Осиё ҳарбий округида тузилган 316-ўкчи дивизия мудофаа жанглари давомида мислсиз қахрамонлик кўрсатди. Унинг қўмондонлик ва сиёсий таркиби ўзагини Тошкент умумқўшин ва ҳарбий-сиёсий билим юртрларининг 180 нафар битирувчиси ташкил этар эди. Дивизияға генерал-майор Иван Панфилов қўмондонлик қилди. И. Панфилов урушғача Тошкент ҳарбий билим юртида тактикадан сабоқ берар эди. Унинг қўмондонлиги остида дивизия сон жиҳатдан устун бўлган душман қўшинлари билан мардларча жанг қилди. Жанговар ҳаракатлар давомида пан-

³³⁴ *Ислоҳ Каримов*. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 80-б.

³³⁵ *Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны*. Т.: Фап, 1981. Т.3. С.312.



Ҳарбий жасорати учун мукофотланган ўзбек ўғлонлари.



Кизил Юлдуз ордени соҳибаси
Зебихон Ғаниева.

филовчилар душманнинг 114 та танки, 25 мингдан ортиқ аскар ва зобитини, 5 та самолёти ва бошқа техникасини йўқ қилдилар³³⁶.

Ўрнак кўрсатган гвардиячи-панфиловчилар орасида кўплаб Ўзбекистон ўғлонлари бор эдилар. Взвод командири Икром Жалилов, ҳарбий врач Ғулом Абдукаримов, Мамадали Мадаминов, Абдулла Тоғаев, Гуркин, Пилюгин, Галкин, Какулия ва бошқа юртдошларимиз шулар жумласидан эди.

Москва остонаси фронтларида ўзбек халқининг жасур кизлари ҳам мардона жанг қилдилар. Улар жумласидан Зебихон Ғаниева 28 фашистни

³³⁶ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фап, 1981. Т.3. 316-б.

йўқ килди. Ботирлиги ва жасурлиги учун у Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Немисларнинг Москва остонасида тор-мор этилишининг улкан аҳамиятини ҳисобга олиб, Совет ҳукумати «Москва мудофааси учун» номли махсус медаль таъсис этди³³⁷. Ушбу медаль билан тақдирланганлар орасида 1753 нафар ўзбекистонлик жангчи бор эди. Бундан ташқари, Москва остоналарини мудофаа қилган кўплаб ўзбекистонликлар жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

1942 йил октябрь ойида ўзбек халқи фронтда жанг қилаётган ўзбек аскарларига хат билан мурожаат қилди. Хатга 2412 минг киши имзо чеккан эди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбек халқининг шонли анъаналарига содиқ бўлинг, жангда ботир ва кўркмас бўлинг!».

Республика, мамлакат тақдиридан чуқур ташвишга тушган, жонажон юртларининг осойишталигини сақлашга интилган ҳолда, Ўзбекистон вакиллари ўз юртдошларининг ишончларини тўла оқлашга муваффақ бўлдилар. 1942 йилнинг ёзи ва кузидаги оғир мудофаа жанглари кунларида улар бошқа иттифокдош республикалардан келган жангчилар билан бирга ўз ҳаётлари эвазига фақат ҳужум қилаётган душманни тўхтатибгина қолмай, балки бутун Иккинчи жаҳон урушининг боришида юз берган стратегик бурилшига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбекистонлик жангчилар Кавказни мудофаа қилишда ҳам юксак ҳарбий маҳоратларини намойён этдилар. Масалан, Тошкентда Собир Раҳимов кўмондонлигида ташкил этилган дивизия фронтнинг асосий участкаларидан бирида душман қўшинларининг олға силжишини тўхтатиш ҳақида буйруқ олди. 3 ой давом этган жанглarda Собир Раҳимов дивизияси душманнинг 8 минг аскар ва зобитларини йўқ қилди. «Кавказ мудофааси учун» медали билан мукофотланганлар орасида 2974 нафар ўзбекистонлик жангчининг борлиги Ўзбекистон вакиллариининг фидокорона хатти-ҳаракатларидан далолат беради³³⁸.

³³⁷ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.331.

³³⁸ Ўша ерда. 342-б.



Ўзбекистонлик жангчилар машқда.

Волга ва Дон қирғокларида душман билан бўлиб ўтган жангларда Ўзбекистон вакиллари Ватан учун олиб борилган мукаддас уруш йилномасига ёркин саҳифалар бўлиб кўшилган ишларни амалга оширдилар. Хусусан, аёвсиз жанглар кучайган пайтда фронтга келган 90 ва 94-ўкчи бригадалар жангчилари ана шундай жасоратни намоён этдилар. Бу бригадалар республиканинг Самарканд ва Фарғона вилоятларида тузилган эди. Миллий қисмлар сифатида бригадалар, асосан, маҳаллий миллат вакилларидан ташкил этилган эди. Масалан, 90-бригаданинг 90 фоизини ўзбеклар ташкил этар, 94-бригадада эса командирларнинг 25 фоизи, кичик командирлар таркибининг 95 фоизи, оддий аскарларнинг 96 фоизи ўзбеклардан иборат эди. 90-бригадага подполковник Фомиченко қўмондонлик қилар, сиёсий бўлим бошлиғи эса Васи Умаров эди. 94-бригаданинг командири полковник И.А. Краснов, комиссари Мунир Рахматулин эди. Волгадаги аёвсиз жанглар пайтида 90-ўкчи бригаданинг артиллерия қўмондони этиб Н. Норхўжаев тайинланди ва у кейинчалик генерал-лейтенант унвонига сазовор бўлди³³⁹.

³³⁹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фап, 1981. Т.3. С.340.

Курск ёнидаги ғалаба ва совет кўшинларининг ундан кейинги ҳужуми иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясади. Стратегик ташаббус тўлалигича Совет Иттифоки Кўмондонлиги кўлига ўтди ва уруш охиригача сакланди.

Орлов-Курск жангида Совет Иттифоки Қаҳрамонлари Аҳмаджон Шукуров, Вольдемар Шаландин, Мансур Абдуллин, Атоулла Солихов, орден соҳиби Зилмат Ҳусанов кабилар фидокорлик кўрсатдилар. Уларнинг ҳарбий жасоратлари Марказий, Воронеж ва Чўл фронтларидаги юз минглаб жангчилар учун илҳомлантирувчи намуна бўлиб хизмат қилди. Масалан, фарғоналик собик пахтакор, пулемётчи Аҳмаджон Шукуров озод қилиш учун бўлган қаттиқ жанглар давомида 110 нафар фашистни яқсон қилди, 15 нафарини асир олди. Унинг шарафига рус кишлоғи Золотаревка Шукуровка деб ағала бошланди. З. Ҳасанов ҳам мана шу тупроқда ўз қаҳрамонлигини кўрсатди. 80 нафар гитлерчи билан тенгсиз жангга киришиб, уларнинг 60 нафарини ер тишлатди. Ўқлари тамом бўлгандан сўнг З.Ҳасанов ўзини ва бир неча душман аскар ва зобигларини граната билан портлатиб юборди.

Ўзбек халкининг юз минглаб ўғил-қизлари украин халқини фашистлар зулмидан озод қилиш учун бўлган жангларда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатдилар.

Днепрни биринчи бўлиб кечиб ўтганлар сафида андижонлик Қамбарали Дўстматов, унинг хизматдоши қорақалпоғистонлик Қудайберган Шаниязов, Бухоро вилояти Шофиркон туманидан келган Халлоқ Аминов бор эдилар. Масалан, Х.Аминов хизмат қилаётган қисм кечиб ўтишни 22 сентябрда Полесу-Камарин районида бошлади. Полкдошларининг олдинга қараб силжишларини таъминлаш учун Халлоқнинг дарёдан беш марта сузиб ўтишига тўғри келди. Биринчи марта ўтиш пайтида у немисларнинг йирик отрядига дуч келди. Аминов ўзини йўқотмади ва душманнинг траншеялариға гранаталар улоқтирди. Унга ёрдамға етиб келган Вороник ва Исҳоқовларнинг ёрдамида душман йўқ қилинди.

Дарёдан биринчи ва иккинчи эскадронларнинг муваффақиятли кечиб ўтишини таъминлагани ва бунда кўрсатган жасурлиги ва қаҳрамонлиги учун бўлинма командири сержант Халлоқ Аминовға 1944 йил 15 январда СССР Олий Со-

вети Президиумининг фармони билан Қаҳрамон унвони берилди. Х.Аминовнинг юртдоши Шариф Эргашев ҳам олий ҳарбий мукофот билан тақдирланди³⁴⁰.

СССР чегараларини тиклаш ва мамлакатни тўла озод қилишда ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Уларнинг ҳарбий жасоратлари фронтнинг барча участкаларидаги қаҳрамонона халоскорлик юришларида муносиб ўрин эгалади. Масалан, Ленинград остонасидаги жангларда Шароф Рашидович Рашидов, Маъруфжон Маҳмудов, Азиз Василлов, Турсун Бобохонов, Ғайбулла Мусаев, Қобилжон Зокиров каби ўзбек халқининг минглаб жасур ўғлонлари фаол иштирок этдилар.

Украина тупроғида жанг қилган қисмларнинг жанговар сафларида Ўрта Осиё ҳарбий округида тузилган 13-гвардия отлик Ровен дивизияси, 13-янги Украина дивизияси, Корсун-Шевченко операциясида фаол иштироки учун фахрли Корсун дивизияси номига сазовор бўлган 563-отлик дивизия алоҳида ўрнатилди.

Белорус халқини озод қилиш учун олиб борилган жангларда 14-гвардия отлик дивизияси шухрат қозонди.

Бошқа ҳарбий бўлинмаларда ҳам ўзбекистонлик қаҳрамонларнинг сони кўпайиб борди. Жумладан, Беларусияни озод қилиш учун бўлган жангларда сержант Соли Адашев, Рўзи Азимов, артиллериячи М.П. Акилов, капитан П.А. Арэфьев, ефрейтор М.А. Арутюнов, генерал-майор А.И. Баксов, старшина Ирна Хўжаев, капитан Ғулом Ёқубов ва бошқалар Қаҳрамон унвонига мушарраф бўлдилар.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг Болтиқбўйи республикаларини фашист босқинчиларидан озод қилишдаги фидойиликлари фашизмга қарши уруш тарихига ўчмас саҳифа бўлиб қолди. Болтиқбўйи учун бўлган жангларда ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сафи янада кенгайди. Юксак ҳукумат мукофоти билан тақдирланган жангчилар сирасида ўқчи Ўринбой Абдуллаев, старшина Е.И. Иванов, сержант Е.А. Волошин, майор В.А. Виненский, капитан

³⁴⁰ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.332.

А.И. Волков, старшина, С.П. Дадаев, старшина А.И. Шипин, катта сержант Неъматжон Ҳакимов, ўқчи-аёллар О.А. Санфинова, М.Г. Сартлакова ва бошқалар бор эдилар.

Фашизмга қарши курашнинг барча фронтларида бўлгани каби, партизанлик ҳаракатида ҳам ўзбек халқининг фарзандлари фаол иштирок этдилар. Юртдошларимиз Белорусия, Украина, РСФСРнинг ғарбий вилоятлари, Болтиқбўйи ва бошқа халқнинг қаршилик ҳаракати авж олган районларда фашист босқинчиларига қарши мардона курашдилар. Улар партизанлар сафига турли йўллар билан келиб қўшилган, уларнинг партизанлик тақдирлари ҳам ҳар хил бўлган бўлса-да, ўзбекистонлик партизанлар ҳамма вақт ботирлик ва жасурлик намуналарини кўрсатдилар ва фашизмнинг ёвуз кучларига қарши бутун дунёда олиб борилаётган урушдаги ғалабага ўз ҳиссаларини кўшдилар.

Белорусиядаги партизанлик ҳаракати йилномасига Мамадали Толибсадиев, Гаффор Султонов, Турсун Исломов, Евгений Дудков, Холмат Турсунов, Владимир Алехин, Жонибек Отабоев, Охунжон Қаххоров ва белорус тупроғида



Ўзбекистонлик партизанлар.

қаҳрамонона жанг қилган бошқа юзлаб ўзбекистонликларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ёзилди.

Ўзбекистонлик партизанлар Украина тупроғида ҳам ҳарбий жасоратнинг юксак намуналарини кўрсатдилар. Мисол учун, афсонавий Кавпакнинг партизан кўшилмасида ўзбек халқининг 20 нафар ботир ўғлони жанг қилди. Улар орасида Абдулҳамид Сайдалиев катта шуҳрат қозонди.

Европани озод қилишга ўзбекистонлик жангчиларнинг салмокли ўринлари бор.

Улар қаҳрамонона жанглар йилномасига кўплаб ёрқин саҳифалар қўшдилар. Масалан, Польшани озод қилиш учун олиб борилган оғир жангларда Собир Умарович Раҳимов қўмондонлигидаги 37-гвардиячи Речицк ўқчи дивизияси ўрнак кўрсатди. Дивизия командирининг моҳирона ва жадал хатти-ҳаракатлари туфайли дивизия Грудзендзада, Дзялдово ва бошқа поляк шаҳарларида жойлашган йирик таянч пунктларини энг кам галофат берган ҳолда қўлга киритди. 1945 йил мартда Раҳимов дивизияси Данциг деворлари остига яқинлашиб келди. Душман бу ерда 50 мингдан ортиқ аскар, катта миқдордаги артиллерияни ҳамда ҳарбий-денгиз флоти кемаларини тўплаган эди³⁴¹. Жанглар оғир бўлди, аммо С.Раҳимов дивизияси гитлерчилар қўшинлари қаршичилигини енгиб, биринчилар қаторида шаҳарга кирди. Генерал Раҳимов кузатув пунктида туриб операцияга раҳбарлик қилди. Афсуски, у оғир ярадор бўлди ва 1945 йил 25 мартда вафот этди. Раҳимовчилар сеvimли командири ўлими учун душмандан шафқатсиз қасос олдилар.

Ўзбекистонда тузилган 298-гвардиячи ўқчи дивизияси, 128-ўқчи Туркистон дивизияси, 162-Ўрта Осиё, 16-гвардиячи Уман механизациялашган дивизияси, 30-Таганрог ўқчи дивизияси ва бошқалар Жануби-Шарқий Европа халқларини озод қилишдан иборат шонли ҳарбий йўлни босиб ўтдилар. Улар Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехославакияни озод этишда қатнашдилар. Мазкур дивизиялар таркибида ҳаракат қилиб, ўзбекистонлик жангчилар мардлик ва жасо-

³⁴¹ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.312.



Берлинда Ғалаба байроғининг ўрнатилиши.

ратнинг, юксак жанговар маҳоратнинг ёркин намуналарини кўрсатдилар.

1945 йил 2 майда Берлин кулади, 8 майда эса Гитлер Германияси сўзсиз таслим бўлиш ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Фашистлар Германиясининг таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжатни Москвага Берлиндан тошкентлик учувчи Абдусамат Тойматов ўзининг жанговар ўртоқлари билан бирга олиб келди. 9 майда душман қўшинларининг Чехославакиядаги сўнгги гуруҳлари бартараф этилди. Бу ғалаба, Ватанни ҳимоя қилиш ва фашизмдан халос этиш учун олиб борилган оғир ҳамда қонли курашнинг ниҳояси эди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш. 1941 йилнинг ноябрига келиб, Тошкентда 35 та ҳарбий-ўқув пунктлари, Бухорода–16, Когонда–13 та ана шундай пунктлар ташкил этилди. Уларда умумий ҳарбий таълим батальонлари машқ қилар эдилар³⁴². Умуман олганда, уруш йиллари ичида умумий ҳарбий таълим тизимида юз минглаб кишилар ҳарбий сабоқ олдилар.

³⁴² Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фац, 1981. Т.3. С.255.

Республикада ҳарбий тайёргарликнинг бошқа турлари-га ҳам эътибор берилди. Масалан, СССР ХКСнинг 1941 йил 2 июндаги «Аҳолининг ҳарбий ҳаво ҳужумига ва кимёвий ҳужумга қарши умумий мажбурий тайёргарлиги ҳақида»ги³⁴³ қарорига мувофиқ, барча қорхоналар, муассасалар, ўқув юр-ларарида ҳаво ва кимёвий ҳужумлардан ҳимояланиш усуллари-га ўргатувчи гуруҳлар тузилди, таълим муассасаларда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Бундай тузилмаларнинг қомандирлари қисқа муддат-ли курсларни тамомлаган кишилар (195 киши) ёки умуман ҳарбий маълумотга эга бўлмаганлар (124 киши) кишилар бўлиб, уларнинг 60 фоиз рус ва 40 фоиз ўзбек миллатига ман-суб эдилар³⁴⁴.

Жанговар резервларни тўлдиришга республикаимиз ҳуду-дига кўчириб келтирилган ҳарбий академиялар, билим юр-лари ва курслар сезиларли ҳисса қўшдилар. Фрунзе номидаги Ҳарбий академия, Ҳарбий-Тиббий академия, механизация ва моторлаштириш Ҳарбий академияси, Ф. Дзержинский но-мидаги Артиллерия академияси, Биринчи олий штурманлар мактаби, шунингдек, Польша Армияси кўшилмалари шулар жумласидан эди.

Уруш йилларида Ўрта Осиё Ҳарбий Округи ҳудудида ҳаммаси бўлиб 8 та ҳарбий академия, 35 та ҳарбий билим юрти, 19 та авиация мактаби ва кўплаб турли ҳарбий курслар жойлаштирилди.

Тошкент умумқўшин ҳарбий билим юрти Қуролли куч-ларнинг кекса ҳарбий-ўқув юртларидан бири эди. 1941 йил ёзида уни пиёда қўшинлар қомандирларининг биринчи гу-руҳи битириб чиқди. Умуман олганда, уруш йиллари даво-мида ушбу билим юрти 8,5 мингдан ортиқ малакали офицер-лар тайёрлади. Мазкур ўқув юрти вояга етказган офицерлар-дан 43 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга муваффақ бўлди. Улар орасида генерал-полковник А.И. Бал-сов, М.Р. Турсунов, полковник В.В. Карпов, катта лейтенант

³⁴³ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т.: Фан, 1981. Т.3. С.192.

³⁴⁴ Ўша ерда. 192-б.

М. Байрамов ва бошқалар бор эди. Билим юртини битирганлардан 38 киши машҳур ҳарбий саркардалар бўлиб етишдилар, армия генераллари А.А. Лучинский ва Н.Т. Ляченко, генерал-лейтенантлар П.С. Курбаткин ва Ф.Х. Норхўжаев шулар жумласидандир. Харьков танк билим юрти негизида ташкил этилган Тошкент олий қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчилари шарафли жанговар анъаналарни давом эттирдилар. Уларнинг 56 нафари жасурлиги ва қахрамонлиги учун олий ҳарбий мукофот Олтин Юлдуз билан тақдирландилар. Билим юрти кўплаб истеъдодли ҳарбий саркардаларни етиштириб берди. Улар қаторида шон-шуҳрат қозонган қахрамонлар – авиация Бош маршали А.А. Новиков, армия генерали А.И. Белобородов, генераллар П.П. Петуков, Н.Ф. Терехин, Е.В. Хурцев, И.Д. Ивлев ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Берлинни олганлиги учун медали билан 1706 нафар, Германия устидан қозоилган ғалаба учун медали билан 109 208 нафар ўзбекистонлик жангчи мукофотланди.

Европада қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг авж олишида ҳам ўзбекистонликлар ва ўзбек халқининг ёрдами яққол кўзга ташланди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда партизанлар тузилмаларида, Европа давлатларидаги яширинқўпоровчи гуруҳларда 40 мингдан ортиқ СССР фуқаролари катнашган. Уларнинг салмоқли гуруҳини бизнинг юртдошларимиз ташкил этади. Хусусан, урушнинг илк босқичида Ватанидан ажратиб қўйилган ўзбекистонликлар Польшадаги қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатига ҳисса қўшдилар.

Уруш туфайли Италия, Франция, Норвегия, Австрия, Германияга улоктирилган ўзбекистонликлар фашистларга қарши курашда фаол иштирок этдилар. Улар душманга қарши қўпоровчилик ишларини амалга оширдилар, қўлларида қурол билан партизан отрядларида жанг қилдилар. Масалан, Италия гарибальдчилари сафида Степан Опасенко, Аҳмад Мамажонов, Михаил Мирумянц, Владимир Греев, Тургун Қўчқоров, Шарип Саматов, Омон Бердиев, Пётр Колесников ва бошқа юртдошларимиз жанг қилдилар. Француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати тарихига Раҳмон Раҳимов, Сергей Пет-

ров, Насиб Амиров, Сарибой Шомуров, Ҳасан Жабборов, Тожибой Зиёев, Андрей Айрапетов, Ҳошим Исмоилов каби ўзбекистонликларнинг номи мангу битилди.

Фашистлар концлагерлари девори ичида юз берган қаҳрамонлик – Муса Жалил ва унинг сафдошлари, Ўзбекистон фарзандлари Фуат Сайфульмулюков, Гариф Шабаев, Гали Қурбонов, Фарим Султонбеков, Гаффор Фахриддиновларнинг яширин гуруҳининг фаолияти бутун дунёга машхур бўлди.

Ўзбекистонликлар Квантун армиясини яқсон қилишга катта ҳисса қўшдилар. Улар Узок Шарк худудларидаги барча жангларда фаол иштирок этдилар. Масалан, кичик сержант Холдорев кизил байроқли 22-ҳарбий ўқчи дивизиясининг 246-ўқчи полки, 3-ўқчи батальонида хизмат қилиб, жанг пайтида 13 нафар япон солдатини йўқ қилди. Мазкур дивизия жангчилари Арғун дарёсини кечиб ўтган пайтда Гафуров душман дзоти(пулемётлар жойлашган ертўла)ни йўқ қилди ва алоҳида жасорат кўрсатди.

Япония милитаристлари билан бўлган жангларда бизнинг бошқа юртдошларимиз ҳам жанговар фаоллик ва юксак ҳарбий маҳоратни намоён этдилар. Улар орасида генерал-майор Трушин, капитан Калинин, лейтенантлар Н. Латипов, А.А. Каримов, кичик лейтенант У. Дониёров, катта сержант В.И. Зеленский, сержант А. Беряев, кичик сержант Ф. Кулигин, ефрейтор У. Асанов ва Ўзбекистоннинг бошқа ботир ўғлонлари бор эди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик жангчилар фашизм устидан қозонилган ғалабага, Европа ва Осиё мамлакатларини босқинчилардан озод қилишга муносиб улуш қўшдилар. Ўзбекистонликларнинг ҳарбий жасорати Иккинчи жаҳон урушини ғолибона тугаллашга маълум ҳисса бўлди.

СССР ва бошқа кўплаб Европа мамлакатларининг ҳукуматлари ўзбек халқининг ўғил ва қизларининг жанговар ҳаракатлари, фронтлардаги мислсиз мардлиги ва жасоратини юксак баҳолади ва олий ҳарбий мукофотлар билан тақдирлади. 120 минг ўзбекистонлик жангчи орденлар ва медаллар билан мукофотланди, уларнинг 70 минги ўзбек жангчилари ва командирлари эди. 280 нафар ўзбекистонлик жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди, уларнинг

82 нафари ўзбек ўғлонлари эди. Ўзбекистонлик 32 жангчи уч хил даражадаги Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи фронтда катта жасоратлар кўрсатди. Фашизмга қарши курашга нафақат ҳарбий, балки жуда катта моддий ёрдам берди, ҳарбий курул-яроғ, самолётлар, озик-овқат ва кийим-кечак жўнатилди, етим болалар, жароҳатланганлар, эвакуация қилинганларни ўз бағрига олди. Ҳарбий жасорати ва инсоний матонати билан фашизмни яқсон қилишга ўзининг муносиб хисасини қўшди.

4.3. Туркистон Ҳарбий Округининг марказ сиёсий мақсадларини амалга оширишдаги фаолияти

1945 йил майда Иккинчи жаҳон уруши якунланди. Фашистлар ўз мағлубиятини тан олганлиги ҳақидаги акт Берлин яқинидаги Карлхост шаҳрида 1945 йил 8 майда имзолангач, уни Москвага ҳарбий учувчи А.Тойметов етказиб берди.

1945 йил 23 июнда «Ҳаракатдаги армиянинг катта ёшдаги шахсий таркибини қайтариш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. 1945 йил 17 июлда Тошкент шаҳрига ҳарбийларнинг биринчи эшелони қайтиб келди³⁴⁵. Бу жараён 1948 йил бошига келиб тугади³⁴⁶. Армия нафақат демобилизация ҳисобига, балки айрим қисм ва ҳарбий-ўқув юртлири, ҳарбий бошқарув органларининг тарқатилиши ҳисобига ҳам қисқариб борди. Қолган қисмлар ва бирлашмалар тинчлик даври штатларига ўтказилди³⁴⁷.

Бу жараёнлар Туркистон Ҳарбий Округида ҳам амалга оширилди. Фронтдан қайтганлар меҳнат фронтига жалб этилди. Биргина Тошкент тўқимачилик комбинатига 1945–1946 йилларда 865 нафар собиқ фронтчилар ишга тушдилар.

Армияни тинч ҳолатга ўтказиш ва демобилизация жараёнини тезлаштириш мақсадида янги ҳарбий округлар яратилиб, мавжуд чегаралар ўзгартирилди. Мудофаа Вазирлигининг

³⁴⁵ Тюрников В.И. Указ. Соч. С. 23.

³⁴⁶ 50 лет Вооруженных Сил СССР. М.: Воениздат, 1968. С. 475.

³⁴⁷ Ўша ерда, 477-бет.

буйруғи билан 1945 йил 9 июлда Ўрта Осиё харбий Округи 2 қисмга – Дашт Округи (Қозоғистоннинг катта қисмини камраб олган) ва Туркистон Харбий Округи (Ўрта Осиёнинг 4 та республикаси ҳудудларини камраб олган) га бўлинди³⁴⁸. 1946 йил 13 февралда Дашт округи тарқатилиб, унинг ҳудуди Туркистон Харбий Округи таркибига киритилди³⁴⁹.

Кўшин таркиби мунтазам такомиллашиб³⁵⁰, 1950 йилларда янги харбий техника пайдо бўлиши билан ракета кўшинлари ташкил топди, пиёда кўшинлар, танк, артиллерия, хаво-десант кўшинлари, махсус (мухандислик, темир йўл, кимё ва алоқа) кўшинлар сифат жиҳатдан яхшиланди³⁵¹.

1969 йил ноябрда Туркистон Харбий Округи таркибидан Ўрта Осиё Харбий Округи ажралиб чиқди, унинг таркибига Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудлари киритилди. Туркистон Харбий Округи таркибида Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудлари қолдирилди³⁵².

Харбий кадрлар ва чакирувга тайёргарлик. Манбалар таҳлилининг кўрсатишича, урушдан кейинги йилларда харбий илм ва техниканинг ривожланиб боришига қарамай, офицерларнинг харбий низомни билиши ва шахсий қуролдан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермаган. Ваҳоланки бу даврга келиб оммавий қирғин қуроллари пайдо бўлган эди. Шу сабабли уларга нисбатан талаблар кучайтирилган.

Туркистон Харбий Округида офицер кадрлар тайёрлаш билан Тошкент Олий умумқўшн билим юрти, Тошкент олий танк билим юрти (Чирчиқда), Самарқанд Олий автомобиль билим юртлари шуғулланган. 1943–1960 йилларда Тошкентда Суворов номи харбий билим юрти фаолият кўрсатган. Биринчи ўзбек космонавти В.А.Жонибеков, жаҳон ва республика ҳамда Олимпия ўйинлари чемпиони боксчи Попченко шу билим юртини тамомлаганлар.

Аммо шунча билим юрти фаолият юритган бўлишига қарамай, маҳаллий вакиллардан офицерлар жуда кам тайёр-

³⁴⁸ Ўзбекистон Совет энциклопедияси. Тош., 1978. 11-жилд. 382-б.

³⁴⁹ Ўша ерда, 382-б.

³⁵⁰ Краснознаменный Туркестанский. С. 419.

³⁵¹ 50 лет Вооруженных Сил СССР. С. 506–507.

³⁵² Ўзбекистон Совет энциклопедияси. 11-жилд. 382-б.

ланган³⁵³. Туркистон Ҳарбий Округининг асосий ҳарбий таълим маскани Тошкент Олий умумқўшин билим юрти эди. Бу билим юртида 1950–1960 йилларда маҳаллий кадрлар вакилларидан атиги 10 нафар офицер, 2 нафар генерал майор ва 3 та генерал лейтенант етишиб чиққанлиги бу масаладаги вазиятни яққол намоён этиб турар эди.

Ўрта Осиёдан, шу жумладан, Ўзбекистондан Совет армиясига ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун Ҳарбий денгиз Флоти, Ҳарбий-ҳаво Кучлари, Ҳаво десанти кўшинлари, ДХК кўшинлари, фахрий қоровул ротаси каби ҳарбий қисмларга йўл ёпик эди. Бунинг сабаблари сифатида уларнинг рус тилини яхши билмаслиги, техник ва жисмоний тайёргарликлари талаб даражасида эмаслиги каби ҳолатлар важ қилиб кўрсатилса-да, аслида бу сиёсат совет ҳокимиятининг уларга нисбатан ишончсизлиги ва минтақани ўз измида сақлаб туриш учун юқори малакали ҳарбийлар тайёрлашга имкон бермаслик мақсадлари билан изоҳланар эди.

Айнан шу туфайли Ўрта Осиёдан, хусусан, Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилувчилар жанговар тайёргарлик талаб этилмайдиган, асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланиш кўпроқ талаб этиладиган ҳарбий-қурувчилик, инженер-сапёрлик, автомобиль кўшинлари, таъмирлаш, темир йўл каби қисмларга чақирилар эди.

Совет-афғон урушининг бошланиши билан Ўрта Осиё йигитларига эътибор кучайиб кетди. 1979 йилнинг декабрь ойида собик Иттифок Мудофаа вазири Д. Ф. Устинов Афғонистонга 75000 кишидан иборат совет кўшинлари юборилиши ҳақида қарор қабул қилингани ҳақида Бош штабга хабар беради. Мудофаа вазирининг кўшин гуруҳларини шакллантириш ҳақида кўрсатмасига асосан тузилган оператив гуруҳ Термизга етиб келиб, ишга киришади. Туркистон ҳарбий округи бошқармасидан 40-армияни давлат бошқармасига ажратиш учун кўрсатма берилади. Армия қўмондони этиб Туркистон ҳарбий округи кўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Й. В. Тухаринов тайинланади. 40-армия-

³⁵³ Краснознаменный Туркестанский. С. 313.

нинг қисмлари ва қўшилмалари жуда қиска фурсатда – 10–12 кунда шакллантирилди.

Қўшин гуруҳларини шакллантиришда 100 га яқин қўшинлар, қисмлар, муассасалар жалб этилди. Қўшинлар таркибини тўлдириш учун захирадан 50000 дан ортиқ офицерлар, сержантлар ва солдатлар чақирилди. Халқ хўжалигидан 8000 га яқин автомобиллар ва бошқа техникалар ажратилди. Бундай сафарбарлик тадбирлари Туркистон Ҳарбий Округида иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтказилмаган эди.

Округ захирасидаги офицерларнинг тайёргарлиги талабга жавоб бермас, чақирилган офицерларнинг 70% и армияда умуман хизмат қилмаган, олий ўқув юртлиридаги ҳарбий кафедраларда таълим олган кишилар эди.

Афғонистонга киритилган қўшинлар орасида Туркистон Ҳарбий Округи ва Ўрта Осиё Ҳарбий Округи қўшинлари таркибида бўлган 40-армиядан ташқари ҳаво десанти қўшинлари дивизияси ва алоҳида полки, штурмчи десант бригадаси, Ҳарбий-ҳаво кучлари жанговар авиациянинг бир нечта полклари, жанговар ва транспорт вертолётлари, полklar, марказнинг хизмат кўрсатувчи қисми бор эди. Бу қўшинлар «Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари контингенти» деб номланади.

Афғонистонга киритилган совет қўшинларининг сони йил сайин ортиб боради ва 1985 йилга келиб, 108,8 минг (ҳарбий хизматчилар 106 минг) кишига етади, ҳарбий қисмлардаги контингент 73,6 минг кишини ташкил қилган. Совет қўшинлари афғон армияларининг қисмлари ва бўлинмаларига Сарандой (Афғонистон ИИВ) хавфсизлик хизмати билан биргаликда барча магистрал автомобиль йўлла-рининг химояси топширилган эди. Шунингдек, Совет Иттифоқи фуқаролари, маслаҳатчилари ва мутахассисларига Совет-Афғон иктисодий ҳамкорлиги объектлари (Жаркудук ва Шибирғондаги газ саноати, Суруби, Наглу, Пули Хумри ва Кобулдаги электростанциялар, Мозори Шарифдаги азот ўғитлари заводи, Саранг довоидаги туннель) ни ва шунингдек, Қобулдаги бир қанча ўқув муассасаларини кўриклаш топширилган.

Афғонистонга киритилган совет армияси махсус бўлин-

малари – мусулмон батальонлари асосан Ўрта Осиё маҳаллий аҳолиси – ўзбек ва тожик офицерлари ҳамда солдатларидан ташкил этилган. Шунингдек, батальон таркибида туркманлар, козоклар, қирғизлар, уйғурлар, татарлар ва кавказ халқлари вакиллари ҳам бор эди. Мусулмон батальонлари афғон ҳарбий кийимларида бўлганлар, уларга кейинчалик совет армияси кийимлари берилса-да, ҳеч қандай нишон тақилмаган. Совет-афғон уруши ўзбек халқига катта талафот етказди, юзлаб оилалар фарзандлари, оталаридан жудо бўлдилар, кўплаб кишилар яраланиб, мажруҳ бўлиб қолдилар.

Туркистон Ҳарбий Округи совет армиясининг Ўзбекистондаги қўшинлари сифатида Совет Иттифоқининг жанубий сарҳадларини қўриқловчи, совет ҳукумати ҳукмронлигини таъминловчи, ҳукмрон мафкурага хизмат қилувчи асосий куч бўлган. Унинг моддий таъминоти, ҳарбий, сиёсий бошқаруви ва гоаявий-ташкилий бошқаруви марказ томонидан амалга оширилган. Туркистон Ҳарбий Округи худди республикадаги бошқарув тизими каби буткул марказ тасарруфи ва ихтиёрида эди.

4.4. Совет ҳокимиятининг инкирози ва армиядаги салбий ҳолатлар

XX асрнинг 80-йиллар охирида собиқ Совет Иттифоқида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда инкирозли ҳолат юзага келиб, вазият кескинлашди. Ишлаб чиқариш пасайиб, бюджет тақчиллигининг кучайиши, сиёсий парокандалик, ишсизлик, миллий муносабатларнинг кескинлашуви, саноат маҳсулотларининг етишмаслиги ва сифатсизлиги, аҳолининг энг зарур, ҳаётий эҳтиёжлари таъминланмаганлиги инкирознинг асосий кўрсаткичлари бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий таназзул билан бир қаторда демографик вазият, миллатлараро муносабатлар, ҳукмрон мафкура таназзули ва сиёсий вазият ҳам кескинлашиб, ҳокимиятга нисбатан ишончсизлик кучайиб кетди. Бундай шароитда узок йиллар давомида амалга ошириб келинган ногўғри миллий сиёсат натижасида СССРда этник ва миллатлараро можаролар авж олди.

Совет армияси сафларида ҳам салбий ҳолатлар ва муаммолар авж ола бошлади. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида армияда авж олган низомга зид муносабатларнинг 40 фоизи миллатлараро зиддиятлар натижасида вужудга келган эди. Совет армиясидаги тил муаммоси ҳам тўғри ҳал этилмаган эди. Туркистон ҳарбий округи қисмларида рус тилини яхши билмайдиган маҳаллий ҳарбий хизматчилар жуда кўп муаммолар ва камситишларга дуч келардилар.

Ҳарбий хизматчилар таркибидаги этник таркибидаги номутаносиблик ҳам катта муаммо эди. Муддатли хизмат аскарларнинг кўпчилиги, аниқроғи 1985 йилда 49 фоизи, 1989 йилда – 60 фоизи Ўрта Осиё вакиллари эди, аммо бутун совет армиясида Ўрта Осиё вакилларидан офицерлар жуда кам эди.

Совет ҳокимиятининг миллий масаладаги шовинистик сиёсати армияда ҳам изчил амалга оширилганлиги Ўзбекистонда ҳарбий масалага муносабатда кескин намоён бўлган. Ҳарбий кадрлар тайёрлашда ўзбек ўғлонларининг асосан қурилиш батальонларга олиниши, юқори малакали ва жанговар кучларни тайёрлашда маълум чекловлар борлиги, ҳарбий билим юртларига маҳаллий миллатларнинг ниҳоятда кам қабул қилиниши шу сиёсатнинг натижаси эди.

Совет ҳокимияти миллий ҳарбий кадрларни тайёрлашга атайин эътиборсиз қараб, маҳаллий кадрлардан юқори малакали ҳарбий мутахассислар кўпайишига йўл қўймастик сиёсатини олиб борди. Ўша даврда иттифокчи республикалар орасида ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг кўпчилиги ўзбекистонлик ёшлар бўлиб, республикадан ҳар йили совет қурулди кучлари сафига 320 мингдан зиёд йигит чақирилар эди. Чақирилувчиларнинг аксарияти маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, уларнинг деярли 25–30 фоизи «жисмоний тайёргарлиги етарли эмас», «рус тилини яхши билмайди» каби ваз-баҳоналар билан қурилиш батальонларига жўнатилган.

Совет ҳокимиятининг ҳарбий соҳада миллий кадрлар тайёрлашга шовинистик муносабати 1986–1989 йилларда Ўзбекистондан жўнатилган чақирилувчиларнинг бешдан бир қисмидан кўпроғи қурилиш батальонларига жалб этилганлиги ҳақидаги қуйидаги маълумотларда яққол намоён бўлади:

**Қурилиш батальонларига Ўзбекистондан жўнатилган
чақирилувчиларнинг сони хақида маълумот**

Йил	Чақирилувчиларнинг умумий сони	Қурилиш батальонларига жўнатилганлар	
1986	172 778	36 429	21.1%
1987	166 447	34 369	20,6%
1988	154 719	33 762	21.8%
1989	156 230	30 888	19.7%
1990	136 454	19 027	13.9%
1991	100 582	10 867	10,8%

Тарихий маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, Ўзбекистонлик йигитлардан иборат қурилиш батальонлари нафақат республикада, балки ундан ташқарида ҳам ҳарбий хизмат давомида жуда кўп қурилиш объектларида меҳнат қилганлар¹⁵⁴. Хусусан, 1989 йилда улар томонидан Туркистон Ҳарбий округи ҳудуди доирасида қурилиш режалари 100% дан ортириб бажарилган. Натижада ҳарбий қурувчилар кучи билан 41 та уй-жой, 8 та ётоқхона, 7 та ошхона, 2 та клуб, 3 та боғча, 2 та ҳаммом қурилган. Арманистон ҳудудида режалаштирилган қурилиш ишлари ҳам яқунланган. Булардан ташқари техник воситалар сақлаш учун 67 та бино, омборхоналар, сабзаёт омборлари, даволаш муассасаси, 8 та дўкон, 4 та казарма, ётоқхоналар қурилган. Қурилиш батальонларига жўнатилганлар сонининг 1990–1991 йилларда камайиб бориши Ўзбекистон ҳукуматининг бу сиёсатга чек қўйиш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ эди.

Олий ҳарбий билим юртларида миллий офицер кадрлар тайёрлаш ундан ҳам коникарсиз ахволда бўлганлиги, битирувчилар орасида маҳаллий миллат вакилларининг сони жуда

¹⁵⁴ «Об итогах выполнения планов строительства подрядным и хозяйственным способами за 1989 год и задачах по основным направлениям строительства на 1990 год». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного Туркестанского Военного Округа № 018. «27» марта 1990 г.

озчиликни ташкил қилиши ўша давр статистикасида яққол намоён бўлади. Мазкур билим юртларига 1986–1988 йилларда қабул қилиниб, 1989–1991 йилларда тугаллаган битирувчилар таркибидаги ўзбеклар сони куйидагича эди:

Билим юрти номи	Йиллар	Жами битирувчилар	Ўзбеклар	Фоиз хисобида
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти	1989 йил	140 киши	25 киши	7,8 %
	1990 йил	150 киши	34 киши	22,6 %
Чирчик олий танк қўмондонлик билим юрти	1989 йил	280 киши	18 киши	6,4%
	1990 йил	279 киши	25 киши	8,9%
Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик билим юрти	1989 йил	360 киши	28 киши	7,7%
	1990 йил	329 киши	15 киши	4,5%
	1991 йил	320 киши	19 киши	5,9%

Туркистон Ҳарбий Округининг Ўзбекистонда жойлашган қисмларида ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммолар йил сайин кучайиб, кескинлашиб борган. Қайта куриш даврида жамиятда мавжуд муаммолар каторида армия сафидаги тартибсизликлар ҳам кескин танқид остига олина бошланди. Тарихий маълумотларнинг кўрсатишича, ҳарбий қисмлардаги салбий ҳолатлар чуқур илдиз отиб кетган эди. Хусусан, ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларни таҳқирлаш, жисмоний азоб бериш, сиқувга олиш ҳолатлари, жавобгар шахсларнинг жазога тортилмай қолаётгани, ёш хизматчиларнинг химоясиз, чорасиз қолгани аниқланган³⁵⁵.

1989 йилга мансуб маълумотлар ҳарбий интизом янада ёмонлашганлигини, ҳуқуқбузарлик кўпайиб кетганлигини намоён қилади. Бир даврда ҳуқуқбузарликларнинг 50% ички-

³⁵⁵ «О фактах неуставных взаимоотношений между военнослужащими в мед и наказании виновных.» Выписка из приказа командующего войсками и краснознаменного Туркестанского Военного Округа. №023. 6 апреля 1987 г.

ликбозлик, 46% хизматдан кетиб қолиш билан боғлиқ бўлган. Ҳарбий хизматдагиларни таҳқирлаш, техника талафотлари, одамларнинг ҳалок бўлиши ва шикастланиши, ҳарбий курувчи, ишчи, хизматчи ва офицерлар ўртасида келишмовчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари аниқланган. Хавфсизлик чоралари бузилгани туфайли 20 киши ҳалок бўлган, 48 та ҳарбий хизматчи жароҳатланган, 4 киши таҳқирларга чидай олмай, ўз жонига қасд қилган³⁵⁶. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда санитар ҳолат талабга жавоб бермаган, юкумли касалликлар кўпайган.

Ҳарбий гарнизонлар сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлиги (Термиз, Тахта бозор ва х.к.), озик-овқат маҳсулотлари сифатсизлиги, яхши сақланмаганлиги, дезинфекция ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, шахсий гигиена учун шарт-шароитлар етарли эмаслиги юкумли касалликлар кўпайишига сабаб бўлган³⁵⁷. Сўнгги йилларда округ бўйича юкумли касалликлар 3 баробар кўпайган³⁵⁸.

Туркистон Ҳарбий Округининг артиллерия ва ракета қўшинлари қисмлари, бирлашмаларида ҳам ҳарбий интизом бўшашиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кучайиб бораётганлиги аниқланган. 1989 йил давомида бу қисмларда 36 та жиноят содир бўлган ва 6 киши ҳалок бўлган. Хизматчиларни таҳқирлаш, хизматдан кетиб қолиш, техника ва қуролдан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйиш ҳолатлари кўпайган³⁵⁹.

Сўнгги йилларда ҳарбий жисмоний тайёргарлик сусайиб кетган. Ўт очиш машқлари, ҳайдовчилик машғулотлари, жис-

³⁵⁶ «О состоянии воинской дисциплины и службы войск в округе и мерах по её улучшению». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного Туркестанского Военного Округа № 024 «7» апреля 1989 г. г. Ташкент

³⁵⁷ «О неотложных мерах по снижению заболеваемости кишечными инфекциями в войсках округа.». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. №062. 30 июля. 1987 г.

³⁵⁸ Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. №048., 18 октября 1991 г.

³⁵⁹ «О неблагополучном состоянии воинской дисциплины в РВ и А округа и наказании виновных». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. № 076 27 июля 1989 г.

моний машғулотлар, жанговар тайёргарлик, ҳарбий интизом ва тарбиявий ишлар талабга мутлақо жавоб бермаган³⁶⁰.

Ҳарбий интизомнинг ва назоратнинг сустиги туфайли давлат ва ҳарбий мулкни талон-тарож қилиш, қурол-яроғлар ўғирлаш, маҳаллий аҳолига нисбатан зўравонлик қучая борган³⁶¹.

Ҳарбий қисмларда иқтисодий инкироз туфайли моддий таъминот ҳам йил сайин оғирлашиб борган. Иқтисодий таъназул шароитида муҳофаа тизимига етарли маблағ ажратилмади, нарх-наво ўсиб борди. Ҳарбий қисмларга гўшт, сигир сути, ун, картошка ва бошка маҳсулотлар етказиб бериш кескин қисқариб кетди. Қўшимча кийим-кечак, зарур буюм ва истеъмол моллари, ёқилғи, тиббий аппаратлар ўз вақтида етказиб берилмади³⁶².

Ҳарбий қисмларда миллий муносабатларга етарли эътибор берилмаганлиги туфайли ўзаро низолар қучайди³⁶³.

1989 йили Ўзбекистонда ҳокимиятга Ислом Каримов келиши билан республикадаги вазият ўзгара бошлади. Армиядаги аҳвол кескин танқид остига олинди ва И.Каримов томонидан муаммоларни имкон қадар ҳал этиш ҳаракати бошланди. 1990 йил март ойида собиқ иттифок республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу эса ислохотлар, мустақиллик ва таракқиёт

³⁶⁰ «О состоянии боевой и мобилизационной готовности, боевой и политической подготовки в мсд и мерах по их улучшению». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО №091 20 августа 1990 г.

³⁶¹ «О состоянии работы командиров, политорганов и штабов по укреплению воинской дисциплины в 1990 году и повышению ответственности руководящих кадров по выполнению требований ЦК КПСС, МО СССР о наведении и поддержании твердого уставного порядка, изжитии правонарушений, связанных с уклонениями от военной службы, глумлениям и издевательствам гибелью и увечьем людей». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. №01. 17 января 1991 г.

³⁶² «О результатах работы комиссии Тыла ВС СССР по проверке хода устранения недостатков, выявленных в феврале 1990 года». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. №05 14 января 1991 г.

³⁶³ «Состояние и практические меры по углублению перестройки идеологической работы, обеспечению реализации установок по совершенствованию межнациональных отношений, дальнейшему сплочению многонациональных воинских коллективов». Выписка из приказа командующего войсками Краснознаменного ТВО. №017. 27 марта 1990 г.

учун курашларни жадаллаштирди. Президент Ислоҳ Каримов бошчилигида мамлакатда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий инкирозни бартараф этиш мақсадида барча соҳаларда дастлабки ижобий ўзгаришлар бошланди. Хусусан, Президент И.Каримовнинг жонбозлик билан олиб борган амалий саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек ўғлонларини турли республикалардаги қурилиш батальонларига чақирилиши нисбатан қисқарди. Агар 1986 йилда армия сафига чақирилган 172778 кишидан 21 % қурилиш батальонига олинган бўлса, 1990 йилга келиб армия сафига 136454 киши чақирилди ва шулардан 13.9 % қурилиш батальонларига олинди. 1991 йилга келиб эса армияга янада камроқ – 100582 киши чақирилди ва шулардан 10.8 % қурилиши батальонларига олинди.

Аммо республика ҳудудида жойлашган Туркистон Ҳарбий Округи марказга бўйсунган давом этди. Туркистон Ҳарбий Округи собиқ СССР Мудофаа вазирлиги таркибидаги минтакавий округ бўлиб, тўғридан-тўғри марказга бўйсунган ва Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР(қисман), Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР ҳудудларини қамраб олган эди. Округ таркибидаги қўшилмаларнинг катта қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган эди. Улар нафақат чегарани кўриклаш, балки республика ҳудудида СССРнинг ҳарбий ҳукмронлигини сақлаб туриш, марказ ва умуман, совет ҳокимияти манфаатларини таъминлашга хизмат қилган. Айниқса, 1980- йилларнинг охири – 1990-йилларнинг бошида СССР парчаланиши арафасида марказ ушбу минтақада совет ҳокимияти ҳукмронлигини сақлаб туришда Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кучига таянган ҳолда, ўзининг аввалги таъсирини сақлаб қолишга уринган.

Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари таркибида 1991 йил қузида 3200 дан ортиқ қўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалар бўлган. Ҳарбий хизматчиларнинг умумий сони 108 минг кишига етган. Бундан ташқари, округ ҳудудида марказга (Москвага) бўйсунувчи қўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалар бўлиб, уларда 170 мингдан ортиқ киши ҳарбий хизмат ўтаган. Булар жумласига стратегик мақсадли ракета қўшинлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво-десант қўшинлари ва шу каби бошқа қўшинлар бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида ҳаво ҳужумидан муҳофаа армияси бошқармаси, ҳаво армияси бошқармаси ва ҳаво-десант дивизияси жойлашган эди.

Туркистон Ҳарбий Округи бошқармаси Тошкентда жойлаштирилган эди. Армия кўшинлари ва уларнинг бошқармаси Олмаота, Фрунзе, Норин, Пржевалск, Сари-Озек, Чунжа, Семипалатинск, Уст-Каменогорск, Қарағанда, Аягуз, Зайсан, Бурундай, Қапчиғай, Первомайский гарнизонларида жойлаштирилган. Корпус кўшинлари ва бошқармаси Ашхобод, Кушка, Қизил-Арвот, Бикров, Байрамали, Каттақўрғон, Небитдағ, Тахта-Бозор, Казанжик, Тежен, Жебел, Чоржўй, Мари гарнизонларида ҳамда Самарқанд, Термиз, Душанбе ва Гулча гарнизонларида жойлаштирилган.

Округга бўйсунувчи кўшинлар Тошкент, Ашхобод, Отар-Гвардейский посёлкаси, Иолотан, Фарғона, Ўш, Озодбош, Қарши, Талдиқўрғон, Королевка, Карағанда, Актюбинск, Байрам-Али, Катта-қўрғон, Самси, Семипалатинск, Чимкент, Георгиевка, Вячеславка, Новие Солонки, Беловодское, Бухоро, Чирчик, Қўкон, Шенгелди, Жамбул гарнизонларида жойлаштирилган эди.

1990 йил 4 сентябрда Президент И.Каримов республика ёшларини ҳарбий хизматни ўташ тартибларини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонга имзо чекади³⁶⁴. Унга кўра Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилаётган Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, уларнинг оилалари манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақиришни ва хизматни ўташини такомиллаштириш мақсадида 1990 йил кузги чакириқдан бошлаб ўзбекистонлик йигитларни республикадан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилди, уларни СССР Қуrolли Кучларига тегишли Иттифок идораларининг республика ҳукумати билан тузилган шартнома асосидагина жалб этишлари белгилаб қўйилди.

³⁶⁴ Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматини ўташини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг фармони. УП-52 04.09.1990 й.

Бунинг учун Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши 1991 йил баҳорги чакирикка қадар тегишли Иттифок идоралари билан чакирилувчилар сонини, уларнинг ҳарбий хизматни ўташ шартларини, уларнинг хавфсизлиги ҳамда муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий жихатдан ҳимоя қилинишига қафолатларни белгилаб берадиган шартномалар тузиши лозим эди. Фармонга кўра тинчлик даврида ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида акаси ёки укаси ҳалок бўлган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чакириш тақиқланган. Шунингдек, шикастиши натижасида ногирон бўлиб қолган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, ҳамда ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганларнинг оилаларига жумхурият маблағи ҳисобидан кўшимча нафақа белгиланди.

Ушбу Фармоннинг 1,2,3-бандларининг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, армияга чакирилувчиларнинг ҳарбий хизматни ўташида конституцион нормаларга сўзсиз риоя қилиниши учун тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссарлигига республика идораси мақоми берилади, республика ҳарбий комиссарлиги тўғрисидаги Низом Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этилиши кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши армияга чакирилиш ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, чакирик комиссияларида қаттиқ тиббий назоратни таъминлаш ишларини ташкил этиш учун кўшимча равишда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозими жорий этилади, ҳамда Қорақалпоғистон МСЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоят ижроия кўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) га биттадан штат ажратилади.

Офицерлар таркибини тайёрлаш мақсадида туб миллатга мансуб йигитларни танлаш ва уларни ҳарбий ўқув юртларига юбориш, ҳарбий комиссарликларда ўзбек тилини ва мазкур жойда яшовчи кўпчилик аҳолининг тилини билладиган ходимларни кўпайтириш вазифалари белгиланади.

1990 йил 7 майда Президент И.Каримов Иккинчи Жаҳон уруши ногиронларига, катнашчиларига, байналмилал жанг-

чиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига фашизмга қарши ғалабанинг 45 йиллиги нишонлаш муносабати билан кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.³⁶⁵ Унга кўра, уруш қатнашчилари, байналмилал жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида уй-жой билан таъминлаш, ҳамда 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб уй-жой учун тўловларидан озод этиши, уруш қатнашчилари яшаётган давлат ва идоралар тасарруфидаги уй ҳамда квартираларни уларга шахсий мулк сифатида бериш, уй-жойларни таъмирлаш, яшаш ҳамда ижтимоий шароитларини яхшилаш вазифалари кўйилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди ва кейинги туб ўзгаришлар учун чексиз имкониятлар яратди.

³⁶⁵ «Улуғ ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилал жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига совет халқининг Улуғ ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш муносабати билан кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони. 07.05.1990 й. № УП-4 (Мазкур Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 14 апрелдаги УП-2832-сонли Фармони билан ўзгартиришлар киритилган).

5-Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ АРМИЯНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ВА ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Халқимизнинг тинчлик ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим.

И. КАРИМОВ

5.1. Қуролли Кучлар ҳукукий асосларининг яратилиши

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданок табиат инъом этган, меҳнаткаш халқимиз томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни, мустақиллик, хавфсизлик ва худудий яхлитликни ҳимоя қилувчи, барқарор ва изчил демократик ривожланишнинг ишончли ва мутаҳкам кафолати бўла оладиган миллий армияни шакллантириш давлат сиёсатининг бош масалалари сифатида қаралди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Қуролли Кучларининг асосчиси ва Олий Бош қўмондони сифатида оғир ва мураккаб вазиятга қарамай, кун тартибига ҳар томонлама таъминланган, профессионал, замонавий талаб ва стандартларга жавоб берувчи миллий Қуролли Кучларни ташкил этиш масаласини қўйди ва бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини шакллантиришнинг ҳукукий асосларини яратишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармонида асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди ва унинг вазифалари белгиланди. Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига умумий сафарбарлик, Миллий гвардияни тузиш, фуқаролар мудофаасини амалга оши-

риш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, ҳарбий хизматга чақириш ва муқобил хизматни ташкил қилиш, кўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш вазифалари юклатилди.

1992 йил 14 январда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида»ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собик иттифок Қуролли Кучларининг барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлар уларнинг қаршилигига қарамай, Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. 1992 йил 24 мартда Миллий ҳавфсизлик хизмати қошида Чегара кўшинлари бошқармаси ташкил этилиб, мамлакат ҳудудидаги чегара кўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

1992 йил 18 майдан эътиборан ҳаво десантлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка кўшинлари, таъминот қисмлари, 1992 йил 12 ноябрдан эса ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар, 13 ноябрдан қимёвий ҳарбий қисмлар давлат тасарруфига олинди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари бўйича Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган сессиясида ёш мустақил давлатнинг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг асослари белгиланди. Шу кунги Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ҳарбий қасамёд тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари қурилиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қуролли Кучларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, унинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги, фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурлиги, 125-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли

Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш конун билан белгиланиши, 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эгаллиги кўрсатиб ўтилган.

Республика Олий Кенгашининг XIV сессиясида (1994 йил 29 декабрь) қабул қилинган конунга асосан 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» деб белгиланди ва ҳар йили нишонландиган бўлди.

Миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3 сессиясида Ҳарбий Доктрина қабул қилинди. Унда Ўзбекистонда давлатнинг муҳофаа соҳасидаги ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишлари ўз аксини топди. Умумдавлат аҳамиятига молик ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий сиёсатининг асослари, ҳарбий қурилиш ҳамда фаолиятдаги асосий тамойил ва устувор вазифалари белгилаб берилди.

2000 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси ўз ҳарбий сиёсати муҳофаа характерига эга эканлиги, давлатлараро муносабатлардаги зиддиятларни ҳал этишда тинчлик йўлини тутиши, урушни инкор этишини маълум қилиб, Ҳарбий доктрина ўрнига Муҳофаа доктринасига ўтди. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан муносабатларда мамлакатнинг миллий-давлатчилик манфаатлари устуворлиги, ўзаро манфаатдорлик, тенг ҳуқуқчилик, ички ишларга аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл ва музокара асосида ҳал этиш, давлатлараро чегараларни бузмаслик ва ўзгартирмаслик тамойилларига асосланишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси муҳофаа доктринаси мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган расмий қарашлар, тамойил ва ёндашувлар, амалий чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассам этган. Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ишончли ҳимоясини таъминлаши учун юксак жанговар қобилиятга, иқтисодий, ҳарбий-техник ва илмий салоҳиятга эга бўлиши

лозим. Шу билан бирга мамлакат мудофаасини, тинчликни сақлашда жамиятдаги ҳамжихатлик, ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик фазилатлари, Ватанга бўлган муҳаббати ва садоқати муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунида мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, бироқ юртимизга уюштирилган ҳар қандай тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш (Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан истисно);

– халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;

– ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;

– ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуроли мижозларнинг хусусиятига монанд бўлиши;

– ядро қуроли ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришни рад этиш;

– мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

– ҳарбий хизмат нуфузини таъминлаш.

Қонунга асосан, Қуроли Кучларга Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони раҳбарлик қилиши белгиланди.

Уруш вақтида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири қуроли кучлар Олий Бош Қўмондонининг ўринбосари вазифасини бажаради.

Қуроли кучлар кундалик фаолиятининг раҳбарлигини вазирилик, давлат қўмиталари раҳбарлари амалга оширади.

«Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга асосан, давлат раҳбарининг ҳарбий масалалар бўйича вазифалари белгиланди. Мазкур қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидаги ваколатларни бажаради:

– Ўзбекистон Республикасининг мудофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишнинг асосий йўналишларини белгилайди;

– Мудофаа соҳасидаги давлат бошқармасининг органлари фаолияти устидан раҳбарлик қилади;

– Ўзбекистон Республикаси мудофаасини таъминлаш, суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича муҳим чоралар кўради;

– Куролли кучларни барпо этиш ва уларнинг таракқиёти ҳамда мудофаани ташкил қилиш бўйича давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлайди;

– Ўзбекистон Республикасининг куролли кучлар ва бошқа ҳарбий ташкилотларнинг тизими ва таркибини тинчлик ва уруш даврида тасдиқлайди;

– ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш ҳамда халқаро тинчликка йўналтирилган тадбирларда қатнашиш бўйича қарор қабул қилади ва буйруқ беради;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўрнатилган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасига ҳужум бўлганда, босқинчиликдан мудофааланишнинг ўзаро мажбуриятларни бажариш зарурияти юзага келганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ёки алоҳида жойларда фавқулодда ҳолатни ҳамда аҳолини умумий ёки қисман жалб этишни эълон қилади;

– Куролли кучларнинг Олий Қўмондонлигининг лавозимларига тайинлаш, лавозимдан озод қилиш, олий ҳарбий унвонлар билан тақдимлаш ҳуқуқига эга. Ҳарбий хизматга оид Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сонини, уларнинг ҳарбий хизматни ўташи, ҳарбий хизматга чақирувдаги фуқароларнинг ҳарбий рўйхатга олиш тартибини, уларни куролланиш ҳажми, Куролли Кучлар ва мудофаа эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳарбий техник ва ашёвий мулк ҳамда маҳсулот ва бошқа моддий-техникавий ашёларни белгилайди;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тезкор ҳарбий хизматга чақируви бўйича қарорларни қабул қилади;

– мамлакат иктисодиётининг сафарбарликка тайёргарлигини ҳамда давлатнинг сафарбарлик ва стратегик резервларидан фойдаланишни тасдиқлайди;

– ҳарбий олий ва ўрта махсус, ҳарбий таълим факультетлари ҳамда ҳарбий тайёргарлиги бўйича марказларини ташкил қилади, қайта тузади ва бекор қилади.

«Мудофаа тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон куролли

кучларининг асосий тамойиллари ҳам белгилаб берилди. Бу тамойиллар куйидагилардан иборат:

- Қонун устуворлиги;
- Марказлашган бошқарув ва ягона кўмондон;
- Доимий жанговар тайёргарлик;
- Партиясизлик;
- Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш.

Қуролли кучлар бошқарувининг ягона тизимини шакллантириш, мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини, кўшин турларининг ўзаро алоқасини таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун Қуролли Кучларнинг Бош штабини Бирлашган штабга айлантириш зарурияти юзага келди. 2000 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари Бирлашган штаби Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимояси бўйича қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ягона ташкилот ваколатини олди.

Қуролли Кучлар фаолиятидаги муҳим масалалардан бири – бу ёшларни ҳарбий хизматга жалб этиш масаласи бўлиб, бу борада ҳам янги тартиблар ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Маълумки, мустақилликка қадар, яъни совет даврида Ўзбекистондан чакирилган йигитлар, одатда, экстерриториал тамойилга асосан республика ҳудудидан олисда, шу жумладан, иттифок чегарасидан ташқарида ҳарбий хизмат ўтар эдилар.

Ўзбекистон Республикасида Қуролли Кучларини шакллантириш борасида қабул қилинган фармон, қарор ва қонунлар бундай аҳволга барҳам берди. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, Литва, Латвия, Эстония, Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова, шунингдек, Кавказорти ҳарбий округи ва Каспий флотилиясида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бир ой муддат ичида Ўзбекистонга чакирилди ва қайтарилди. Уларнинг 18 ойдан кўп хиз-

мат қилганлари захирага бўшатилади. 18 ойдан кам хизмат қилганлар эса Ўзбекистон ҳудудидаги қўшинларга хизматни давом эттириш учун юборилди. Шу билан бирга, уларга муддатли ёки муқобил ҳарбий хизматни ўташ учун танлов имконияти берилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги, шунингдек, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳақида» (1992 йил 6 октябрь) ҳамда «Фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирик тўғрисида»ги қарорларида Ўзбекистон фуқаролари фақат ўз республикасида ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини бутлаш ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият ўз ичига фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга чақириш (кириш), чақирув ёки шартнома бўйича ҳарбий хизмат ўташ, резервдаги хизмат ва муқобил хизмат ўташ, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этиш, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз содир этилганида аҳолини муҳофаза этиш чора-тадбирларини қамраб олади.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бир қатор тоифаларга бўлинади, хусусан: а) чақирилувчилар – номлари туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган бўлиб, ҳарбий хизматга чақириладиган фуқаролар; б) ҳарбий хизматчилар – ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтаётган фуқаролар; в) ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резерви ёки за-

хирасидаги фуқаролар; г) ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган фуқаролар – турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан, истеъфодаги фуқаролар.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига мансуб лавозимларда чакирув ёки шартнома бўйича ўталаётган ҳарбий хизматдир. Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

Ҳарбий хизматга биринчи марта чакирилган ёки ихтиёрий равишда (шартнома бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқи ва Президентига содик бўлишга Ҳарбий касамёд қиладилар. Муқаддам ҳарбий касамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чакирилганларида ҳарбий касамёд қиладилар³⁶⁶. Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг куйидаги турлари жорий этилган: муддатли ҳарбий хизмат; сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизмат; шартнома бўйича ҳарбий хизмат; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат ўтаган резервдагилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек, сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизмат ўташга яроқли эркак фуқаролар чакириладилар³⁶⁷.

Муддатли ҳарбий хизмат – чакирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизмат ўтамаган

³⁶⁶ Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун. 3-модда.

³⁶⁷ Ўша ерда, 4-модда.

офицерларнинг конун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги мажбурий ҳарбий хизматидир.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга чакирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан йилига бир марта февраль-март ойларида ўтказилади³⁶⁸.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида қуйидагича белгиланган: оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой); муддатли ҳарбий хизматни чакирув бўйича офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой.

Муддатли ҳарбий хизмат ўташ тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади³⁶⁹.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини муддатли ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлаш тадбирлари номзодларни ҳарбий-профессионал жиҳатдан саралаш (хусусан: тиббий ҳулосали текширувдан ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини тест синовидан ўтказиш ва жисмоний тайёргарлигига баҳо бериш) йўли билан ўтказиладиган конкурслар асосида, одатда, ҳудудий тамойил бўйича амалга оширилади.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир кунлик хизмат вақти давомийлиги ҳарбий қисмнинг умумқўшин низомларида баён этилган талабларга мувофиқ тузилган кун тартиби билан белгиланади. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг зикр этилган тонфасига, низомларда белгиланган ҳолатлардан ташқари, ҳар кун 8 соатдан кам бўлмаган уйқу вақти ва 2 соатдан кам бўлмаган шахсий эҳтиёжларни қаноатлантириш вақти берилади³⁷⁰.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ва олий ҳарбий таълим

³⁶⁸ Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги конун, 5-модда.

³⁶⁹ Ўша ерда, 19-модда.

³⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низоми, 208-модда.

муассасалари курсантлари ҳарбий шифокорлар комиссияси томонидан чиқарилган тегншли хулосага мувофиқ сихатгоҳ-курорт даволаш муассасаларида бепул даволанадилар³⁷¹.

Ҳарбий хизматчиларга тўланадиган пул маоши, пул мукофоти ва ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташ билан боғлиқ бошқа тўловлардан даромад солиги чегирилмайди³⁷².

Ҳарбий хизматга жалб этишни изчил йўлга қўйиш мақсадида сафарбарлик-чакирув резерв хизмати ташкил этилган. Уни ташкил этишдан асосий мақсад—умумий ҳарбий мажбуриятларни ижро этишда барча чакирилувчиларга тенг шарт-шароитларни яратиш; махсус дастур асосида ҳарбий билим бериш, жанговар техника ва ўк отиш қуролларида фойдаланишни ўргатиш, чакирилувчиларнинг жанг олиб бориш услубларини эгаллашларини таъминлаш; муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг моддий таъминотини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат ўташ нуфузини оширишдан иборат.

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги шартнома — бу ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ (ҳақиқий ҳарбий хизматни давом эттириш) учун ихтиёрлик асосида фуқаронинг вазирлик орқали давлат билан тузадиган битимидир, унда хизматнинг муддати, томонларнинг ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари ҳамда ҳарбий хизматни ўташнинг бошқа шартлари катъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг мустақилликнинг дастлабки ойларида, аниқроғи 1991 йил ноябрь ойида чакирилувчининг маънавий савиясини ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотлари давомида чакирилувчиларнинг сиёсий жараёнга қизиқиши, ёш аскарлар орасида маънавий, миллий кадриятлар, сиёсий онг саёзлашиб кетганлиги аниқланди. Шу сабабли армия сафида собиқ иттифок Қуролли Кучларидан мерос бўлиб қолган ил-

³⁷¹ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом, 216-модда.

³⁷² Ўша ерда, 220-модда.

латларни йўқотиш, ёшларни нафақат ҳарбий ва жисмоний жиҳатдан, балки маънавий, ғоявий жиҳатдан ҳам кучли қилиб тарбиялаш вазифаси белгиланди. Президент И.Каримовнинг «Биз миллий армиямизни ҳақиқатдан ҳам мутлақо янги-ча, замонавий негизда, авваламбор, юксак маънавият асосда ташкил қилмоқдамиз» ёки «ҳарбий хизматчиларнинг маънавий салоҳиятини, уларнинг онгида маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни руҳий покликка ва қалбан улғайишга чорлайдиган, ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч бўлмиш юксак маънавиятни шакллантириш тарбиявий ишларнинг устувор вазифасидир» деган мазмундаги кўрсатмалари бу соҳадаги устувор вазифаларни янада аниқроқ намоён этади.

Маънавий тарбия энг аввало «Ҳарбий қасамёд» қабул қилишдан бошланиши қатъий белгиланди. Чунки, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «..ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун Ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир». Бунда армияга чақирилувчилар дастлабки кунларданок ўз вазифа ва бурчларини чуқур англаб етишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутилган эди.

1992 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорда Қуролли Кучлар шахсий таркибининг маънавий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш борасида давлат сиёсатини ташкил этиш ва юритиш вазифалари белгилаб берилди. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кундалик газетаси – «Ватанпарвар» газетасини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи имзоланди. Газетанинг асосий вазифаси миллий армияни шакллантириш борасида қўйилган

устувор вазифаларнинг бажарилишини ёритиш, ёшларни миллий ғояларга содиклик руҳида тарбиялаш, уларга ҳарбий-ватанпарварлик руҳини сингдиришдан иборат эканлиги белгиланди.

Мудофаа Вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маданий ҳордик олишлари, фарзандларининг баркамол бўлиб тарбияланишлари учун мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида турли хил маънавий-маърифий мазмундаги тадбирлар энг замонавий техник, информацион воситалар ва технологиялар асосида ўтказилиши йўлга қўйилди.

5.2. Қуроли Кучларнинг таркиби ва вазифалари

Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам, ҳаракатчан ва яхши қуролланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга. Қуроли Кучлар асосан қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус операциялар кучлари терроризмга қарши кураш бўлинмасидан иборатдир.

Қуруқликдаги қўшинлар душман қўшинларининг ҳар қандай турдаги зарбаларни бартараф этиб, уларни яқсон қилиш, душманнинг мунтазам қўшинларини тор-мор этишга қаратилган жанговар ва махсус операциялар олиб бориш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 январдаги қарори билан Миллий гвардияга асос солинди. Миллий гвардиянинг асосий вазифаси – Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдир. Гвардия таркиби фуқароларни ҳарбий хизматга мажбурий ва кўнгилли равишда чақириш орқали ташкил этилди. Гвардия зиммасига бир қанча ўзига хос вазифалар, жумладан, давлат ҳокимиятининг олий органларини қўриқлаш, жамоат тартибини таъминлашда иштирок этиш, чет давлатларнинг расмий вакилларини тантанали ку-

тиб олиш, давлат миқёсидаги маросимларда иштирок этиш юкланган. Шу мақсадда гвардия таркибида фахрий коровул ротаси тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг химоя-сини таъминлаш мақсадида Президент И.Каримовнинг 1992 йил 24 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати қошида чегара кўшинлари бошқармаси ташкил этилди. Мамлакатимиз худудида жойлашган чегара кўшинларининг барча қисм ва бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида 2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳузурида ташкил этилган **терроризмга қарши кураш Корпуси** Республика Қуролли кучларининг оператив бирлашмаси бўлиб, мамлакат худудида қуролли таҳдид, терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш вазифаларини самарали ҳал этишга мўлжалланган.

Ҳарбий-ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари республиканинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий-саноат марказлари, кўшинлар туркумларини, шунингдек, муҳим ҳарбий ва бошқа объектларни душманнинг ҳаво зарбасидан химоя этишга мўлжалланган. Уларнинг асосий вазифаси душман томонидан ҳаво ҳужуми бошланганлигини аниқлаш, бу ҳақда хабар бериш ҳамда душманнинг ҳаводаги учиш аппаратларини йўқ қилишдан иборат. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинларида тинчлик даврида жанговар навбатчилик жорий этилган. Уруш даврида эса қурукликдаги кўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари билан биргаликда ҳаво ҳужумидан мудофаанинг бирлашган тизимини ташкил этади. Самолёт ва вертолётларга эга, замонавий қурол-аслаҳа, навигация воситалари ва радиоэлектрон қурилмалар билан таъминланган ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари давлатимизнинг ҳаво чегаралари ишончли химоя қилинишини таъминламоқда.

Юқорида қайд этилган кўшин турларидан ташқари барча ҳарбий округларда ҳар қандай вазиятда ҳам террорчилар-

ни бартараф этиш учун мўлжалланган ностандарт қарорлар қабул қилишга, хавф-хатарлар билан кечадиган махсус операцияларни амалга оширишга қодир, нисбатан кам сонли, ўз-ўзини таъминлай оладиган, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган бўлинмалар тузилган.

Юқорида қайд этилган қуролли қучлар турларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун техник ва фронт орти таъминоти бўлинмалар ҳамда қисмлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш ва мудофаа қилишни таъминлаш мақсадида тузилган Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари алоҳида мустақил қўшин ҳисобланади.

Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг қўшин тузилмалари Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича махсус ва қўшимча вазифаларни ҳал этишга жалб этилади.

Тинчлик даврида Қуролли Қучлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлайди, хавфсизликка таҳдидни бартараф қилиш воситаларидан бири ҳисобланади. уруш даврида Қуролли Қучлар давлат хавфсизлиги ва суверинитетини ҳимоя қилиш вазифаларини тўла бажаришга қодир.

Совет даврида ҳарбий соҳада миллий кадрлар тайёрлашга нисбатан шовинистик сиёсат туфайли Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий кадрлар нихоятда танқис эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди³⁷³. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ҳарбий таълим тизимини тубдан ўзгартириш, ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни тақозо этарди. Ўзбекистон Қуролли Қучларининг шаклланиши ана шундай кескин шароитларга тўғри келди.

Шу ҳолатларни назарда тутиб, мамлакатда ҳарбий кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Илгари тор мутахас-

³⁷³ *И.Каримов. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақкам қафолатидир. Тошкент. 2003 йил. 20-бет.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

ҲАЁТИДАН
ЛАВҲАЛАР




Менинг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этсин, унинг сафларида хизмат қиладиган фарзандларимиз ўзи туғилиб ўсган, вояга етган, ота-боболарининг хоки ётган муқаддас заминимизга бир умр садокатли бўлсин.

ИСЛОМ КАРИМОВ

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ,
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ***





























сисларни тайёрловчи билим юртлари кенг камровли мутахассислар тайёрлайдиган билим юртларига айлантирилди, янги билим юртлари очилди, фукаролик олий ўқув муассасалари ҳарбий кафедраларида захира офицерлари мутахассисликлари рўйхати қайта кўриб чиқилди.

Мустақиллик йиллари ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар мамлакат ёшлари орасида ҳарбий хизмат нуфузини оширди. Буларнинг барчаси амалда Қуролли Кучларнинг Ўзбекистон Республикасида туғилган маҳаллий ҳарбий кадрлар билан таъминлашга имкон яратди.

Республика ҳудудида жойлашган кўшилма ва қисмлар Ўзбекистон тасарруфига ўтган даврда маҳаллий ҳарбийлар 30 фоиздан ошмас эди, ҳозирги кунда ЎЗР Қуролли Кучлари таркибини 100 фоиз маҳаллий кадрлар ташкил этади.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш масалалари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг кенг камровли тизими ташкил этилди. Оператив-тактик бўғин офицерларини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ташкил этилди. Тактик бўғин офицерларини тайёрлаш Тошкент умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчик олий танк кўмондонлик – муҳандислик билим юрти, Самарканд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультетида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан 1994 йил 15 август ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини 1995 йил 2 сентябрда бошлади. Унинг фаолияти мамлакатда олий ҳарбий маълумотли оператив-тактик поғонага мансуб офицер кадрларни ҳамда ҳарбий фанлар соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб борадиган илмий-педагог ходимларни тайёрлашга қаратилган. Шу билан бирга, Академия зиммасига Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган самарали илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, ҳарбий ва му-

дофаа курилиши бўйича илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳарбий бошқарув органлари фаолиятида ва ҳарбий, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ушбу тажрибалардан самарали фойдаланишга оид таклифларни ишлаб чиқиш, олий кўмондонлик таркиби, кўшилма ва бирлашмалар бошқарув тизимига мансуб офицерлар малакасини оширишни ташкил этиш каби вазифалар ҳам юкланган.

Тошкент Олий Умумқўшин Кўмондонлик Билим юрти. Тошкент Олий Умумқўшин Кўмондонлик Билим юрти (ТОУҚБЮ) 1918 йил 12 июлда Тошкент шаҳрида ташкил этилган. 1993 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ, билим юртининг штат тузилмаси такомиллаштирилиб, кўп соҳали дастур бўйича офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Билим юртида мотоўқчи, разведка ва чегара бўлинмалари учун бўлажак офицер-мутахассислар, тарбия ишлари бўйича командир ўринбосарларини тайёрлаш бошланди.

1992–2009 йилларда билим юртида тўрт минг нафардан ортик офицер-кадрлар тайёрланди. 256 нафар битирувчи билим юртини аъло баҳоларга тамомлади, офицер ва сержантлар таркибининг шартнома асосида хизмат қилаётган 17 нафар ҳарбий хизматчиси, курсантлар, хизматчилар Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Ҳозирги кунда ТОУҚБЮ Республикада Қуролли Кучларнинг умумқўшин бўлинмалари ва чегара қўшинларига мансуб кўмондонлик-тактик поғоналаридаги лавозимлар учун юкори малакали офицер-кадрларни тайёрлаб берадиган етакчи олий ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти. Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1918 йилнинг 16 ноябрида Нижний Новгород шаҳрида ташкил этилган. 1941 йилнинг 1 ноябрида билим юрти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди ва унга 1947 йилда Тошкент танкчилар билим юрти номи берилди. 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан юртимиз ҳудудида мавжуд ҳарбий қисм ва муассасалар

каторида Тошкент танкчилар билим юрти ҳам Ўзбекистон та-сарруфига ўтказилди. Шу даврдан бошлаб билим юртининг ҳаётида янги тарихий саҳифалар очилди. 1993 йилда билим юртига Чирчик олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти номи берилди.

Мустақиллик йилларида билим юрти бир қанча ихтисос-ликларга мансуб офицер-кадрлар тайёрлайдиган олий ҳарбий билим масканига айланди ва бугунги кунда танкчи-командир, танкчи-муҳандис, ҳаво-десант кўшинлари бўлинмаси коман-дири, ҳаво-хужумидан мудофаа кўшинлари бўлинмаси ко-мандири, ҳаво-хужумидан мудофаа кўшинлари бўлинмаси муҳандиси каби мутахассисликлар бўйича офицер-кадрларни тайёрлайди.

Билим юртида юқори малакали профессор-ўқитувчилар бўлажак командирларга жангни замон талабларига мос ра-вишда ташкил этиш, жанговар таъминотни амалга оши-риш, бўйсунувчи бўлинма жангини мохирона бошқаришга оид назарий ва амалий билимлар берадилар. Машғулотлар махсус жиҳозланган синфлар ва дала ўқув майдонларида ўтказилади. Шунингдек, билим юртида курсантлар турли қурол-яроғларнинг тузилиши ўргатилиб, улардан нишонга қарата аниқ ўт очиш кўникмалари шакллантирадилар. Ама-лий машғулотлар учун мўлжалланган, замон стандартлари ва талабларига мос равишда жиҳозланган ўт очиш майдонлари ташкил этилган.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти. Самарқанд олий ҳарбий авто-мобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти тарихи 1969 йилнинг 20 октябрдан бошланган. Билим юртига 1991 йил май ойида республика Президенти Ислоҳ Каримовнинг таш-рифи ва юртимизнинг мустақилликка эришиши ушбу маскан тарихида янги саҳифа очди. 1992 йилнинг 12 сентябрида би-ринчи курс курсантлари ўз мустақил Ватани ва Президенти-га садоқат билан хизмат қилишга тантанали равишда Ҳарбий касамёд кабул қилдилар.

Ҳозирги кунда билим юртида Қуролли Кучлар учун ав-томобиль бўлинмалари, муҳандислиги тактик-қўмондонлиги, артиллерия тактик-қўмондонлиги, кимёвий кўшинлар тактик-

қўмондонлиги, муҳандислик қўшинлари тактик-қўмондонлиги, ракета-артиллерия ўқ-дорилари ва қуроллари тактик муҳандислиги, фронторти таъминоти тактик-қўмондонлиги (кийим-кечак таъминоти, озиқ-овқат таъминоти, ёкилғи-мой маҳсулотлари таъминоти) бўйича кадрлар тайёрланади.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 20 июндаги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1994 йил 9 июлдаги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-Ҳаво кучлари қўмондонининг 1994 йил 1 августдаги фармойишига асосан ташкил этилган. Билим юртида вертолёт авиациясининг қўмондонлик-тактик мутахассислиги бўйича учувчи-муҳандислар, жанговар бошқарув офицерлари, штурманлар, самолёт ва двигателлар бўйича муҳандис-техниклар, авиация қуроллари бўйича муҳандис-техниклар, авиация жиҳозлари бўйича муҳандис-техниклар, радиоэлектроника жиҳозлари бўйича муҳандис-техниклар, ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

1997 йилнинг октябрь ойида билим юртини учувчилик ва муҳандис-техник мутахассисликлари бўйича 97 нафар ёш офицер биринчи қалдирғочлар сифатида тамомладилар. Билим юрти ўз фаолияти давомида 1303 нафар авиация мутахассисини етиштирди. Улар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва бўлинмаларида турли лавозимларда Ватанни химоя қилишдек олийжаноб ва масъулиятли вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ЎзР ВМ нинг 1993 йил 13 майдаги қарорига асосан ташкил топган бўлиб, Қуролли Кучлари сафига офицер кадрларни тайёрлаб берадиган олий ҳарбий билим юрти ҳисобланади. Факультетда ўқув жараёни «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасалари низоми»га мос ҳолда, телекоммуникация ва радиотехника таълими йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган.

Бўйсунувчи бўлинмаларни бошқаришга кодир, ташки-

лотчилик ва ишчанлик кўникмалари ривожланган, мустакил Ўзбекистоннинг миллий ғоя ва мафкурасига содик, дунёкараши кенг, интеллектуал салоҳиятли, етакчилик сифати, она Ватани ва Куролли Кучларидан фахрланиш туйғусига эга ёш офицер-кадрларни тайёрлаш – билим юртининг асосий вазифасидир.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари. Хар бир харбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби Ўзбекистон Куролли Кучлари учун кичик командирларни тайёрлашга мўлжалланган махсус ўқув муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 январдаги «Ўзбекистон Республикаси сержантлар таркибини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида боскичма-боскич тўртта сержантлар тайёрлаш мактаби ташкил қилинди. Харбий округ сержантлар тайёрлаш мактаблари Марказий ва Тошкент харбий округларида, Жанубий-Ғарбий махсус ва Шарқий харбий округларда ташкил этилган.

2007 йили бешинчи сержантлар тайёрлаш мактаби Шимолӣ-Ғарбий харбий округида очилди.

Сержантлар тайёрлаш мактабларини жойлаштириш учун: Марказий харбий округда – Самарканд шаҳри, Тошкент харбий округида – Чирчиқ шаҳри, Жанубий-Ғарбий махсус харбий округда – Қарши шаҳри, Шарқий харбий округда – Наманган вилоятининг Чортоқ аҳоли пункти Шимоли-Ғарбий харбий округи Урганч шаҳрида ташкил этилди.

Сержантлар тайёрлаш мактабининг ўқув дастури харбий хизматчиларга бирламчи тактик бўлинмаларни бошқариш асослари, харбий ҳисобдаги ихтисосликка оид профессионал командирлик маҳоратлари, вазиятга тўғри баҳо бериб, шартитга монанд қарор қабул қилиш, қурол-аслаҳа ва харбий техниканинг қўлланишINI ташкиллаштириш усулларини ўргатишга йўналтирилган.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида жорий этилган таълим-тарбия жараёнининг асосий йўналишлари жумласига давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиё-

сатнинг долзарб муаммоларига оид умумий билимлар, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгилинишлар, менеджмент, бозор иқтисодиёти асослари, тадбиркорлик, кичик бизнес, фермер хўжалигини ривожлантириш каби давлат ва ижтимоий қурилишнинг долзарб масалаларига оид умумий билим ва тушунчалар бериш киради.

Таълим дастури сержантларнинг етакчилик сифатларини ривожлантириш, ҳарбий бўлинмалардаги соғлом маънавий-руҳий муҳитни сақлаш ва педагогик кўникмаларни тарбиялашга йўналтирилган.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқув дастурига мувофиқ Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабида – 20 та ихтиссослик, Марказий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабида – 16 та ихтиссослик, Шарқий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабида – 15 та ихтиссослик, Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабида – 12 та ихтиссослик бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги қарорига асосан, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи, ҳарбий хизмат даврида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, белгиланган шаклдаги тавсияномага эга бўлган фуқароларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади

ЎзР ВМ нинг 2004 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида»ги Қарорига асосан, 5 йил давомида сержантлар таркиби лавозимларида бенуксон хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади ҳамда «Энг илғор сержант» танловининг республика босқичи ғолиблари олий ҳарбий таълим муассасаларига танлов (конкурс) дан ташқари қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлади.

5.3. Миллий армиянинг ривожланиш босқичлари ва ислоҳ қилиш жараёнлари

«...Армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастур яратилди. Бу борада биз ўз олдимизга қўйган бош мақсад ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуроляроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишдан иборат»

И. КАРИМОВ

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дастлабки босқичда Қуролли Кучларни куриш ва қайта ташкил этиш даври бўлиб, бу даврда Ўзбекистон ҳудудидаги қуроляроғ ва техникани сақлаб қолиш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, офицер кадрлар етишмаслиги муаммолари ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этди. Мамлакат раҳбариятининг қуроляроғ ва техникани сақлаб қолиш бўйича кўрган чора-тадбирлари мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнади. Бу босқичда Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий базаси яратилди; замон талабига жавоб берадиган қўшин турлари ва уларни барқарор бошқариш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими барпо этилди; минтақадаги геостратегик вазият ва ҳарбий сиёсий ҳолат ҳисобга олган ҳолда қўшинларнинг жанговар таркиби ва жойлашиш тизими такомиллаштирилди. Бу – давлат чегараларини ҳамда халқимиз манфаатларини ишончли химоя қилиш имконини яратилди.

Кейинги босқичда Қуролли Кучларни ташкил этиш ва

бошқаришнинг мамлакат хавфсизлигига ташки ва ички таҳдидларни чуқур ҳамда ҳар томонлама ўрганиш асосида мутлақо янги тизим юзага келди. Бу босқичда ҳарбий округлар ва чегара худудларини ташкил қилиш, кўшинларни бошқариш самарадорлигини оширишга, жанговар кўшинлар гуруҳларини ташкил этиш ва уларни муҳим операцион ҳамда стратегик йўналишларда жойлаштиришга, Куролли Кучлар Бирлашган штабини, ягона бошқарув тузилмаси ва ҳаракатдаги худудий мудофаа тизимини шакллантиришга катта эътибор қаратилди.

Шунингдек, Куролли Кучлар сонини ҳарбий тайёргарликка зарар етказмаган ҳолда, ҳарбий бўлинмалар сафарбарлиги, тезкорлиги ва ўзини ўзи таъминлаш лаёқатлилиги принциплари асосида сон ва тузилиш жиҳатидан ихчам профессионал армияни шакллантиришнинг мақсадли йўналиши сифатида қамайтириш, Куролли Кучларни ташкил этиш ва бошқаришнинг бутун тузилмасини қайта кўриб чиқиш, армияни комплекс равишда ҳарбий-техник таъминлаш ва модернизация қилиш дастурини амалга оширишни бошлаш каби масалалар диққат марказдаги вазифа бўлди.

Сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини чуқур ислоҳ қилиш босқичи давом этмокда.

Бу босқичда Куролли Кучларни бошқариш ва уларнинг биргаликда ҳаракат қилишига оид ягона тизимни такомиллаштириш, улардан давлат хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини мустаҳкамлашда самарали фойдаланишга қаратилган тадбирлар амалга ошириб келинмокда. Мазкур босқичда амалга оширилган ишлар энг аввало ҳарбий хизматга чақириш тизими ва уни такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда намоён бўлмокда. Муддатли ҳарбий хизмат муддатини қисқартириш, сафарбар-чакирув резервида хизмат қилиш, танлов асосида танлаш, имтиёзлар тизими шулар жумласидандир. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, уларни уй-жой, озик-овқат, маблағ ва тиббий хизматлар билан таъминлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилиши ва амалиётга татбиқ этилиши, техник қайта жиҳозлаш, ҳаракатчан,

Ўзини ўзи таъминлайдиган кучларни ташкил этиш масалалари ушбу босқичда амалга ошаётган энг муҳим тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислох қилиш жараёнида миллий армиямиз, Қуролли Кучларни тузиш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимига ўтилди. Қисқа муддат ичида ҳарбий округлар, чегара минтақалари ва ҳаракатчан бўлинмалар тузилди. Мамлакатимиз мудофаа комплексини бошқариш механизми, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлик қиладиган жанговар тайёргарлик ва оператив-стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди. Мамлакат мудофаа хавфсизлигига нисбатан жиддий таҳдид ва хатарлар мавжуд бўлган операцион йўналишларга ҳарбий қисмларни кўчириб ўтказиш ва жойлаштириш бўйича ғоят кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қўшинларнинг барча турлари ўртасида узвий ҳамкорлик ва уларни бошқариш юзасидан самарали тизим ишлаб чиқилди. Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг такомиллаштирилиши давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурсларни тежаш имконини берди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида» «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, жанговар хизмат фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилди ва мустаҳкамланди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чакирув резерв хизмати жорий этилди. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий, турар жой ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳарбий машқларда моделлаштириш ва симуляция. Қуролли кучларни ва ҳарбий хизматчиларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва изчил модернизация жараёнлари узлуксиз давом этмоқда. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони, Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов бу ҳақда шундай фикрларни қайд этган: «Биз Куролли Кучларни ташкил қилиш ва ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг компьютер технологиялари, моделлаштириш ва симуляция усулларини қўллашга асосланган ўзимизга хос моделини яратдик ва уни ҳаётга жорий этмоқдамиз». ЎЗР ВМ нинг 2002 йил 9 июлдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ахборот технологияларини моделлаштириш ва симуляция бўйича махсус маркази ўз фаолиятини 2004 йил 13 январь куни бошлади. Марказ Куролли Кучлари қўшинлари ва қўмондонлик таркиби, бирлашмаларнинг бошқарув органларига мансуб офицерларга ахборот технологиялари ва симуляция воситаларидан фойдаланиш асосида таълим беришни амалга оширувчи ҳарбий-тадқиқот муассасидир.

Компьютер технологияларини қўллаш негизида ўтказиладиган ҳарбий машқларни моделлаштириш ва симуляция қилиш воситалари ҳамда замонавий ахборот технологияларини қўллашга асосланган, қўшинларни бошқариш бўйича барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларни ўзаро ҳамкорликда ўқитиладиган замонавий таълим шаклидир. Улар қўмондонлик штаб ўқув машқлари сингари, ҳарбий хизматчиларни ўқитишнинг асосий шакли бўлиши билан бирга, қўшинларни бошқаришга тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Симуляция – бу реал ҳаётдаги фаолият турлари ёки жараёнларни ўқув-машқ асосида замонавий ахборот технологиялари ва бошқа воситалар орқали аслига ўхшатиб кўрсатишдан иборат бўлиб, билим олиш жараёнини янада қизикарлироқ қилувчи ниҳоятда самарали бўлишини таъминлайди. Қўшинлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш, жанг майдонида разведка олиб бориш ва нишонга олиш жараёни каби жанговар ўқув операцияларни симуляция қилиш орқали кўргазмали асосда ўргатилади.

Симуляциянинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, улар орасида компьютер симуляцияси илгари маълум бўлмаган янги имкониятларни очиб бермоқда. Қўшинларнинг жанговар ва оператив тайёргарлигини ошириш жараёнига моделлаштириш ва симуляция воситаларининг жорий этилиши, замонавий технологияларнинг қўлланиши туфайли бу жараёнда во-

ситалар (хусусан: ёқилғи, ўқ-дори ва бутловчи қисмлар) сарфи кискаришга эришилди.

5.4. Кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар

Мустақиллик даврида Куролли Кучларда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати йўлга қўйилди. Армияда хизмат қилаётганлар ёки хизмат бурчини аъло даражада бажарганлар учун катта имтиёзлар яратилмоқда.

1994 йил январдан эътиборан ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар, оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳаётини ҳарбий хизмат ўташ (ҳарбий йиғинларда иштирок этиш) даврида жароҳатланиш (контузияланиш) ва касалланиш ҳолатларидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш жорий этилди³⁷³.

1994 йил 1 октябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги муддатли ҳарбий хизматчилар ва махсус ўқув муассасаларида таҳсил кўраётган – курсантларнинг ойлик маошлари уч баробарга оширилди³⁷⁴. Шу билан бирга муддатли ҳарбий хизматчилар ўтаган хизмат даври уларнинг меҳнат стажи ва ихтисослик бўйича иш стажига бир ойи икки ой ҳисобланиб киритилди. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм командири томонидан берилган тавсияномаларга эга бўлган абитуриентларга, уларнинг тест синовларида тўланган балларига, тест синовларида тўпланадиган энг юқори балнинг 10 фоиз кўшиш кўринишида имтиёз берилди.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муд-

³⁷³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 38-сонли «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қарори.

³⁷⁴ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига кўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори.

датли ҳарбий хизматни ўтаётган даврдаги ер солиғи тўлашдан озод қилинди.

1996 йил 30 августдан эса ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар³⁷⁶.

1997 йил 10 январдан муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг ойлик маошлари энг кам иш ҳақиға нисбатан фойз ҳисобида белгилаб қўйилди, эндиликда муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг энг кам ойлик маошлари республика ҳудудида ягона тариф сеткасида қабул қилинган энг кам иш ҳақининг 50 фойзи миқдорида белгилаб қўйилган ёки муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг жорий ойлик маошлари ўртача 1,5 баробар оширилди³⁷⁷.

2003 йил 1 июлдан эътиборан оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларининг: лавозим маошлари – икки бараварга; ҳарбий хизматдан бўшатиладанда бериладиган нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга оширилди³⁷⁸. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга қираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп балнинг 20% миқдорида қўшимча имтиёз берилди.

2005 йил 1 июлидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига мансуб, турар жой билан таъминлан-

³⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 278-1-сонли «Шаҳар йўловчилар транспортда бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни.

³⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 январдаги ПФ-1697-сонли «Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш тўғрисида»ги Фармони.

³⁷⁸ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги 227-сонли Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори.

маган шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга ижарага уй олиб яшаётганликлари учун тўланадиган пул бадалининг миқдори (кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўланадиган тўловлардан ташқари) Тошкент шаҳрида – энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда; Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда; Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари ва аҳоли пунктларида – энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда; оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларга тўланадиган ушбу пул бадалининг миқдорлари 50 фоизга оширилди³⁷⁹.

2005 йил 31 октябрдан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25% миқдорида кўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланди³⁸⁰. Ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўловшартнома асосида қабул қилинади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов шартнома бўйича ўқишга қабул қилинган, ўқиш даврида «Қамолот» ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган талабаларга Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан шартнома суммасининг 35 фоизини тўлаш тариқасида моддий ёрдам кўрсатилади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва улар билан бирга истикомат қилаётган оила аъзоларига, ҳақиқий ҳарбий хиз-

³⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил июндаги ПҚ-112-сонли «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

³⁸⁰ «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

матни давом эттириш учун тайинланган янги жойга етиб келишлари билан уч ойдан кечиктирилмаган тарзда, Ўзбекистон Республикаси конунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган тартиб ва меъёрларга мувофиқ уй-жой ажратиб берилади. Айтилган вақтда ушбу уй-жой, ҳарбий хизматчиларнинг кўшимча истиқомат майдонига бўлган ҳақ-ҳуқуқи инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги балансига ўтказиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки идора тасарруфидаги турар жой майдонлари фонди ҳисобидан ажратиб берилади³⁴⁴.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг офицерлар таркиби ҳамда оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотига, белгиланган хизмат муддатини ўтаганликлари учун ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари 3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда – 15 фоиз; 5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда – 25 фоиз; 10 йилдан 20 йилгача ва ундан ортиқ хизмат муддатини ўтаганда – 30 фоиз қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар учун яратилаётган имкониятлар ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати уларни ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажаришлари учун моддий ва маънавий рағбат бўлмоқда. Бугунги кунга келиб армияда ўз йигитлик бурчини ўтаб, хизмат қилиш катта шарафга айланди.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол Ўзбекистон халқига ўз озодлиги, давлат мустақиллиги, миллий маънавиятини тиклаш ва мустақил тараққиёт йўлини танлаб олиш имконини берди. Айтилган пайтда сўнгги 130 йил давомида мустамлака исқанжасида яшаган халқимиз ўз миллий армиясини ташкил этиш, ватан сарҳадларини мустақил мудофаа қилиш, уни ўз кучлари билан асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш имконига эга бўлди.

³⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларининг турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги 694-сонли қарори билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
--------------	---

1-боб. Ўзбекистонда ҳарбий ишнинг шаклланиш тарихи (қадимги даврдан илк ўрта асрларгача)

1.1. Курол-яроғларнинг ихтиро қилиниши ва ҳарбий маҳоратнинг шаклланиши.....	6
1.2. Қадимги муҳофаа иншоотлари.....	29

2-боб. Ўрта асрларда ҳарбий ишнинг ривожланиши ва такомиллашуви

2.1. Турк ҳоконлиги даври.....	43
2.2. Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар даври.....	59
2.3. Амир Темур – буюк давлат арбоби ва етук саркарда	77
2.4. Бухоро, Хива ва Кўкон хонликлари даври.....	106

3-боб. Мустамлака давридаги ҳарбий сиёсат

3.1. 1860–1870 йилларда Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ва ҳарбий муҳо- рабалар	155
3.2. Бухоро ва Хива хонликларида сиёсий қарамлик шароитида ҳарбий қўшин ҳолати	166
3.3. Туркистон Ҳарбий Округининг мустамлака ҳокимият қуроли сифатидаги фаолияти.....	175

4-боб. Совет армияси: моҳияти, фаолияти ва инкирози

4.1. Қизил армия ва миллий қўшин масаласи.....	185
4.2. Ўзбек халқининг фашизмга қарши курашдаги ҳарбий жасорати.....	197
4.3. Туркистон Ҳарбий Округининг марказ сиёсий мақсадларини амалга оширишдаги фаолияти	213
4.4. Совет ҳокимиятининг инкирози ва армиядаги салбий ҳолатлар	217

5-боб. Ўзбекистон Республикасида миллий армиянинг барпо этилиши ва ҳарбий ислохотлар

5.1. Куролли Кучлар ҳуқуқий асосларининг яратилиши.....	227
5.2. Куролли Кучларнинг таркиби ва вазифалари.....	238
5.3. Миллий армиянинг ривожланиш босқичлари ва ислох қилиш жараёнлари.....	247
5.4. Кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар.....	251

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ИШ ТАРИХИДАН

(Қадимги даврдан ҳозиргача)

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2012

Масъул муҳаррир *Дано Зияева*

Муҳаррир *Ақбар Баҳромов*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчилар: *Лидия Цой, Мастура Атхамова*
Мусаххилар: *Н. Охунжоева, Ю.Бизаатова*

Нашр лицензияси № 201, 28.08.2011 йил

Теришга берилди 23.12.2011. Босишга руҳсат этилди 02.01.2012. Бичими 60x90 $\frac{1}{32}$. «Times» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 16,0. Нашриёт ҳисоб табағи 16,84. Адади 1000 нусха. Буюртма № 2095.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**